Under the influence of soda, the residual fat-wax substances in the fiber become soluble, and the surfactant emulsifies the fat-wax substances that have passed into this soluble state, ensuring their release from the fiber. Various surfactants and soap solutions were used to wash the local wool fiber. The washing quality is assessed by maintaining the fiber length and increasing the wettability. Anionactive SAM - sulfanol NP-1, noionogenic SAM - prevotsel V-OF were used as surfactants in the experiments. Table 1.1 shows the results of the study on the effect of surfactant types on the quality of wool fiber washing. Not only the nature of the surfactant but also the pH of the solution may have affected the washing process. Therefore, the effect of pH on the process was studied. Conclusion From the given diagram we can construct that the length of the fiber and its permeability are proportional when the medium of the washing solution is pH = 9. When the pH value exceeds 10, the elasticity of the fiber gives a good result, but its size decreases sharply, and on the organoleptic analysis, the fragility of the fiber is also felt. Under the influence of soda, the water softens, the swelling of the fiber improves, as a result it is quickly cleared of waste, neutralizes acidic fats. At the same time, as a result of the decrease in the concentration of alkaline agent in the solution, the release of fatty substances in the fiber is also reduced.

References

1. Toshbekov O.A., Ermatov Sh.Q. Dag'al jun tolasi asosida noto'qima matolarning ishlab chiqarish texnologiyasini tadqiqi // Farg'ona politexnika instituti. Ilmiy-texnika jurnali. 2023. T-27, № 3. 95-100 b.
2. Toshbekov O., Ermatov Sh., Qarshiev B. Respublikamizda yetishtiriladigan qo'y zotlaridan olinadigan jun tolalarining xossa ko'rsatkichlari tadqiqi. // Agro ilm-O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi ilmiy-amaliy jurnal. 2023. № 2. 55-58 b.
3. Toshbekov O.A., Urozov M.K., Boltayeva I.B., Hamrayeva M.F. Use of wool fabrics, classification and coding of wool fabrics // World Bulletin of Public Health. 2022. T 11, S. 68-71.
4. Urozov M.K., Toshbekov O.A., Raximova K., Bobomurodov E. Jun tolasi diametri va notekisligi aniqlash. Eurasian Journal Of Academic Research. 2022. Vol 2, № 13. R. 789–791.
5. Toshbekov O.A., Urozov M.K., Baymurova N.R., Hamrayeva M.F. Processes of bleaching and discolouring of wool fibers // International journal of social science & Interdisciplinary research issn. 2022. T 11, № 6. S. 231-235.
6. Urozov M.K., Toshbekov O.A., Raximova K. Junni qalinligini sinovdan o'tkazish usullari. Eurasian Journal Of Academic Research. 2022. Vol 2, № 13. R. 784–788.

ПАХТА ТОЛАЛИ ЧИҚИНДИЛАРИНИ СИФАТ ТАРКИБИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

Жуманиязов Қ.Ж., Шорахмедов Ш.Ш., Рахманкулов Р.Э.

Мақолада пахта толали чиқиндиларини сифат таркиби ва улардан фойдаланиш имкониятларини таҳлили келтирилган. Тадқиқотларда турли таркибли аралашмаларни қайта ишлашда ҳосил бўлган чиқиндиларни йиғиш, дастлабки қайта ишлаш ва ишчи аралашмаларга қўйиш имкониятлари ўрганилди. Тадқиқотлар учта йигирув фабрикасининг ишлаб чиқариш шароитида олиб борилди. маълум бир мақсадда ип ишлаб чиқариш учун аралашма таркибини белгилашда тола синфини синчковлик билан танлаш, толали чиқиндиларининг сифатини миқдорий таҳлилларни ўтказиш, уларни аралаштиришга тайёрлаш учун тозалаш жараёнини дастлаб йирик нуқсонлар ва хор-хасларни ажратиш тартибида ташиқил этиш лозимлиги аниқланди.

Ип йигиришда толали аралашмага қўшиладиган толали чиқиндиларнинг тури ва миқдорини танлаш мураккаб масаладир. Биринчи сабаб - чиқиндилар пайдо бўладиган жойлар ва ишлатилган бошланғич хомашё аралашмаси таркибининг вақт ўтиши билан ўзгарувчанлиги. Иккинчиси, чиқиндилар номига нисбатан ишлатиладиган атама билан, уларнинг ўзига хос сифат таркибини кўрсатиб бўлмайди.

Барча турдаги пахта толасини қайта ишлашдаги иккиламчи моддий ресурсларга O'zDSt 3310-2018 давлат стандарти қўлланилади [1].

Амалиёт шуни кўрсатадики, маълум бир толали чиқиндилар ёки рақамлашнинг стандарт таърифлари уларнинг сифат таркибини етарли даражада тавсифламайди.

Бу маълумотлар дастлабки аралашмага қўшилган толалар синфини ҳисобга олмайди. Маълумки, толалар синфи улардаги нуқсонлар ва ёт аралашмаларининг умумий миқдорини тавсифлайди. Синфлар орасидаги фарқлар толанинг саноат навига ҳам боғлиқ. Қўшни навлар ва синфлар орасидаги нуқсонлар ва ёт аралашмаларининг миқдорий фарқи 0,5% дан 3,5% гача. Одатда бу фарқлар бирламчи аралашмани ҳосил қилишда ҳисобга олинади. Бироқ, ҳосил бўлган чиқиндиларда бу фарқли ўзгариш жуда катта бўлсада, таснифлашда акс этмайди.

Ип йигиришда чиқиндилар миқдор жиҳатидан салмоқли улушга эгаллиги билан бирга, қайта ишлаш учун алоҳида тозалашни тақозо этади. Юқоридаги ҳолатлар ва маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ушбу тадқиқотда турли таркибли аралашмаларни қайта ишлашда ҳосил бўлган чиқиндиларни йиғиш, дастлабки қайта ишлаш ва ишчи аралашмаларга қўшиш имкониятлари ўрганилди.

Тадқиқотлар учта йиғирув фабрикасининг ишлаб чиқариш шароитида олиб борилди. Бу корхоналарда ўрнатилган технологик тизимларнинг учта варианты қўлланилади, улардан иккитасида пневмомеханик усулда иплар ишлаб чиқарилади. Ушбу корхоналарда титиш ва тозалаш, аралаштириш ва тараш жараёнлари Truetzschler (Германия) фирмасининг машиналарида амалга оширилади. Учинчи корхонада ип ҳалқали усулда ишлаб чиқарилади. Бу ерда титиш ва тозалаш, аралаштириш ва тараш жараёнлари JINTAN машиналарида амалга оширилади.

Тадқиқотларда 10 та намуналар танлаб олинди. Уларнинг 2 та намунаси пахта толаси ҳисобланади. 1-жадвалда намуналарнинг номлари, тайёрлаш жойлари ва хусусиятлари кўрсатилган.

1-жадвал.

Толалар ва толали чиқиндилар намуналарининг номлари, жойи ва хусусиятлари

Титиш- тозалаш агрегати ва тараш машиналари	Намуна рақами	Намунанинг тавсифи
JINTAN фирмасининг жиҳозлари	1	5 тип I нав пахта толаси
	2	Тараш машинасида ажралиб, компакторда йиғилган Ст.7,11 чиқиндилар
	3	Компакторда йиғилган орешка ва момиқ Ст.3
Truetzschler фирмасининг жиҳозлари (пневмомеханик усул)	4	4 тип II нав пахта толаси
	5	Тараш машинасидан олинган ва прессланган Ст 7,11 чиқиндилари
	6	Тараш машинасида ажралиб, компакторда йиғилган Ст.7,11 чиқиндилар
Truetzschler фирмасининг жиҳозлари (ҳалқали усул)	7	Тараш машинасида ажралиб, компакторда йиғилган Ст.7,11 чиқиндилар
	8	Компакторда йиғилган орешка ва момиқ Ст.3

Чиқиндиларни тозалаш агрегати УОА-2	9	Тараш машинасининг тозаланган Ст. 7,11 чиқиндилари
	10	Тозаланган орешка ва момик Ст.3

Одатда толалар ва толали чиқиндиларнинг таркибидаги нуқсонлар, толалар ва хор-хас миқдорини аниқлаш ҳамда таҳлили учун қуйидаги усуллар қўлланилади: намунани қўлда саралаш, намуналардаги нуқсонлар ва хор-хасларни қурилмаларда ажратиш, намуналарга реактивлар билан ишлов бериш.

Қўлда саралаш катта меҳнат талаб қилишига қарамай, ушбу усул ҳар хил нуқсонлар ва хор-хасларни айрим турларини синчковлик билан аниқлашга имкон беради. Бундай натижалар нуқсонларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун зарур [2].

Намуналарни қўлда миқдорий саралаш стандарт усул бўйича амалга оширилди [3]. Тажрибаларда намуналардан толали чигит пўстлоғи, чигалликлар ва хор-хаслар қўлда алоҳида қилиб ажратиб олинди, тарозида тортилди. Уларнинг ҳар бирининг фоизлари аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Намуналарни қўлда саралашда олинган миқдорий натижалар

Намуна рақами	Намунада фракцияларнинг миқдори, %				
	толалар	толали чигит пўстлоғи	хор-хаслар	чигалликлар	кўринмас чиқинди
1	97,42	1,08	1,31	0,12	0,07
2	88,01	5,81	6,04	0,09	0,05
3	73,54	3,70	22,16	0,54	0,06
4	87,81	1,20	10,64	0,32	0,03
5	83,24	2,87	13,67	0,14	0,08
6	58,32	2,88	38,46	0,27	0,07
7	84,68	2,81	11,88	0,62	0,09
8	56,04	8,14	34,49	1,18	0,15
9	84,85	1,52	12,33	1,25	0,05
10	84,21	3,82	11,05	0,83	0,09

Дастлабки таҳлиллар иккинчи корхонада олинган намуналарда хор-хас ва нуқсонларни кўплигини кўрсатди. Бунинг сабаби ўрганилганда, бу корхонада асосий аралашмада 4-типдаги II нав толаларни 6 % толали чиқиндилар билан аралаштириб қайта ишлангани чиқиндилар таркибини сезиларли даражада ёмонлаштиради.

УОА-2 чиқинди тозалаш агрегатида чиқиндиларни тозалашда толали чигит пўстлоғининг миқдори сезиларли даражада камаяди (9-намуна). Шуни ҳам айтиш мумкинки, №3 чиқиндиларда, айниқса паст навли толали аралашмалар қайта ишланганда чигалликлар сони нисбатан кўп.

Бундай қиёсий таҳлилни давом эттириш мумкин, бу чиқиндилар таркибининг бирламчи саралаш таркиби ва ишлатилган технологияга боғлиқлиги тўғрисидаги тахминларни тасдиқлайди.

Намунадаги нуқсонлар ва аралашмаларни ускуналарда ажратиб олиш учун толали материални титувчи барабанли Shirley Analyzer MK2 Cotton Model, SDL Atlas (USA) фирмаси лаборатория жиҳозидан ўтказилди [4]. Намуналарни синаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.


3-жадвал.

Shirley Analyzer MK2 да ўтказилган синов натижалари


Намуна рақами	Намуна массаси, гр	Намунада ташкил этувчиларнинг миқдори, %			
		толалар	толали нуқсонлар (линт)	хор-хаслар	кўринмас (филтрдан) чиқинди
1	50	93,96	3,52	1,56	0,96
2	50	82,66	13,86	2,38	1,10
3	50	65,52	25,36	8,81	0,31
4	50	86,12	7,86	5,84	0,18
5	50	75,72	18,78	5,38	0,12
6	50	41,74	50,36	7,58	0,32
7	50	75,26	19,6	4,86	0,17
8	50	49,14	38,92	11,60	0,28
9	50	55,42	39,36	3,84	1,38
10	36	76,54	21,19	1,94	0,33

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар иккала синов усули учун намуналар таркибидаги толаларнинг миқдори катта фарқланмайди. Аммо, бу ҳолда нуқсонларнинг таркиби, хусусан, йигириш жараёнига тўсқинлик қиладиган ва ипнинг кўринишини салбийлаштирадиган нуқсонлар аниқ кўрсатилмайди. Shirley Analyzer MK2 қурилмасида нуқсонларни турларини алоҳида ажратиш имконияти йўқ.

Толали чиқиндиларнинг таркибини миқдорий кўрсатувчи графиклардан (1-расм, 2-расм) кўринадики, хор-хас миқдори энг юқори бўлган 6-намуна ва унга яқин бўлгани 8-намуна экани аниқланади. Шу билан бирга юқоридаги қонуният сақлангани ҳолда синов усуллари турлича натижа беради.




1-расм. Толали чиқиндилар таркибидаги хор-хас миқдори (1-кўлда; 2- Shirley Analyzer MK2 да)




2-расм. Толали чиқиндилар намуналарида тола ва хор-хас миқдорини ўзгариши (1-кўлда; 2- Shirley Analyzer MK2 да)

Shirley Analyzer MK2 да барабаннинг зарбаси таъсирида намуналарни синовдан ўтказилганда, баъзи мўрт аралашмалар парчаланadi ва кўринмас чиқиндилар миқдори ортади.

Толали материалларни бирламчи ва таркибий қисмларга ажратилганда кўринишларининг тасвири 3- ва 4-расмларда келтирилган. Тасвирлардан кўринадики пахта толаси таркибида ҳам зарарли нуқсонларни миқдори оз бўлсада мавжуд.




3-расм. Қўлда сараланган пахта толаси таркибидаги хор-хас ва нуқсонларни кўриниши: а-тола; б- толали чигит пўстлоғи; с- чигалликлар; д- хор-хаслар



4-расм. Shirley Analyzer MK2 дан ўтказилган пахта толаси таркибидаги хор-хас ва нуқсонларни кўриниши: а-тола; б- толали нуқсонлар; с- филтлдаги момик; д- хор-хаслар

Уларни ўлчамлари ва шаклини инобатга олинганда тола синфини билишнинг ўзи аралашма тузиш учун етарли эмаслигини айтиш мумкин. Чиқиндилар таркибидаги нуқсонлар ва хор-хасни миқдори билан билан бир қаторда сон жиҳатдан ва ўлчамлари бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

5- ва 6-расмларда келтирилган нуқсонларни ва хор-хасларни кўриниши уларни ҳосил бўлиш жойи, тайёрлаш тартиби йиғириш жараёнини ташкил этишда аҳамиятли эканини кўрсатади.



5-расм. Толали чиқиндиларни қўлда саралашда олинган таркибий қисмлари (намуна № 8): а-толали чиқинди; б- толали чигит пўстлоғи; с- чигалликлар; д- хор-хаслар



a



б



c



д

6-расм. Shirley Analyzer MK2 дан ўтказилган толали чиқиндини таркибий қисмлари (намунa № 8):

a-толали чиқинди; *б*- толали нуқсонлар; *c*- фильтрдаги момик; *д*- хор-хаслар

Бунда толали чигит пўстлогининг ўлчамлари ва сони фоиз ҳисобидагидан янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Шундай қилиб, маълум бир мақсадда ип ишлаб чиқариш учун аралашма таркибини белгилашда тола синфини синчковлик билан танлаш, толали чиқиндиларининг сифатини микдорий таҳлилларни ўтказиш, уларни аралаштиришга тайёрлаш учун тозалаш жараёнини дастлаб йирик нуқсонлар ва хор-хасларни ажратиш тартибида ташкил этиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. O'zDSt 3310-2018 Вторичные материальные ресурсы переработки хлопкового волокна. Технические условия.
2. Кукин Г.Н. и др. Текстильное материаловедение (волокна и нити): Учебник для вузов. М.: Легпромбытиздат, 1989.-352с.
3. Кобляков А.И. и др. Лабораторный практикум по текстильному материаловедению: Учеб. пособ. М.: Лег-промбытиздат, 1986.-344с.
4. Каталог продукции фирмы SDL atlas / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://.com/products/trash-analyzer-mk-2#product-standards> (дата обращения: 17.06.20).

ИПНИНГ ХОССАЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ

Жуманиязов Қ.Ж., Шорахмедов Ш.Ш., Раҳманқулов Р.Э.

Мақолада ипнинг хоссаларини башоратлаш учун олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган. Тадқиқотларда ипнинг чизиқли зичлиги 15,4 тексдан 100 тексгача ортиши билан λ_0 ни 18-54% гача ортиши, ипдаги бурам сонини 400-1000 оралигида ортишида қиймати 1,5-2,0 марта камайиши аниқланди.

Ипларнинг асосий хоссалари жумласига киритилган узилиши кучини хомашё тўғрисидаги маълумотлар асосида лойиҳалаш масаласи кўплаб тадқиқотчиларни ишларида ёритилган. Бу кўрсаткичга якка ипнинг узилиш кучи, ипнинг нисбий узилиш кучи ёки узилиш узунлиги атамаси билан, айрим ҳолларда эса пишиқлик деб ном берилган.

Кўп йиллик изланишлар ва тажрибалар асосида пахта толасидан йигирилган ипнинг нисбий узилиши кучини ҳисоблаш учун А.Н.Соловьев қуйидаги формулани тавсия этган [1].

$$R_{un} = \frac{P_T}{T_T} \left(1 - 0,0375 H_0 - \frac{2,65}{\sqrt{\frac{T_{un}}{T_T}}} \right) \left(1 - \frac{5}{l_{шт}} \right) \cdot k \cdot \eta \quad (1)$$

бунда

R_{un} - ипнинг нисбий пишиқлиги, сН/текс;

P_T - толанинг узилиш кучи, сН;

T_T - толанинг чизиқли зичлиги, текс;

H_0 -ипнинг солиштирма нотекислиги бўлиб, технологик жараёнлар сифатини билдиради (карда тизими учун $H_0=4,5\div5\%$; қайта тараш тизими учун $H_0=3,5\div4\%$);

T_{un} - ипнинг чизиқли зичлиги, текс;

$l_{шт}$ - толанинг штапель узунлиги, мм;

k - ипнинг пишитилишига боғлиқ коэффициент (ёки пишитишдаги тузатиш коэффициенти);

η - корхонадаги ускуналарнинг ҳолатини белгиловчи коэффициент (аъло-1,1; яхши-1,0; қониқарли- 0,95).

А.Н.Соловьев формуласини олишда дастлаб нотекисликни ҳисобга олишни тавсия этди. Математик статистикадан маълумки, узилиш кучи (P) нинг минимал қиймати нормал тақсимот қонуниятига биноан ўртача қийматдан бир оз фарқланади. Бу фарқ:

$$P = P_{\bar{y}p} - 3\sigma \quad (2)$$

бунда

$P_{\bar{y}p}$ - ўртача узилиш кучи;

σ - ўртача квадратик оғиш.

Тажриба натижалари нормал тақсимот қонуниятига мос келганда Зоммер формуласига асосан квадратик нотекислик (C) ва чизиқли нотекислик (H) қийматлари орасида қуйидаги боғланиш бўлади:

$$\frac{C}{H} = \sqrt{\frac{\pi}{2}} \approx 1,25 \quad (3)$$

Чизиқли нотекислик формуласи:

$$H = \frac{\sigma \cdot 100}{P_{\bar{y}p}} \quad (4)$$

эканини ҳисобга олсак

$$\sigma = \frac{1,25 \cdot H \cdot P_{\bar{y}p}}{100} \quad (5)$$

Бу ифодани (2) формулага қўйганда

$$P = P_{\bar{y}p} (1 - 0,0375 \cdot H) \quad (6)$$

Ипнинг узилиш кучига бир вақтда узилиш коэффициенти (k_0) билан бирга ипдаги бурамлар ҳам таъсир кўрсатади. Ипдаги бурамлар тангенциал кучни ҳосил қилади. Бу куч ипнинг диаметри- d ва бурамлар сони- K га пропорционал бўлади:

$$U = C \cdot K \cdot d \quad (7)$$

бунда

C -доимий коэффициент (А.Н.Соловьев киритган).

Тангенциал кучнинг нормал ташкил этувчиси - Q толада ишқаланиш кучини юзага келтиради

$$T_0 = f \cdot Q \quad (8)$$

$$Q = U \cdot \cos \beta \quad (9)$$

бўлгани учун

$$T_0 = f \cdot C \cdot K \cdot d \cdot \cos \beta \quad (10)$$

бунда

f -ишқаланиш коэффициенти;

β -бурчак (1-расмга қаранг)


Агарда ипдаги бурамни

$$K = \frac{1}{\pi \cdot d \cdot \operatorname{ctg} \beta} \quad (11)$$

билан алмаштирилса

$$T_0 = \frac{C \cdot d \cdot \cos \beta \cdot f}{\pi \cdot d \cdot \operatorname{ctg} \beta} = \frac{C \cdot f}{\pi} \cdot \sin \beta \quad (12)$$

ҳосил бўлади.



1-расм. Толанинг винт чизиғи бўйлаб жойлашиш ёйилмаси

(2) формуланинг биринчи кўпайтирувчиси доимий сон бўлиши мумкинлигини инобатга олинса $\frac{C \cdot f}{\pi} = C_1$ ифода соддалашади:

$$T_0 = C_1 \cdot \sin \beta \quad (13)$$

Бу ифода ишқаланиш кучи, ишқаланиш коэффициенти ва буралиш бурчагининг синусига тўғри пропорционаллигини кўрсатди. Текширишлар натижаси асосида бир хил толадан йиғирилган ипнинг узилиш кучи $\sin \beta$ га пропорционаллигини билдириши таъкидланган.

Шунга кўра

$$P = C \cdot k_0 \cdot n \cdot p_0 \cdot \sin \beta \quad (14)$$

бунда

p_0 - толанинг узилиш кучи;

k_0 - толаларни бир вақтда узилиш коэффициенти;

n - ипнинг кўндаланг кесимидаги толалар сони;

C - доимий коэффициент;

β - буралиш бурчаги.

Тутамни узилишини ҳисобга олувчи коэффициент k ни ҳисобга олиб ва узилиш кучини узилиш узунлиги билан алмаштирилганда (6) формула қуйидагича ёзилади:

$$R_{un} = R_0 (1 - 0,0375 \cdot H) \cdot k \quad (15)$$

бунда

R_0 -толанинг узилиш узунлиги;

k -бурам бериб пишитилган тутамнинг узилишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ушбу формулага умумий нотекислик $-H$ ни ифодаловчи қиймат

$$H = H_0 + \sqrt{\frac{5000 \cdot N}{N_0}} \quad (16)$$

ни қўйсак

$$R_{un} = R_0 (1 - 0,0375 \cdot H_0 - 0,0375 \cdot b \cdot \sqrt{N}) \cdot k \quad (17)$$

хосил бўлади.

Бу формуладаги b коэффициент ипнинг номери ортиб боришига мувофик нотекисликни ўсиш коэффициенти деб номланган ва А.Н.Соловьев тадқиқотларида

$$b = \sqrt{\frac{5000}{N_0}} \quad (18)$$

ифода билан ҳисоблаш таклиф этилган. Агарда бу ифодани умумий нотекислик ифодаси билан боғланадиган бўлса

$$R_{un} = R_0 (1 - 0,0375 \cdot H_0 - 0,0375 \cdot \sqrt{\frac{5000}{N_0}} \cdot \sqrt{N}) \cdot k \quad (19)$$

$0,0375 \cdot 70,711 = 2,65$ ни қўйсак ҳамда номерни чизикли зичлик билан алмаштирилса (19) формула қуйидаги кўринишини олади

$$R_{un} = R_0 (1 - 0,0375 \cdot H_0 - \frac{2,65}{\sqrt{\frac{T_{un}}{T_T}}}) \cdot k \quad (20)$$

Тола узунлигини ортиб бориши билан коэффициент k ни қиймати ҳам 1,0 га яқинлашиб боради. Толанинг маълум минимал узунлигида, тутамни бураб пишитиш имконияти бўлмаган l_0 узунлигида $k=0$ бўлади. Буни

$$k = (1 - \frac{l_0}{l}) \quad (21)$$

кўринишидаги формула орқали ифодаланган.

А.Н.Соловьев узилиш кучи ва тола узунлиги ўртасидаги боғланишга асосланиб $l_0=5$ mm бўлишини таклиф этган.

Амалда толалар винт чизиги бўйлаб жойлашганда ҳосил бўладиган тангенциал кучи толани узилишга қаршилигини юзага келтиради. Бунда тола ипда жойлашиб, ҳосил қиладиган винт қадамлари (ёки буралиш қадами) сони тола узунлигига боғлиқ. Шундай винт чизиги бўйлаб жойлашган толалар узунликлари ишқаланиш ҳосил қилишда иштирок этиш эҳтимоли ортади. Винт чизигининг битта қадами узунлигини ҳисоблаш усулидан фойдаланиб, узилишда иштирок этмайдиган толалар узунлигини аниқлаш формуласини қуйидагича ёзамиз:

$$l_0 = 2 \cdot \sqrt{\left(\frac{1000}{K}\right)^2 + (\pi \cdot d_{un})^2} \quad (22)$$

бунда

K -ипнинг бир метридаги бурамлар сони, m^{-1} ;

d_{un} -ипнинг диаметри, мм.

Ипнинг диаметрини Ю.К.Бархоткин формуласи [2] орқали ҳисобланади


$$d = 0,057 \cdot \sqrt{\frac{T_{un}}{K}} \cdot \sqrt{T_{un}} \quad (23)$$

бунда

T_{un} -ипнинг чизикли зичлиги, текс;

K -бир метр ипдаги бурамлар сони, m^{-1} .

Бажарилган ҳисоблашларда l_0 узилишда иштирок этмайдиган толалар узунлигининг қийматини ўзгариш қонуниятини график талқини 2-расмда келтирилган.



2-расм. Ипнинг битта бурамидаги толанинг узунлиги

Графикдан кўринадики, ипнинг чизиқли зичлиги 15,4 тексдан 70 тексгача ортиши билан λ_0 ни 18-54% гача ортиши, ипдаги бурам сонини 400-1000 м⁻¹ оралиғида ортишида қиймати 1,5-2,0 марта камайиши аниқланди. [3]

Толанинг жойлашиши ва текисланишини ҳисобга олиб формулада унинг иккиланган қийматини ҳисобга олишни тавсия этамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Толаларнинг ипни узилишида иштирок этмайдиган (l_0) узунлиги, мм

Ипнинг чизиқли зичлиги, текс	Ипдаги бурамлар сони, м ⁻¹					
	400	500	600	700	800	1000
15,4	4,077	3,420	2,952	2,604	2,334	2,119
18,5	4,098	3,443	2,978	2,632	2,364	2,151
20	4,108	3,455	2,991	2,646	2,379	2,167
30	4,176	3,531	3,074	2,735	2,474	2,268
40	4,356	3,730	3,290	2,965	2,717	2,522
70	4,565	3,957	3,534	3,222	2,986	2,800

Ипнинг нисбий узилиш кучини ҳисоблашда аввалроқ келтирилган формулада чизиқий нотекислик ўрнига квадратик нотекисликдан фойдаланилганда (2) формула қуйидаги кўринишни олади


$$P = P_{yp} (1 - 0,03C) \quad (24)$$

Шунингдек (20) формулада ҳам ўзгариш содир бўлади.


Шундай қилиб, А.Н.Соловьев формуласининг ўзгартирилган шакли қуйидаги кўринишни олади:

$$R_{un} = \frac{P_T}{T_T} \left(1 - 0,03 \cdot C - \frac{2,12}{\sqrt{\frac{T_{un}}{T_T}}} \right) \cdot \left(1 - \frac{l_0}{l_{um}} \right) \cdot k \cdot \eta \quad (25)$$

Ипларнинг нисбий узилиш кучини қиёсий таққослаш учун мазкур формулалар асосидаги ҳисоблаш натижалари стандартлар ва тавсиялар ҳамда корхоналарда амалда эришилган натижаларни ўрганилди. 3-расм ва 4-расмда пахта толасидан йиғирилган ипларнинг амалдаги ва тавсия этилган формулалар асосида ҳисобланган нисбий узилиш кучларини кўрсатувчи гистограмма келтирилган.



3-расм. Ипларнинг нисбий узилиш кучини ҳисоблаш натижалари кўрсаткичлари (танда-ҳалқали йиғириш усули)



4-расм. Ипларнинг нисбий узилиш кучини ҳисоблаш натижалари кўрсаткичлари (пневмомеханик йиғириш усули)

Бу тасвирлар ипни нисбий узилиш кучини таклиф этилган формулада ҳисоблаш замонавий ҳисоблаш натижаларига яқин бўлишини кўрсатади.

Хулоса. Тадқиқотларга асосланиб ипнинг нисбий узилиш кучини аниқлаш учун А.Н.Соловьев таклиф этган формулада ипнинг чизиқий нотекислигини квадратик нотекислик билан алмаштириш ҳамда ипни узишда қаршилиқ кўрсатмайдиган толаларни узунликларини ҳисоблаш усулидан фойланилганда натижалар замонавий талабларга мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

5. Севостьянов А.Г. Осьмин Н.А., Щербаков В.П., Галкин В.Ф., Козлов В.Г., Гиляревский В.С., Литвинев М.С. Механическая технология текстильных материалов. – М: Легпромбытиздат, 1989. -512 с.

6. Одилхонова Н.О. Тўқимачилик толалари ва толали чиқиндилардан самарали фойдаланишнинг технологик асослари // Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Наманган-2021 й. 157-б.

ARALASHMA TARKIBIDAGI PAXTA VA POLIESTER TOLALARNING SIFAT KO'RSATKICHLARI TAHLILI

t.f.d.,prof., Q.J.Jumaniyazov, tayanch doktorant Sh.N.Saidxodjayeva,
PhD., M.V.Tulaganova

Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti

Ushbu maqolada tabiiy va kimyoviy tolalar aralashmasining to'qimachilik sanoatidagi o'rni va ahamiyati, shuningdek, sifat ko'rsatkichlari tahlili keltirilgan.

В данной статье представлен анализ роли и значения смеси натуральных и химических волокон в текстильной промышленности, а также показатели качества.

This article presents an analysis of the role and importance of a mixture of natural and chemical fibers in the textile industry, as well as quality indicators.

O'zbekistonda so'nggi yillarda to'qimachilik sanoatini jadal modernizatsiyalash siyosati olib borildi. Mamlakat iqtisodiy rivojlanishida to'qimachilik sohasining muhim ahamiyatidan kelib chiqib, To'qimachilik va tikuv-trikotaj korxonalarida chuqur qayta ishlash va yuqori qo'shilgan qiymatli tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni hamda ularning eksportini rag'batlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi prezident farmonlari amalga oshirilmoqda [1,2].

Tabiiy va kimyoviy tolalar aralashmalaridan ip tayyorlab, undan gazlama, trikotaj matolarini va trikotaj tayyor mahsulotlarini olish mahsulot assortimentini kengaytirishni muhim yo'li hisoblanadi [3]. Shu yo'l bilan mahalliy tolali xom ashyodan foydalanib import o'rnini bosadigan mato va trikotaj mahsulotlari ishlab chiqarish bilan bir qatorda yangi turdagi mahsulotlar ishlab chiqarish imkoniyati tug'iladi (masalan, kastyumbop, plashbop matolar) [4].

Tabiiy tola paxta va sintetik tola poliester tolalaridan 50/50%; 70/30%; 30/70% foizli aralashma tayyorlandi. Aralashmada Samarqand va Buxoro poliesteri 1.56 dtex, 1.33 dtex, 1.38 dtex chiziqliy zichlikdagi tolalar ishlatildi. Aralashma 15 gr miqdorda tayyorlanib, "Paxta-sanoati ilmiy markazi" AJ laboratoriyada o'rnatilgan DOBSON&Barlow machinery sales LTD, Bolton, Angliyada ishlab chiqarilgan "Шпрелей" mashinasida amalga oshirildi. Aralashma tayyor bo'lgandan so'ng, paxta va poliester tolali aralashma namligi 24 soat davomida xona haroratida 21 ± 1 °C, xona namligi esa 65 ± 2 ga teng. Tola yetarli namlikka ega bo'lgandan keyin, aralashmadan 2.5 grammdan o'lchab, uning havo o'tkazuvchanligi-mikroneyr ko'rsatkichlari, pishib yetilganlik darajasini "Micronaire" priborida aniqlandi. "Fibrotest" priborida esa aralash tolalarning uzunligi va mustahkamligi hamda "Optotest" priborida tolalarning oqlik va sarg'ishlik darajasi aniqlandi.


"Textechno" laboratoriya markazidan quyidagi ko'rsatkichlarga ega bo'lindi.

1-jadval

№	Tolaning sifat ko'rsatkichlari	Poliester tolasi uzunligi 32 mm, chiziqliy zichligi 1.56 dtex			Poliester tolasi uzunligi 31 mm, chiziqliy zichligi 1.38 dtex			Poliester tolasi uzunligi 30 mm, chiziqliy zichligi 1.33 dtex		
		30%	50%	70%	30%	50%	70%	30%	50%	70%
1	MIC Mikroneyri	4.87	4.98	5.25	4.95	5.48	5.89	4.74	4.7	4.65
2	MIV Pishib yetilganlik darajasi	0.94	0.99	1.01	0.92	0.96	0.95	0.96	0.99	0.99
3	LD (mtex) Chiziqliy zichligi	191	195.5	206	194.5	215	231	186	184	182.5

4	UHM (mm) Tolaning yuqori o'rtacha uzunligi	32.06	33.97	34.37	33.45	38.49	36.23	31.04	34.54	35.39
5	SFC (%) Kalta tolalar miqdori	7.71	5.6	2.28	12.45	4.03	0.94	10.96	0.7	0.07
6	SFI Kalta tolalar indeksi	6.67	4.64	3.74	6.14	1.31	1.73	7.99	3.5	2.12
7	UI Bir xillik indeksi	82.8	83.9	85.5	81.5	85.4	86.5	81.6	85.7	88.2
8	STR Abs (cN/tex) Tolaning maksimal uzilish kuchi	13.43	17.41	26.32	12.17	15.24	17.69	14.82	20.08	27.28
9	HVI-STR (cN/tex) Tolaning solishtirma uzilish kuchi	28.6	33.4	44.1	27.1	30.8	33.7	30.2	36.6	45.2
10	Rd Nur qaytarish koeffitsient	80.5	74.7	77.5	81.2	78.2	75.7	82.5	82.9	83.1
11	+b Sarg'ishlik darajasi	5.6	3.7	max↑	7.8	7.1	5.6	7.5	6.5	3.6

Paxta tolasi bilan poliester tolasining 30%,50%,70% li nisbatda aralashgan tolalarni taqqoslash gistogrammasi quyidagicha:



1-rasm. Paxta tolasi bilan polester tolasi uzunligi 32 mm, chiziqlik 1.56 dtex tolaning 30%, 50%, 70% nisbatidagi aralashmaning sifat ko'rsatkichlari taqqoslash gistogrammasi

Xulosa qilib aytganda, aralash tolaning yuqori o'rtacha uzunligi poliesterning chiziqli zichligi 1,38 dtexli toladan aralashmaga 50% qo'shilganda 38,49 mm ga, aksincha aralashmaga 30% qo'shilganda esa SFC% kalta tolalar miqdori 12,45 % ga teng bo'ldi. 1,33 dtex chiziqli zichlikdagi poliesterni aralashmaga 70% qo'shganimizda tolaning solishtirma uzish kuchi 27,28 gk/tex ga ega bo'ldi, bu esa 1,56 dtexli poliesterning 30% aralashmaga qo'shilgandan 2 baravar ko'p ekanligini ko'rsatdi. Tolaning nisbiy uzish kuchi 1,33 dtex chiziqli zichlikdagi poliesterning 50% qo'shilganda 36,6 sN/tex ga, 1,38 dtex chiziqli zichlikdagi poliesterning aralashmaga 50% qo'shilganda, 30,8 sN/tex ga, 50% qo'shilganda 33,4 sN/texni ko'rsatdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Saidxodjayeva Sh.N, Jumaniyazov Q.J. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Termiz davlat universiteti. "Пахта va kimyoviy tolalar aralashmasining yigiruvchanlik xususiyatlarini tadbiq etish." Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi. 29-30 aprel.2022 yil. B.153-156
2. Universum: Технические науки. "Звуковой из полиэфирного волокно определение пропуска акустическим методом" №2(107) 27.02.2023 г
3. [YangJing,Xu BojunXie, ChunpingLiu, Xinjin](#), Comparison of fibre migration in different yarn bodies/ Fibre end Textile Indian (IJFTR), Dec2018. Pp. 410-414
4. 2023: ICDE-Netherland-Jan "Sound signal from polyester fiber determination of transmission in acoustic method" B.11-15. 05.01.2023

ПАХТАНИ МАЙДА ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШДА ТЕБРАНУВЧИ ТЎРЛИ ЮЗАНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

А.М.Эрдонов¹, Р.Х.Росулов²

¹Термиз муҳандислик-технология институти

²Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти

Маълумки, ҳозирги вақтда кластер ишлаб чиқаришда толани чигитдан ажратиш пахта хомашёси биринчи навбатда қуриш барабанларида қурилади ва тозалашга ўтказилади, бу ерда ҳам йирик ифлосликлардан, ҳам майда ифлосликлардан тозалайдиган ускуналарлар қўлланилади. Пахта тозалаш жараёнидан олдин пахта хомашёсига етказиладиган зарарни камайтириш устувор вазифа ҳисобланади.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш технологик регламенти [1] ускунанинг зарур таркибини ва пахта тозалаш заводида толали материални тозалаш жараёнининг технологик кетма-кетлигини белгилайди. Муҳим технологик операциялардан бири пахта хомашёсини йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш бўлиб, бу асосан корхонанинг қуриш-тозалаш ва тозалаш цехларида амалга оширилади.

Пахтани дастлабки ишлаш технологияси тозалаш жараёнида пахта таркибидаги ифлосликлардан тозалаш жараёни амалга оширилади [1].

Пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалашда технологик жараёнларнинг инновацион ишланмаларини яратиш, пахта хомашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш технологиялари, пахта хомашёсини тозалагичларда таъминлаш тизимини яратишга бағишланган бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Муаллиф [2] томонидан тўрли юзанинг ифлосликни ажратиш тўрли юзани резина втулкалар ёрдамида корпусга ўрнатиш, тўрли юза тешиклари орасидаги ўтиш мосламаларининг ишчи сиртлари пахта бўлакларининг силлиқ ҳаракатланиши учун юмалоқ қилиб олинган.

Муаллифлар пахта хомашёсини вибрация усулида тозалашни ўргандилар. Чигитларнинг қия тебраниш юзаси бўйлаб ҳаракатланиши ўрганилди ва турли хил самарали натижаларга эришилди [3].

Пахта оқимининг тўрли юза сирти бўйлаб ҳаракати дифференциал тенгламасини аналитик ва сонли усул билан ечилди, уларнинг натижалари шуни кўрсатдики, пахта оқимининг тезлиги ва уни майда ифлосликлардан тозалаш тўрли юзанинг горизонтал текислик бўйлаб амплитудаси ва частотасига боғлиқ.

Пахтани майда ифлосликлардан тозагичнинг тозалаш самарадорлигини ошириш мақсадида тозалагичнинг тўрли юзасини пахтанинг тозалаш йўналиши бўйича ҳаракатида тўрли юзанинг барабан ўқи йўналиши бўйича тебранувчи қурилма лойиҳаланди (1-расм). Қурилма қуйидаги қисмлардан ташкил топган: электродвигатель 1, иккита ярим муфта 2, эксцентрик вал 3, шатунъ 4, подшипник корпуси 5, подшипник 6, мослама 7, втулка 8, йўналтиргич 9, шпилькалардан 10 ташкил топган.

Қурилма қуйидагича ишлайди: пахта таъминлагичдан қозикли барабанларга узатилади. Тозалагичда қозикли барабанлар ёрдамида пахтани тўрли юзада судраб ўтиш ҳисобига тозалаш жараёни амалга оширилади. Тўрли юзада пахтанинг тозалаш йўналиши ҳаракатида қозикли барабан ўқи йўналиши бўйича илгариланма-қайтма ҳаракатда бўлади. Шунинг ҳисобига пахта майда ифлосликлардан тозаланади. Тўрли юзанинг илгариланма-қайтма ҳаракати эксцентрик вал 3 ҳисобига амалга оширилади.

Иккинчи турдаги Лагранж тенгламасидан фойдаланишни энг мақбул усуллардан бири ҳисобланади. Бу иккинчи тартибли дифференциал тенглама:


$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{x}} \right) - \frac{\partial T}{\partial x} = Q^P + Q^F + Q^V \quad (1)$$

бу ерда T - тебраниш тизимининг кинетик энергияси; x - тебраниш тизимининг умумлаштирилган координатаси;

Q^P - потенциал кучларнинг умумлаштирилган кучи;

Q^F - қаршилиқ кучларининг таъсиридан умумлаштирилган куч;

Q^V - қўзғатувчи кучларнинг умумлаштирилган кучи.



1-расм. Қурилманинг схемаси

Пахтани майда ифлосликлардан тозагичнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тўрли юзада пахтанинг тозалаш йўналиши бўйича ҳаракатида барабан ўқи йўналиши бўйича тебранувчи қурилма лойиҳаланди (1-расм). Қурилма қуйидаги қисмлардан ташкил топган: электродвигатель 1, иккита ярим муфта 2, эксцентрик вал 3, шатунъ 4, подшипник корпуси 5, подшипник 6, мослама 7 лардан ташкил топган. Қурилманинг фотографияси 2-расмда келтирилган.

Қурилма қуйидагича ишлайди: пахта таъминлагичдан қозикли барабанларга узатилади. Тозалагичда қозикли барабанлар ёрдамида пахтани тўрли юзада судраб ўтиш ҳисобига тозалаш жараёни амалга оширилади. Тўрли юзада пахтанинг тозалаш йўналиши ҳаракатида қозикли барабан ўқи йўналиши бўйича илгариланма-қайтма ҳаракатда бўлади. Шунинг ҳисобига пахта майда ифлосликлардан тозаланади. Тўрли юзанинг илгариланма-қайтма ҳаракати эксцентрик вал 3 ҳисобига амалга оширилади [4-8].



2-расм. Қурилманинг фотографияси

Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машинасининг турли юзаси тебранишларни келтириб чиқаради. Бунда улар берилган кучлар таъсирида юзага келмайди, балки тизим нуқталарини маълум бир қонун бўйича ҳаракатга келтириш, яъни турли юзадаги нуқталарни ўрнатиш натижасида пайдо бўлади.

Тебранувчи юритмага эга тозалаш машиналарининг турли юзасининг ҳаракатини тавсифлаш учун ҳисоблаш модели таклиф этилди. Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машиналарида тозалашни вибрация усули қўллаш учун тавсия этилган қурилма тозалаш машинасининг тозалаш самарадорлигини 14-18% га ошириш имконини беради. Олинган экспериментал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, тебраниш частотасининг паст қийматларида ($f = 4$ Гц) кичик ахлатмайда ифлос аралашмалари танланган ифлосликнинг умумий миқдоридан 62-82% интенсив равишда чиқарилади. Частотанинг $f = 8$ Гц га кўтарилиши майда ифлосликларнинг камайишига олиб келади ва $f = 8$ Гц да ифлоснинг ажралиши барқарорлашиши кузатилади.

Адабиётлар:

1. Первичная обработка хлопка-сырца. Под общей редакцией Э.З. Зикриёева. Ташкент, «Меҳнат», 1999, 400стр.
2. А.Х.Бобоматов. “Создание эффективной конструкции и совершенствование научных основы методов расчета очистителя хлопка-сырца от мелкого сора”. т.ф.ф.д. диссертацияси.Тошкент, ТТЕСИ, 2018й., 120 бет.
3. Е.В.Тадаева, А.К.Хамракулов, Д.К.Бегматов. Разработка новой конструкции и технология вращающего четырехбарабанного очистителя хлопка от мелкого сора. Наука. Мысл: электронный периодический журнал. Научный журнал. Волжский, Россия, №4, 2016, стр.156-159.
4. Эрдонов А.М., Росулов Р.Х., Ахмедов К.И., Сайитқулов С.О. Пахта тозалагичнинг турли юзасини такомиллаштириш. Бухоро муҳандислик-технология институти. Фан ва технологиялар тараққиёти илмий – техникавий журнал 2023. №1.
5. А.М. Эрдонов Р.Х. Росулов Пахта бўлакчасининг тебранувчи турли юзасидаги ҳаракат таҳлили. Фарғона политехника институти. илмий – техника журнали. Scientific-technical journal (ФарПИИ ИТЖ, 2023, Т.27, №1).
6. A.P.Parpiyev, B.N.Kuziyev, N.M.Ergashov, B.E.Qarshiyev. Tozalash jarayonida arrali seksiyalardan ajralib chiqqan chiqindi ulushlarini baholash natijalari taxlili. // O‘zbekiston to‘qimachilik jurnali. ISSN 2010-6262. №1, 2022, 4-13 б.

7. Yusup o'g'li A. S. et al. Selection of technology and equipment for the preparation of cotton storage at high moisture //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – T. 2. – №. 4.


8. Bakhtiyor Karshiev, Azimjon Parpiev, Ilkhom Sabirov, Kamoliddin Yakubov, Ibrokhim Ismoilov. The effect of drum drying temperature on the moisture of cotton components//ANNALS OF FOREST RESEARCH ,Ann. For. Res. 65(1): 1935-1942, 2022 ISSN: 18448135, 20652445

ТОЛА НАМЛАШ ЖАРАЁНИ УЧУН РЕГРЕССИЯ ТЕНГЛАМАЛАРИНИ ҚУРИШ

**т.ф.д., профессор Усманов Х.С., мустақил тадқиқотчи Усманов З.С., талаба
Амиркулова М.А.**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган портатив тола намлагичнинг моҳияти чизмалар билан тасвирланган, бу ерда 1-расм схематик равишда пахта толаси намлагичнинг умумий кўринишини кўрсатилган [1].



1-расм. Портатив толали намлагич конденсаторнинг схематик кўриниши

Пахта толаси намлагичи 1, толали конденсаторнинг ён томонида, кўриш ойнаси 2 да жойлашган бўлиб, унда турли барабани 3, кичик турли барабанлар 4, зичлагич роликлари 5 мавжуд. Пахта толалари намлагич 1 га кирмаслиги учун 2 намлагич 1 ва кўриш ойнаси 2 орасида пахта толаси ҳаракат йўналишини ўзгартирадиган йўналтиргич 6 ўрнатилган, пахта толасини 7 намлаш учун L шаклидаги намлагич 1 кўриш ойнасига 2 ўрнатилган, унинг пастки қисмида сувни туман шаклига келтирувчи 8 форсункалар бор. Форсункалар ишчи камерада 9 ўрнатилган. Сувни миқдори насослар 10 орқали бошқарилади. Сув 11 бакдан филтр 12 орқали тозаланиб 10 насос орқали ҳар бир жинга алоҳида узатилади. Узатилаётган сув оқимини ўлчаш ва бошқариш учун ишчи камерадан 9 олдин таъминот трубасига 13 сув ўлчагич 14 ўрнатилган ҳамда сув узатгич трубаси 15 орқали 8 форсункаларга узатилади.

Тола намлагичда олинган тажриба [2] кўрсаткичлари асосида регрессия тенгламасини тузамиз.

Дастлаб иккита сатхли ($k=2$), уч омилли тажриба режасини тузамиз, бунда биринчи омил X_1 бошланғич намлик кодлашган боши ҳисобланади, иккинчиси X_2 -кодли

йўналтиргич оғиш бурчаги, учинчиси бериладиган сув миқдори X_3 кодли бўлиб, тола миқдорининг массаини аниқлайдишан иккита параллел тажрибалардир.

Жадвал-1. Биринчи тажрибадаги ($p = 1$) тола намланиш даражаси фоизда

Омиллар	$x_{\max}$	$x_{\min}$	Δ	x_0
Бошланғич намлик	6	5	5.5	0.5
Йўналтиргич оғиш бурчаги	40	20	30	10
Бериладиган сув ҳажми (л/с)	0.042	0.026	0.034	0.08

Жадвал-2 Иккинчи тажрибадаги ($p = 2$) тола намланиш даражаси фоизда

Омиллар	$x_{i\max}$	$x_{i\min}$	Δ_i	x_{i0}
Бошланғич намлик	6	5	5.5	0.5
Йўналтиргич оғиш бурчаги	35	25	30	5
Бериладиган сув ҳажми (л/с)	0.042	0.026	0.034	0.08

Регрессия тенгламасини аниқлаш учун жавоблар бўйича ҳар бир функция учун иккита сатхли ($k = 2$) уч омилли тажрибанинг матричасини тузамиз. $\bar{y}_{ui}$, орқали m параллел тажрибаларда олинган, ҳар бири n тажрибада аниқланган тола миқдори y_{0ui} бўйича вариация коэффициентини учун тегишли жавоблар қийматларини белгилаймиз. Шундай қилиб $y_{ui} = \frac{1}{n} \sum_{l=1}^n y_{0ul}$, ($l = 1.2...m$) иккита тажрибани ўтказишда кўриб чиқилди.

Ҳар бир вариантда тўпламлар сони $N_2 = N = 8$ да $m = 2$ деб таъминлаймиз ва қийматларини 3 жадвалга киритамиз.

3-Жадвал.

№	Омиллар оралиғи			Чиқиш параметри (тола миқдори y_{ij} (кг))					
				Оғиш					
	X_1	X_2	X_3	y_{i1}	y_{i2}	$\bar{y}_u$	S_u^2	$\bar{y}_u$	$R_0(\%)$
1	-	-	-	5.5	5.7	5.6	0.020	5.5	1.786
2	+	-	-	6.5	6.6	6.55	0.005	6.65	1.527
3	-	+	-	6.1	5.9	6	0.020	5.975	0.416
4	+	+	-	6.6	6.4	6.5	0.020	6.525	0.384
5	-	-	+	5.8	5.9	5.85	0.0050	5.950	1.709
6	+	-	+	7.1	7.3	7.2	0.020	7.10	1.388
7	-	+	+	8.2	8	8.1	0.020	8.125	0.308
8	+	+	+	8,8	8,6	8.7	0.020	8.675	0.287

Олинган ҳар бир жавоб учун тажриба натижаларини статистик қайта ишлашни қуйидаги тартибда ўтказамиз:

1) Параллел тажрибаларни, уларнинг бир хил m сониди уларнинг натижаларини тарқалишини характерловчи S_u^2 дисперсияни бир тоифалигида қайта ишлаб чиқаришни текшираимиз.

$$S_u^2 = \frac{\sum_{p=1}^2 (\bar{y}_{up} - \bar{y}_u)^2}{m-1} \quad (1)$$

Бунда u - вариантни тартиб рақами ($u = 1.2..N$), $p = 1.2.3..m$ - параллел тажрибаларни тартиб номери, m - ҳар параллел тажрибалар сони, $\bar{y}_u = \frac{1}{m} \sum_{p=1}^m \bar{y}_{up}$ - параллел тажрибаларни ўртачаси. Натижалар S_u^2 қийматларини жадвалга киритамиз ва иккла ҳол учун ушбу статистикани ҳисоблаймиз

$$G = \frac{S_{u(\max)}^2}{\sum_{u=1}^N S_u^2} \quad (2)$$

Буерда $S_{u(\max)}^2$ - параллел тажрибалардаги дисперсиянинг максимал қиймати (3) формула бўйича қийматини ҳисоблаймиз

$$S_u^2 = (\bar{y}_{u1} - \bar{y}_u)^2 + (\bar{y}_{u2} - \bar{y}_u)^2, (u = 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8),$$

$$S_1^2 = 0.02, S_2^2 = 0.005, S_3^2 = 0.02, S_4^2 = 0.02, S_5^2 = 0.005, S_6^2 = 0.02, S_7^2 = 0.02, S_8^2 = 0.02$$

Қабул қиламиз $S_{u(\max)}^2 = 0.02, \sum_{u=1}^8 S_u^2 = 0.13$ статистикани ҳисобласак

$$G = \frac{S_{u(\max)}^2}{\sum_{u=1}^N S_u^2} = 0.154$$

2) Кохрен критериясига текшираамиз, G_{α, k_1, k_2} - қийматлар жадвалл маълумотаридан олинади, α - аҳамиятли сатҳи ($0 < \alpha < 1$), $k_1 = N$, $k_2 = m - 1$ - эркинлик даражаси сони, Биз қарайдиган ҳолда $\alpha = 0.05$, $m = 3$, $N = 8$, $G_{\alpha, k_1, k_2} = G_{0.05, 8, 3} = 0.52$, $G = 0.154$

Агар қуйидаги тенгсизлик кузатилса

$$G < G_{\alpha, k_1, k_2} \quad (3)$$

Кохрен критерийси ўринли бўлади. Дисперсиянинг бир жинслиги ҳамма m параллел тажрибанинг барча вариантларда бажарилганлиги сабабли ушбу тенгликлардан фойдаланиш мумкин .

$$S_{yc}^2 = \frac{1}{N} \sum_{u=1}^N S_u^2 = 0.016 \quad (4)$$

Яъни бу дисперсия моделни адекватлигини баҳолаш учун фойдаланилади. Агар (5) тенгсизликга итоат қилинмаса, вариантлар бўйича дисперсия бир тоифали бўлсайди ва уларни ўртача ҳисобланмайди ва кейинги тадбирлар қабул қилиниши керак: а) вариантдаги ўлчав маълумотларини максимал дисперсиясини аниқлаш; б) ҳар бир вариантдаги m тажрибалар сонини ошириш; в) чиқувчи параметрларни аниқроқ ўлчашни амалга ошириш.

3) Регрессия коэффицентларини қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз.

$$b_0 = \frac{1}{N} \sum_{u=1}^N \bar{y}_u, b_i = \frac{1}{N} \sum_{u=1}^N X_{iu} \bar{y}_u, b_{ij} = \frac{1}{N} \sum_{u=1}^N X_{iu} X_{ju} \bar{y}_u, b_{ijk} = \frac{1}{N} \sum_{u=1}^N X_{iu} X_{ju} X_{ku} \bar{y}_u \quad (5)$$

Коэффициентлар аниқлангандан сўнг кодлашган ўзгарувчан регрессия тенгламасини ёзамиз.

$$\hat{y} = b_0 + \sum_{i=1}^k b_i x_i + \sum_{i<j}^k b_{ij} X_i X_j + \sum_{i<j<l}^k b_{ijl} X_i X_j X_l$$

$$y := 6.812500000 + .4250000000 X1 + .512500000 X2 + .650000000 X3 \\ - .150000000 X1 X2 + .062500000 X1 X3 + .425000000 X2 X3 \\ - .037500000 X1 X2 X3$$

4) Студент критериясидан регрессия коэффицентларини аҳамиятлигини текшираимиз, Дастлаб бир хил ишонч дапазонида Δb ҳамма регрессия коэффицентлари куйидаги формула билан ҳисобланади

$$\Delta b = t_{\alpha,k} \frac{S_y}{\sqrt{N}} \quad (5)$$

$t_{\alpha,k}$ - Стъюдент мезони, α - аҳамиятлик сатхи, $k = N(m-1)$ - эркинлик даражаси сони. Агар регрессия коэффиценти ишонч диапозонидан юқори бўлса, у ҳолда коэффицентлар аҳамиятли.

$$|b_0| \geq \Delta b, |b_i| \geq \Delta b, |b_{ij}| \geq \Delta b, |b_{ijk}| \geq \Delta b$$

Куйидаги ҳолда қараймиз $t_{0.05,16} = 2.16$, $\Delta b = t_{\alpha,k} \frac{S_y}{\sqrt{N}} = 0.0973$. Регрессия тенгламасида тенгсизликка кўра b_{13} ва b_{123} коэффицент аҳамиятсиз ҳисобланади, бу коэффицентларсиз регрессия тенгламасини ёзамиз

$$y := 6.812500000 + .4250000000 X1 + .512500000 X2 + .650000000 X3 \\ - .150000000 X1 X2 + .425000000 X2 X3 \quad (6)$$

Моделни адекватлигини Фишер критерияси бўйича текширсак тенгсизлик $F < F_{\alpha,k_1,k_2}$ бажарилса адекватлик гипотезаси бажарилади. $F_{\alpha,k_1,k_2} = 3.01$ бўлганлиги сабабли Фишер критерийси ўринли деб топилган.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Гуляев Р.А., Лугачев А.Е., Усманов Х.С., Усманов З.С. Тола намлагич Фойдали моделга патент FAP 01398 - 26.06.2019.
2. Ўз ДСт 604:2016 Пахта толаси. Техникавий шартлар.

ЯНГИ ТАРКИБЛИ ЭЛАСТИК ҚУТҚАРУВ ЕНГЛАРИ ТЎҚИМА КАРКАСИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ф.О. Ҳафизов¹, Б.К. Хасанов²

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси¹
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти²

Дунё олимларининг турли соҳаларда олиб бораётган изланишларининг аксарияти инсониятга қулайлик яратиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва хавфсизлигини таъминлашга бағишланган. Ушбу соҳалардан бири бу фуқаро муҳофазаси яъни ҳар қандай фавқулодда вазиятларда одамларни қутқариш ва уларга биринчи ёрдам кўрсатишдир. Бугунги кунда Республикамизда кўп қаватли уйлар сони кўпайиб бориши ва уларда истиқомат қилувчи ёки хизмат кўрсатувчи одамлар сонини кўплиги содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда одамларни қутқаришда замонавий усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида, турли фавқулодда вазиятларда одамларни юқори қаватли бинолардан қутқаришнинг самарали усулларида бири ёнғин қутқарув енглари орқали амалга оширилади. Ёнғин қутқарув енглари конструктив тузилишиган

қараб қуйидаги турларга бўлинади (1-расм). Улар қутқарув баландлиги, жойлари ва шароитига қараб фойдаланилади.



1-расм. Ёнгин қутқарув энгининг турлари.

Юқорида келтирилган расмда ажратиб кўрсатилган эластик қутқарув энги амалиётда энг кўп фойдаланилаётган тури ҳисобланиб, олиб борилган илмий тадқиқотимиз ҳам ушбу энгга бағишланган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам Россия Федерациясининг “Реттунг” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган санокли эластик қутқарув энгларидан республикаимизда фойдаланиб келинмоқда. Лекин республикаимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги қурилишлар ва юқори қаватли биноларни кўпайиб бораётгани, фавқулудда вазиятларда одамларни қутқариш учун эластик қутқарув энгларидан кўпроқ фойдаланишни тақозо этаётганлиги ва қатор авфзалликларга эга эканлигини келтириб ўтамиз:

1. Эластик қутқарув энглари билан баландлиги 120 метргача бўлган бинолардан одамларни қутқариш мумкин, республикаимизда мавжуд автонаровонларда эса 52 метрдан;
2. Эластик қутқарув энгларида ҳаракатланиш тезлиги юқорилиги, автонаровонларда эса паст;
3. Эластик қутқарув энглари техника жалб этмасдан ҳам стационар сифатида фойдаланиш мумкинлиги;
4. Эластик қутқарув энгларида ёш болалар, ҳушсиз ёки касал одамларни қутқариш мумкинлиги, автонаровонларда эса қутқариб бўлмаслиги;
5. Эластик қутқарув энгларида қутқарилаётган одамларнинг ҳимояланиш ва шикастланиш эҳтимоли камлиги, автонаровонларда эса юқори;
6. Эластик қутқарув энгларда баландлик юқори бўлганда ҳам одамларни ваҳимага тушмаслиги, автонаровонларда эса одамларни ваҳимага тушиши ҳаттоки ерга тушиб ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатилган.

Кўриб турганимиздек ёнгин қутқарув энгларидан фойдаланиб одамлар қутқарилганда бир қанча самарага эришилади. Шундай экан ушбу қутқарув энглари эластик тўқима каркасини республикаимизда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий хом-ашё асосида лойиҳалашни ва ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда фойдаланиб келинаётган қутқарув энглари ўрганиш жараёнида энгнинг эластик қатлами бошқа қатламларга нисбатан олдин ишдан чиқаётганлиги, белгиланган эксплуатация муддати ёки қутқарув циклини қамраб ололмаятганлиги учун мавжуд трикотаж ўрнига янги таркибли эластик тўқима каркасини маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқилди.

Юқори баландликдан одамлар қутқарилаётганда тушиш тезлиги ва фойдаланиш цикли эластик энг матосининг физик-механик хоссаларига боғлиқ. Шундай экан ишлаб чиқилган янги таркибли эластик энг тўқима каркаси ва ҳозирги кунда мавжуд энг матоларини физик-механик хоссаларини ўрганиб чиқилди.

Янги таркибдаги эластик кутқарув энги тўқималарини барча кўрсаткичлари тўқимани сирт зичлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Намуналарни ГОСТ 29104.1-91 бўйича сирт зичлиги аниқланди. Лойиҳалаш жараёнида амалга оширилган ҳисоблар натижасида 1 м² тўқиманинг оғирлиги 480 грамм, ундаги танда ипининг оғирлиги 132 грамм, арқоқ ипининг оғирлиги 348 граммни деб топилган эди. Лойиҳаланган намуна ишлаб чиқарилгандан сўнг 436 г/м², ундаги танда ипининг оғирлиги 132 грамм, арқоқ ипининг оғирлиги 304 грамм эканлиги аниқланди. Тажрибалар натижасида тўқима намуналарига сарфланган хомашё улушлари аниқланди ва кўрсаткичлар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Ишлаб чиқарилган намуналарга сарфланган хомашё улушлари.

Олиб борилган амалий ва назарий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган эластик тўқима намуналари ва мавжуд энгларнинг узилиш кучи ва узилишдаги чўзилиш миқдори, қолдиқ деформацияси, намлик таъсирида киришиши ҳамда ҳаво ўтказиш хусусиятлари ГОСТ 53271-2009 стандарти бўйича тадқиқ этилди ва қуйидаги жадвалда келтирилган.

Тўқима намуналарининг физик-механик хусусиятлари

Намуналар	Иплар сони ип/дм		Тўқиманинг юза зичлиги, г/м ²	Тўқиманинг узилиш кучи, Н		Тўқиманинг узилишдаги чўзилиш миқдори, %		Арқоқ бўйича қолдиқ деформация, %	150 цикл фойдалангандан сўнг арқоқ бўйича қолдиқ деформация, %	Чизикли киришиш миқдори, %	Тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлиги, дм ³ /м ² с:(100 Па).	Тўқиманинг ишқаланишга чидамлилиги
	Танда	Арқоқ		Танда	Арқоқ	Танда бўйича	Арқоқ бўйича					
I	120	180	436	1320,4	545,4	33,0	222,1	6,1	8,9	3,5	32,7	36200
II	120	140	340	1320,2	424,2	33,0	220,9	6,3	9,7	4,3	84,2	35400
III	120	100	242	1321,0	363,6	33,1	220,3	6,4	10,2	5,4	124,2	34500
IV	120 ҳалқа	80 ҳалқа	350	924,8	265,3	31,1	218,4	9,2	12,1	4,5	676,6	30600

Ишлаб чиқилган намуналарнинг физик-механик хусусиятлари ўрганилганда 1-намуна кўрсаткичлари кутқарув энгининг эластик қатлами тўқималарига ГОСТ 53271-

2009 бўйича қўйилган талабларга мос келади. Тадқиқот натижаларига асосланиб, қутқарув энгларининг эластик қатламини тўқима каркасини ишлаб чиқаришга 1-намуна тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.М. Кирюхин, Ю.С. Шустов, Текстильное материаловедение. Москва «Колос», 2011.
2. Севостянов А.Г., Методы и средства исследования механико технологических процессов текстильной промышленности. – М.: Легкая индустрия, 1980. с– 392. 167-175-б.
3. ГОСТ 29104.4-91 Ткани технические. Метод определения разрывной нагрузки и удлинения при разрыве.
4. Ҳафизов Ф.О., Хасанов Б.К. Изучение механических свойств образцов тканей используемых для эластичных рукавов. UNIVERSUM: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ, Выпуск: 8(101) Москва 2022, с.12-15.
5. ГОСТ Р 8847-85 Полотна трикотажные. Методы определения разрывных характеристик и растяжимости при нагрузках, меньше разрывных.
6. ГОСТ 30157.1-95 Полотна текстильные. Методы определения изменения размеров после мокрых обработок или химической чистки.

**ВЫБОР НАПРАВЛЕНИЯ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО РАЗРАБОТКЕ
ВЫСОКОЭФФЕКТИВНОГО УЛОВИТЕЛЯ ТЯЖЕЛЫХ ПРИМЕСЕЙ ОТ ХЛОПКА-
СЫРЦА**

к.т.н, с.н.с. Р.Р.Назирова¹, соискатель А.У.Абдухоликов²

АО «Paxtasanoat imliy markazi»¹

Термезский инженерно-технологический институт²

В настоящее время на хлопкозаводах для улавливания посторонних тяжелых примесей применяют так называемые линейные уловители, встроенные в дворовую пневмотранспортную систему перед каждым сепаратором хлопка-сырца от воздуха. Их принцип действия основан на разнице в скоростях витания частиц хлопка-сырца и посторонних тяжелых примесей. Скорость витания распушенной летучки хлопка-сырца массой 0,2 гр составляет 3 м/с, нераспушенной – 6 м/с, дольки хлопка-сырца массой 1,4 гр – 4-5 м/с, нормально раскрывшейся коробочки хлопчатника, что можно сопоставить с комком хлопка-сырца массой 12 гр – 8 м/с.

Скорость витания гравия массой от 1 до 40 гр составляет соответственно от 22 до 40 м/с, камней массой от 40 до 125 гр – 33-50 м/с, кусков кирпича массой от 60 до 550 гр – 25-38 м/с.

Чигитларни массалари тўлиқ, сара, етилмаган ва туклилик даражаси бўйича биридан фарқ қилади. Чигитларни ҳаракат жараёнида, уларга мос x, y йўналишлар бўйича ҳавони қаршилиқ кучлари- P_{ix}, P_{iy} ва оғирлик кучлари- G таъсир этади. Бу ерда: $P_{ix} = c_k(v_x - \dot{x}_i), P_{iy} = -(c_k y_i + c_p \dot{y}_i),$

$$G = m_i g;$$

Чигитларни ҳаракат дифференциал тенгламаларини Лагранж принципига асосан, юқоридаги кучларни ҳисобга олиб тузамиз.

1-ҳол. Чигитлар массаси билан фарқ қилиб ўзаро эластик боғланишга эга эмас. Ушбу ҳолда, чигитларни ҳаракат қонуниятлари қуйидаги дифференциал тенгламалар системаси билан ифодаланади:


$$\begin{cases} m_i \ddot{x}_i = P_{ix} \\ m_i \ddot{y}_i = P_{iy} \end{cases} \quad (i=1,2) \quad (1)$$

Бошланғич шартлар: $t = 0 : x_1(0) = x_{10}; \dot{x}_1 = v_{x0}; x_2(0) = x_{20}; \dot{x}_2 = v_{x0}; y_1(0) = y_{10}; \dot{y}_1 = v_{y0}; y_2(0) = y_{20}; \dot{y}_2 = v_{y0};$ (2)

(1)- дифференциал тенгламалар системаси, (2) бошланғич шартлар асосида MAPLE - 17 дастурида сонли усулда ечилган. 1-жадвалда чигитлар массалари ва ҳаво тезликларининг турли қийматлари бўйича учиб тушиш масофаларининг қийматлари келтирилган.

2-ҳол. m_1 ва m_2 массали чигитлар ўзаро маълум эластик боғланишга бўлсин (2-расм).

Икки компонентли, ўзаро боғланишдаги чигитларни вертикал, m_1, m_2 -горизонтал ҳолатларини қараб чиқамиз.



2-расм. Икки компонентли, ўзаро боғланишдаги чигитларни вертикал(а) - горизонтал(в) ҳолатларини схематик кўриниши.

Бу ҳолатлар учун, чигитларни ҳаракат қонуниятлари қуйидаги дифференциал тенгламалар системаси ёрдамида ифодаланади:

$$\left. \begin{aligned} m_1 \ddot{x}_1 &= v_{x0} - c_{k1} \dot{x}_1 + c_{x0} (x_2 - x_1) \\ m_2 \ddot{x}_2 &= v_{x0} - c_{k2} \dot{x}_2 + c_{x0} (x_1 - x_2) \\ m_1 \ddot{y}_1 &= -m_1 g + c_p \dot{y}_1 + c_k (y_1 - y_2) \\ m_2 \ddot{y}_2 &= -m_2 g + c_p \dot{y}_2 + c_k (y_2 - y_1) \end{aligned} \right\} \quad (3)$$

Бу ерда: c_{ki}, c_{x0}, c_p, c_k - учиб ва аэродинамик қаршилиқ коэффицентлари.

Иккинчи ҳол учун ҳам (3) дифференциал тенгламалар системаси, (2) бошланғич шартлар асосида MAPLE -17 дастурида сонли усулда ечилиб, чигитларни вақтга боғлиқ ҳаракати ва тезлиги қонуниятларини тегишли графиклари олинган.

Хулосалар.

1. Ўзаро боғланмаган ва қисман боғланишга эга бўлган, чигитларни саралаш камерасидаги ҳаракатини ифодаловчи математик модель тузилган.
2. Чигитларни массаси миқдори бўйича саралаш камераси узунлиги бўйича учиб тушиш масофалари аниқланган.
3. Чигитларни ўзаро боғланишда бўлган ҳол учун, ҳаракат қонуниятлари олиниб, саралаш камераси узунлиги бўйича учиб тушиш масофалари ҳам аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳ.Т.Аҳмедходжаев, А.Турсунов” Толали чигитни горизантал ҳаво оқими таъсиридаги ҳаракати” халқаро илмий-амалий анжуман. Наманган 2002 йил.
2. I.Karimov, Sh.Baxritdinov, G.Azambayev. Theoretical study of the Movement Process in the Vibration of Cotton Seeds. Jour of Adv Research in Dynamical &Control Systems, Vol.12,05-Special Issue,2020.
3. R.Muradov, B.Mardonov, A.I.Karimov. Theoretical and Experimental Studies of the Effect of Inclined Scraper on Raw Cotton from Mech Surface. World Journal of Mechanics, USA.2014, 4, 371-377.[http://dx.doi.org/ 10.4236/wjm. 2014.412036](http://dx.doi.org/10.4236/wjm.2014.412036). Published Online December 2014 in Scires. <http://www.scirp.org/journal/wjm>.
4. A.Karimov, M.A.Ismanov. Research on movement of cotton and heavy impurities in the working chamber of pneumatic cleaner. AFRO ASAIN JOURNALS.SciTech,2016,3(1),250-262.ISSN234
5. Ismonovich K. A., Abdusamatugli I. M. Modeling the Method of Linear Approximation of Signals in SPLC (Sensor Programmable Logic Controller) //International Journal on Orange Technologies. – 2021. – Т. 3. – №. 10. – С. 55-59.
6. Ismonovich K. A., Muhammadziyo I. Mathematical Modeling of Heat Flux Distribution in Raw Cotton Stored in Bunt //Engineering. – 2020. – Т. 12. – №. 8. – С. 591-599.
7. Mardonov B., Tadaeva Y., Muhammadziyo I. Experimental and theoretical studies of vibrational motion of raw cotton on inclined mesh surface //International Journal of Innovation and Scientific Research. – 2014. – Т. 9. – С. 78-85.
8. Muhammadziyo I. Research Of Characteristics And Analysis Of Calculations Of Optoelectronic Hydrometers Of Automatic Control //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 6. – С. 14910-14916.

TABIIY XOM IPAK IPI XOSSALARINING O'ZIGA XOSLIGINI TAHLILI

**doktorant., N.T.Xo'jayeva¹, PhD.A.M.Daminov¹, PhD, dots N.B.Yusupova¹,
PhD O.SH.Abdurahmonov²**

Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti¹

Termiz muhandislik-texnologiya instituti²

Jahon aholisi bugungi kunda 7 milyard 900 mln. dan ortiqroqni tashkil etmoqda ,bu o'sish surati to'qimachilik matloariga bo'lgan ehtiyojni yanada oshiradi. Bu ko'rsatkich kun sayin ortib bormoqda. “20-asrning boshida Yer yuzi Aholi soni 1617 mln. kishini tashkil etgan. 1995 yilda Yer shari aholisining soni 5,7 mlrd. kishiga etdi. 1993 yil Yevropada 728 mln., Osiyoda 3336 mln., Afrikada 670 mln., Shim. va Markaziy Amerikada 442 mln., Jan. Amerikada 308 mln., Avstraliya va -Okeaniyada 28 mln. kishi yashadi. O'zstandart Agentligi tomonidan ishlab chiqilgan UzDST 3313:2018 “Xom ipak” Texnikaviy shartlarda bir qancha pilla iplaridan tashkil topgan va bir-biriga uyg'un birlikdagi ipga nisbatan – xom ipak atamasi berilgan. Hamma toifalardagi xom ipak uchun 7 ta nav quyidagi tartibda qabul qilingan, ya'ni, 4A, 3A, 2A, A, B, C, D. Eng yuqori sifatli ipak navi 4A, eng past sifatli ipak navi D hisoblanadi.

The world population today is 7 billion 900 million. To establish more than , this growth picture will further increase the demand for nonwovens. This indicator is increasing day by day. established a person. In 1995, the population of the Earth was 5.7 billion. reached a person.

1993: 728 million in Europe, 3336 million in Asia, 670 million in Africa, Shim. and 442 million in Central America, 308 million in January America, 28 million in Australia and Oceania. a person lived. UzDST 3313:2018 "Raw silk" produced by the Uzstandard Agency. In the technical terms, the term raw silk is given to a thread made up of a number of cocoon threads and in a harmonious unit. One type of silk was adopted for the raw material of all layers, that is, 4A, 3A, 2A, A, B, C, D. The highest quality silk type is 4A, and the lowest quality silk type is D.

Kirish. Jahon aholisi bugungi kunda 7 milyard 900 mln. dan ortiqroqni tashkil etmoqda [1]. Bu ko'rsatkich kun sayin ortib bormoqda. "20-asrning boshida Yer yuzi Aholi soni 1617 mln. kishini tashkil etgan. 1995 yilda Yer shari aholisining soni 5,7 mlrd. kishiga etdi. 1993 yil Yevropada 728 mln., Osiyoda 3336 mln., Afrikada 670 mln., Shim. va Markaziy Amerikada 442 mln., Jan. Amerikada 308 mln., Avstraliya va -Okeaniyada 28 mln. kishi yashadi.. Yer shari aholisining soni va uning o'sish sur'atlari umuman uzluksiz ravishda ortmoqda" [2]

Tadqiqot ishning maqsadi, turli tolali milliy gazlamalar assortimentida yangi namuna turlarini yaratish, loyihalash va ularning tuzilishiga ta'sir etuvchi omillarni tadqiq etishdan iboratligini hisobga olib, ipak gazlamalar tuzilishiga oid adabiyotlarni tahlil qilish maqsadga muvofiq. Xitoylik olimlarning tadqiqot ishida [3] ipak to'qimalarni tahlil qilish orqali undagi nuqsonlarni aniqlash algoritmini taklif qilishgan. Olingan kontrast ma'lumotlariga asoslanib, xarita ishlab chiqarilgan. Xarita asosida nuqsonlar aniqlangan. Guohong Zhang va Binjie Xin larнинг tadqiqot ishida [6] ipak ipi tukdorligini baholash uchun ishlatiladigan raqamli tasvirni qayta ishlash texnologiyasini ishlab chiqarilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 31 iyuldagi PQ-4411-sonli "Pillachilik tarmog'ida chuqur qayta ishlashni rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi Qarori qabul qilindi.

Pillachilik tarmog'ida amalga oshirilayotgan islohotlarni yanada chuqurlashtirish, sohani jadal rivojlantirish va diversifikatsiya qilish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, ishlab chiqarishni tashkil etishning Klaster usulini keng joriy etish, pillani chuqur qayta ishlashda investitsiyalar hajmini oshirish hamda yuqori qo'shilgan qiymatli tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni keng yo'lga qo'yish maqsadida


Qarorda 2019 - 2025 yillarda "O'zbekipaksanoat" uyushmasi tarkibidagi korxonalar tomonidan ipak mahsulotlari ishlab chiqarish va eksport qilish bo'yicha prognoz parametrlari alohida keltirildi (jadval 1).

Jadval 1

2019 - 2025 yillarda "O'zbekipaksanoat" uyushmasi tarkibidagi korxonalar tomonidan ipak mahsulotlari ishlab chiqarish va eksport qilish bo'yicha PROGNOZ PARAMETRLARI (PQ-4411-sonli Qaror 3-ilovasi)


T/r	Mahsulotlar nomi	O'lchov birl.	2018 y. (haqiqatda)	2019 y. (prog.)	2020 y. (prog.)	2021 y. (prog.)	2022 y. (prog.)	2023 y. (prog.)	2024 y. (prog.)	2025 y. (prog.)	O'sish sur'ati %, (2018 - 2025 yil.)
I.	Xom, yarim tayyor va tayyor mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi	ming AQS H doll. ekv.	172472,2	193364,3	291995,5	372570,6	441374,8	600956,8	776902,1	977936,7	5,7 bar

1.	Tirik pilla	tonna	1800 0	1925 0	2475 0	275 00	2805 0	28600	2950 0	3000 0	1,7 b ar.
2.	Xom ipak	tonna	1910	2037	2619	2 910	2968, 2	3027, 6	3118, 4	3180, 8	1,7 bar.
3.	Ipak momig'i	tonna	511, 3	679	873	970	989,4	1009, 2	1039, 5	1060, 3	2,1 bar.
4.	Kalavala ngan ipak ip	tonna	261, 3	359,3	770	998, 2	1309	1631, 9	1833, 6	2182	8,4 bar.
5.	Ipak mato	ming p.m	2933	4033	8643	112 04	1439 8,7	17 950,4	2016 9,8	2400 2	8,2 bar.
6.	Ipak gilamlari	dona	60	90	129	528	1254	1 568	1960	2450	40,8 bar.
7.	Tayyor ipakli mahsulot	ming dona	60,5	403,3	770, 5	114 5,1	1977	5 522,5	6931	1255 7,3	207,6 bar.
II.	Ipak mahsulot larining eksport hajmi	ming AQSH doll.	5073 7,2	6520 9,2	7381 2,3	866 70	1518 86,7	216 490,3	3366 50,5	5159 22,1	10,2 bar.



Rasm 1 - (gistogramma). Ipak mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi prognozi (2018-2025 yillar).

Gistogrammani tahlil qilinsa, 2018-2025 yillar oralig'ida tirik pilla etishtirish hajmi 1,7 barobargacha xomipak chuvib olish 1,7 barobargacha, ipak momig'i 2,1 barobargacha, yigirilgan ipak ipi ishlab chiqarish esa 8,4 barobargacha oshishi kutiladi (rasm 11).



Rasm 2 - (grafik). Ipak matolari ishlab chiqarish hajmi prognozi (2018-2025 yillar).

Ipak matolar ishlab chiqarish hajmi 2018-2025 yillar oralig'ida 8,2 barobar o'sishi kutiladi. O'zbekistonda 2025 yilgacha ipak matolar ishlab chiqarish hajmining 8,2 barobargacha oshishi ipak iplari xossalarini batafsil tahlil etishni taqozo qiladi.

Ipak iplarini olish jarayoni juda murakkab texnologik jarayon bo'lib, ipak iplarini olish nafaqat texnologiya va inson mehnatiga, balki tabiiy jarayonlarga ham bog'liq. Dastlab, ipak qurti kapalagi 500 tagacha tuxum qo'yadi. 20-25 kundan so'ng, ipak qurtlari tuxumdan chiqadi, ular 30 kun davomida tut barglari bilan oziqlanadi. Barglarni eyish jarayonida, ipak qurtlarining vazni 10 ming barobargacha ortadi. Ipak qurti o'z atrofida pilla o'rashni boshlaydi. 48 soat ichida ipak qurti 1500 metr atrofida ipak ipini o'raydi. Pilla ichida ipak qurti g'umbakka aylanadi va shu bilan tabiiy jarayon tugaydi.

O'zstandart Agentligi tomonidan ishlab chiqilgan UzDST 3313:2018 "Xom ipak" Texnikaviy shartlarda bir qancha pilla iplaridan tashkil topgan va bir-biriga uyg'un birlikdagi ipga nisbatan – xom ipak atamasi berilgan. Hamma toifalardagi xom ipak uchun 7 ta nav quyidagi tartibda qabul qilingan, ya'ni, 4A, 3A, 2A, A, B, C, D. Eng yuqori sifatli ipak navi 4A, eng past sifatli ipak navi D hisoblanadi. Xom ipakning sifat ko'rsatkichlari bo'yicha uning chiziqli zichligiga qarab 3 toifaga bo'linadi. 1-toifa 2 teks va undan past chiziqli zichlikdagi iplar uchun, 2-toifa 2,1÷3,6 teks chiziqli zichlikdagi iplar uchun, 3-toifa esa 3,6 teksdan yuqori iplar uchun belgilangan.

Xulosa. Ipak mahsulotlari ishlab chiqarish ko'rsatkichlarining prognoz natijalariga ko'ra, 2018-2025 yillar oralig'ida tirik pilla etishtirish hajmi 1,7 barobargacha xom ipak chuvib olish 1,7 barobargacha, ipak momig'i 2,1 barobargacha, yigirilgan ipak ipi ishlab chiqarish esa 8,4 barobargacha oshishi kutiladi. O'zbekistonda 2025 yilgacha ipak matolar ishlab chiqarish hajmining 8,2 barobargacha oshishi ipak iplari xossalarini batafsil tahlil etishni taqozo qiladi.

Prezident qaroriga ko'ra 2025 yilgacha ipak matolar ishlab chiqarish prognoz natijalari ijrosini ta'minlash maqsadida ipak iplaridan ishlab chiqariluvchi to'qimalarning yangi assortimentlarini yaratish dolzarb masalalardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. aniq.uz veb sahifasi / Dunyo bo'yicha jonli statistika / DUNYO AHOLISI/ Kirish manzili - <https://aniq.uz/statistika/dunyo>
2. QOMUS.INFO. Olayn ensiklopediya / AHOLI / Kirish manzili - <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/aholi-uz/>
3. Giovanna Luongo. Chemicals in textiles. A potential source for human exposure and environmental pollution // Doctoral Thesis // Department of Environmental Science and Analytical Chemistry. Stockholm University 2015. 10-48 bet.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Respublikada ipakchilik tarmog'ini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ 3472-son Qarori, 2018 yil 12 yanvar.

5. Jurgita Domskiene, Eugenija Strazdiene and Paule Bekampiene. 'Department of Clothing and Polymer Products Technology// Faculty of Design and Technologies, Kaunas University of Technology, Kaunas, Lithuania. 2011 y, 329-340 r

HAVO TA'SIRIDA PAXTA BO'LAKCHALARINING HARAKATINI MATEMATIK MODEL

A.I.Karimov¹, M.A.Ismanov²

University Of Business And Science¹

Наманган муҳандислик-технология институти²

Ma'lumki, paxta tozalashni faollashtirish uchun qo'shimcha choralar ko'rish mumkin. Ushbu chora-tadbirlardan biri havo oqimidan foydalanishdir. Ya'ni, havo oqimi ta'sirida arratsilindrining tishidagi paxta bo'lagining holatini va uning harakatini o'zgartirish mumkin. Oqim ta'sirida oqim tezligiga qarab tanada aerodinamik kuch hosil bo'ladi. Agar oqim tezligi yuqori bo'lmasa, odatda bu kuchning qiymati havo va ob'ekt tezligiga mutanosib bo'ladi. Ma'lumki, havo oqimi ta'sirida paxta zarralarining tezligi 10-17 m/s atrofida. Quritishni faollashtirish uchun paxta zarralarining harakat qonuniyatlarini o'rganish muhim ahamiyatga ega.

It is known that additional measures can be taken to activate cotton cleaning. One of these measures is the use of air flow. That is, under the influence of the air flow, the position of the piece of cotton in the tooth of the saw cylinder and its movement can be changed. Under the influence of the flow, an aerodynamic force is generated on the body depending on the flow speed. If the flow velocity is not high, usually the value of this force is proportional to the velocity of the air and the object. It is known that the speed of cotton particles under the influence of air flow is around 10-17 m/s. To activate drying, it is important to study the laws of movement of cotton particles.

1. Masalani qo'yilishi. Ma'lumki paxta xom-ashyosini jinlashni faollashtirish uchun qo'shimcha tadbirlarni amalga oshirishi mumkin. Bunday tadbirlardan biri havo oqimi ta'siridan foydalanishdir. Ya'ni havo oqimi ta'sirida paxta bo'lakchasini arrali silindr tishida joylashish holati va uning harakatini o'zgartirish mumkin. Bundan tashqari havo oqimi ta'sirida toladan ajratilgan chigitni jinlash zonasida qisqa muddatda uzoqlashtirish imkoniyati ham tug'iladi. Shu maqsadda, havo oqiminin jismlarga ta'sir etadigan kuchlar sistemasini aniqlash muhim ahamiyatga ega. Havo oqimini xossalari, ularning jismlar bilan o'zaro ta'sir kuchlari gidrodinamika fanida har tomonlama chuqur o'rganilgan [1-5]. Oqim ta'sirida, jismda oqim tezligiga qarab aerodinamik kuch hosil bo'ladi. Agar oqimning tezligi yuqori bo'lmasa, odatda bu kuchning qiymati havo va jism tezliklariga proporsional bo'ladi.

Paxta bo'lakchalarini havo oqimi ta'siridagi tezliklari 10-17m/s atrofida bo'ladi. Jinlashni faollashtirish maqsadida, paxta bo'lakchalarini harakat qonunlarini o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi.

2. Masalani matematik modeli. Faraz qilaylik havo oqimi ta'sirida jism ikki o'lchovli XOY sistemasida trayektoriya tenglamasi $y = f(x)$ bo'lgan BC egri chiziqda harakat qilsin (1-rasm). Oqimning tezlik vektorini $\vec{V}_0 = \{V_{0x}, V_{0y}\}$, bo'lakcha tezlik vektorini $\vec{V} = \{V_x, V_y\}$ bilan belgilaymiz. Agar $\vec{V}_0$ vektornin OX o'qi tashqil qilgan bilan burchagini α_0 belgilasak, u holda 1- rasmida foydalanib

$$V_{0x} = |\vec{V}_0| \cos \alpha_0, V_{0y} = -|\vec{V}_0| \sin \alpha_0 \quad (1)$$

tengliklar hosil qilamiz. Havo qarshilik kuchi vektori $\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y)$ aerodinamika qonuniga ko'ra bo'lakchanning nisbiy tezligi $\vec{V}_0 - \vec{V}$ vektori bo'ylab yo'nalgan bo'ladi. Agar bu kuchning moduli

$$|\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y)|,$$

nisbiy tezlik moduli

$$|\vec{V}_0 - \vec{V}| = \sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2}$$


deb belgilansa, u holda havo oqimi ta'siridagi kuchni quyidagi vektor orqali yozish mumkin mumkin.

$$\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y) = |\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y)| \left[\frac{V_{0x} - V_x}{|\vec{V}_0 - \vec{V}|} \vec{i} + \frac{V_{0y} - V_y}{|\vec{V}_0 - \vec{V}|} \vec{j} \right]$$

bu erda $(\vec{i}, \vec{j})$ OX va OY uqlari buylab yo'nalgan birlik vektorlar. Shunday qilib havo oqimi ta'siridagi kuchning OX va OY o'qlaridagi proyeksiyalarini quyidagi formulalar orqali ifodalanadi.

$$F_x = |\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y)| \frac{V_{0x} - V_x}{|\vec{V}_0 - \vec{V}|},$$

$$F_y = |\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y)| \frac{V_{0y} - V_y}{|\vec{V}_0 - \vec{V}|} \quad (2)$$



1-rasm. Paxta bo'lakchasining havo oqimining ta'sirida harakati sxemasi

Faraz qilaylik havo qarshiligi nisbiy tezlikka proporsional bo'lsin, u holda kuch vektorining nisbiy tezlikka bog'lanish konuni quyidagicha bo'ladi.

$$\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y) = C_0 (\vec{V}_0 - \vec{V})$$

bu erda C_0 - tajriba orkali aniklanadigan koeffitsiyent.

Bu kuchning moduli Ushbu formula

$$|\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y)| = C_0 \sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2}$$

orqali ifodalanib, uning koordinat o'qlaridagi proyeksiyalari quyidagicha bo'ladi.

$$F_x = C_0 \sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2} \frac{V_{0x} - V_x}{\sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2}} = C_0 (V_{0x} - V_x) \quad (3)$$

$$F_y = C_0 \sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2} \frac{V_{0y} - V_y}{\sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2}} = C_0 (V_{0y} - V_y) \quad (4)$$

(3) va (4) formulalarni amalda havo oqimining kichkina tezliklikda bo'lganda foydalanish mumkin.

Faraz qilaylik havo oqimining kuchi nisbiy tezlikning kvadratiga proporsional bo'lsin, ya'ni

$$\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y) = C_1 (\vec{V}_0 - \vec{V})^2$$

Bu erda C_1 - tajriba orkali topiladigan koeffitsiyent.

Vektor moduli va uning kvadrati xossasidan foydalanib topamiz.

$$\vec{F}(V_{0x} - V_x, V_{0y} - V_y) = C_1 [(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2]$$

(2) formula bu holda ko'rinishni oladi

$$F_x = C_1 [(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2] \frac{V_{0x} - V_x}{\sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2}} =$$

$$= C_1 (V_{0x} - V_x) \sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2}, \quad (5)$$

$$F_y = C_1 [(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2] \frac{V_{0y} - V_y}{\sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2}} =$$

$$= C_1 (V_{0y} - V_y) \sqrt{(V_{0x} - V_x)^2 + (V_{0y} - V_y)^2} \quad (6)$$

(5) va (6) formulalar katta tezlikdagi oqimlar uchun o'rinli bo'ladi

Umumiy hulosalar.

1. Paxta bo'lakchasining havo oqimi ta'sirida qiya tekislik ustidagi harakatini matematik modeli tuzildi.

2. Matematik model asosida tuzilgan harakat differensial tenglamari olingan boshlang'ich shartlar bo'yicha analitik usulda echimlaari aniqlangan.

3. Qiyalik burchagini (β) ni oshishi, bo'lakchaga ta'sir etuvchi havo bosim kuchini kamayishiga olib kelar ekan. Bu holatni o'zgarish qonuniyati $0 < t < 3s$ oralig'ida nochiziqli kamayuvchi bo'lib, so'ng $t \geq 3s$ boshlab asimtotik chiziqli qonuniyatga amal qilar ekan.

Foydalangan adabiyotlar

1 H.T.Ahmedxodjayev, A.Tursunov" Tolali chigitni gorizantal havo oqimi ta'siridagi harakati" xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Namangan 2002 yil.

2. I.Karimov, Sh.Baxritdinov, G.Azambayev. Theoretical study of the Movement Process in the Vibration of Cotton Seeds. Jour of Adv Research in Dynamical &Control Systems, Vol.12,05-Special Issue,2020.

3. R.Muradov, B.Mardonov, A.I.Karimov. Theoretical and Experimental Studies of the Effect of Inclined Scraper on Raw Cotton from Mech Surface. World Journal of Mechanics, USA.2014, 4, 371-377.[http://dx.doi.org/ 10.4236/wjm. 2014.412036](http://dx.doi.org/10.4236/wjm.2014.412036). Published Online December 2014 in Scires. <http://www.scirp.org/journal/wjm>.

4. A.Karimov, M.A.Ismanov. Research on movement of cotton and heavy impurities in the working chamber of pneumatic cleaner. AFRO ASAIN JOURNALS.SciTech,2016,3(1),250-262.ISSN234

5. Ismonovich K. A., Abdusamatugli I. M. Modeling the Method of Linear Approximation of Signals in SPLC (Sensor Programmable Logic Controller) //International Journal on Orange Technologies. – 2021. – T. 3. – №. 10. – C. 55-59.

6. Ismonovich K. A., Muhammadziyo I. Mathematical Modeling of Heat Flux Distribution in Raw Cotton Stored in Bunt //Engineering. – 2020. – T. 12. – №. 8. – C. 591-599.

7. Mardonov B., Tadaeva Y., Muhammadziyo I. Experimental and theoretical studies of vibrational motion of raw cotton on inclined mesh surface //International Journal of Innovation and Scientific Research. – 2014. – T. 9. – C. 78-85.

8. Muhammadziyo I. Research Of Characteristics And Analysis Of Calculations Of Optoelectronic Hydrometers Of Automatic Control //Solid State Technology. – 2020. – T. 63. – №. 6. – C. 14910-14916.

TOLA TOZALASH MASHINASI BARABANLARI GARNITURASINI TANLASH VA UNI TAHLILI

M.N.Inoyatova, B.E.Mirzabayev, Z.E.Erkinov

Namangan to'qimachilik sanoati instituti

Maqolada Yigirish korxonasidagi tola tozalash mashinasi barabanining garniturasini tanlash, garnitura tishlarining tadqiqi o'rganib chiqildi. Paxta tolasini tozalash jarayonida smppli tozalash barabanlaridan unumli foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Chunki smppli tozalash barabanida kelayotgan tolali qatlamini mayda tola tutamlariga ajratish imkoniyati yuqori bo'lganligi uchun uni tozalash samaradorligi ham yuqori bo'ladi. Shuningdek tozalash jarayonida tolalarni shikastlanishini oldi olinadi va nepslarni hosil bo'lishini kamayishiga olib keladi. Qoplamaningning bir necha turlari mavjud bo'lib, tolalarning xossalriga va uning tarkibidagi xas-cho'plar miqdoriga qarab tanlash kerak.

Tozalash barabanlariga SMPLli qoplamalarning turli usullarda o'rash tavsiya etilgan. Qoplamaning o'lchamlarini va turini tolalarni xossalari va ishchi a'zoning vazifasiga muvofiq tanlanadi. 1-jadvalda bir necha turdagi qoplamalarning ayrim o'lchamlari keltirilgan. Arra tishli qoplamalar ikkiga bo'lingan bolib, arra tishli yirik garnitura, metall arra tishli garnitura (SMPL) baraban v sirtiga tortiladi[1,2].

Barabanga 0-1, 0-2, 0-3, 0-4, L-50, L-51, L-52, L-16 markadagi garnituralar qoplanib ular paxta tolasining shtapel uzunligiga qarab, tishlar orasidagi masofa va igna tishning qiyalik burchagi bilan bir-biridan farq qiladi.

Garnituralar parametrlari:

- balandligi;
- tishlar (ignalar) qadami;
- qalinligi (asosining qalinligi);
- igna yoki tishning qiyalik burchagi;
- nomeri;
- qattiq garnitura shartli ravishda ikki guruhga ajratiladi:
- arra tishli – qabul barabanini jixozlash uchun;
- SMPL (tselnometalicheskaya pilchataya lenta) – bosh va ajratuvchi barabanlarni jihozlash uchun.


1-jadval

Qoplamalarning ayrim o'lchamlari

Qoplama turi	Umymiy balandligi H , mm	Asosining qalinligi B , mm	Tishlar qadami, t mm	Tishni balandligi h_1 , mm	Old qirrasining qalinligi, grad.	Tish asosidagi yoy radiusi r , mm	Tish yuqorisining kengligi a , mm	Tish yuqorisining qalinligi b_1 , mm	Tishning asosni qalinligi b_2 , mm	Qoplama asosini balandligi h_2 , mm	Ishlatiladigan qismlar.
SMPL-1	44	00,7-1	11,8	22,3	80	00,3	00,2	00,15	00,4	11,35	Baraban
SMPL-2	33,5	00,7-1	11,3	11,3	80	00,4	00,15	00,15	00,4	11,35	
SMPL-3	33,5	00,7-0,8	11,3	11,2	775	00,4	00,15	00,15	00,4	11,35	
SMPL-4	44	00,7-1	11,6	22,3	770	00,3	00,2	00,15	00,4	11,35	Ajratuvchi baraban
SMPL-5	44	00,9-1	22,5	22,3	665	00,5	00,25	00,15	00,4	11,35	
SMPL-6	44	11,2	22	22	665	00,3	00,15	00,15	00,4	11,35	
SMPL-7	44	11	33,5	22	662	11	00,15	00,15	00,5	11,2	Valik
SMPL-8	44	11,2	33,2	22,3	770	00,3	00,2	00,15	00,4	11,35	

Barabanga TSMPL--2 (TSS-1), TSMPL-3 (KTS-25). **Ajratuvchi barabanga** TSMPL-5 (KTS-26), TSMPL-6 (KTS-4)

Sanoatda metall arrali lenta SMPL rusumi bilan ishlab chiqariladi. Bunday qoplamalar balandligi 1,2-2,3 mm va qalinligi 0,7-1,2 mm bo'lgan o'tkir tishli arra ko'rinishida tayyorlanadi (2-rasm). Tishning yuqori qismi toblanganligi uchun charxlashni talab etmaydi. Qoplama tishlarining asosi toblanmaganligi uchun ular baraban sirtiga bir tekisda zich joylasha oladi [3].



2-rasm. Metall arrali lenta [5].

Umuman olganda qoplamalar bir tomonida ignalar yoki o'tkir tashlari bo'lgan uzluksiz pilta shaklida bo'ladi. Ularning o'lchamlari juda kichik bo'lib tolalarni jadal titishni ta'minlaydi.

Qattiq metall qoplamalar po'lat simdan tayyorlanadi. Avval simlar ko'ndalang kesimi zarur shaklga keltiriladi. Shaklning osti qalinroq, yuqori qismi yupqa qilib tayyorlanadi. Ikkinchi bosqichda yuqori qismida o'tkir tishlar o'yiladi. (3-rasm). Natijada arra tishli qoplama hosil bo'ladi.


t – tishlar qadami, mm

α - tishning qiyalik burchagi, rad


H –tishlar asosining qalinligi,mm

h – garnitura balandligi, mm

h_3 – tish balandligi, mm



3-rasm. Arrasimon tishli qoplamalar [4].



4-rasm Tipik SMPL [4].

H – garnitura balandligi, mm

B – garnitura asosi qalinligi, mm

t – tishlar qadami, mm

h_1 – tish balandligi, mm

α -tishning old qirra qiyalik burchagi, rad


r – tushish egriligi radiusi, mm

a – tishning yuqori qismi kengligi,mm

b_1 – tishning yuqori qism qalinligi,mm

b_2 – tish asosining qalinligi, mm

h_3 – garnitura asosining balandligi, mm




5-rasm Musbat va manfiy burchakli Smpl [5].

Bunday garnitura Yaponiya da ishlatiladi.

$\alpha = 85^\circ$: $\alpha_1 = 115^\circ$ bo'lgani uchun tishlar oralig'iga momiqlar kam kiradi

Tishlarning old qirralari shakldor qilib tayyorlangan bo'lib, ular baraban sirtini jihozlashga tavsiya etiladi.





6-rasm Shakldor S
M P L [3].

Baraban garniturasini to'la kam xajmda joylashishini ta'minlab, kalta tolalarni taralishiga (ajralishiga) yaxshi imkoniyat yaratishi shart.

Ajratuvchi baraban garniturasini esa, ko'proq xajmda tola joylashishini ta'minlab, barabandan ularni ajralishini engillashtirishi kerak.

S M P L lar maxsus qurilma yordamida mashinaning o'zida baraban sirtiga tortib o'raladi. Ularni uchlari (boshlanishi) va oxiri baraban chetlariga kavsharlanadi) baraban ustaxonada joylashgan statsionar qurilmada tortilib o'raladi [4].

Horijiy firmalar tavsiya etayotgan SMPL tishlarning har biri frezer yordamida charxlanib ularning tayyorlanish aniqligi 0,01 mm gacha etkaziladi. Shtampovka qilingan SMPL larda esa tayyorlanish aniqligi 0,02 mm.




7-rasm Elastik garnituralar [5].

1-rezina, 2-ip gazlama, 3-lub gazlama, 4-ip gazlama, 5-ip gazlama. № 100-140.

Ishlash muddati 5-7 yil, har 100-110 soatda charxlash tavsiya qilindi.

«Ashvort» (AQSh) firmasi arra tishli garniturlarni tavsiya etmoqda u SMPL qirqimlaridan iborat bo'lib, har bir qirqim 150° qilib egiladi, bir biriga jiplashtirib mahsus shaklda plastmassa qorishmasi bilan to'ldiriladi.

Elastik garnituralar igna sirtli lenta ko'rinishida, asosi besh qatlamli to'qimadan iborat bo'lib ularga ingichka po'lat simlar (skobalar) o'tkazilgan bo'ladi. Ular tozalovchi ishchi organlarda ishlatiladi. Elastik ignali qoplamalar ba'zi kamchiliklarga ega. Jumladan tez-tez charxlab turish kerak, ignalar orasiga tolalar kirib qolib, ularning tarash qobiliyatini yomonlashtiradi va h.k. asosan metallardan tayyorlangan qoplamalar ishlatilmoqda.



8-rasm SMPL ignalarining uzun va egrilik holati [3].

So'ngi yillarda garniturali qurilmalarning asosiy ishchi organi sifatida ignali garnituralar hisoblanadi. Bu borada bir qancha ilmiy tadqiqot ishlari olib borilgan. Ignali garniturali asosan bunday barabanlar garniturali obehayka yoki xalqa ko'rinishida tayyorlanadi.

Arrali garnituralar Rossiyada ishlab chiqarilgan bo'lib aylanishi yo'nalishi tomon egilgan ignalarga ega SMPL xisoblanadi. Ignalar asosining eng kichik diametriga teng bo'lgan biri ikkinchisiga nisbatan joylashtirilgan. Korpusning bitta aylanasida joylashtirilgan ikkitadan igna orasidagi masofa tolaning o'rtacha uzunligi yarmidan oshmaydi. Igna yuqorisidagi burchak yarmining tangensi tolalarning ignalarga bo'lgan ifodalanish koeffitsientidan oshadi.

Ba'zan esa ajratuvchi baraban konstruksiyasini igna bilan qoplash tavsiya qilinadi. Oboymada tirqishlar o'qlari bo'ylab katta diametrdagi silindrik botiqliklar xosil qilingan. Botiqliklar tolalarning ignalar va baraban oboymasi orasida qisilishini oldini oladi.

Sinovlardan ko'rinadiki, garnituraning bitta tishiga to'g'ri keladigan tolalar miqdori ta'minlovchi bunker va ajratuvchi baraban parametriga, aylanish chastotasiga, chiqindi va tola zichlikli zichligiga, tola uzunligiga, garnitura barabani eniga va garnitura tishlari zichligiga bog'lik. Garnituraning erkin xajmi birligidagi tola miqdori esa bundan tashqari tishlarning geometrik o'lchamlariga ham bog'liq.

Yuklanishining kamayishi bilan otish zonasida tolaning o'z-o'zidan otilishi yaxshilanadi, ya'ni bitta tishga oz miqdorda tola ilashishi yoki garnitura erkin xajmi birligidagi tolaning oz miqdorda bo'lganda tolaning o'z-o'zidan otilishi osonroq bo'ladi. K_0 - ajratish jarayonida tarovchi barabancha garniturasini tishlarining tolali massa bilan yuklanishini xarakterlaydi, K_{SG} esa, garnituraning umumiy yuklanganligi.

Ishlab chiqarilayotgan tolada tugunaklar xosil bo'lishining sababi ajratish jarayonida nazorat qilib bo'lmaydigan tolalarning borligidir. Nazorat qilib bo'lmaydigan tolalar miqdorini kamaytirish maqsadida tadqiqotchilar tishlarning o'zgarib turuvchi balandligiga ega bo'lgan ajratuvchi baraban ishlatish tavsiya qiladi

Ma'lumki, garniturani vintsimon o'rami natijasida chiqindi baraban bir tomoniga suriladi, bunda chiqindilarning bir qismi garnitura bilan qayta ishlov berilmay qoladi va baraban chekkalarida bush joylar kolib ketadi. Bu tolada tugunaklar xosil bulishiga sabab bo'ladi. To'lmay qolgan joylarni kamaytirish uchun barabanga garniturani mahkamlash texnologiyasini o'zgartirish yoki tishlarning bir qismini flyanets tomonga egik qilib tayyorlash tavsiya qilinadi, bunda ajratish jarayonida nazorat qilib bo'lmaydigan tolalarning miqdorini sezilarli kamaytirish imkoniyati yaratiladi.

Oldin olib borilgan tadqiqotlar bo'yicha ajratuvchi baraban konstruksiyasida garnitura sifatida yon qirralari shakldor arrali baraban ishlatilib, silindrga o'raladi. Bunda garniturani baraban tanasiga qotirish anchagina osonlashadi. SMPL konstruksiyalarining nosimmetrik tishli, maxsus profildagi, L simon profilli va tishlar balandligi bo'yicha o'zgarib turuvchi zichlikdagi arrali baraban ishlatilishi tavsiya etilgan. Ularni qo'llanilganda ajratish samaradorligi oshadi, tolalar shikastlanishi kamayib, yuqori ishonchlilikda ishlash ta'minlanadi

Bunda 1 sm ga to'g'ri keladigan tishlar zichligini bir xil saqlagan holda, balandlikni o'zgartirib 1 sm² ga to'g'ri keladigan tishlar miqdori turli qiymatlarini olish mumkin. Garnitura xozirgacha xam to'liq quvvat bilan ishlamay, bu muammoni xal qilish uchun nazariy tadqiqotlar o'tkazilmagan deb ta'kidlanmoqda

Xulosa

Xulosa sifatida, tozalash jarayonida SMPLli tozalash barabanlaridan foydalanilganda ta'minlanayotgan tolali qatlam mayda tola tutamlariga ajratish imkoniyati yuqori bo'lganligi uchun uni tozalash samaradorligi ham yuqori bo'lishi tajriba asosida aniqlandi. Shuningdek, tozalangan mahsulot tarkibida nepslarning kamayishini ko'rish mumkin. Qoplamaningning bir necha turlari mavjud bo'lib, tolalarning xossalriga va uning tarkibidagi xas-cho'plar miqdoriga qarab tanlash kerak. Shu orqali tozalash samaradorligini oshirishimiz va tola iflosliklardan etarli darajada tozalashimiz mumkin. asosiy tozalash mashinalarida bir nechta tozalash barabanlaridan foydalanilganda dastlab, yirik tishli so'ngra mayda tishli qoplamalardan

foydalanish yaxshi natija bermoqda. Bu hol uchun barabanlarning tezligi mahsulotning yo'nalishi bo'yicha ortib borishini tavsiya etish lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Inoyatova M. et al. ANALYSIS OF CLEANING PROCESS METHODS AND MACHINES //Conferencea. – 2022. – C. 40-43.
2. Inoyatova M. et al. Effect of the cleaning machines on the level of cleaning //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2023. – T. 2789. – №.1.
3. Matismoilov S.L., G'ofurov Q.G'., Pirmatov A., Jumaniyazov Q. "Xom ashyoni yigirishga tayyorlash" Toshkent – 2018 y.
4. B.Mirzabayev "Yigirish texnologiyasi" O'quv majmua Namangan - 2018
5. Jumaniyazov Q., G'ofurov Q.G'., Matismoilov S.L., Pirmatov A., Xoliyarov M.Sh., Fayzullayev Sh.R. "To'qimachilik mahsulotlari texnologiyasi va jihozlari" Toshkent – 2012-y

TABIY IPAK VA KIMYOVIY TOLALI MATOLARINING TURLARI VA ULARNING TAHLILI

**doktorant.N.T.Xo'jayeva¹, PhD.A.M.Daminov,PhD,² dots N.B.Yusupova,³
PhD O.SH.Abdurahmonov⁴**

Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti^{1,2,3}
Termiz muhandislik-texnologiya instituti⁴

To'qimachilik sanoatida bugungi kunga kelib 4000 artikuldan ortiq gazlamalar tayyorlanadi. Bular ichiga ipak tolasidan to'qilgan gazlamalar ham kiradi. Kuylakbop va kastyumbop matolar uchun ip tola bozori xam o'rganildi, kimyoviy tolalar bozorining global hajmi 2022-2030 yilga kelib 117,76 milliard dollarga etishi kutilmoqda, bu esa CAGR 7,4 foizni tashkil etsa, ipak bozori 2023-2030 yillar prognoz davrida CAGR 6,72 foizni tashkil etgan holda 2030 yilga kelib 36,17 milliard dollargacha kengayishi kutilmoqda. Ipak gazlamasining tarkibi, tuzilishi turli- tuman bo'ladi. Ipak gazlamalar assortimentining 98% ini kimyoviy tolalardan to'qilgan gazlamalar tashkil qiladi.

Сегодня в текстильной промышленности производится более 4000 изделий из марли. К ним относятся марли, сотканые из шелковых волокон. Также изучается рынок пряжи для рубашечных и костюмных тканей, ожидается, что объем мирового рынка химических волокон достигнет 117,76 млрд долларов США к 2022-2030 гг. при среднегодовом темпе роста 7,4%, а среднегодовой темп роста рынка шелка в прогнозируемый период 2023-2030 гг. ожидается, что к 2030 году он вырастет до 36,17 млрд долларов, что составляет 6,72 процента. Состав и структура шелковой марли различны. 98% ассортимента шелковой марли составляют марли, сотканые из химических волокон.

Today, more than 4000 articles of gauze are made in the textile industry. These include gauzes woven from silk fibers. The yarn market for shirting and suiting fabrics is also studied, the global chemical fiber market size is expected to reach USD 117.76 billion by 2022-2030, at a CAGR of 7.4%, while the silk market CAGR during the forecast period 2023-2030 It is expected to expand to 36.17 billion dollars by 2030, accounting for 6.72 percent. The composition and structure of silk gauze is different. 98% of the assortment of silk gauzes is made of gauzes woven from chemical fibers.

Kirish. Xozirgi kunda to'qimachilik va engil sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishda raqobatbardosh mahsulotlarning assortimentini kengaytirish, tabiiy xomashyolardan foydalanib yuqori ekologik mahsulotlarni ishlab chiqarish, yangi turdagi xomashyolar va ishlov berish usullarini qo'llash, to'qimachilik mahsulotlarining sifatini yaxshilash hamda ularga qo'yilayotgan talab ham jadal suratlarda oshib bormoqda. Dunyo miqyosida "...to'qimachilik va engil sanoat bozorida 2020 yilga nisbatan ishlab chiqarish qiymati 2025 yilgacha 26,2 foizni,


o'rtacha yillik o'sish sur'ati esa 6,2 foizni tashkil etishi bashorat qilmoqda" [1] To'qimachilik sanoatida bugungi kunga kelib 4000 artikuldan ortiq gazlamalar tayyorlanadi. Ayollar kiyimlari gazlamalar gruppasi juda turli tuman. Bu gruppaga yozgi, qishgi, mavsumbop va kimyoviy kompleks iplar qo'shilib to'qilgan gazlamalar kiradi. [1-6]

Ipak tolaga sun'iy tolalar aralashtirilgan gazlamalar assortimentiga bluzkalar, ko'ylaklik gazlamalar va paltolik og'ir gazlamalar kiradi. Sun'iy gazlamalar assortimentining ko'p qismi 11 – 17 teksli, eng yupqa gazlamalar 6 – 8.5 teksli iplardan to'qiladi. 1 m² gazlamaning massasi 80 grammdan 200 grammgacha bo'ladi. Sun'iy tolalardan to'qilgan gazlamalar havo o'tkazuvchanligi past bo'ladi, lekin rang mustahkamligi tabiiy tolalardan to'qilgan gazlamalardan yuqori bo'ladi. [6].

Ko'pgina ipak matolarni paxta yoki 100% poliester bilan har qanday sifatli ip bilan tikish mumkin. Kiyim buyumlarini qurish uchun ipak iplar unchalik muvaffaqiyatli bo'lmasligi mumkin. Ko'pincha ipakdagi tolalar qisqa. Ular bir-biriga o'ralib, ajoyib ko'rinishga ega bo'lishsa-da, ular tikgan ipak kabi kuchli bo'lmasligi mumkin va ularni osonlikcha sindirib-sindirib tashlashlari mumkin. Ipak matolarning juda ko'p turlari mavjud [7].


Ipak gazlamasining tarkibi, tuzilishi turli- tuman bo'ladi. Ipak gazlamalar assortimentining 98% ini kimyoviy tolalardan to'qilgan gazlamalar tashkil qiladi. Savdo preyskuranti bo'yicha ipak gazlamalar sakkiz guruhga bo'linadi, har bir guruhda oltita kichik gruppadan iborat. Ipakdan to'qilgan barcha gazlamalarda artikulning birinchi raqami 1, boshqa tolalar qo'shilgan ipakdan to'qilgan gazlamalarda 2, sun'iy iplardan to'qilgan gazlamalarda 3, boshqa tolalar qo'shilgan sun'iy iplardan to'qilgan gazlamalarda 4, sintetik iplardan to'qilgan gazlamalarda 5, boshqa tolalar qo'shilgan sintetik iplardan to'qilgan gazlamalarda 6 raqami bilan belgilanadi [8].

Aynan ipak tolalar bozori o'rganildi. Global ipak bozori 2022 yilda 20,35 milliard dollarga baholandi va 2023-2030 yillar prognoz davrida CAGR 6,72 foizni tashkil etgan holda 2030 yilga kelib 36,17 milliard dollargacha kengayishi kutilmoqda. 1-rasm



1-rasm Global ipak bozori 2022-2030 yillar

Keyingi navbatda kimyoviy tolalar bozori hajmi, ulushi va tendentsiyalari tahlili hisoboti turi (akril, poliester, neylon), qo'llanilishi bo'yicha (kiyim, uy jihozlari, filtrlash), mintaqa va segmentlar bo'yicha prognozlar, 2023 - 2030 yillar ulishlarini 2- rasmda ko'rishingiz mumkin.



2-rasm Global Kimyoviy tola bozori 2022-2030 yillar

Kimyoviy tolalar bozorining global hajmi 2030 yilga kelib 117,76 milliard dollarga etishi kutilmoqda, bu esa CAGR 7,4 foizni tashkil etadi. Iste'molchilarning tejamkor, bardoshli, yuvilishi oson va parvarish qilinadigan kimyovi matolarga bo'lgan talabining oshishi prognoz davrida bozorning o'sishiga olib kelishi kutilmoqda.

Gazlamalarning xususiyatlari va tashqi ko'rinishlari ulardan tikiladigan buyum modellariga mos bo'lishi kerak. Buyum uchun tanlangan mato uni qimmatbaho va estetik jihatdan chiroyli ko'rinishini ta'minlaydi. Ko'p fasonli ishlab chiqarish oqimlarida bir vaqtda tikiladigan buyum modellari xususiyati va rangi bo'yicha turdosh gazlamalardan tikilishiga asoslanib tanlanadi, chunki shundagina tikish mashinalaridagi ipni va parametrlarini kamroq o'zgartiriladi. Gazlamallarni tanlashda va tikish rejimlari qanday bo'lishini ham hisobga olinadi. Gazlamalar tavsifi 1-jadvalda ko'rsatilgan.

1-jadvalda

№	To'qima nomi	Tavsifi	Rasm
1	satin	Gazlmaning klassik tarkibi ipak iplardir. Zamonaviy ishlab chiqarishda sun'iy tolalardan ko'proq foydalanilmoqda. Bu esa mahsulot tannarxining pasayishi hamda gazlamaning yanada mustahkam va elastik bo'lishiga imkon yaratadi. Sun'iy komponentlarning tarkibi 1.0 dan 35.0% gacha bo'lishi mumkin. Oqshom liboslari, liboslarda dekorativ bezaklar, choyshablar, pardalar ishlab chiqarishda ko'proq qo'llaniladi	
2	krep	Ipak, yarim ipak, jun, sun'iy va sintetik matolar guruhiga kiradi. Krepning quyidagi turlari mavjud: krep-satin, krep-shifon, krep-de-shin(Chine), hamda krep-jorjet(Georgette). Asosan liboslar va kostyumlar tikish uchun ishlatiladi	
3	shifon	Shifon- krep buramali iplardan to'qilgan juda nozik hamda harir mato. Qattiq burilgan ip tufayli shaffof va ingichka bo'ladi, shuning uchun uning teksturasi silliq emas, balki biroz bo'rtma.	
4	organza	Ipak, poliestr yoki viskozadan tayyorlangan mato bo'lib, qattiq, ingichka tolali nafis hamda shaffof gazlama	
5	Tafta	Bu ipak hamda paxta aralashgan mato. Plastiklik va qattqlik bilan xarakterlanadi. Pardalar, ustki kiyimlar va oqshom liboslarni tayyorlash uchun ishlatiladi.	

6	ATLAS	Atlas (arab. — «silliq») — oldingi yuzasi silliq yaltiroq bo'lgan, atlas to'qilgan zich ipak yoki yarim ipak mato xisoblanadi. Atlas - bayramona liboslar matosi bo'lib, undan to'y liboslari va kechki liboslar tikiladi.	
---	-------	--	---

Xulosa

Qilingan taxlilardan shuni anglash mumkin aralashma iplardan olinadigan to'qimalar ishlatilish ko'lamini va talbgorlarning ehtiyojidan, kelib chiqib to'qima assortimentini ishlab chiqarishda to'laraviy tarkimini ham inobatga olish lozimdir. Yuqorida keltirilgan 1.- jadvalda ko'rsatib o'tilgan gazlamalar tavsifi shuni ko'rsatadiki, ipak gazlamalari xususiyatlari fizik-mexanik va gigienik ko'rsatkichlari barcha parametrlar bo'yicha iste'molchi talabiga javob bera oladi. Kuylakbop va kastyumbop matolar uchun ip tola bozori xam o'rganildi, kimyoviy tolalar bozorining global hajmi 2022-2030 yilga kelib 117,76 milliard dollarga etishi kutilmoqda, bu esa CAGR 7,4 foizni tashkil etsa, ipak bozori 2023-2030 yillar prognoz davrida CAGR 6,72 foizni tashkil etgan holda 2030 yilga kelib 36,17 milliard dollargacha kengayishi kutilmoqda. Eksperimental izlanishlardan keyin quyidagicha xulosa qilindi:

Foydanilgan adabiyotlar:

1. Обзор лёгкая промышленности Великобритании. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: www.marketsandmarkets.com/Market-Reports/technical-textile-market-10746.
2. Siddiqova P.S, Ortiqova D.I. Milliy matolar va ularning turlarinikengaytirish. To'qimachilik muammolari №3/, 54-b. (2017).
3. Azamov U.N, Djo'rayev B.E, Eshomqulova M.A "Respublikamizda ipak matolarini ishlab chiqarilishi va foydalanilayotgan xom ashlr" To'qimachilik muammolari №4/2017, 45-b.
4. Хошимова, М., & Хожиев, А. Выбор ткани для женской кофты. Universum: технические науки, (4-2 (85)), 92-95. (2021).
6. Nabiyev, Q. Q., Yaqubov, N. J., & Toshtemirov, K. A. Innovative technology in the production of clothing from natural fibers. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1186-1191. (2020).
7. Ulugboboyeva, M. M. (2021). Creation of new modern clothes from national fabrics. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 2(11), 63-68.
8. Umarali o'g'li, T. D., Sharipjanovich, S. O., & Mahmudovich, M. B. (2021). Theoretical research of the effect of damage and air transport working parts on cotton raw materials. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 2(12), 65-76.
9. Mirzayev, B., & Esonzoda, S. (2021). Analysis of the use of hot air coming out of the drying drum. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 2(11), 6-13.
10. Baxtiyrovna, N. B. (2021). Analysis of New Assortments of Women's Dresses Made of Knitted Fabric. Central asian journal of arts and design, 2(11), 4-8.

PAXTA TOLASINI TOZALASH JARAYONLARINING NAZARIY VA AMALIY TADQIQI

M.N.Inoyatova, B.Mirzaboyev, M.Yusupova, A.A.Sharifjonov

Namangan to'qimachilik sanoati instituti

Maqolada paxta tolasini tozalash jarayonlarining nazariy va amaliy tadqiqi o'rganib chiqildi. Paxta tolasiga zarba yoki silkitish kuchi ta'sir etsa, undagi iflos zarrachalarning xom ashyoga nisbatan harakati sodir bo'ladi, bu o'z navbatida uning xom ashyo tarkibidan ajralib ketish intensivligini oshiradi. Tolaning arrali silindrga ilashgan holda kolosnik panjarasi bo'ylab harakati davomida uning tarkibidagi zarracha bilan to'rli yuza orasida kontakt kuchi hosil bo'lib, uning ta'siri ostida zarrachalar fazoviy harakatga keladi, buning natijasida ularning bir qismi yuzaning ochiq joylaridan tashqariga chiqib ketadi.

Jahon to'qimachilik sanoatining asosiy homashyolaridan biri paxta tolasini hisoblanadi. Paxtani birlamchi qayta ishlash texnikasi va texnologiyalarini takomillashtirish hisobiga dastgohlar unumdorligini oshirish, tozalash samaradorligini oshirish, ishlab chiqarilayotgan tola, sifatini yaxshilaydigan texnologiyalar yaratishga katta e'tibor qaratilmoqda. O'z navbatida, to'qimachilik sanoatining tola sifati va assortimentiga qo'yadigan talablari ortib bormoqda. Shunga ko'ra, muayyan hajm va assortimentdagi hamda talab qilingan sifatga ega bo'lgan paxta tolasini ishlab chiqarish bugungi kunda paxta tolasini ishlab chiqaruvchilari oldidagi asosiy muammolardan biriga aylandi [1.2.3].

Shunday mexanizmni tavsiflash uchun A.G.Sevostyanov tomonidan model taklif etilgan [4]. Bu modelga ko'ra, to'rli yuzadagi xomashyo miqdorining kamayishi uning massasiga va massa egallagan hajmning o'zgarishiga to'g'ri proporsional bo'ladi.

A.G.Sevostyanov modeliga ko'ra tola tarkibidagi iflos aralashmalarining ajralib chiqishi bu hol uchun, tolani tozalash zonasiga tushadigan massa m bilan bog'liqligi va uning zichligini ρ quyidagicha ko'rinishda bo'lishi mumkin:

$$\frac{dm}{m} = \lambda \frac{d\rho}{\rho}$$

bu erda: $\lambda = 1/(1 + a)$, $a > 0$ – mutanosiblik koeffitsienti.

Tolali materiallarni tozalash jarayonining nazariy tahlillari ko'p hollarda shu modelga asoslangan. Bu tadqiqotlarni rivojlantirishga professor B.Mardonov katta hissa qo'shdi [5].

Ohirgi tenglamani integrallab, qoniqtiruvchi hollarda $m = m_0$ (m_0 – vaqt birligi orasida birinchi va ikkinchi kolosniklar orasidagi zonalarga tushadigan tozalanmagan tola massasi), $\rho = \rho_c$ bo'lganda $\alpha = 0$ birinchi va ikkinchi tozalash zonasi uchun quyidagi tenglama olingan:

$$\frac{m_1}{m_0} = \left(\frac{\rho_1}{\rho_c} \right)^\lambda \quad (1)$$

Bog'lanishni (3) hisobga olgan holda,

$$\frac{m_1}{m_0} = [1 + A(p_1 - p_c)]^\lambda \text{ bo'lganda } 0 < \alpha < \alpha_0, \quad (2)$$

Tolaning arrali silindr va kolosnikli panjara zonasidagi harakatini uzluksiz muhit harakati sifatida qarab, qatlamdagi massaning har bir sektordagi harakat tenglamasini og'irlik va ishqalanish kuchini e'tiborga olgan xolda Eyler formulasi yordamida yozish mumkin [6]:

$$\rho_j v_j \frac{dv_j}{d\alpha} = -\frac{dp}{d\alpha} + \rho_j g R (\cos \alpha - f \sin \alpha) - f \rho_j v_j^2 \quad (3)$$

Bu erda $\rho_j = \rho_j(\alpha)$, $v_j = v_j(\alpha)$ va $p_j = p_j(\alpha)$ funksiyalar orqali xom ashyoning $\alpha_{j-1} \leq \alpha \leq \alpha_j$ sektordagi zichligi, tezligi va bosimi belgilangan.

Tenglama 3 ta noaniqlikni o'z ichiga oladi: p , ρ va v . Bu tenglamalarni bog'lash uchun siqilgan muhit holatidan foydalanamiz, bunda quvvat p va zichlik ρ orasidagi aloqa yuzaga chiqadi:

$$\rho = \rho_c [1 + A(p - p_c)] \quad (4)$$

va massani saqlashdagi oqimning statsionar harakatlanish quyidagicha bo'ladi:

$$\rho v S_0 = Q_0 \quad (5)$$

bu erda: h – qatlam qalinligi;

L – baraban uzunligi;

k_0 – arra tishlari tola bilan tutashuv maydonining kamayganligini ko'rsatuvchi koeffitsient;

Q_0 – tozalagich ish unumi;

ρ_c, p_c – tola yuqoriga kelib arra tishi bilan tutashgandagi uning bosimi va zichligi;

A – xom ashyoningsiqilish doimiysi.

Unda $A \ll 1$ (5) dan tezlikni aniqlasa bo'ladi:

$$v = v_c [1 - A(p - p_c)] \quad (6)$$

Arra tishining xom ashyoga bo'lgan zarbida oqimdagi tezlik quyidagicha $v_c = \beta v_k$ ko'rinishga ega, bu erda v_k – arra tishining chiziqli tezligi, $\beta < 1$ – tezlikning pasayish koeffitsienti, bu tajriba yo'li bilan aniqlanadi. $v_{cp} = 0,5v_k$ – qabul qilingan tozalash jarayonidagi tolaning o'rtacha tezligi.

Formula (6) dagi $v = v_c$, xom ashyo bilan arra tishining yuqori qismi uchrashish o'za ro ta'sirini topgan:

$$\rho_c = \frac{Q_0}{S_0 v_c} \quad (7)$$

Bu tenglamadan tola oqimining tozalash jarayonidagi zichligi aniqlanadi.

Pichoqlari o'zgaruvchan qadamda o'rnatilgan va aeromexanik tozalash usuli asosida ishlaydigan aylanuvchi baraban shaklida ishlab chiqarilgan tola tozalash mashinasining yangi konstruksiyasini ishlab chiqdi va tolani tozalash jarayonini nazariy va amaliy ravishda o'rgandi. Tolalardan begona iflos aralashmalarini ajratish uchun optimal sharoitlarni aniqlash maqsadida paxta tolasining tola tozalagichning ishchi organlari bilan o'zaro ta'siri o'rganildi. Tola tutamining turli shakldagi panjaralar bilan o'zaro ta'sirida zarba impulsining o'zgarishi eksperimental ravishda o'rganildi va pichoqli aylanuvchi barabanning ratsional parametrlari tavsiya etildi.

Bularning barchasi tolani tozalash texnologiyasi va asbob-uskunalarini takomillashtirish, ishlab chiqarilayotgan tolaning chiqindilarda yo'qotilishini minimallashtirgan holda tozalash samaradorligi va davlat standartiga javob beradigan sifatini ta'minlash masalalarini hal etish zarurligini ko'rsatadi.

Titish tozalash tizimi va jihozlarining texnika va texnologiyasi yangiligi tozalash bosqichining kam o'timligidadir. Odatda avtotoyitkichdan so'ng bir barabanli tozalagich, so'ngra turlicha konstruksiyadagi separatorlar, ulardan keyin asosiy tozalagichlar va aerodinamik tozalagichlar yoki changsizlantiruvchi mashinalar o'rnatiladi. Hozirgi vaqtda qoziqli, pichoqli ko'p barabanli tozalagichlar qo'llanilmayapti. Ularning o'rniga samaradorligi yuqori bo'lgan mayda tishli, barabanining sirti shtiftlar yoki arra tishli qoplamalar bilan qo'llangan tozalagichlardan foydalanilmoqda. Tozalash barabanlari arra tishli qoplamalar va jihozlanishi natijasida paxta bo'laklari qayta ishlashning boshlang'ich onlaridayoq mumkin qadar mayda bo'lakchalarga ajratilmoqda. Natijada tolalarni tozalash va aralashtirish jarayonlariga tayyorlash

Xulosa. Kesish zonasidagi haroratni va ishlov beriladigan qismning sirt qatlami materialidagi texnologik qoldiq kuchlanishlarning kattaligini aniqlash uchun olingan bog'liqliklar ishlab chiqarishni texnologik tayyorlash bosqichida eng samarali sirt faol moddalarni va ularni qo'llash usullarini belgilashga imkon beradi. muayyan ishlov berish shartlari uchun silliqlash zonasiga etkazib berish.

Foydalanigan adabiyotlar.

1. Redko, S.G. Protsessi teploobrazovaniya pri shlifovanii / S.G. Redko. – Saratov: Izd-vo SGU, 1982. – 231 s.
2. Korolyov, A.V. Teoretiko-veroyatnostniye osnovi abrazivnoy obrabotki / A.V. Korolyov, Y.K. Novosyolov. – Saratov: Izd-vo SGU, 1989. – 320 s.
3. Patent RF №2532660 Sposob impregnirovaniya abrazivnogo instrumenta / V.I. Butenko. – Byull. №31, 2014.
4. Kujarov, A.S. Tribotexnicheskiye vozmojnosti nanoklasterov Cu, Zn, Sn, Ag i ix smesi v sostavax preparatov sovremennoy avtoximii: (tezisi doklada) / A.S. Kujarov, A.A. Rjkin, A.A. Kujarov // Problemi mashinovedeniya: Tribologiya – mashinostroyeniye: sb. tezisov konf. – M.: IMASH RAN, 2014. – S. 269.

ПАХТАНИ МАЙДА ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ УСКУНАСИДА ҲАВО ХАРАКАТИНИНГ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

М.Ф.Джураев¹, С.О.Ҳамдуллаева², Ш.Ш.Ҳакимов²

Термиз давлат университети¹

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти²

Пахта хомашёсини майда ифлосликлардан тозалаш муҳим жараён ҳисобланиб, уни кейинги босқичда қайта ишлаш, яъни жинлаш жараёнларига катта таъсир этади. Агар майда ифлосликлар етарли даражада тозаланмаса у пассив ифлосликдан актив ифлосликка ўтади ва тола тозалагичда ажратилиши қийинлашади. Тозаланиши

самарадорлиги қозиқли барабанлар айланиш сонига, галвир юзасига ва пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларига боғлиқ. Қозиқли барабанлар айланиш жараёнида маълум тезликда ҳаво ҳосил қилади.

Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш учкунасида ҳаво ҳаракатининг тезлигини аниқлаш учун Hot Wire GM8903 русумдаги анемометр қурилмасидан фойдаланилди (1-расм).

Ушбу анемометр ўлчаш қийин бўлган жойларда ҳаво тезлиги ҳарорат, ва ҳаво оқими сарфини ўлчайди.

У ўта сезгир "сезувчи датчик" сенсори билан жиҳозланган. " сезувчи датчик" технологиясининг афзаллиги ҳаво оқими тезлигини ўлчашнинг юқори аниқлигидадир. Ушбу қурилма сезгирлиги ҳаво оқими тезлигини 0,001 м/сек дан ўлчаш имконини беради.

Ундан: иситиш, шамоллатиш, метеорология, кишлоқ хўжалиги, ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин.

Анемометрнинг хусусиятлари:

- ҳаво оқими паст бўлганда тезлигини ўлчаш учун симли анемометр
- кириб бориш қийин бўлган жойларда тезлик, ҳарорат ва ҳажмли ҳаво оқимини ўлчаш учун масофавий шуб
- максимал, минимал ва ўртача кўрсаткичларни хотирасига сақлаб бориши.
- ўлчов оралиғидан ошиб кетганлигини белгиси
- ушбу қурилма учун Европа калибрлаш протоколи, РоШ ва Е идоралар аро сертификатларнинг мавжудлиги.
- компьютерга уланиш учун USB интерфейси.
- ёрқин орқа ёруғлик билан жиҳозланган катта LCD дисплей [5]



1-расм. Hot Wire GM8903 русумдаги анемометр


1-жадвал

Hot Wire GM8903 русумдаги анемометрнинг технологик кўрсаткичлари


Ҳаво ҳаракати тезлигини ўлчаш диапазони	0,0–30 м/сек; 0,0–90 км/с
Ҳаво ҳаракати тезлигини ўлчаш аниқлиги м/сек	±3 % ±0,1
Масофавий сенсор диаметри, мм	30,5
Масофавий шуп узунлиги, мм	1000
USB орқали компьютерга маълумотларни узатиш	Мавжуд
Максимал, минимал, ўртача ва жорий тезлик қийматни кўрсатиш	Мавжуд
Ўлчами, мм	145x72x35
Оғирлиги, гр	330

Анениометрда қозикчали барабанларнинг турли нуқталарида ҳаво ҳаракатининг тезлигини аниқлаш мақсадида ТТЕСИ “ТМЖ” кафедрасидаги лабораторияда синовлар олиб борилди. Синов уч марта такроран икки ҳил усулда, биринчи усул қозикчали планкали барабанларда, иккинчи усул қозикчали планкасиз барабанларда ўтказилди.

Синов натижаларидан қозикчали планкали (2-расм) ҳамда қозикчали планкасиз барабанларда (3-расм) турли нуқталарда ҳаво ҳаракати тезлиги турлича бўлишини кўриш мумкин.




2-расм. Қозикчали планкали барабанда турли нуқталарда ҳаво ҳаракатининг тезлиги



3-расм. Қозикчали барабанда турли нуқталарда ҳаво ҳаракатининг тезлиги

Қозикчали барабаннинг маълум бир нуқтасидан анениометр орқали олинган ҳаво ҳаракатининг тезлиги кўрсаткичларни компьютерга узатилганда қуйидаги кўринишдаги жадвал ҳосил бўлди.

2-жадвал



Ушбу жадвалда қозикчали барабанда маълум бир нуктадаги ҳаво ҳаракатининг тезлиги ҳамда у ердаги ҳарорат кўрсаткичлари рақамли ва график кўринишда акс эттирилган.

Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш ускунасида тозалаш-титиш барабанининг технологик ва конструктив параметрларини ўрганиш бўйича бир қатор илмий ишлар бажарилган. [1]

Ушбу ўрганилган ишларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчисиди турли хил конструкция таклифлари ўрганилган, иккинчисиди тозалаш бўлимининг технологик ва кинематик параметрлари аниқланган.

Тозалаш мосламасининг ишчи қисмида барабан тўплами томонидан ташкил этилган кучли ҳаво оқимлари пахтани ифлосликлардан тозалаш жараёнда иштирок этади, уларнинг ифлосликларни ажратишда аҳамияти жуда катта.

Тадқиқот натижаларидан пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган ҳаво ҳаракати тезлигининг тозалаш жараёнига ижобий ҳамда салбий таъсири аниқланди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Лугачев А.Е. Ҳаво оқими билан пахта хом-ашёсини тозалаш самарадорлигини ошириш // Пахтачилик ва дончиллик. 1997 № 3. 47-48 б
2. Ҳакимов Ш.Ш. Пахта хом-ашёсини ифлосликлардан тозалаш жараёни самарали технологиясини ва тозалагичлар ишчи қисмларининг рационал конструкциясини яратиш. Техника фанлари доктори диссертацияси. – Тошкент, 2016. – 172-175 б.
3. Расулов Р.Х., Корабельников Р.В., Лугачев А.Е. Исследование некоторых физико-механических характеристик хлопка-сырца применительно к модулю очистителя крупного сора// Журнал «Технология текстильной промышленности». - Иваново, 2004. - №1. - С. 16-19.
4. W.S. Anthony and William D. Mayfield, Managing Editors "Cotton Ginners Handbook" Number 503 December 1994
5. <https://simvolt.ua/ru/anemometr-benetechn-gm-8903.html/>

JILVIRLASH JARAYONIDA ABRAZUV TOSHNING KESISH ZONASIDAGI HARORATNI VA ISHLOV BERILADIGAN QISMNING SIRT QATLAMI MATERIALIDAGI TEXNOLOGIK QOLDIQ KUCHLANISHLARNING TAHLILI

Magistr. A.E.Jumaniyazov¹, talaba. K.F.Sayfullayeva², t.f.f.d. dotsent. E.A.Narmatov², t.f.n., dots. N.Q.Safarov³

Urganch Ranch texnologiya universiteti¹, Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti², Termiz muhandislik-texnologiya instituti³

Abraziv donaning ishlov beriladigan material bilan aloqa o'zaro ta'sirining xususiyatlari ko'rib chiqiladi va uning ostida sirt faol moddalarning qismning sirt qatlamini abraziv qayta ishlash jarayoniga ta'sirini analitik o'rganish mumkin bo'lgan taxminlar mavjud. Abrasiv donning ishchi profiliga teguvchi tekislikdagi kuchlarning ta'sirining diagrammasi va uning ishchi qismlarida urilgan aloqa nuqtalaridan teng masofada joylashgan. Kesish maydonida sirt faol moddalarning plyonka hosil qiluvchi ta'sirini hisobga olgan holda, donning ishchi profili va qirindilar orasidagi ishqalanish koeffitsientini aniqlash uchun formula olingan. Qayta ishlangan material bilan abraziv donning aloqa zonasidagi materialning kuchlanish holati o'rganildi, buning natijasida maksimal kuchlanish qiymatlarining donning ishchi profiliga va kesish kuchlanishiga bog'liqligi aniqlandi.

Рассмотрены особенности контактного взаимодействия абразивного зерна с обрабатываемым материалом и приняты допущения, при которых возможно проведение аналитического исследования влияния поверхностно-активных веществ на процесс абразивной обработки поверхностного слоя детали. Разработана схема действия сил на плоскости, касательной к рабочему профилю абразивного зерна и равноудалённой от его характерных точек контакта со сходящей стружкой. Получена формула для определения коэффициента трения между рабочим профилем зерна и стружкой, учитывающая плёнообразующее действие поверхностно-активных веществ в зоне резания. Исследовано напряжённое состояние материала в зоне контакта абразивного зерна с обрабатываемым материалом, в результате которого выведены зависимости величин максимального напряжения на рабочем профиле зерна и напряжения сдвига.

Kirish. Zamonaviy mashinasozlikdagi ilmiy va texnologik taraqqiyot abraziv ishlov berish jarayonlarini ishlab chiqish va takomillashtirish bilan uzviy bog'liq bo'lib, ular asosan ishlab chiqarishning murakkabligi va qayta ishlangan qismlarning sifatini belgilaydi. Qayta ishlangan material bilan silliqlash g'ildiragining aloqa zonasidagi yuqori harorat va bosim qismlarning sirt qatlami sifatining ishlash ko'rsatkichlarini shakllantirishga ta'sir qiluvchi murakkab kesish jarayonlarini keltirib chiqaradi.

Natijada, kesish zonasiga past ishqalanish koeffitsientiga ega bo'lgan plyonka hosil qiluvchi moddalarni kiritish orqali abraziv donalarning ishlov beriladigan material bilan aloqa qilish shartlarini o'zgartirish bo'yicha texnologik chora-tadbirlarni ishlab chiqish va mashina qismlarining sirtlarini pardoqlash ishlarini yaxshilashning dolzarb yo'nalishi hisoblanadi.

Bunday plyonkalar abraziv don va ishlov beriladigan materialning aloqa yuzalarida, masalan, sirt faol moddalarni qo'llash orqali yaratilishi mumkin, ular orasida kristalli yod va uning birikmalari juda istiqbolli [1, 2].

Tadqiqot muammosining bayoni. Mashina qismlarining sirtlarini silliqlashda sirt faol moddalarni qo'llash bilan bog'liq masalalarni ko'rib chiqishning dolzarbligini hisobga olgan holda, ushbu tadqiqotning vazifasi abraziv donning ishlov beriladigan material bilan aloqa o'zaro ta'sirining harorat va kuch xususiyatlarini aniqlash va ular asosida, eng samarali sirt faol moddalarni tanlash va ularni muayyan silliqlash sharoitlari uchun kesish zonasiga etkazib berish usullari.

Sirt faol moddalar yordamida jilvirlash jarayonini eksperiment tadqiqoti. Bog'liklarning (1), (8) ishonchliligini va ularni amalda qo'llash imkoniyatini tasdiqlash uchun

ishda tasvirlangan texnologiyadan foydalangan holda an'anaviy jilvirtoshlar va xrom diiodid bilan singdirilgan jilvirtoshlar bilan silliqlash jarayonining eksperimental tadqiqotlari o'tkazildi.

O'lchamlari 50x20x150 mm bo'lgan taxtachalar shaklida tayyorlangan 12XN3F va 35XGSA po'latlaridan yasalgan qismlarning sirtlarini qayta ishlash modda sirt silliqlash mashinasida amalga oshirildi. 3B724 doiralari PP 400x60x127 14AF60L7V 35 m/s GOST R 52781-2007 bo'ylama surish bilan $S_{ayl} = 0,02$ m/s, kesish kuchi $S_{kes.kuchi} = 0,01$ mm/d. harakat va o'tishlar soni $m=3$.

Taxtalarning (namuna) sirtlari $Ra=(10,5-15,6)$ mikron oralig'ida g'adir-buduriligini ta'minlab, toza frezalashdan o'tkazildi.

Quyidagilar moylash va sovutish vositasi sifatida ishlatilgan:

- an'anaviy jilvirtoshlar bilan silliqlashda - Ukrinol-1 emulsiyalining 5% suvli eritmasi;
- singdirilgan jilvirtoshlar bilan silliqlashda - har litr ezilgan xrom diiodidga 5 g qo'shilgan Ukrinol-1 emulsolining 5% suvli eritmasidan iborat suspenziya.

Quyidagi silliqlash parametrlari aniqlandi:

- ishlov beriladigan yuzadan 0,5 mm chuqurlikdagi sinov namunalari ichiga xromel-alumel termojuftlarni o'rnatish orqali kesish zonasida harorat Θ ;
- usul bo'yicha hisoblangan texnologik qoldiq kuchlanish σ_{qold} qiymati.

Silliqlash quvvati P, korobka qutisini hisobga olgan holda silliqlash dastgoh babkasining elektr motoriga ulangan vattmetr yordamida aniqlandi.

Adabiyot ma'lumotlari va o'lchov natijalaridan foydalanib, γ , β burchaklarining quyidagi qiymatlari va t_{ishq} ishqalanish ko'effitsienti qabul qilindi:

$$\gamma = 60^\circ, \beta = 30^\circ, t_{ishq} = 0,08.$$

Haroratning Θ va texnologik σ_{qold} qoldiq kuchlanishlarining eksperimental ravishda aniqlangan ko'rsatkichlari $\Delta\Theta$ va $\Delta\sigma_{qold}$ og'ishlarini hisoblash orqali (1) va (8) bog'liqligi yordamida olingan va 1-jadvalda hisoblangan qiymatlari bilan taqqoslandi. $\Delta\Theta$ va $\Delta\sigma_{qold}$ silliqlash ko'rsatkichlarining hisoblangan va eksperimental qiymatlari 1-jadvalda keltirilgan.

$\Delta\Theta$ va $\Delta\sigma_{qold}$ silliqlash ko'rsatkichlari

1-jadval

Qayta ishlangan po'lat	Ishlatilgan jilvirtosh toshi doira	Hisoblangan ko'rsatkichlar		Tajriba ko'rsatkichlari		Ko'rsatkichlarning og'ishlari	
		Θ , град. C σ_{qold} , МПа	Θ , град. C σ_{qold} , МПа	Θ , град. C σ_{qold} , МПа	Θ , град. C σ_{qold} , МПа	$\Delta\Theta$	$\Delta\sigma_{qold}$
12XH3A	Oddiy	793,5	379,0	750	340	5,5	10,0
	singdirilgan	658,4	326,5	600	290	8,6	11,5
35XГCA	Oddiy	872,7	435,6	800	380	8,3	12,5
	singdirilgan	719,6	363,	650	310	9,7	14,6

1-jadvalda keltirilgan ma'lumotlarni tahlili natijalari shuni ko'rsatadiki, Θ harorat va texnologik qoldiq kuchlanishning hisoblangan qiymatlari eksperimental ravishda olinganidan (5,5 - 14,6)% ga yuqori, bu qabul qilingan taxminlar va bo'shashish jarayonlari bilan bog'liq.

Singdirilgan toshlar va xrom diiodidli suspenziya yordamida abraziv donalar va ishlov beriladigan materiallarning aloqa yuzalarida ishqalanish ko'effitsienti past bo'lgan plyonkalarni yaratish kesish zonasidagi haroratni 15-20% ga kamaytirishga imkon beradi hamda sirt qatlami materialidagi texnologik qoldiq detallar kuchlanishlarning 15% dan ortiq kattaligi ko'rsatib o'tigan.

Sirt faol moddalar yordamida qismlarni silliqlashda silliqlashda quvvat sarfi sirt faol moddalarsiz silliqlashdan 25-30% kamroq.

Абразив donalarning ishlov beriladigan material bilan aloqa o'zaro ta'sirini eksperimental tadqiqotlar natijalari sirt faol moddalarni kesish zonasiga etkazib berish turi va usulini tanlash xususiyatlarini aniqlashga imkon berdi.

Aniqlanishicha, silliqlash jarayonida sirt faol moddalardan foydalanish effekti kesish zonasiga etkazib beriladigan sirt faol moddalar 600-800 °S haroratda o'z xususiyatlarini saqlab qolgan hollarda erishiladi [3, 4].

Shuning uchun organik asosli sirt faol moddalarni maydalashda ishlatish mumkin emas. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, sirt faol moddalarni qo'llashning eng katta ta'siri abraziv don va ishlov beriladigan materialning aloqa yuzalarida qobiqli tuzilmalar hosil qilgan hollarda erishiladi. Sirt faol moddalar yordamida qismlarni silliqlashda silliqlashda quvvat sarfi sirt faol moddalarsiz silliqlashdan 25-30% kamroq.

Silliqlash jarayonida sirt faol moddalardan foydalanishning maksimal samaradorligi kontakt materiallarining texnologik muvofiqligi hisobga olingan hollarda erishiladi, buning natijasida asbob tarkibida bir xil sirt faol moddalarni ularni qo'shib ishlatish tavsiya etiladi. abraziv massa yoki emdirish orqali va sirt faol moddalarni o'z ichiga olgan moylash va sovutish muhitini yaratishda.

Xulosa. Kesish zonasidagi haroratni va ishlov beriladigan qismning sirt qatlami materialidagi texnologik qoldiq kuchlanishlarning kattaligini aniqlash uchun olingan bog'liqliklar ishlab chiqarishni texnologik tayyorlash bosqichida eng samarali sirt faol moddalarni va ularni qo'llash usullarini belgilashga imkon beradi. muayyan ishlov berish shartlari uchun silliqlash zonasiga etkazib berish.

Nazariy va eksperimental tadqiqotlar shuni isbotladiki, qismlarni silliqlashda sirt faol moddalardan foydalanish kesish haroratini va sirt qatlami materialida texnologik qoldiq kuchlanishning kattaligini pasaytiradi, bu ishlov beriladigan mashina qismlarining ishlash xususiyatlarini oshirishga foydali ta'sir ko'rsatadi.

Texnologik muvofiqlik va maksimal samaradorlikni hisobga olgan holda, sirt faol moddalar turlarini qo'llash xususiyatlari va qismlarning sirtlarini silliqlashda ularni kesish zonasiga etkazib berish usullari aniqlanadi.

Foydalanigan adabiyotlar.

1. Butenko, V.I. Povisheniye effektivnosti shlifovaniya poverxnostey detaley mashin / V.I. Butenko, L.V. Gusakova. – Taganrog: Izd-vo YUFU, 2012. – 176 s.
2. Latishev, V.N. Primeneniye yoda kak komponenta SOTS pri rezanii metallov: (statya)/V.N. Latishev, A.G. Naumov, V.S. Radnyuk // Metalloobrabotka. – 2008. - №3(45). – S. 9 – 14.
3. Yakimov, A.V. Obespecheniye kachestva poverxnosti putyom vibora glubini shlifovaniya: (statya) / A.V. Yakimov, V.P. Larshin, A.M. Sklyar // Vestnik mashinostroyeni Y. – 1988. – №2. – S. 48 – 50.
4. Shumyacher, V.M. Fiziko-ximicheskiye protsessy pri finishnoy abrazivnoy obrabotke / V.M. Shumyacher. – Volgograd: Izd-vo VolgGASU, 2004. – 161 s.


ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАГИЧНИНГ ТАЪМИНЛАГИЧНИ ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

А.О.Ибрагимов

Фарғона политехника институти

1ХК русумли пахтани майда ифлосликлардан тозалагичнинг биринчи жуфт қозикли барабанларнинг юкорисига (пахтанинг ҳаракат йўналиши бўйича) таъминлаш валиги бўлган шахта ўрнатилган. Таъминлаш валикларининг айланиш тезлиги ИВА вариатори орқали соزلанади ва унинг ёрдамида иш унумдорлиги белгиланади.

Ҳозирги вақтда пахта тозалаш корхоналарида таъминлагичлар асосан иккита парракли валиклардан ташкил топган (1-расм) бўлиб, таъминлаш текислиги бўйича талабларга жавоб бермайди [1].



Қия парракли таъминлаш валикларининг таъминлаш текислигини 1,5-2 марта оширадиган конструкцияси ишлаб чиқилган, мазкур таъминлагич конструкцияси мураккаблиги сабабли ишлаб чиқаришда ўз самарасини бермади [2].


Таъминлагичларнинг бошқа конструкциясида қўшимча орган татбиқ этиш ҳисобига пахтанинг титкиланиш даражасини оширилган. Масалан, муаллифлар [3-5] томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишларида бир жуфт таъминлаш валикларидан сўнг қўшимча бир жуфт қозиқли барабанлар ўрнатиш ҳисобига титкиланиш даражаси оширилган.

Таклиф этилган пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичининг таъминлагичидан бир маромда, пахталарни бўлакчаб аррачали барабан юзаси бўйлаб бир хил қатламда ташлаши учун таъминлагич роликларини бир бирига қарама-қарши айлантириб, роликларнинг ўрта қисми оралиғини икки ён қисмидан кўра катталаштириш билан амалга ошириш учун роликларни икки ёнга сурилишини бажаришни таъминлаш мақсадида корпусдан тешик очилди ва таъминлагичдан пахтани тўғридан тўғри аррачали барабанга тушириш учун қозиқли барабани олиб ташалди.

Пахтани тозалашда аррачали барабанга узатилаётган пахта қатламининг аррали барабан юзаси бўйлаб бир хилда тақсимланишидан пахталарни арра тишларига илашиши яхшиланади ва пахта толасидан йирик ифлосликларни ажралиши осонлашади. Шунинг учун таъминлаш тизимидан пахтани аррали барабан юзаси бўйлаб тенг тақсимланишини амалга ошириш учун таъминлагичнинг иккита роликларини бир бирига қарама-қарши томонга айлантириш билан пахтани икки ён девор томонидан бўлакларга бўлиниб ташлашини амалга оширилади, бундан ташқари икки роликлар орасини ён девор томонига нисбатан каттароқга очилиши ўртадан ҳам қандайдир массани тўкилишига олиб келади. Таъминлагичдан пахтани тенг бўлиниши бўйича қуйидагича тажрибалар ўтказилди, бунинг учун таъминлагичнинг қуйидаги стенди тайёрланди (2-расм) стенднинг кенглиги пахта тозалагичнинг кенглигига тенглаштирилиб, фақатгина роликларнинг узунлигини амалдаги ҳолатидан 3/1 қисми, 60 мм олинди. Роликларнинг оралиқ масофасини $L=15, 20$,

25 мм га кўпайтириб борилди, бунда икки ён девор билан масофаларини 20 мм ҳолатида ушланди.

Таъминлагичнинг тагига учта бўлакка бўлинган кути қўйилиб, шахтага пахта ташлаб турилди ва ҳар 10 секундда ташланган пахта миқдорлари ўлчанди, роликларнинг айланишлар сонини 8 айл/мин га ўрнатилди.



2-расм. Таъминлагичнинг технологик параметрларини аниқлаш бўйича стенд схемаси.

ЧХ-3М йирик ифлосликлардан тозалаш машинасининг таъминлагич ўлчамлари:

Таъминлаш роликлари диаметри -140 мм;

Роликлар оралиқ масофаси $L=100\text{мм}$;

Ролик билан девор оралиғи $h=20\text{ мм}$.

ЧХ-3М тозалагичининг таъминлаш қисмини ечиб олинди ва қозикли барабани олиб қўйилди, бунда таъминлагичдан аррачали барабан устига тўғридан тўғри пахта ташлаш имконияти тўғилди.

Таъминлагичда пахтани бўлакларга бўлиб, аррачали барабан юзаси бўйлаб бир қатламда ташлаши учун уларнинг технологик параметрларини аниқлаш бўйича стендда ўтказилган тажриба натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таъминлагич роликларининг оралиқ масофасини ўзгаришидан пахтани тақсимланиши

№	Таъминлагичдан тўкилаётган пахтанинг кутида тақсимланиш миқдори, гр.		
	I	II	III
Роликлар оралиғи 15 мм га ошириш			
1	150	75	100
2	130	80	110
3	110	95	100
Ўрт.	130	83,4	103,4
Роликлар оралиғи 20 мм га ошириш			
1	140	125	136
2	135	130	142
3	132	134	130
Ўрт.	135,7	129,7	136
Роликлар оралиғи 25 мм га ошириш			
1	110	148	105

2	98	139	112
3	105	145	100
Ўрт.	104.4	144	105.7

Юқоридаги жадвалдан кўринадик, таъминлагичнинг роликлар оралик масофаларининг ўзгариши пахтани тақсимланишига таъсир этар экан, бунда роликлар орасидаги масофа 15 мм га оширишда пахта икки чеккадан кўпроқ ўтиши, яъни 130; 103,4 граммни ташкил этиб, I-бўлакка 16,6 граммга кўпроқ тушган бўлса, роликлар оралиғини 20 мм га оширилишидан уччала томондан тушган пахта массасининг бир хиллиги, яъни I-бўлакка 135,7 грамм, II-бўлакка 129,7 грамм, III-бўлакка эса 136 грамм пахта тушган. Роликлар оралиғини янада оширишдан, 25 мм га оширишда ўрта II-бўлакдан тушган пахта миқдори 144 граммни ташкил этиб, қолган бўлаклардан юқорилиги кўринди.

Демак, тажриба натижаларидан этиш мумкинки таъминлагичнинг роликлари орасидаги масофани 20 мм га оширилганда пахта уч қисмга бўлиниб тушар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.П.Мавлянов, Дж.Ю.Мирахмедов, Х.Холтураев. Обеспечение эффективности работы питателя хлопка-сырца // Тезисы докладов первого международного Джолдасбековского симпозиума, Алматы, 2011, С. 87-88.
2. Научный отчет по теме ИТД-6-047: «Разработка и обоснование параметров ресурсосберегающего питателя для машин первичной обработки хлопка» ТИТЛП. Ташкент. 2011. С. 24.
3. Х.С.Усманов. Совершенствование процесса питания хлопком-сырцом при дженировании. Дисс. ... канд. техн. наук.- Ташкент, 2007.- 163 с.
4. Абдуллаев К. Ю. и др. Хорижий давлатларда пахта сақлаш тажрибаси тахлили //Scientific approach to the modern education system. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 133-135.
5. Parpievich P. A. et al. Analysis of moisture at different points of cotton in the garment during the storage process of high-humidity cotton //Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 83-86.

TOLANI JINLASH MASHINASIDA KOLOSNIK PANJARASINI ISHLASH MUDDATINI OSHIRISH

talaba. K.F.Sayfullayeva¹, t.f.f.d., dotsent. E.A. Narmatov¹, t.f.n., dots. N.Q.Safarov²
Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti¹
Termiz muhandislik-texnologiya instituti²

Maqolada, arrali jinni kolosnik panjarasini ishlash muddatini hamda uning texnologik puxtaligini, shuning bilan birga ishlab chiqarilayotgan tolaning hamda chigitning mexanik shikastlanishini kamaytirish maqsadida moslanuvchan texnologik ko'rsatkichlarini ta'minlaydigan kolosnikli panjara konstruksiyasini o'rganishga bag'ishlangan.

Статья посвящена исследованию конструкции колосниковой решетки, обеспечивающей адаптивные технологические показатели с целью увеличения срока службы колосниковой решетки и его технологической точности, а следовательно, снижения механических повреждений производимого волокна и семян.

The article is devoted to the study of the grate design, which provides adaptive technological indicators in order to increase the service life of the grate and its technological accuracy, and consequently, reduce mechanical damage to the produced fiber and seeds.

Пaxта тозалаш корxonalaridagi jin mashinalarining kolosnik panjarasida tekis o'rnatilgan va oralarida arra kirishi uchun tirqish qoldirilgan, SCH15-32 markali kulrang cho'yandan


tayyorlangan kolosniklar qo'llanilmoqda. Arrali jinlarning asosiy ishchi qismi arrali silindr, hamda kolosniklardan yig'ilgan panjaradan tashkil topgan.

Bu ikki ishchi qismning bir-biri bilan bo'lgan muloqoti natijasida tola chigitdan ajratiladi, ya'ni jinning ishchi kamerasiga tushgan chigitli paxta chigit tarog'ining ustida aylanayotgan arra tishlari ilib olib arra yoyi bo'ylab sudrab kolosnikning ishchi qismiga olib keladi [1]. Arra tishlariga ilingan tolali chigitlar boshqa tolali chigitlarni ilashtirib ularni ham tortadi: shu yo'sinda arraning aylanishi hamda tolali chigitlarning bir-biriga ilashishi natijasida ishchi kamerada paxta aralashmasi aylana boshlaydi. Shunday qilib arraning aylanishiga qarshi tomonga aylanuvchi xom-ashyo valigi hosil bo'lib, u arra tishlarini tola bilan uzluksiz ta'minlaydi.

Arra tishlari tolani chigitdan ajratishda va keyingi tolani kolosnikli panjarani tashqarisiga olib chiqishda chigit unda ushlab qolinadi. Bu funksiyadan tashqari kolosnikli panjara zich paxta yoki chigitli valiklarni xosil qilishda ishchi kamerani bir qismini shakllantiradi xamda tozalangan chigitni o'zi bo'ylab sirpanib, mashinadan chiqishiga yordam beradi [2].

Arra tishlariga ilingan tolalar kolosniklarning oralaridan olib o'tiladi, chigitlar esa kolosnik oralig'iga sig'masdan o'ta olmay qolishadi, shu paytda toladan ajraladi. Ajralgan tolalar panjara tirqishidan o'tib havo kamerasining saplosigacha arra tishida boradi [3]. Saplodan chiqayotgan havo bilan birgalikda tola tozalagichga boradi, keyin tola olib ketish quviridan kondensorga boradi. Iflosliklar va o'lik toladan og'irroq bo'lgani tufayli markazdan qochma kuch ta'sirida kameraning tolalar kirish tirqish yonidan uchib o'tadi va o'lik konveyriga tushadi (1-rasm).

Arrali jin mashinalarining ishlashi shuni ko'rsatadiki, ularda o'rnatilgan kolosniklar arralarni qiyshayishi hamda kolosnik yig'ishidagi noaniqliklari tufayli arralarni kolosniklarga tegishi, kolosniklarni jadal eyilishiga olib keladi [4].



1- arrali silindr; 2- ta'minlash valiklari; 3- old fartuk; 4- shaxta; 5- tola ajratish havo kamerasi


1-rasm. 4DP-130 arrali jin mashinasi

Ishlash jarayonida kolosniklarning eyilishi ularning orasidagi tirqishni kattalashishiga olib keladi va natijada tolani chigitdan ajratish jarayoni buziladi. Kolosnik panjarasini atigi uch oy davomida ishlatilishi 70-80% kolosniklar orasidagi tirqishlarni ruxsat etilgan miqdordan ortishiga olib keladi. Tirqishning oshishi chigitni maydalanishiga, tirqishdan o'tib tola bilan aralashishiga, jinlashda tolani shikastlanishiga va uning sifatini pasayishiga olib keladi [5].

Kolosniklar orasidagi tirqish ishchi zonasida $2.8-3.2^{+0.2}$ mm oralig'ida bo'ladi. Ishlash jarayonida kolosnikni yuqori ish qismida tolani ajratishda tolalarning bir qismi kolosniklar orasidagi tirqishlarga tiqilib qolib arralarni yon yuzalariga ishqalanadi. Yangi ajratilayotgan tolalar, tiqilgan tolalarga qo'shilib ularning zichligini oshiradi. Bu esa o'z navbatida arra bilan tolani orasidagi ishqalanish kuchini oshishiga olib keladi. Natijada ishqalanish zonasidagi issiqlik keskin ko'tariladi va bu yong'in xosil bo'lishiga sabab bo'ladi. Arrali jin kolosniklarni ish muddati 4-6 oyni tashkil etib, tez-tez almashtirishni talab etadi.

Toshkent to'qimachilik va engil sanoat institutining "Texnologik mashinalar va jihozlari" kafedrasida kolosnikni ishchi qismini tebranma elastikli plastinkani konstruksiyasi ishlab chiqilgan.

Arra diski tomonidan kolosniklarni ishchi qismiga tegishida arrali diskni kolosnikdan itaruvchi normal kuch paydo bo'ladi va uni kattaligi disk bikrligiga bog'liq bo'ladi. Arrali diskni nomarkaziy holati, shuningdek, jinlashda diskni siquvchi kuchini ham keltirib chiqaradi, chunki arrali diskni qarama-qarshi taraflaridagi tirqishlardagi farq, uni arra va kolosnik orasidan o'tayotgan tolalar tomonidan siqilishiga xamda plastinkani tebranishiga olib keladi. Jin kolosniklaridagi ishchi qismlaridagi rezinani ezilishini tajribaviy tadqiq etish uchun ishlab chiqilgan qurilma sxemasi 2-rasmda keltirilgan.



2-rasm.

1-plastinka; 2-val; 3-indikator.


Tadqiqotlarni o'tkazish uslubiyoti qo'yidagicha bo'ldi. Tebranma plastinkani xamda qayishqoq asosli rezina tadqiq etish uchun plastinka yuzasiga ma'lum qiymatdagi kuchlar quyib tekshirildi. Kolosnikli panjara maxsus opravkada o'rnatilib tegishli kuchlar uni maxsus ustunchaga o'rnatilgan indikator uchini tegizish orqali rezinani ezilish kuchlari kattaligi aniqlandi

Kolosniklarni ish muddatini oshirishni samarodorlik usullaridan biri bu kolosniklarni ishchi qismlarini tarkibli qayishqoq asosli elastik ligerlangan plastinka va kolosnik ishchi qismida o'tiradigan tebranma elastik plastinkali ega bo'lgan 1847 markali rezina o'rnatishdir. . Plastinka chekkasi bo'yicha o'lchash natijasida olingan nuqtalarni og'ishlari o'lchandi va natijalari 1-jadvalda keltirilmoqda.

1-jadval

Tebranma elastik plastinkali ega bo'lgan kolosnik ko'rsatkichlari

Plastinkaga qo'yilgan og'irlik kuchi, gr va kg	100	200	300	400	500	1,0	2,0	3,0
Elastik qayishqoqli rezina ezilish ko'rsatkichi (o'rtachasi)	0,036	0,08	0,117	0,135	0,197	0,368	0,82	0,17



3-rasm. Tebranma elastikli plastinkaga ega bo'lgan kolosikning ishchi qismida rezinani ezilishi gistogrammasi

Arrali jin kolosniklarning ishchi qismlariga tavsiya etiladigan tarkibli elastik plastinka qayishqoq asosga ega materiallari bir necha talablarga javob berishi kerak, shu jumladan tannarxi arzon bo'lishi bilan birgalikda tayyorlash texnologiyasi ham oddiy ham kam mehnatni talab etishi zarur. Shuning uchun faqat har tomonlama tekshirish yo'li bilan ma'lum material tavsiya etilishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. A.A. Ismailov, A.M. Axmedov, A.A. Safoev, E.A. Normatov. «Kolosnikovaya reshetka pilnogo djina» Respublika ilmiy–amaliy konferensiyasi. Ilmiy makolalar to'plami. Toshkent 2011-y. str.27-30.
2. Anthony W.S. “Methods to reduce lint cleaner waste and damage transactions of the assai”. Tom: 43. Vipusk: 2. Str:221-229 Opublikovano: mar-apr. 2000.
3. J.Jurayev, S.Z.Yunusov, E.A.Narmatov. Kolosnik s vibriruyusheysya plastinkoy kolosnikovoy reshetki pilnogo djina. “Fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyalashuvi sharoitida innovatsion texnologiyalarning dolzarb muammolari” mavzusidagi Respublika-ilmiy-texnik anjumani. (16-17may) Toshkent-2018 B. -14-16.
4. J.Jurayev,S.Z.Yunusov, E.A.Narmatov. Analysis of the surface of the saw oust double plastic consolidated collector International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. 2018 P. - 7568-7574.
5. E.Zikriyoyev. “Paxtani dastlabki qayta ishlash” Toshkent-“Mehnat”-2002. b-192

PAXTA TOZALASH KORXONALARIDA ATROF-MUHITGA CHIQARILADIGAN IFLOSLIK VA CHANG HAVONI TOZALASH JARAYONINI TAXLILI

mustaqil izlanuvchi O.A.Salimov, professor B.M.Mardonov

Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti

Maqolada paxta tozalash korxonalarida atrof-muhitga chiqariladigan ifloslik va chang havoni tozalash jarayonini o'rganilgan. Paxtani tashish va ifloslik, hamda changdan tozalash jarayonlarini takomillashtirish bo'yicha amalga oshirilgan ilmiy tadqiqot ishlarini bo'yicha ma'lumotlar berilgan.

В статье рассмотрен процесс очистки воздуха от сора и пыли, попадающих в окружающую среду на хлопкоочистительных предприятиях. Приведена информация о проводимых научно-исследовательских работах по совершенствованию процессов транспортировки и очистки хлопка.

The article discusses the process of air purification from litter and dust entering the environment at cotton gin plants. Information is provided on ongoing research work to improve the processes of transporting and cleaning cotton.

Hozirgi kunda paxta-to'qimachilik klasterlari tashkil etilib, ularda yangi ish o'rinlari va sharoitlarni yaratish bilan bir qatorda atrof - muhitni himoya qilish kabi dolzarb vazifalar belgilangan [1].

Korxonalaridagi texnologik jarayonlarda ishlab chiqarish bo'limlari binolardagi havo va atrof muhitini ifloslaydigan ko'p chang ajralishi sababli, ishchilar sog'ligiga salbiy ta'siri katta. Bu esa o'z navbatida kasb patologiyasi va allergik kasalliklari vujudga kelishiga sabab bo'lishi mumkin. Ishlab chiqarish binolari havosining changlanishini kamaytirishga havo so'rish tizimlari (aspiratsiya), atmosferaga chiqarilgan iflosliklarni tozalashga esa havo tozalagichlarni foydalanish bilan erishiladi [2].

Paxtani dastlabki qayta ishlash jarayonining barcha bosqichlarida ko'p miqdorda chang ajralib chiqadi, bu chang ishlab chiqarish binolari va atmosfera havosini ifloslantiradi. Chang manbalari 1-jadvalda keltirilgan [3].

Paxta tozalash korxonasida asosiy chang manbalarining tavsifi

№	Chang manbai	Atmosferaga chiqariladigan havo miqdori m ³ /sek	Tozalangan havoning changligi, mg/m ³
1.	Tozalash uskunalarning havo so'rish tizimi	4÷6	1000÷3000
2.	Tolaning pnevmotransport tizimi	10÷12	1700÷2000
3.	Paxtaning pnevmotransport tizimi	6	3000 gacha
4.	Momiqlarning pnevmotransport tizimi	6÷9	1700
5.	Paxta quritish barabanlarida ishlatiladigan quritish agenti	6÷9	1700÷2000
6.	Jin-lintr sexi texnologik uskunasi havo so'rish tizimi	4,5÷6	1700÷2000

Paxtani qayta ishlash texnologik jarayonining dastlabki bosqichlarida ya'ni, paxtani tashish tizimlari va quritish-tozalash jarayonlarida atmosferaga chiqariladigan havo tarkibida changni ko'p ajralashi ko'rish mumkin (1.2-jadval). Ushbu masalani o'rganish maqsadida paxtani tashish va tozalash vositalarini takomillashtirish bo'yicha olib borilgan ilmiy-tadqiqot ishlari taxlil qilindi [4].

Paxta tozalash korxonalarida chigitli paxtani va paxta mahsulotlarini korxona xududi, bo'limlararo oqimli tashish tizimida uzluksiz mexanik va havo yordamida ishlovchi tashish vositalari keng qo'llaniladi.

Pnevmotransport tizimida paxta ishchi quvur orqali havo bilan so'riladi. Separatorda chigitli paxta havodan ajraladi va vakuum-klapan yordamida vintli yoki lentali konveyerga uzatilib, talab etilgan erga ko'chiriladi, changli havo esa chang ushlagich qurilmasida tozalangach atmosferaga chiqarib yuboriladi.

Paxtani mexanik usulda tashishda tasmali va vintli konveyerlar qo'llaniladi. Paxta tozalash korxonalari texnologik jarayonida vintli konveyerlarning alohida o'rne bo'lib, ular paxtani tashish va texnologik mashinalarga taqsimlashda ishlatiladi.

Paxtani tashish vositalarini takomillashtirish bo'yicha tadqiqot ishlari olib borilgan va vintli konveyerning turli konstruksiyalari ishlab chiqilgan. Vintli konveyerning ishlashi bo'yicha etarli darajadagi tajribaviy materiallar va uni muqobil loyihalash bo'yicha tavsiyalar mavjud. Ammo, paxta tozalash korxonalarida vintli konveyerda paxtani tashish va ifloslik, hamda changdan tozalash jarayoni etarlicha o'rganilmaganligini ko'rish mumkin.

Paxtani tashish va tozalash jarayonini takomillashtirish bo'yicha amalga oshirilgan ilmiy tadqiqot ishlarini tahlili, ularda hali echilmagan nazariy va amaliy ahamiyatga ega bo'lgan masalalarni o'rganish lozim.

Shu maqsadda texnologik jarayonda atrof-muhitga chiqariladigan ifloslikva changini kamaytirish uchun paxtani tashish va mayda ifloslik hamda changlardan tozalash jarayonlarini muqobillash, hamda energo- va resurstejamkor qurilmani ishlab chiqish bo'yicha tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. M.Rahmatov, B. Zaripov "Klaster - integratsiya, innovatsiya va iqtisodiy o'sish". Zamin nashr. T.:2018 y.
2. Salimov O.A., Mardonov B.M., Salimov A.M., Xamidov O. "Paxtani tashishda mayda ifloslik va changdan tozalash jarayonini taxlili". FarPI ilmiy texnika jurnali, № 2. Masus soni. Farg'ona 2023 y., 18-22 b.
3. "Paxtani dastlabki ishlashning muvofiqlashtirilgan texnologiyasi" (PDI 70 - 2017), Toshkent "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ - T.:2019, -45 b.

4. Mardonov B.M., Aminov X.X., Salimov O.A. "Havo va chang aralash-masini harakatini paxtani tashish qurilmasida o'rganish". Ekologiya jurnali. T.: 2023. №4. 12-14 b.

ИССЛЕДОВАНИЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИЗГИБНОЙ ЖЕСТКОСТИ ПАКЕТНЫХ КОНСТРУКЦИЙ.

Б.Миржалолзода, М.М.Абдувахидов

Наманганский инженерно-технологический институт

Мақолада ясси ишчи ва қистирма дисклардан галма-гал териб бўйлама сиқувчи куч ёрдамида ҳосил қилинган тахлални эгилишга ишлашининг тадқиқи ва унинг асосида бундай қурилманинг эгилиш бикрлигини аниқлашнинг феноменологик усули асослангани хабари берилган.

В статье сообщается об исследовании работы на изгиб пакета чередующихся плоских рабочих и прокладочных дисковых элементов, собранного с помощью продольного усилия сжатия, в результате чего обоснован феноменологический способ определения изгибной жесткости таких конструкций.

In article it is reported about work research on a bend of a package of alternating flat workers and the pro-masonry disk elements, the compression collected by means of longitudinal effort therefore the phenomenological way of determination of flexural rigidity of such designs is reasonable.

В ряде отраслей промышленности в качестве рабочих органов применяются конструкции, выполненные из плоских рабочих, иногда и прокладочных дисковых элементов между ними, собранных в пакет с помощью продольного усилия сжатия, сообщаемого посредством центрального вала, работающего на изгиб. В качестве примера можно привести наборные валы различной конструкции, широко применяемые в красильно-отделочном производстве текстильной промышленности.

Жесткость на изгиб таких рабочих органов определяется в виде суммы изгибных жесткостей вала и пакета дисковых элементов или пакетного стержня. Так как определение изгибной жесткости вала общеизвестно, предметом исследования может быть определение изгибной жесткости пакетного стержня.

Известно решение задачи об определении изгибной жесткости составной части пакетных рабочих органов в виде стянутого в пакет продольным усилием сжатия рабочих и прокладочных дисков – пакетного стержня в функции величины усилия сжатия пакета и двух функций влияния [1].

Основным недостатком данного решения является необходимость экспериментального определения двух функций влияния.

При исследовании подобных сложных объектов в последнее время большую эффективность обеспечивают методы диакоптики и конечных элементов, а также феноменологии. Основанные на разделении объекта исследования на отдельные части методы диакоптики и конечных элементов требуют индивидуализации задач в высокой степени или применения очень мощных ЭВМ.

Метод феноменологического анализа, основанный на изучении объекта исследования в целом, без его расчленения на части, и позволяющий отвлечься от физики процессов, происходящих в нем, в данном случае может оказаться эффективным [2,3].

Выполняя феноменологический анализ работы пакетного стержня мы можем пренебрегать физико-механическими явлениями, происходящими при этом в его объеме и будем изучать его внешнее поведение в функции величины усилия сжатия пакета.

Из предварительных наших теоретических и экспериментальных исследований, подтверждаемых другими авторами известно, что при увеличении величины усилия сжатия пакета от нулевого значения происходит следующее:

1. Неуклонно увеличиваются величины изгибных жесткостных параметров. При этом численные значения жесткостей асимптотически приближаются к их расчетным значениям, определенным для пакетного стержня, работающего как монолитный. Монолитный в этом смысле пакетный стержень мог бы быть выполнен, например, склеиванием дисковых элементов.

2. Темп роста величин изгибной жесткости неуклонно снижается с максимального значения при нулевом значении усилия сжатия, асимптотически приближаясь к нулевому значению.

3. По результатам экспериментов, иногда по крайне мере экстраполяцией этих результатов всегда можно определить значения усилия пакета N_0 , при которых значения параметров жесткости не будут отличаться от расчетных их значений, определенных для расчетной модели в виде монолитного пакетного стержня не более, чем заранее определенная конечная малая величина.

4. Практические диапазоны изменения функции увеличения изгибной жесткости и уменьшения темпа ее роста ограничены техническими условиями и механическими параметрами пакетного рабочего органа.

Анализируя приведенное выше можно прийти к выводу, что темп роста величины изгибной жесткости пакетного стержня при соответствующих значениях величины усилия сжатия пакета T , в первом приближении можно считать пропорциональным значениям усилий сжатия.

Отметим, что величина усилия сжатия во всем диапазоне своего изменения $[0, N_0]$ возрастает прямолинейно, с учетом этого факта можно также с грубым приближением принять, что значение усилия сжатия в этом диапазоне равна полусумме его величин в граничных точках диапазона, т.е.

$$N = \frac{0 + N_0}{2} = \frac{N_0}{2}.$$

Исходя из этих предпосылок, можем выполнить математическое исследование и разработать математические модели процессов изменения параметров изгибной жесткости пакетного стержня в зависимости от изменения величины усилия сжатия пакета. На основе принятых положений и допущений можем считать, что приращения величины изгибной жесткости при изменении величин усилия сжатия пакета при каждом его значении пропорциональны разностям $D_{pn} - D_n$ и обратно пропорциональны величине

$$\frac{N_0}{2}, \text{ т.е.}$$

$$dD_n = \frac{2(D_{pn} - D_n)}{N_0} dN \quad (1)$$

Здесь: dD_n – приращение величины изгибной жесткости пакетного стержня;

D_{pn} – величина изгибной жесткости, рассчитанная для монолитного пакетного стержня;

D_n – текущее значение величины изгибной жесткости пакетного стержня.

Величину влияния всех остальных неучтенных факторов также в первом, грубом приближении определим феноменологической функцией неучтенных факторов A_u , которую пока принимаем постоянной. Тогда (1) переписется в следующем виде:

$$dD_u = \frac{2A_u(D_{pn} - D_n)}{N_0} dN; \quad (2)$$

Решение полученного уравнения имеет вид:

$$D_u = D_{pn} \left(1 - e^{-\frac{2A_u N}{N_0}} \right) = D_{pn} \eta_u \quad (3)$$

где η_u – феноменологическая функция изгибной жесткости пакетного стержня.

Выражение для изгибной жесткости D пакетного стержня, состоящего из чередующихся рабочих и прокладочных дисков и работающего как монолитное тело, имеет вид:

$$D_{pn} = \frac{(l_p + l_n) E_p J_p E_n J_n}{l_n E_p J_p + l_p E_n J_n}.$$

Здесь: l_p, l_n – толщины рабочих и прокладочных дисков;

E_p, E_n, G_p и G_n – модули упругости материалов рабочих и прокладочных дисков;

J_p, J_n, J_{pp} и J_{pn} – осевые и полярные моменты площадей поперечных сечений рабочих и прокладочных дисков.

Теперь на основании последней формулы и решения (3) можем написать выражение для определения величины изгибной жесткости пакетного стержня D_u в следующем виде:

$$D_u = \frac{(l_p + l_n) E_p J_p E_n J_n}{l_n E_p J_p + l_p E_n J_n} \left(1 - e^{-\frac{2A_u N}{N_0}} \right) = \frac{(l_p + l_n) E_p J_p E_n J_n}{l_n E_p J_p + l_p E_n J_n} \eta_u$$

В результате исследования мы получили феноменологический способ определения изгибной жесткости составной части пакетного рабочего органа в виде пакета плоских дисковых элементов, в котором количество функций влияния, определяемых экспериментально, уменьшено до одной.

Литература:

1. Абдувахидов М. Исследование жесткости составных рабочих органов. // Известия вузов. Машиностроение, 1994, №1-3, с. 27. 30.
2. Абдувахидов М. Динамика пакетных роторов текстильных машин. – Ташкент, 2011. – 165 с.
3. Abduvaxidov M. Paxta tozalash mashinalari taxlamli ishchi organlari mexanikasi. – Toshkent, 2017. 258 b.


ISSIQ HAVO BERISH YORDAMIDA PAXTA XOMASHYOSINI MAYDA IFLOSLIKLARDAN TOZALASHNING YANGI USULI

Sh.G'.Kamolov, D.B.Dadamirzayev, S.Y.Nosirxonov

Namangan muhandislik-texnologiya instituti

Bugungi kunda yengil sanoatga bo'lgan katta e'tibor sabab, bu sohani yanada rivojlantirishda keng ko'lamli uslohotlar olib borilmoqda. Bugungi kungacha paxta xomashyosi tarkibidagi namlikni kamaytirishda deyarli barcha shu soha zavodlarida SBO yoki 2SB-10 qurutish barabanli mashinalardan keng qo'llanilmoqda. Paxta xomashyosini dastlabki qayta ishlash sanoatida eng asosiy texnologik jarayonlardan biri paxtani quritish jarayoni hisoblanadi. Albatta sifatli xomashyodan sifatli mahsulot olish imkoniyati yanada oshadi. Shu bois ushbu

ilmiy ishni bajarish asosida resurs tejankor quritish uskunasini yaratish va texnologik parametrlarini ilmiy asoslash, quritish barabanida energiya sarfini hisoblash va uni tejash usullari, takomillashtirilgan quritish barabanini texnologik va iqtisodiy jihatdan baholash kabi vazifalarni amalga oshirishni maqsad qilib olingan.[1]




1-rasm 2SB-10 mashinasining dastlabki ko'rinishi

Quritgich asosan, quyidagi elementlardan tashkil topgan: baraban, barabanga nam paxtani uzatib beruvchi ta'minlagich, barabanni tayanch moslamalardan harakatga keltiruvchi mexanizmlar. 2SB-10 quritish mashinasining ba'zi texnik tasniflari:

- agentning harorati 10000 C`
- barabanning aylanish tezligi 18000-20000 ayl/min
- baraban uchun elektrodivatel quvvati 13 kVt
- mayda ifloslikdan tozalash samaradorligi -%

Hozirgi kunda paxta tozalash korxonalarida qo'llanilib kelinayotgan quritish uskunalarida davr talabiga javob bermaydi, energiya sarfi juda yuqori, xomashyoni mayda iflosliklardan tozalash samaradorligi past, foydali ish koeffitsienti etarlicha emasligi sohani muammolaridan hisoblanadi [2-5].

Shu kunga qadar foydalanib kelingan ushbu katta og'irlikka ega bo'lgan bu 2SB-10 quritish mashinasiga juda katta elektr quvvati sarfi ketadi. Mukammallashtirish, ushbu mashinaning yangi versiyasiga esa dastavval kerak bo'ladigan quvvatga qaraganda kamroq quvvat talab qilinadi. Kam quvvat sarflash bu albatta mashinaning birinchi samaradorligidir. Darhaqiqat 10 metrlik ishchi barabanni to'xtovsiz 360 gradusga aylantirib turish uchun ko'p quvvat sarflanishi bor gapdir. Taklif qilinayotgan yangi versiyadagi quritish mashinasining barabanining ikkinchi samaradorligi bu – paxtani quritish bilan bir vaqtda mayda ifloslikdan ham tozalashdir.



2-rasm taklif qilinayotgan mashinaning chizmasi.

Yuqorida aytib o'tilgan muammolarni hal qilishdagi birinchi echim- 10 metrlik ishchi baraban qo'zg'almas holatga keltiriladi, uning aylanish vazifasini esa barabanga ichki o'rnatilgan to'qli baraban bajaradi. Bunda to'qli baraban 8 burchakli aylana holatda bo'ladi. Negaki aylanish davomida xomashyo to'qli yuzaning tomonlariga urulishlar soni ko'payishi va natijada urulishlar

sabab mayda iflosliklar to'rtli aylanuvchi barabandan, qo'zg'almas umumiy baranning quyi qismiga tushadi. Tushgan iflosliklarni barabanning quyi qismidagi iflosliklarni chiqindi qutiga yo'naltiruvchi maxsus mexanizm orqali jamlanadi. Albatta maxsus mayda iflosliklar tushadigan quti ham ishchi kamera bilan birga berk holatda bo'ladi. Berk bo'lishining sababi umumiy baraban ichidagi issiqlikni saqlab turishdir. Chiqindi qutidagi mayda iflosliklar ma'lum hajm yoki og'irlikka etganda shnek orqali bo'shatish uchun unga maxsus datchik o'rnatiladi. Baraban uchun sarf bo'ladigan dastlabki quvvat esa to'rtli baraban va isfloslikni tashuvchi mexanizmga sarf bo'ladi. O'z o'rnida ularga sarflanadigan quvvat 13kVt ni tashkil etmaydi. Undan kamroq quvvat talab qilinadi. Bundan ko'rinib turibdiki, biz bu orqali ham iflosliklardan ham energiya sarfidan yutayapmiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Y.I.Ko'palov. Konduktiv issiqlik almashinuvini takomillashtirish asosida paxtani qurish jarayonini tezlashtirish. Texnika fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent- 2020, 52 b
2. A. Parpiyev . Paxta xomashyosini quritish. Darslik. Toshkent:Cho'lpon-2009
3. Dadamirzayev.D.B 2Sb-10 quritgichida paxta xomashyosi komponentlarining bir tekis quritish texnologiyasini ishlab chiqarish. Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiyasi.
4. Bakhtiyor Karshiev, Azimjon Parpiev, Ilkhom Sabirov, Kamoliddin Yakubov, Ibrokhim Ismoilov. The effect of drum drying temperature on the moisture of cotton components//ANNALS OF FOREST RESEARCH ,Ann. For. Res. 65(1): 1935-1942, 2022 ISSN: 18448135, 20652445
5. Каршиев Б.Э., Парпиев А.П. Равномерность сушки компонентов хлопка-сырца // Universum: технические науки. – 2022. – №. 9-2 (102). – С. 51-54.

PAXTA XOMASHYOSINI IFLOSLIKlardan TOZALASH JARAYONI

S.O.Hamidullayeva, Z.O.Maxammadiyev, SH.SH.Xakimov

Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti

Jahonda paxta xomashyosini samarali tozalash texnologiyalari, uskunalarini yaratish va ularni ishlab chiqarishga tadbiq etishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu borada, jumladan, paxta xomashyosini iflosliklardan tozalash texnologiyasining o'zgaruvchan avtomatlashtirilgan tizimini yaratish, tozalash texnologiyasining yangi usullari va yo'nalishlarini ishlab chiqish, yuqori ish unumli, resurstejamkor uskuna va texnologiyalarni ishlab chiqish, paxta xomashyosini quritish va tozalash jarayonlarini mujassamlovchi texnologik oqimlarni ishlab chiqish kabi yo'nalishlarda maqsadli ilmiy izlanishlarni amalga oshirish muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Paxta xomashyosini mayda va yirik iflosliklardan tozalash uchun qurilmalar va texnologiyalarni yaratish bo'yicha qator, jumladan, quyidagi ustuvor yo'nalishlarda tadqiqotlar olib borilmoqda: paxta xomashyosini iflosliklardan tozalash takrorligini boshqarish tizimini yaratish; resurstejamkor yangi tozalagichlarni tadbqiq qilish hisobiga korxonalarining rentabelligini oshirish; paxta xomashyosini tozalash jarayonining o'zgaruvchan avtomatlashtirilgan tizimlarini yaratish; paxta xomashyosini iflosliklardan tozalash jarayoni samarali texnologiyasini va tozalagichlar ishchi qismlarining ratsional konstruksiyasini ishlab chiqish; tozalagichlarning samarali tez eyilmaydigan texnologik ishchi qismlarini yaratish; paxta xomashyosining boshlang'ich sifat ko'rsatkichlariga ko'ra moslanuvchan texnologiyalarni ishlab chiqish.

AQSh va O'zbekistonda yaratilgan tozalagichlarning paxta xomashyosini tozalash texnologiyasi shuni ko'rsatadiki, tozalagichlar ish unumdorligini oshirishning yo'llaridan biri tozalagichda ketma-ket tozalash texnologiyasini qo'llashdir, tozalash samaradorligini oshirish uchun esa o'zimizda mavjud tozalagichlar tozalash bo'linmalarida kolosniklar orasidagi masofalarni o'zgaruvchan tarzda qo'llashni o'rganib chiqish zarur.

Yuqoridagi tahlil natijalariga ko'ra, paxta xomashyosini yirik iflosliklardan tozalovchi ChX tozalagichlarni 1-avlod, OXP, ChX-5 tozalagichlarni 2-avlod, tozalash texnologiyasiga asosan ChX, OXP tozalagichlarni tozalash jarayoni uzluksiz va ChX-5 tozalagichni tozalash jarayoni ketma-ket tarzda amalga oshiriladigan tozalagichlar sifatida tasniflash mumkin.

Barcha tozalagichlarda texnologik jarayonga salbiy ta'sir etuvchi tez eyiluvchan ishchi qismlar mavjud va bu ishchi qismlarni takomillashtirish bilan paxta xomashyosini yirik iflosliklardan tozalovchi tozalagichlarning samaradorligini oshirishni o'rganishilmiy tadqiqotning muhim yo'nalishlaridan biridir.

Ye.F.Budin o'zining ilmiy ishida ajratuvchi baraban texnologik ko'rsatkichlarini aniqlash uchun uning aylanishlar soni, diametri, cho'tkalar soni va arrali baraban aylanishlar soni, diametri o'rtasidagi bog'liklik nazariy jihatdan aniqlagan.

G.I. Miroshnichenko esa rezina parrakli va cho'tka parrakli ajratuvchi barabanlar uchun ajratish samaradorligi 98-99% bo'lishi uchun texnologik ko'rsatkichlar aniqlagan. Undan tashqari nazariy asosda ajratuvchi baraban kinetik elementlarini bog'lovchi, ajratuvchi va arrali baraban tezliklari nisbati formulasi keltirib chiqargan:

$$\frac{V_2}{V_1} = \frac{D_2}{(B_1 D_1) \left(\frac{\eta}{Z} + B_2 \right)}$$

Bunda V_1, V_2 – arrali va ajratuvchi barabanlarning aylanish tezligi,
 D_1, D_2 – mos ravishda arrali va ajratuvchi barabanlarning diametrlari,

Z – ajratuvchi baraban parraklari soni, dona, η – ta'sir koeffitsienti,

B_1 va B_2 – arrali va ajratuvchi baraban ta'sirlashuv qismidagi yoy markazi burchagining yarmi.

Professor A. Djurayevning ilmiy ishida qoziqchali barabanlarni va paxta tozalash ishchi qismlarini juda chuqur o'rgan holda turli xildagi konstruksiyalar hisobini ko'rib chiqqan. Bu hisoblardan yangi konstruksiyadagi ishchi qismlarni yaratishda keng foydalanish mumkin.

R.Raximova, P.N.Tyutinlar o'zining maqolasida esa tezkor kino moslamasi orqali olingan tasvirlar asosida yuqoridagi fikrga qarshi bo'lgan dalil, ya'ni tola arra tishlaridan cho'tkalar yordamida ajralishi, havo oqimi esa faqat ajralgan tolani keyinchalik yo'naltirilishga yordam berishi keltirilgan. Paxta xomashyosining arra tishlaridan ajralish shartiga ko'ra qo'yidagi formula keltirib chiqarilgan:

$$N_2 = N_1 \frac{K(2B_2 + A)}{2B_1}$$

bu erda N_1 – arrali baraban aylanishlar soni, min^{-1} ;

N_2 – ajratgich baraban aylanishlar soni, min^{-1} ;

A – qo'shni parraklar orasidagi burchak;

B_1, B_2 – mos ravishda arrali va ajratuvchi baraban burilish burchagi;

K – zahira koeffitsienti (1,15-1,25).

«Paxta xomashyosi sanoat RIM» OAJda metall parrakli ajratuvchi baraban yaratilgan. Bu ajratuvchi barabanni ChX-3M2 tozalagichida amaldagi ajratish barabani bilan qiyosiy sinab ko'rilganda chigitning mexanik shikastlanishi oshmasligi, ishlab chiqarish samaradorligi yuqori bo'lishligi tasdiqlandi. Bu metall parrakli ajratuvchi barabanlar ustida olib borilgan ilmiy tadqiqotlar arrali baraban va metall parrakli ajratuvchi baraban orasidagi masofa 5 mmdan 15 mmgacha o'zgarganda ajratish koeffitsienti va mexanik shikastlanish kamayishini, lekin erkin tolalar miqdori oshishini ko'rsatgan.

O'tkazilgan analitik tahlillar asosida qo'yidagilarni xulosa qilish mumkin:

hozirgi paytgacha yaratilgan paxta xomashyosini yirik iflosliklardan tozalovchi tozalagichlarni ikki turga, tozalash jarayoni uzluksiz va ketma-ket tozalash texnologiyali

tozalagichlarga bo'lish mumkin. Bu tozalagichlarda tozalash jarayoni kechadigan yoy uzunligidan to'liq foydalanilmagan;

ajratuvchi baraban samaradorligini oshirish uchun metall parrakli barabanlardan foydalanish mumkin; samaradorligi yuqori metall parrakli yo'naltiruvchi va ajratuvchi barabanlar yaratilmagan va uzoq vaqtdan buyon ekspluatatsiya xarajatlari yuqoricho'tkali barabanlar ishlatilib kelinmoqda;

paxta xomashyosini yirik ifloslikdan tozalovchi tozalagich arrali baraban, arrali silindrlarini takomillashtirib, tozalash texnologiyasi ketma-ket bo'lgan tozalagichni yaratish va shu asosda ularning samaradorligini oshirish ilmiy tadqiqotning muhim yo'nalishlaridan biridir;

UXK agregatlarida yo'naltiruvchi cho'tkali barabanlarni ishlatish ularning tezda eyilishi tufayli ekspluatatsiya nuqtai nazardan samarasiz; nazariy tadqiqotlarda paxta xomashyosining arrali barabandan ajralish jarayoniga ta'sir etuvchi omillar to'liq yoritilgan. Bu tadqiqotlar natijasidan yaratilayotgan ishchi qismlarni o'rganishda foydalanilish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. <http://www.cotton.org>. Journal of cotton science; jit.sagepub.com
2. Будин Е.Ф. Исследование колосниково-пильчатых рабочих органов очистителей хлопка-сырца машинного сбора средневолокнистых сортов: Дис. канд. техн. наук. – Ташкент, 1961 г.
3. Мирошниченко Г.И. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка. // М: "Машиностроение", 1972 г.
4. Джураев А. и др. Разработка конструкций и методы расчета параметров колковых барабанов. LAP Lambert Academic publishing. 2016 г.
5. Муратов А.А.. Исследование технологических процессов очистки хлопка-сырца машинного сбора средневолокнистых сортов: Дис. . канд. техн. наук., - ЦНИИХпром, Ташкент, 1971 г.
6. Рахимов Р., Тютин П.Н. О съемных барабанах хлопкоочистительных машин, // Хлопковая промышленность. - Ташкент. 1980 г., N 2.
7. Makhammadiyev Z., Khakimov S. The Productivity of The Roller Gin and Ways to Improve It //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2021. – Т. 3. – С. 126-129.
8. Makhammadiyev Z., Khakimov S. Increase the service life of the roller gin working bodies //Deutsche internationale Zeitschrift für zeitgenössische Wissenschaft № 33 2022 VOL. – С. 44.

ANALYSIS OF JEANS PRODUCTION STAGES

Razzakov Ja'far Abduvali ugli

Assistant of Jizzakh Polytechnic Institute

Today, the demand for textile products is growing day by day. Year by year, the number of spinning, knitting, and weaving enterprises is increasing, stimulating the rapid development of the light industry. People's need for food, money, and clothing never decreases. They pay a lot of attention to their appearance. This led to the creation of new types of fabrics that give aesthetic pleasure.


Today's fashion is not complete without denim clothes. No other fabric in the history of textiles has been as widely adopted as denim, and it is a generational fabric, worn by people of all classes and ages. It has an undisputed presence in the fashion industry and has the ability to creatively adapt to fashion trends through its unique wash effects[1].

Jeans has been used in the clothing industry for more than a century, especially in the production of heavy duty overalls and trousers, during which time the fabric became more popular due to its durability and comfort. Jeans is a fabric traditionally woven with indigo-dyed

warp (Ring Spun, RS) and white weft (Open End, OE) yarns. INDIGO is a dye used for jeans threads, originally obtained from the indigo plant *Fera Tinctoria*.

The production of jeans includes the same classic principles that have been followed since the creation of this fabric, but technological advances have made it a very modern material.

SEQUENCE OF JEANS FABRIC PRODUCTION PROCESS



RAW MATERIAL WAREHOUSE


The work at the enterprise starts from the warehouse of raw materials. Yarns are brought to the enterprise from different regions of our republic, and each delivered yarn is subjected to inspection. Each yarn comes in the package shown below, and some information related to the yarn is indicated on the package.

WARPING PROCESS

The purpose of warping is to wrap a certain number of threads of a certain length into one package. The following requirements are imposed on the warping process:

- the thread tension must be uniform and constant throughout the process;
- during the process, the physical and mechanical properties of the threads should not decrease, that is, they should not deteriorate;
- the surface of the package to be removed should be flat and the threads should be evenly distributed and located in relation to each other;
- the length of the threads in the received package should be the same;
- the productivity of the machine should be high and the amount of waste should be low.

SEQUENCE OF PASSES ON THE INDIGO DYEING-SLASHING MACHINE



1. Warp g'altaklari

2. Siquvchi vallar

3. Yig'uvchi skalolardagi iplar

4. Quritish barabanlari

5. Slash tog'orasi

6. Quritish barabanlari

7. To'quv g'altagi

DRAWING IN AND TYING IN PROCESS

After sizing, the sized warp beam is prepared to be placed on the weaving machine. High fashion fabrics generally have high density which increases the demand on the quality of shed opening. As a result, warp leasing is becoming more popular. Different lease combinations can be selected with the automated leasing machines.

Drawing-in is the entering of yarns from a new warp into the weaving elements of a weaving machine, namely drop wires, heddles and reed, when starting up a new fabric style. Tying-in-the new warp ends to the depleted warp is done when a pattern is not required[2].

WEAVING PROCESS

Fabric refers to a textile product formed by the interweaving of two systems of threads. The threads of the first system lying along the length of the fabric are called warp, and the threads of the second system lying transversely are called weft threads. Common denim fabrics are woven with 3/1 and 1/3 twill patterns. Sometimes this fabric is also woven with broken twill and zig-zag twill [3].

References:

1. Mazharul Islam Kiran "Denim jeans production process" Textile learner. June 24, 2021
2. Md. Hasan Mahmud "Weaving mechanism: Drawing-in & Tying-in" Textile Knowledge. September 13, 2014
3. B. Boymurodov and A. Daminov "Weaving technology" Tashkent 2015
4. Ben Coxworth "New jeans-dyeing process shouldn't give the environment the blues" New Atlas. September 15, 2021
5. Tania "Different denim fabric types and color" Silver Bobbin.
6. Vivian "How Denim is made: Warping Process in Denim Production" Zeva Denim. June 6, 2023

МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН КОЛЛАГЕН МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИЛГАН ЧАРМ ХОССАЛАРИ

Т.Ж.Қодиров¹, Ш. Ш.Шойимов², Ж.Ш.Азимов²
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти¹
Бухоро муҳандислик технология институти²


Мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда чиқиндисиз технологияларни яратиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шулар жумласига кўнчилик саноати ҳам алоҳида ўрин тутади.

Тери чиқиндиларини қайта ишлаш орқали, ошланган чарм чиқиндиларидан қишлоқ хўжали учун ўғитлар, терининг птир (тери остки қатлами) ёғлари ва бўлакчаларидан қурилиш соҳалари учун елим ва чарм ишлаб чиқариш жарёнлари учун таркибида оқсил сақлаган кимёвий материаллар тайёрлаш борасида илмий изланишлар олиб борилган ва керакли натижаларга эришилган [1-3]. Мазкур ишда эса ошланган чарм чиқиндилардан олинган оқсил сақловчи полимерлар орқали чармларни тўлдириш мақсад қилиб олинган.

Коллагенни ажратиш мақсадида ошсизлантирилган чарм чиқиндиларига кучсиз ишқорли муҳитда ишлов берилади. Олинган коллагенни тўлдирувчи сифатида қўллаш учун АК (акрил кислотаси) мономерини орқали модификацияланади ва полимерланиш жарёни жадал кечиши учун 60% H_2O_2 қўлланилади [4].

Акрил кислотаси билан модификацияланган оқсил гидролизати орқали тўлдириш жарёнидан ўтган чарм ва мўйналарнинг механик хоссаларини аниқлаш мақсадида намуналар талнаб олинди. Олинган намуналар турли хил концентратсияларда ишлов берилган бўлиб, тўлдирувчи миқдорининг ўзгариб бориши билан чарм ва мўйнанинг механик хоссаларининг ўзгариши асосланган.

Чармларни тўлдириш жараёнида таркибида оқсил сақлаган полимер тўлдирувчининг хом-ашё вазнига нисбатан 3,5 – 4,5 % улишида маҳсулотнинг механик хоссалари 5,3- 7,5 МПа (Гост бўйича пойабзал устки чармлари учун чўзилишдаги мустахкамлик чегараси 5-10 МПа) бўлиши аниқланди.



1-расм. Турли хил тўлдирувчилар ҳамда АК билан модификацияланган оқсил гидролизатида тўлдирилган чарм намуналарининг чўзилишдаги мустахкамлик чегараси

Тавсия этиладиган тўлдирувчи билан тўлдирилган чарм ва мўйнани механик кўрсаткичларини таққослаш мақсадида, sanoat namunalарининг альдегид, ЛБН (синтетик ошловчи), СПС (синтетик ошловчи), чарм чиқиндисидан олинган оксил гидролизати каби бирикмалари билан тўлдирилган ҳамда тўлдириш жарёнидан ўтмаган чарм ва мўйналар устида тадқиқотлар ўтказилди.

Тажиба даврида тавсия қилинаётган тўлдирувчи ҳамда sanoat namунарида ишлов берилган хом-ашёларнинг механик хоссалари аниқланди ва турли хил тўлдирувчилар билан ишлов берилган чармларнинг мустахкамлик чегараси келтирилди.

Тавсия қилинадиган тўлдирувчи ҳамда sanoat namунасининг ЛБН, СПС тўлдирувчилари билан ишлов берилган чарм namунари 5,3-7,3 дан 5,4-7,5 МПа кучланишга тенглиги аниқланди (1-расм).

Тавсия этиладиган тўлдирувчи билан ва ҳозирги кунда ишлаб чиқариш корхоналарида мавжун sanoat namуналари билан тўлдирилган чарм namуналарининг механик хоссалари ўрганилганда, тавсия қилинадиган тўлдирувчи билан тўлдирилган чарм namуналарининг механик хоссалари юқорилилиги аниқланди.

Адабиётлар

1. Aslan A., Karavana H.A., Gulumser G., Yasa I., Cadirci B.H. Utilization of Collagen Hydrolysate in Keratinase Production from *Bacillus subtilis* ATCC 6633 // Journal of the American Leather Chemists Association. 2007. V.102. N 4. P.130-135

2. Кодиров Т. Средства и методы исследования коллагена. Монография. Изд. ФАН. МЧЖ Ёш куч-пресс матбуоти. 2014 г. июнь. 386 с.

3. Quadery A.H., Uddin M.T., Chowdhury M.J., Deb A.K. Extraction of polypeptide solution from Tannery solid waste (chrome shavings) and its application as Poultry feed // IOSR Journal of Applied Chemistry. 2278-5736. Volume 9, Issue 11 Ver. III (November. 2016), PP 32-35.

4. Tian W., Pei Y., Wang F., Tang K., Georgiana M., Swelling D. Release of Poly(vinyl alcohol)/Gelatin composite Hydrogel / The 5th International conference on advanced Materials and Systems. Bucharest, Romania. October 23rd – 25th, 2014. -P. 291-296.

5. Kodirov T.J., Shoyimov Sh.Sh. Degradation, hydrolysis, synthesis and properties of collagen from waste of chrome tanning of tanning industry // "International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. International Journal of Science. Vol. 5, Issue 12, December 2018 – p. 7459-7463

6. UZ IAP 04549. Патент Республики Узбекистан. Способ получения пористого полимерного материала. Кодиров Т.Ж., Тошев А.Ю., Акбарова С.Р., Худанов У.О., Джураев А.М. 31.08.2012. Бюл., №8.

THE USAGE OF INNOVATION TECHNOLOGIES IN EDUCATIONAL SYSTEM

S.T.Sultonov

Farg'ona politexnika instituti

Ushbu maqolada innovatsion texnologiyalar va ilg'or xorijiy tajribalarni ta'lim jarayoniga tadbiq'i to'g'risida ma'lumotlar berilgan..

В статье приведены сведения о внедрении в процесс образования передовые зарубежные опыты и инновационных технологии.

This article provides information on innovative technologies and the implementation of advanced foreign experience in the educational process.

At present, the teaching staff of the normative – legal bases and norms of higher education, advanced educational technologies and pedagogical skills, the use of information and communication technologies in the educational process, the basis of systematic analysis and

decision - making in foreign languages, scientific and practical research , technological development and training recent achievements in modern methods of organizing the process professional competence and creativity of the teacher will increase the knowledge, skills and abilities to master the global internet , multi- media systems and distance learning methods. [1]

It is recommended to use the method of modular teaching on the basis of advanced foreign experience in the organization of the educational process in educational places. [2]

Some professionals make effective use of interactive (based on the mental activation of students) and non – traditional (programmed learning modular teaching , project method , technological map and etc.) or information and communication technologies. Pedagogical technology is a modern method of teaching that combines all the positive methods created by mankind. [3]

Pedagogical technology consists of following principles.

The first is the application of the theory of educational technology complexes in the design of the educational process.

The second type of education principles is all the principles and didactics in the design of the educational process.

In the design of the third training – “Objectives and time” , “ Basic concepts and control questions based on them” , the type and type of training , pedagogical methods, information and communication technology and didactic materials are interrelated and view as a whole.

Emphasis is placed on the fourth learning process to be designed and put into practice so that learners can find the knowledge they need to plan independently.

Simultaneous implementation of the knowledge acquired during in the fifth training session that students can understand, remember and apply in practice.

Sixth - analysis of the results achieved at the end of each training session.

The seventh principle -determining the level of mystery of the knowledge by all students on the basis of assessment criteria at the end of the lesson.

Based on the principles of educational technology , the tasks performed in the design of training sessions need to be carried out in the following order. The first task to be performed is to look at the subject as a whole to understand the large module and to determine the goal that will be achieved at the end of this module. This goal must be suitable for the requirements of the educational standards , established for this subject. Then, depending on the logical content of the specific subject, namely , the amount of knowledge in the module , and the completion of the idea, the studying material that is divided into the middle modules and their goals are defined and expressed in the tabular form. Within each intermediate the set up knowledge that needs to be communicated to the students in a pair of equally important lessons are divided into logical modules , which are called sub modules. Also their goals are defined and represented on the table.

At the same time , the task of creating effective schedules for the design of educational activities on the basis of the principles of educational technology is become fulfilled.

The second task is creating a special schedule for each major module of a couple of hours of training.

In order to do this , first of all , each training session is divided into several sub modules from the middle module and their goals are defined in the time allocated to them, as well as, the work that needs to be performed by students is projected and tabulated.

Secondly , in the each of the couple of training session several questions are separated from the basic concepts system of knowledge on the basis of module which are formed to assess student`s knowledge and skills. Then the types and criteria of assessment are determined.

Thirdly , the type of training is determined which is used in each sub- module of training.

The used items:

1. B.G`. Ziyomukhammedov – “ ModernUzbek national model of pedagogical technology” , Lider Press 2009s

2. N.N. Azizxodjaeva – “ Pedagogical technology and pedagogical mastery” Tashkent 2003s

3. Juraev, A., and N. Urakov. "DEVELOPMENT OF DESIGNS AND JUSTIFICATION OF THE PARAMETERS OF A SCRETTING DRUM WITH A DAMPER OF A SPINNING MACHINE." Science and innovation 1.A4 (2022): 231-239.

PILLACHILIK VA PILLAKASHLIK SANOATIDA ILMIY TADQIQOT NATIJALARI TAXLILI

Magistrant., X.X.Xazratqulova, t.f.f.d., dotsent. D.E.Kazakova, talaba., D.A.Dustonova
Jizzax politexnika instituti

Erkin raqobatga asoslangan bozor iqtisodiyoti sharoitida to'qimachilik korxonalari oldida turgan eng asosiy vazifalardan biri sifatli, raqobatbardosh va xaridorgir bo'lgan ko'ylakbop gazlamalarni ishlab chiqarishdan iborat. Ishlab chiqarilgan ko'ylakbop gazlamalarni raqobatbardosh, xaridorgir bo'lishi uchun uning sifat ko'rsatkichlari jaxon bozori miqyosida shu mahsulotga nisbatan qo'yilgan talablarda, ya'ni jaxon standartlari talabiga javob bera olishi lozim.

2022-2026 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha xarakterli strategiyasida, jumladan... “mahalliy xom-ashyolardan raqobatbardosh mahsulotlarni yangi turlarini ishlab chiqarishda texnika-texnologiyalarni takomillashtirish eng muhim vazifa” [1] deb belgilab berildi. Ushbu vazifalarni xal qilishda, jumladan yangi tarkibli ko'ylakbop matolarni ishlab chiqarishga joriy etish muhim o'rin tutadi.

To'qimachilik mahsulotlarining sifat ko'rsatkichlarini ta'minlashda xom ashyoga ishlov berish va uni saqlash alohida ahamiyatga ega. Yuqori sifatga ega bo'lgan xomashyo–pilla, ipak xomashyosidan keng turdagi ipak gazlamalar ishlab chiqariladi, ularga yaqin va uzoq xorij respublikalarida talab katta.

Ipakchilik sanoati – O'zbekiston respublikasining alohida tarmog'i bo'lib, uni qayta ishlash bo'yicha etakchi o'rinlardan biri hisoblanadi. Bugunda O'zbekistonda ipak xom ashyosi katta eksport salohiyatiga ega.

Pillachilik sohasi iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish, ipakchilik korxonalarini yangi texnika va texnologiyalar bilan jihozlash va yangi ishlab chiqarishlarni barpo etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, jahon bozorida raqobatbardosh tayyor mahsulotlarni xajmini oshirish ipakchilik sanoatiga alohida vazifalar belgilaydi.

Texnologik jarayonning barqarorligini ta'minlash uchun pillalar pillakashlik korxona omborxonalarida saqlanadi. Tashqi ko'rinishdan bu oddiy holat xisoblansada, lekin texnologik jarayonlar uchun juda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki pillani saqlash natijasida unga atrofmuhit, metrologik sharoitlar va har xil hashoratlar, turli xil boshqa omillar ta'sirida pilla qatlam strukturasi buzilishi ip qatlamlarining shikastlanishi, serisining eskirishi sodir bo'ladi [2].

Dissertatsiya [3] ishida pilla xom ashyosidan unumli foydalanish va pillani birlamchi qayta ishlash jarayonini o'tkazish va tayyorlashning texnologik ko'rsatkichlarini takomillashtirish maqsadida pilla o'rash uskunasi muvaffaqiyatli ishlatish uchun, birinchi navbatda, pilla etishtirishdan tortib, ipak xom ashyosi ishlab chiqarishgacha bo'lgan texnologik zanjirni har tomonlama o'rgangan. Ilmiy tadqiqot natijalari asosida pillani birlamchi qayta ishlash bo'yicha turli texnologik jarayonlarning ularning ipak xom ashyosining sifatiga ta'sir qilish darajasini hisobga olgan holda samaradorligini baholash usuli taklif etilgan, bu esa har bir o'tish sifatini baholashdan iborat. Pillani uzoq muddatda saqlash natijasida unga har hil hashoratlar va kemiruvchi hayvonlar ta'sir qiladi. Pillaning xomashyoga echish uchun yaroqliligini belgilovchi xossalari aniqlangan va ipak qurti bosqishning yangi tashkiliy-texnologik tuzilmasi taklif etilgan.

Muallif [4] tomonidan kimyoviy preparatlar yordamida quruq pilla qobig'ini chang va boshqa omillardan saqlash usullari taklif etilgan. Bunda pillachilik va pillakashlik sanoatida

pillalarni turli xil changlardan ximoya qilish hamda pilla qobig'ining tabiiy xususiyatlarini saqlab qolishda kimyoviy preparat SFM lar yordamida modifikatsiya qilib sifatli xom ipak olish texnologiyasi yaratilgan. Pilla qobig'ida saqlanib qolgan chang va boshqa iflosliklarni aniqlashdagi dastlabki ilmiy tadqiqot ishlarida pilla qobig'ida uning massasiga nisbatan 0,1 % va undan ortiq boshqa chiqindilar borligi aniqlangan. Shuning bilan birga pilla qobig'idagi chang va boshqa iflosliklar miqdori pillaga dastlabki ishlov berish joyi va uslubiga, ularni tashib keltirish va saqlash sharoitiga bog'liq. Tajribalarda saqlash muddati 11-12 oydan oshganda, xom ipak chiqishi 6.5 % ga, chiviluvchanlik 7.1 % ga kamayishi ko'rsatilgan va shu bilan pillani chuvish jarayonidagi losning chiqishi 1.6 %, qazna chiqish esa 1.3 % ga ko'payishi aniqlangan.

Kimyoviy preparat (SFM) lar bilan ishlov berilgan pillalarni kvartallar bo'yicha saqlab 5 kg dan qilib chuvib ko'rilganda, nazoratdagi pillalarga nisbatan modifikatsiya qilish xisobiga pillaning chivilishini 1.2 – 1.9 % oshirishga erishilgan.

Ipak tolasidan yuqori sifatli gazlamalar ishlab chiqarish uchun yuqori sifatli ip ishlab chiqarish lozim. Yuqori sifatli ip ishlab chiqarish uchun esa ipakchilik korxonalarida har tomonlama yaxshi tashkil etilgan va doimo faoliyat ko'rsatuvchi texnikaviy nazorat bo'lishi ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning sifatini kafolatlaydi.

Foydalaniladigan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi 2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-sonli Farmoni.

2. E. Olimboyev, Sh.R. Davirov «O'zbekiston to'qimachilik sanoati mahsulotlari va ularni ishlab chiqarish texnologiyasi», Toshkent, 2002.

3. M.B.Изатов//Совершенствование технологии первичной обработки коконов с целью сохранения природных свойств шелка-сырца в условиях Таджикистана// Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Душанбе. 2019 год.

4. Sh.A.Sulaymonov.// Kimyoviy preparatlar yordamida quruq pilla qobig'ini chang va boshqa omillardan saqlash usullari// Scientific Journal Impact Factor. Volume 1 Issue 4. ISSN 2181-1784. 1119-1121 bet.

DISKRETLOVCHI ZONA TAVSIYA ETILGAN ISHCHI ORGANLARINI NAZARIY TADQIQOTLARI

PhD., Urakov Nuriddin Abramovich

Termiz muhandislik-texnologiya instituti


Tarkibli diskretlovchi barabanchada uning asosiga, ya'ni vali bilan tishli garnaturalari orasida rezinali vtulkalar o'rnatilgan. Bunda rezinali vtulka har uchchala tishli garnitura uchun umumiy qilib olinishi mumkin. Shu bilan birga, har bir tishli garnitura qismi uchun alohida individual rezinali vtulkalar o'rnatilishi mumkin. Ushbu variantda individual rezinali vtulkalar bikrlilari har hil qilib olinishi qayd etiladi. Chunki diskretlovchi baraban ish jarayonida asosiy yuklanish uning o'rta qismiga to'g'ri keladi. Shuning uchun o'rta qismdagi tishli garnitura o'rnatilgan rezinali vtulka bikrligini kattaroq qilib olish maqsadga muvofiqdir [1].

Diskretlovchi barabancha tishli garnaturalari qismlari bir xil o'lchamga ega. Shuning uchun ularning hisob sxemalari ham bir xil bo'ladi. Umumiy hisob sxemasi 1-rasmda keltirilgan.

Tishli garnituraning tebranishlarini ifodalovchi differensial tenglamani hosil qilish uchun Lagranjning II - tartibli tenglamasidan [2] foydalanildi:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial \tau}{\partial \dot{\varphi}} \right) - \frac{\partial \tau}{\partial \varphi} + \frac{\partial \Phi}{\partial \dot{\varphi}} + \frac{\partial \Pi}{\partial \varphi} = Q(\varphi) \quad (1)$$

Bu erda, $q_i, Q(q_i)$ – umumlashgan koordinata va umumlashgan kuchlar,
 T, P – kinetik va potentsial energiyalar; F – Releyning dissipativ funksiyasi.



1-rasm. Diskretlovchi barabanchaning tishli garnitura qismining vertikal tebranishlarini ifodalovchi hisob sxemasi

Hisob sxemasiga asosan tishli garnitura qismlarini potentsial, kinetik energiyalari va dissipativ funksiyasiga asosan quyidagi ifodalardan aniqlanadi:

$$\Pi = \frac{1}{2}cy^2; \quad T = \frac{1}{2}m_{\varepsilon} \dot{y}^2; \quad \Phi = \frac{1}{2}\varepsilon \left(\frac{dy}{dt} \right)^2 \quad (2)$$

bu erda, s, v – garnitura qismlari tagidagi rezinali vtulka chiziqli deformatsiyasi bo'yicha birlilik va dissipatsiya koeffitsiyentlari; y – vertikal siljishi; t_g – tishli garnitura qismi massasi;

Olingan (2) ifodalardan umumlashgan koordinata bo'yicha hosilalar olindi:

$$\frac{\partial \Pi}{\partial y} = cy; \quad \frac{\partial \Phi}{\partial y} = \varepsilon \frac{dy}{dt}; \quad \frac{\partial T}{\partial y} = m_{\varepsilon} \ddot{y}; \quad \frac{\partial T}{\partial \dot{y}} = 0$$

Vaqt buyicha olingan hosilalar quyidagicha bo'ladi [3]:

$$\frac{dy}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{y}} \right) = m_{\varepsilon} \cdot \frac{d^2 y}{dt^2} \quad (3)$$

Umumlashgan kuch;

$$F_{\pi} = F_1 + F_0 \sin \omega t \pm \delta F_1 \quad (4)$$

Olingan (3), (2) larni (1)ga qo'yib diskretlovchi barabanchani tishli garniturasining vertikal tebranishlarini ifodalovchi diffirensial tenglama hosil qilindi [4];

$$m_{\varepsilon} \frac{d^2 y}{dt^2} + cy + \varepsilon \frac{dy}{dt} = F_1 + F \sin \omega t \pm \delta F_1 \quad (5)$$

Olingan (5)ni tishli garnitura qismlarining erkin tebranishlarini ifodalovchi echim [5] ga asosan quyidagicha bo'ladi;

$$y = (E_1 \sin \omega_0 t + E_2 \cos \omega_0 t) \quad (6)$$

$$\text{bu erda } \omega_0 = \sqrt{p_0^2 - n^2}; \quad p_0 = \sqrt{\frac{c}{m_{\varepsilon}}}; \quad n = \frac{\varepsilon}{2m_{\varepsilon}};$$

Mavjud echim $F_1 = 0$ $\delta F_1 = 0$ varianti uchun [6] ga asosan majburiy tebranishlar uchun quyidagi ifodadan iborat bo'ladi:

$$y = \frac{F_0 \sin \left[\omega t - \arctg \left(\frac{2n\omega}{p_0^2 - \omega^2} \right) \right]}{m_{\varepsilon} \sqrt{(p_0^2 - \omega^2)^2 + 4n^2 - \omega^2}} \quad (7)$$

Lekin (5)ning umumiy echimini Runge-Kutta dasturi asosida, tasodifiy sonlar generatoridan foydalanib kompyuterda amalga oshirildi [7,8].

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Juraev, A., and N. Urakov. "DEVELOPMENT OF DESIGNS AND JUSTIFICATION OF THE PARAMETERS OF A SCRETTING DRUM WITH A DAMPER OF A SPINNING MACHINE." *Science and innovation* 1.A4 (2022): 231-239.
2. Juraevich, Juraev Anvar, and Urakov Nuriddin Abramatovich. "DEVELOPMENT OF DESIGNS AND JUSTIFICATION OF THE PARAMETERS OF A SCRETTING DRUM WITH A DAMPER OF A SPINNING MACHINE." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.5 (2022): 1093-1101.
3. Urakov, Nuriddin Abramatovich, Anvar Djurayevich Djurayev, and Saloxiddin Zununovich Yunusov. "METODIKA OPREDELENIYA KRITICHESKOY SKOROSTI DISKRETIZIRUYUSHEGO BARABANCHIKA PNEVMOMEXANICHESKOY PRYADILNOY MASHINI." *Molodiye ucheniye-osnova budushego mashinostroyeniya i stroitelstva*. 2014.
4. Djurayev, A. D., Urakov, N. A., Mirzayev, O. A., Almardonov, O. M., & Usmanov, X. S. (2021). ANALIZ NAGRUJENNOSTI PITAYUSHEGO SILINDRA V UZLE PITANIYA PRYADILNIX MASHIN. *Universum: texnicheskiye nauki*, (12-3 (93)), 48-53.
5. Djurayev, A. D., Murodov, T. B., Matismailov, S. L., Mirzayev, O. A., & Urakov, N. A. (2020). Diskretiziruyushiy barabanchik dlya pnevmomexanicheskix pryadilnix mashin. *Patent na izobreteniyе, № IAP06301*, 30.
6. Djurayev, A. D., Mirzayev, O. A., Urakov, N. A., & Umarov, R. I. (2019). Pitayushiy silindr pryadilnogo ustroystva. *Patent na izobreteniyе, № IAP05854*, 7.
7. Djurayev, A., O. A. Mirzayev, N. A. Urakov, and K. I. Axmedov. "RAZRABOTKA NOVOY KONSTRUKSII PITAYUSHEGO STOLIKA PRYADILNOY MASHINI." *Toshdtu XABARLARI* (2018): 115.
8. Patent, U. Z. (2022). No. IAP 06730. Discretizing drum of a pneumatic spinning machine/Juraev AJ Urakov NA, Mirzaev OA, Akhmedov KI. *Official Newsletter*, (6).


TARKIBLI DISKRETLOVCHI BARABANCHANING PARAMETRLARINI HISOBLASH

t.f.d., prof., A.D.Djurayev¹, Ph.D. N.A.Urakov²
Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti¹,
Termiz muhandislik-texnologiya instituti²

Tavsiya etilgan diskretlovchi barabancha tishli garnaturalari qayishqoq vtulka orqali uning valiga o'rnatilgan. Bunda tishli garnitura 3ta bir xil qismlarga bo'lingandir. Buning natijasida har bir tishli garnitura pilta tolalari bilan ta'sirlashganda ham aylanma, ham vertikal yo'nalishlarda tebranadi. Ushbu tebranishlar aylanishlar amplitudalari juda kichik bo'lsa ham, tolalar to'g'rilanadi va parallellashiga olib keladi. Shuning uchun diskretlovchi barabanchalarni vertikal tebranishlarini tahlili muhim hisoblanadi [1]. Tarkibli diskretlovchi barabanchada uning asosiga, ya'ni vali bilan tishli garnaturalari orasida rezinali vtulkalar o'rnatilgan. Bunda rezinali vtulka har uchchala tishli garnitura uchun umumiy qilib olinishi mumkin. Shu bilan birga, har bir tishli garnitura qismi uchun alohida individual rezinali vtulkalar o'rnatilishi mumkin. Ushbu variantda individual rezinali vtulkalar bikrlilari har hil qilib olinishi qayd etiladi. Chunki diskretlovchi baraban ish jarayonida asosiy yuklanish uning o'rta qismiga to'g'ri keladi. Shuning uchun o'rta qismdagi tishli garnitura o'rnatilgan rezinali vtulka bikrligini kattaroq qilib olish maqsadga muvofiqdir [2].

Diskretlovchi-tituvchi barabancha garnaturalari pnevmomexanik yigiruv mashinalarida eng asosiy ishchi organ xisoblanadi. Bunda mashina agregatida har bir tishli garniturani alohida

massa qilib olindi. Yuqoridagilarni inobatga olib mashina agregati dinamik modeli qurildi. U 1 - rasmda keltirilgan.



1- rasm. Diskretlovchi-tituvchi barabancha mexanizmli mashina agregati dinamik modeli.

Mashina agregati dinamik modeliga asosan, sistema besh massali hisoblanadi: 1 massa - elektr yuritgich rotori; 2 massa – diskretlovchi barabancha vali massasi; 3,4,5- massalar – tishli garnituralar massalari.

Pnevmomexanik yigirish mashinasida elektr yuritgich diskretlovchi-tituvchi barabanchalar uchun mexanik xarakteristika bilan inobatga olingan.

Uning asosiy mexanik xarakteristika [3] ga asosan quyidagi ifodalar orqali keltirilgan va unda ilmiy tahlil qilingan:

$$\begin{aligned} M_{\text{Ю}} \ddot{\phi}_{\text{Ю}} - \left(\omega_c - p \phi_{\text{Ю}} \right) \psi + \frac{M_{\text{Ю}}}{T_{\text{э}}} &= 0; \\ \psi \ddot{\phi}_{\text{Ю}} - \frac{2M_{\text{К}}}{T_{\text{э}}} + \frac{\psi}{T_{\text{э}}} p \phi_{\text{Ю}} + \omega_c + M_{\text{Ю}} &= 0; \\ T_{\text{э}} = \frac{1}{S_{\text{К}} \omega_c}; \quad \psi = \frac{S_{\text{К}}}{S^{\text{I}}} \left(M_{\text{Ю}} + T_{\text{э}} M_{\text{Ю}} \ddot{\phi}_{\text{Ю}} \right) \end{aligned} \quad (1)$$

bu erda, $\phi_{\text{Ю}}$ – pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi elektr yuritgich rotori burchak tezligi; $S, S_{\text{К}}$ – pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi elektr yuritgich rotori va statorini o'zara sirpanishi, kritik qiymati; r – yuritgich juft qutblari soni; $M_{\text{yu}}, M_{\text{К}}$ – pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi elektr yuritgich rotaridagi yurituvchi moment va uning kritik qiymati; ψ – yordamchi o'zgaruvchi koeffitsint; ω_s – pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi elektr ta'minlagichning aylanma chastotasi, T_e – pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi elektr yuritgichning o'zgarma vaqt ko'rsatkichlari.

Pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi diskretlash zonasiga harakatni uzatuvchi tasmali uzatmani va tituvchi barabancha vali hamda tishli garnituralar orasidagi rezinali vtulkaning bikrlilik va dissipatsiya koeffitsiyentlari mavjud [4] ga asosan hisoblanadi:

$$C = \frac{e^2 a E F}{e_T}; \quad \epsilon = \frac{\psi_{\text{I}} \cdot c}{\kappa_{\text{I}} \frac{2\pi}{T}}; \quad (2)$$

bu erda, g – pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi harakatni uzatuvchi g'ildirak radiusi; a – mavjud burchak bo'yicha deformatsiyani ifodalovchi xisobiy koeffitsiyent (uning diskretizatsiya normal ishlash muhiti uchun $a=2,0$); F – tekis tasma yoki qayishqoq (rezina) element ko'ndalang kesimining yuzasi; YE – diskretlovchi barabanchaning garniturasidagi

qayishqoq elementning elastiklik moduli; e_t – tekis tasmani yoki qayishqoq(rezina) elementning ishchi uzunligi; ψ_I –uzatmaning hisobiy koeffitsiyenti; T –tarkibli diskretlovchi barabanchaning tebranish davri; k_I – chegarviy sonli proparsionallik koeffitsiyenti, $\kappa_I = 6,28$ (bunda $\psi_I < 0,6$); $\pi = 3,14$.

Nazariy tajribalar orkali xosil bo'lgan harakat tenglamalari quyidagicha ifodaga ega bo'ldi:

$$\begin{aligned} \frac{1}{\kappa_{10}} M_{10} - \epsilon_{106} \Delta \varphi_{106} - C_{106} \Delta \varphi_{106} &= J_{106} \ddot{\varphi}_{106}; \\ U_{106} (\epsilon_{106} \Delta \varphi_{106} + C_{106} \Delta \varphi_{106}) - \epsilon_{101} \Delta \varphi_{101} - C_{101} \Delta \varphi_{101} - \epsilon_{102} \Delta \varphi_{102} - C_{102} \Delta \varphi_{102} - \\ &\epsilon_{103} \Delta \varphi_{103} - C_{103} \Delta \varphi_{103} - M_{uuu} = J_{106} \ddot{\varphi}_{106}; \\ U_{61} (\epsilon_{101} \Delta \varphi_{101} + C_{101} \Delta \varphi_{101}) - M_{q1} &= J_{101} \ddot{\varphi}_{101}; \\ U_{62} (\epsilon_{102} \Delta \varphi_{102} + C_{102} \Delta \varphi_{102}) - M_{q2} &= J_{102} \ddot{\varphi}_{102}; \\ U_{63} (\epsilon_{103} \Delta \varphi_{103} + C_{103} \Delta \varphi_{103}) - M_{q3} &= J_{103} \ddot{\varphi}_{103}; \end{aligned} \quad (3)$$

Bu erda keltirilgan xarakat tenglamalaridagi, $\varphi_6, \varphi_1, \varphi_2, \varphi_3$ – mos ravishda diskretlovchi-tituvchi barabancha vali va tishli garnituralarni buralishdagi siljishlari; $\epsilon_{106}, \epsilon_{101}, \epsilon_{102}, \epsilon_{103}$ – mos ravishda tekis tasmani uzatma va tishli garnituralar rezinali vtulkalari dissipativ koeffitsiyentlari; $C_{106}, C_{101}, C_{102}, C_{103}$ – tekis tasmani uzatma va tishli garnituralar rezinali vtulkalarni aylanishdagi birlilik koeffitsiyentlari; $U_{106}, U_{61}, U_{62}, U_{63}$ – pnevmomexanik yigiruv mashinasidagi uzatmalarni uzatishlar nisbati; M_{ish} – diskretlovchi barabanchaning validagi tayanchlar ishqalanish kuchining momenti; M_{q1}, M_{q2}, M_{q3} – tishli garnituralarga pilta tolalaridan kelayotgan qarshilik kuchlarining momentlari; κ_{yu} – tekis tasmani uzatma orqali harakat bir vaqtda uzatilayotgan diskretlovchi-tituvchi barabanchalar soni. Tajribalar va nazariy tadqiqotlar natijasida diskretlovchi barabancha har uchchala tishli garnituralarning burchak tezliklarini o'zgarish qonuniyatlari aniqlandi va qiyosiy taxlil qilindi. Bunda tolali pilta zichligi va undan kelayotgan texnologik qarshiliklari o'rtadagi tishli garniturada ikki chetdagi tishli garnituralarga nisbatan 1,2 marta kattoroqli inobatga olingan.

Xulosa: Tarkibli diskretlovchi-tituvchi barabancha tishli garnituralari, yuritgich mexanik xarakteristikasi, qayishqoq – dissipativ xususiyatlarini, texnologik qarshiliklarini inobatga olgan holda mashina agregatining dinamik va matematik modelari olindi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. O.A.Mirzayev, SH.SH.Shuxratov, N.A.Urakov. Izucheniye xarakteristiki radialnogo nagrujeniya pitayushogo silindra s uprugoy vtulkoy // Vestnik TASHGTU. Tashkent, 2017. №2. S.100-105.
2. A.Djurayev, O.A.Mirzayev, N.A.Urakov, K.I.Axmedov. Razrabotka novoy konstruksii pitayushogo stolika pryadilnoy mashini // Vestnik TASHGTU. Tashkent, 2018. №1. S.115-118.
3. N.A.Urakov, A.Dj.Djurayev, O.A.Mirzayev. Optimizatsiya zapravochnix parametrov zoni diskretizatsii pnevmomexanicheskix pryadilnix mashin // Vestnik TASHGTU. Tashkent, 2019. №2. S.140-145.

PAXTA TOLASI VA IP HOSSALARI ORASIDAGI BOG'LIQLIK TAHLILI

U.N.Yusupaliyeva¹, N.N.Yuldashev²

Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti¹

“Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti” milliy tadqiqot universiteti²

Hozirgi kunda yigirilgan ip ishlab chiqarish uchun paxta tolasidan saralanma tuzishda HVI tizimidan olingan ko'rsatkichlardan foydalaniladi. HVI tizimi qo'llanilishi bilan tola xossa ko'rsatkichlarini aniqlashda va saralanma, “Lot”lar tuzishda katta qulayliklarga erishildi[1].

Saralanma tuzish uchun paxta tolasini tanlash ip yigirish korxonasi mutaxassislarning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Ishchi saralanma tuzish ishlab chiqariladigan ipning ishlatilishiga ko'ra, uning chiziqliy zichligi, sifati, shuningdek, korxona omboridagi mavjud paxta tolasini seleksion va sanoat navi hamda partiyalari asosida tuziladi. Paxta tolasini sifat ko'rsatkichlarini minimal og'ishi hisobiga tizimli aralashtirish rejasini tuzish orqali o'zgaras sifat ko'rsatkichlarga ega bo'lgan yigirilgan iplarni uzluksiz ishlab chiqarilishi ta'minlanadi [2].

Respublikamizda faoliyat yuritayotgan ilg'or korxonalarning tajribalariga asosan quyidagi 3 hil saralanma asosida CCM 30, KCD 30, OE 30 iplari korxona sharoitida ishlab chiqarildi. Hamda, ishlab chiqarilgan iplarning fizik mexanik ko'rsatkichlari tahlil qilindi. Ne 30 nomerdagi CCM(qayta tarash kompakt trikotaj) ipi ishlab chiqarish uchun quyidagi saralanmadan foydalanildi:

CCM Ne 30 ipi ishlab chiqarish uchun tuzilgan saralanma ko'rsatkichlari
1-jadval

Viloyatlar	Tipi, navi, sinfi	Saralanmadagi ulushi, %	SCI Yigiruvchanlik	Yuqori yarim o'rtacha uzunlik,		Mic mikroneyr	Streight Solishtirma	RD Nur qaytarish	+b Sarg'ishlik darajasi	Elong uzilishdagi	SFI Kalta tolalar indeks %
				dyu m	mm						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Guliston	4-I (oliy)	26	134	1,09	27,8	4,66	32,6	80,4	9,3	7,02	8,72
Baxt	4-I (oliy)	74	144	1,07	28,03	4,5	34,1	78,9	8,9	6,5	8,2
		100	141,4	1,05	27,9	4,56	33,6	79,2	8,9	6,61	8,2

Saralanma tuzishda HVI da olingan ko'rsatkichlar Uster Statistics 2018 ko'rsatkichlari bilan solishtirilganda, uning mikroneyr (Mic) ko'rsatkichlari 75% li (75% da 4,50), yigiruvchanglik indeksi (SCI) 5% li (5% li da 144), solishtirma uzish kuchi (Str) 5% li, (5% da 31,4), nur qaytarish koeffitsienti (Rd) 25% li (25% da 78,5), sarg'ishlik darajasi (+b) 25% li (25% da 8,3), uzilishdagi uzayishi (Elong) 50%, kalta tolalar indeksi (SFI) 25% li (25% da 7,66) sifat kategoriyasiga mos kelishi aniqlandi. Tuzilgan kunlik aralashmada tolaning nur qaytarish koeffitsienti (Rd) ko'rsatkichining farqi 1,5 va b+ ko'rsatkichining farqi esa 0,4 ni tashkil etgan.

KCD (trikotaj karda ipi) Ne 30 ipi ishlab chiqarish uchun quyidagi saralanmadan foydalanildi:

KCD Ne 30 ipi ishlab chiqarish uchun tuzilgan saralanma ko'rsatkichlari

2-jadval

Viloyatlar	Tipi, navi, sinfi	Saralanmadagi ulushi, %	SCI Yigiruvchanlik indeksi	Yuqori yarim o'rtacha uzunlik,		Mic mikroneyr	Strenght Solishtirma uzish kuchi	RD Nur qaytarish ko'effitsiyenti, %	+b Sarg'ishlik darajasi	Elong uzilishdagi uzayishi, %	SFI Kalta tolalar indeksi %
				dyum	mm						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Qashqadaryo	4-I (oliy)	38	128	1,1	29,27	4,84	33,57	80,7	9,6	6,62	8,6
Namangan	4-II (oliy)	17	133	1,2	31,72	4,26	40,58	76,2	7,9	7,56	7
Sirdaryo	4-I (oliy)	45	129	1,1	29,4	4,5	35,01	82,15	9,8	6,78	8,45
		100	130	1	29,63	4,52	35,34	80,4	9,35	6,84	8,19

Saralanma tuzishda HVI da olingan ko'rsatkichlar Uster Statistics 2018 ko'rsatkichlari bilan solishtirilganda mikroneyr (Mic) ko'rsatkichlari 75% li (75% da 4,32), yigiruvchanlik indeksi (SCI) 95% li (95% li da 129), solishtirma uzish kuchi (Str) 5% li (5% da 32,8), nur qaytarish ko'effitsiyenti (Rd) 5% li (5% da 81,5), sarg'ishlik darajasi (+b) 50% li (50% da 9,4), uzilishdagi uzayishi (Elong) 50% li, kalta tolalar indeksi (SFI) 75% li (75% da 8,77) sifat kategoriyasiga mos kelishi aniqlandi.

Tuzilgan kunlik aralashmada nur qaytarish ko'effitsiyenti Rd ko'rsatkichining farqi 6 ni va b+ ko'rsatkichining farqi esa 1,9 ni tashkil etgan. Kunlik saralanmani yaxshi nazorat qilish uchun aralashtirish rejasida Rd qiymatlarni 5 dan past bo'lgan oraliqda bo'lishini ta'minlash tavsiya etiladi. Bir xil navli paxtani aralashtirishda +b oraliq'ini 2.5 dan kam bo'lgan qiymatda saqlash maqbul hisoblanadi.

OE Ne 30 ipi ishlab chiqarish uchun tuzilgan saralanma ko'rsatkichlari

3-jadval

Viloyatlar	Tipi, navi, sinfi	Saralanmadagi ulushi, %	SCI Yigiruvchanlik indeksi	Yuqori yarim o'rtacha uzunlik,		Mic mikroneyr	Strenght Solishtirma uzish kuchi	RD Nur qaytarish ko'effitsiyenti, %	+b Sarg'ishlik darajasi	Elong uzilishdagi uzayishi, %	SFI Kalta tolalar indeksi %
				dyum	mm						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Xorazm	4-I (yaxshi)	54,2	129	1,1	28,02	4,2	28,2	73,8	8,35	5,65	9,8
Xorazm	4-II (o'rta)	45,8	137	1,12	28,6	4,04	29,6	76	7,6	6,12	9,2
		100	133	1,1	28,19	4	28,7	74,7	7,9	5,86	9,5

Saralanma tuzishda HVI da olingan ko'rsatkichlar Uster Statistics 2018 ko'rsatkichlari bilan solishtirilganda uning mikroneyr (Mic) ko'rsatkichlari, 50% li (50% da 4,12), Yigiruvchanlik indeksi (SCI) 50% li (50% li da 128), Solishtirma uzish kuchi (Strenght) ko'rsatkichlari 50% li (50% da 28,4), Nur qaytarish ko'effitsiyenti (Rd) 50% li (50% da 75,6),

Sarg'ishlik darajasi (+b) 5% li (5% da 7,2), Uzilishdagi uzayishi (Elong) 75% li, kalta tolalar indeksi (SFI) 50% li (50% da 9,09) sifat kategoriyasiga mos kelishi aniqlandi.

Tuzilgan saralanmada kunlik aralashmada Rd ko'rsatkichining farqi 2,2 ni va b+ ko'rsatkichining farqi esa 0,75 ni tashkil etgan.

Paxta tolasining ip sifatiga ta'sir qiluvchi muhim ahamiyatga ega bo'lgan ko'rsatkichlar jamlanmasi SCI - yigiruvchanlik indeksi orqali ifodalanadi. Yigiruvchanlik indeksi SCI – bu paxta tolasining mikroneyri, uzunligi, birxilligi, pishiqligi, nur qaytarish ko'effitsiyenti va sarg'ishlik darajasi kabi o'ziga xos ajralmas xususiyatlarini o'z ichiga olgan ko'rsatkich hisoblanadi. Bu esa o'z navbatida yigirish jarayoni barqarorligini ta'minlashni bitta yagona qiymat orqali amalga oshirish imkonini beradi. Yigiruvchanlik indeksi (SCI)- regressiya tenglamasi asosida hisoblanadi. Ushbu tenglama barcha ko'rsatkichlarni hisobga olagan holda har bir sinov namunasi uchun ishlatiladigan bitta qiymatni hisoblab chiqadi.

Ko'plab regression tahlillar asosida har bir tola xususiyati yigirilgan ip xususiyatiga ta'sir etishi aniqlandi. Binobarin, SCI qiymatiga tolaning mikroneyri, uzunligi, bir xillik indeksi, mustahkamligi, nur qaytarish ko'effitsiyenti (Rd) va sarg'ishlik darajasi (+b) ta'sir qiladi.

Quyida rang ko'rsatkichlarini o'z ichiga olgan, muhim ahamiyatga ega bo'lgan HVI-tizim o'Ichovlari uchun SCI tenglamalari keltirilgan:

HVI kalibrlash rejimi uchun:

$$SCI = - 414,67 + (2,9 \times Kuch) - (9,32 \times Mikroneyr) + (49,17 \times Uzunlik \text{ dyuymlarda}) + (4,74 \times \text{bir xillik indeksi}) + (0,65 \times Rd) + (0,36 \times +b)$$

Agar rang moduli o'rnatilmagan bo'lsa, u holda, tenglama quyidagicha ko'rinishga ega bo'ladi:

$$SCI = - 322,98 + (2,89 \times Kuch) - (9,02 \times Mikroneyr) + (43,53 \times Uzunlik) + (4,29 \times \text{bir xillik indeksi})$$

Aralashtirish rejasi uchun bir nechta ko'rsatkichlarni kuzatish o'rniga HVI- tizimi hisobotida olingan "SCI" qiymati orqali paxta tolasining xususiyatlarini kuzatish qulay hisoblanadi. Paxtani saralash va aralashtirishni rejalashtirishda "SCI" qiymatidan foydalanish uchun quyidagi tavsiyalarni taqdim etish mumkin:

1. Paxta tolasini (SCI) yigiruvchanlik indeksi qiymatlari orqali beshta sinfga ajratish va ularni bozor narxiga muvofiq omborda saqlash mumkin.


2. Omborxona nizomiga muvofiq ravishda omborxonada aralashtirish rejasi tayyorlangan bo'lishi kerak va SCI qiymati uchun minimal, o'rtacha, maksimal qiymatlar diapazonini hisoblash kerak.

3. Kundalik aralashtirishda o'rtacha SCI qiymati doimiyliqi saqlanishi lozim va har kungi og'ishlar +/-2 chegaradan oshmasligi kerak.

4. Maksimal va minimal SCI qiymatlari 30 dan oshmasligiga harakat qilish kerak, ideal aralashtirish rejasini tuzish uchun 20 dan kamroq qiymatga ega bo'lishini ta'minlash lozim.

5. SCI maksimal va minimal qiymatlarini har kuni nazorat qilinishi lozim va nazorat qilinadigan kunlar oralig'i juda katta bo'lmasligi kerak.

Quyida tuzilgan saralanmalarining SCI ko'rsatkichlarini tahlil qilish maqsadida ularning qiymatlari bo'yicha tuzilgan gistogramma keltirilgan.



1-rasm SCI ko'rsatkichi tahlili

Bu gistogrammadan CCM ipi uchun tuzilgan saralanmaning SCI ko'rsatkichi eng yuqori ko'rsatkichga ega ekanligi, KCD ipi uchun tuzilgan saralanmaning SCI ko'rsatkichi esa eng past qiymatga ega bo'lganligini ko'rishimiz mumkin.

Ip hossalari baholashda HVI tizimida olinadigan yigiruvchanlik indeksi SCI ko'rsatkichidan foydalanish bir muncha qulay bo'lib, bu ko'rsatkich tolaning bir nechta asosiy hossa ko'rsatkichlari jamlanmasi hisoblanadi. Shuningdek, bu ko'rsatkich tolaning rang xossalari ham inobatga oladi va ip hossalari baholashda katta ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Jumaniyazov Q.J., G'ofurov Q.G., Yusupaliyeva U.N., Raxmatullinov F. Ipnig pishiqiligi bilan tola xossalari orasidagi bog'liqlik // To'qimachilik muammolari. №2, 2012 y.

2. Yusupaliyeva U.N., Yuldashev N.N. Color quality control in the production of cotton fiber. European chemical bulletin 2022,11(4).

К ОПРОСУ ИССЛЕДОВАНИЯ ВИНТОВЫХ КОНВЕЙЕРОВ

**доц. Х.Ж.Абдугаффаров¹, Н.У.Абдихамидов², К.Ю.Абдуллаев²,
студент., А.А Пиназаров¹**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти¹

Термиз муҳандислик-технология²

В работе рассмотрены теоретические и экспериментальные исследования по определению конструктивных и режимных параметров винтовых конвейеров при разных режимах работы с обработкой данных методом Гагена-Пуазейля. Рекомендована три варианта применения конвейеров для транспортирования различных сыпучих материалов.

Research has been conducted on defining constructive and mode parameters of the spiral conveyers. Experimental findings have been conducted on different modes of the conveyors, data have been processed using the Gagen-Puazeyl method. As a result of research three options have been recommended for usage of the conveyors to transport different dispersed materials.

В хлопкоочистительной химической, пищевой, медицинской и других отраслях промышленности для перемещения преимущественно сухих хорошо сыпучих грузов (пылевидных до мелкокусовых) используют винтовые конвейеры.

Обычно винтовые конвейеры бывают горизонтальными или пологонаклонными под углом до 200 и вертикальными или крутонаклонными. Преимущества винтовых конвейеров простота устройства и несложность технического обслуживания, наибольшие габаритные размеры, удобство промежуточной разгрузки, герметичность и т.д [1].

В целях более рационального использования их следует находить оптимальные конструктивные и режимные параметры.

В работе рассматривается методика определения основных параметров конвейера. В качестве объекта исследования принят бесконечно малый элемент [2-5] винтового канала в перпендикулярном к его оси сечении площадью $dF1 = r * dr * d\varphi$ где r, φ – текущие координаты элемента. При этом площадь живого сечения потока транспортируемого материала, проходящего через этот элемент, будет

$$dF = dF1 * \cos(xv), \quad (1a)$$

где (xv) – угол между осью канала и вектором скорости потока в данной точке, направление которого соответствует направлению винтовых поверхностей винта

конвейера. Причем $\cos(\chi\gamma) = \sin\gamma$. Здесь γ - угол наклона винтовой поверхностей к плоскости, перпендикулярной к продольной оси канала. Тогда

$$dF = r * dr * d\varphi * \sin\gamma \quad (16)$$

Полагая, что $\tan\gamma = \frac{S}{2\pi r}$, после ряда преобразований, имеем [2]

$$dF = \frac{S * r * dr * d\varphi}{2\pi \sqrt{r^2 + (\frac{S}{2\pi})^2}}$$

где S – шаг винта конвейера. Далее получим выражение действительной площади живого сечения канала с винтом.

30% оксил гидролизати петри чашкасида қуйилди, қуритишдан кейин пленкалар эластик ва сувда эримайдиган ҳолатга келди.

Олинган оксил гидролизати, айниқса ализарин мойи билан пластификацияланган маҳсулот мувозанатли ҳаволи-қуруқ ҳолатда (нисбий намлик 65%) энг яхши хоссаларга эга бўлди.

Айниқса, оксилли гидролизат пленкаси намуналари 3,0% пластификатор мавжуд бўлганда сув буғи сорбцияси 10,2%, десорбция 9,8% ва нисбий чўзилиши 8,6-15,8, шунингдек, нисбий намликка боғлиқ ҳолда узилишга қаршилиги 12,6-40,3 МПа бўлади.

Шундай қилиб, қуруқ оксил моддаси вазнига нисбатан 1,0-6,0 % микдорда мавжуд бўлганда ализарин мойи оксилли гидролизат учун оптимал пластификатор ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вирпша З. Химическая переработка отходов дубленых кож // Кожевенно-обувная промышленность. 1985. № 10. –С.49-52.
2. Shoyimov Sh.Sh., Kodirov T.J. Degradation, Hydrolysis, Synthesis and Properties of COLLAGEN from Waste of Chrome Tanning of Tanning Industry. (IJARSET). ISSN: 2350-0328. Vol. 5, Issue 12, December 2018. –P.
3. Shoyimov Sh., Kodirov T. Diffusion of Fillers in the Structure of Chrome Leather and the Impact on Their Air and Water Performance International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE). ISSN: 2277-3878, Volume-8 Issue-3, September 2019. –P. 2027-2032 SCOPUS.


YIGIRISH JARAYONINING TEXNOLOGIK PARAMETRLARINI ADAPTIV-NEYRON BOSHQARISH TIZIMINING STRUKTURAVIY SXEMASINI ISHLAB CHIQISH

Alimova G.R.¹ Xo'janazarov U.O.² Jo'raxonova M.M.²

¹Toshkent davlat texnika universiteti.

²Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti

Paxta tolasini yigirish jarayonining boshqarish tizimini Elman tipidagi neyron tarmoqqa asoslangan adaptiv-neyron modellari asosida sintezlash masalasini yechish muhim vazifalardan biridir. Yigirish jarayonining texnologik parametrlarini neyro-noravshan avtomatik boshqarish tizimining strukturaviy sxemasi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Yigirish jarayonining texnologik parametrlarini noravshan-mantiqiy avtomatik boshqarish tizimining strukturaviy sxemasi

Bu tizim quyidagi funksional bloklardan iborat bo'ladi.

NNAB- Neyro-noravshan adaptiv identifikatsiyalash bloki. Bu yerda jarayonning Elman tarmoq ko'rinishidagi matematik modeli strukturasi tanlanadi va uning parametrlari aniqlanadi.

NNO'B-Neyro-noravshan tarmoq modelini o'qitish bloki. Bunda texnologik reglament va modelning chiqish signali asosida o'qitish jarayoni amalga oshiriladi.

RSPAB- Rostlagichning strukturasi tanlash va parametrlarini adaptiv sozlash bloki.

Rostlagich parametrlarini adaptatsiyalash algoritmi asosida rostlagichning optimal sozlash parametrlari topiladi va buning natijasida boshqarish signali ishlab chiqiladi.

Yigirish jarayonining boshqarish tizimi dinamikasini umumiy holdagi matematik modeli holat tenglamasi shaklida tasvirlanib, bunda yigirish jarayonining boshqarish tizimini noravshan holat tenglamasi quyidagi ko'rinishda ifodalanadi [1]:

$$d\bar{x}/dt = \bar{A} \otimes \bar{x} \oplus \bar{B} \otimes u, \bar{y} = \bar{C} \otimes \bar{x}, \quad (1)$$

noravshan boshlang'ich shartlar berilgan bo'lsin:

$$\bar{x}_1(0) = \bar{D}_1, \bar{x}_2(0) = \bar{D}_2, \dots, \bar{x}_n(0) = \bar{D}_n, \quad (2)$$

bu yerda $\otimes, \oplus$ – noravshan to'plamlar orasidagi arifmetik operatsiyalar; u – boshqarish tizimidagi kirish va chiqish signallari; $\bar{x} = \{\bar{x}_1, \bar{x}_2, \dots, \bar{x}_i, \dots, \bar{x}_n\}$ – sodir bo'ladigan jarayonning holat vektori; $i = 1, 2, \dots, n$; $\bar{y} = \{\bar{y}_1, \bar{y}_2, \dots, \bar{y}_i, \dots, \bar{y}_l\}$ – boshqariluvchi parametrlar vektori; $i = 1, 2, \dots, l$.

$$\bar{A} = \begin{bmatrix} \bar{A}_1^1 & K & \bar{A}_n^1 \\ K & K & K \\ \bar{A}_1^n & K & \bar{A}_n^n \end{bmatrix}, \bar{B} = \begin{bmatrix} \bar{B}^1 \\ K \\ \bar{B}^n \end{bmatrix}, \bar{C} = \begin{bmatrix} \bar{C}_1^1 & K & \bar{C}_n^1 \\ K & K & K \\ \bar{C}_1^l & K & \bar{C}_n^l \end{bmatrix}$$

Yigirish jarayoni noravshan modelining koeffitsiyentlari matritsasi o'zgaruvchilar vektorining noravshan munosabati bilan ifodalash mumkin: $\bar{x}_i = \{x_i / \mu_{\bar{x}_i}(x_i)\}$. i – chiqish o'zgaruvchisi quyidagicha ifodalanadi[2]:

$$\bar{y}_i(t) = \{t, y_i / \mu_{\bar{y}_i}(t, y_i)\}, i = 1, 2, \dots, l; \bar{y}_i = \{y_i / \mu_{\bar{y}_i}(y_i)\},$$

bu yerda $\mu_{\bar{y}_i}$ – chiqish o'zgaruvchisining tegishlilik funksiyasi

$\bar{A}, \bar{B}, \bar{C}$ matritsa elementlari quyidagi ko'rinishda tasvirlangan:

$$\bar{A}_1^1 = \left\{ A_1^1 / \mu_{\bar{A}_1^1}(A_1^1) \right\}, K, \bar{A}_n^n = \left\{ A_n^n / \mu_{\bar{A}_n^n}(A_n^n) \right\},$$

$$\bar{B}^1 = \left\{ B^1 / \mu_{\bar{B}^1}(B^1) \right\}, \dots, \bar{B}^n = \left\{ B^n / \mu_{\bar{B}^n}(B^n) \right\},$$

$$\bar{C}_1^1 = \left\{ C_1^1 / \mu_{\bar{C}_1^1}(C_1^1) \right\}, K, \bar{C}_n^l = \left\{ C_n^l / \mu_{\bar{C}_n^l}(C_n^l) \right\}.$$

$\bar{D}_i = \{x_i / \mu_{\bar{D}_i}(x_i)\}$ da yigirish qurilmasining noravshan to'plam parametrlarini

boshlang'ich shartlari quyidagi ko'rinishda bo'ladi: $\bar{S} = \{s / \mu_{\bar{S}}(s)\}$ yigirish jarayonining

noravshan to'plam holat vektori o'zgaruvchilari soni, bu yerda $S = 1, 2, \dots, n$ – yigirish

jarayonining holat vektori o'zgaruvchilarining tartib raqami $\bar{x}_i$ o'zgaruvchi uchun tegishlilik funksiyalari ko'rinishida quyidagicha yoziladi:

$$\mu_{\bar{x}_i}(x_i) = \varphi(x, a_{\bar{x}_i}, b_{1\bar{x}_i}, b_{2\bar{x}_i}, v_{1\bar{x}_i}, v_{2\bar{x}_i}) = \left(\left(b_{1\bar{x}_i} \left(a_{\bar{x}_i} - x \right) \right)^{v_{1\bar{x}_i}} \frac{\text{sign} \left(b_{1\bar{x}_i} \left(a_{\bar{x}_i} - x \right) \right) + 1}{2} + \right. \\ \left. + \left(b_{2\bar{x}_i} \left(a_{\bar{x}_i} - x \right) \right)^{v_{2\bar{x}_i}} \frac{\text{sign} \left(b_{2\bar{x}_i} \left(a_{\bar{x}_i} - x \right) \right) + 1}{2} + 1 \right)^{-1}, \quad (3)$$

bu yerda koeffitsiyent $a_{\bar{x}_i}$ tegishlilik funksiyasining modulini keltirilgan qiymatini tasvirlaydi,

$b_{1\bar{x}_i}$ va $b_{2\bar{x}_i}$ koeffitsiyentlar tegishlilik funksiyasi kengligini ko'rsatadi, $v_{1\bar{x}_i}$ va $v_{2\bar{x}_i}$ –

tegishlilik funksiyasini x_i o'qiga og'ishini ifodalaydi. $b_{1\bar{x}i}$, $b_{2\bar{x}i}$, $v_{1\bar{x}i}$, $v_{2\bar{x}i}$ turli tegishlilik funksiyasini hosil qiluvchi koeffitsiyentlardan foydalangan holda, ularni noaniqlik ko'rsatkichlari sifatida qo'llash mumkin. Yigirish jarayonining adaptiv-neyron boshqarish tizimini samaradorligini oshirish hamda sifat ko'rsatkichlarini yaxshilash uchun boshqarish jarayoniga qo'yiladigan asosiy talablar (tizimdagi o'tish jarayoni vaqti, rostlash mobaynida maksimal og'ishi, tizimdagi mavjud jarayonlarni kuzatuv xatosi va hokazo) lar asosida qo'shimcha funksiya quyidagi ko'rinishda kiritiladi:

$$\bar{Q}_k^3 = \left\{ Q_k^3 / \mu_{\bar{Q}_k}^3(Q_k^3) \right\}, k = 1, 2, \dots, K, \mu_{\bar{Q}_k}^3(Q_k^3) = \varphi\left(Q_k^3, a^3_{\bar{x}i}, b^3_{1\bar{x}i}, b^3_{2\bar{x}i}\right), \quad (4)$$

bu yerda k – paxta tolasini yigirish jarayonining boshqarish tizimini sifat ko'rsatkichlari soni.

Paxta tolasini yigirish jarayonining texnologik parametrlarini boshqarish jarayonining talab etilgan sifat ko'rsatkichlari asosida etalon modelni quyidagi ko'rinishda ifodalaymiz:

$$\mathbf{x}_{\mathcal{M}} = \mathbf{A}_{\mathcal{M}} \mathbf{x}_{\mathcal{M}} + \mathbf{B}_{\mathcal{M}} \mathbf{u}_{\mathcal{M}}, \quad (5)$$

bu yerda, u_m –yigirish jarayonining boshqarish tizimiga ta'sir etuvchi parametr; $x_m(t)$ – yigirish jarayonining etalon o'zgaruvchilarining holatlari vektori. Yigirish jarayonining holat vektorining o'zgaruvchilariga va boshqarishga chegaraviy shartlar texnologik reglament asosida quyidagi ko'rinishda yozib olinadi:

$$\begin{aligned} g_1(\bar{x}, u, \gamma, t) &< x_{1\max}, g_2(\bar{x}, u, \gamma, t) < x_{2\min}, \dots, \\ g_{2n-1}(\bar{x}, u, \gamma, t) &< x_{n\max}, g_{2n}(\bar{x}, u, \gamma, t) < x_{n\min}, \dots, \\ g_{m-1}(\bar{x}, u, \gamma, t) &< u_{\max}, g_m(\bar{x}, u, \gamma, t) < u_{\min}. \end{aligned} \quad (6)$$

Texnologik jarayonni, ya'ni ipni talab etilgan chiziqli zichlikda olish maqsadida jarayonni xarakterlovchi holat vektori o'zgaruvchilarini texnologik reglamentdan o'rtacha og'ishni minimallashtirish uchun o'zgaruvchilarga qo'yilgan chegaraviy shartlarni ta'minlaydigan ya'ni $|x(t)| < x_{\text{don}}$, $|u(t)| < u_{\text{don}}$, shunday rostlagichni strukturasi va

parametrlarini tanlash kerakki, u obyektga qo'yilgan barcha shartlarni va sifat ko'rsatkichlarni (6) qanoatlantirsin [3].

Yigirish jarayonini boshqarish tizimining $a_{\bar{x}i}(t)$, $a_{\bar{y}i}(t)$ sifat ko'rsatkichini aniqlash uchun boshqarish obyektidan olingan real kattaliklardan foydalanildi. Rostlagichning noravshan parametrlari $b_{1\bar{x}i}(t)$, $b_{2\bar{x}i}(t)$, $b_{1\bar{y}k}(t)$, $b_{2\bar{y}k}(t)$ tegishlilik funksiyasining kengligi orqali aniqlanadi.

Yigirish jarayonining boshqarish algoritimga robustlik xususiyatini berish uchun, minimal murakkablikni ta'minlaydigan va boshqarish signaliga qo'yiladigan chegaraviy shartlar va uning o'zgarish tezligini hisobga olish imkonini beruvchi tezkor gradiyent usulining diskret dinamik algoritmi ishlab chiqildi. Bunday holda, boshqarish signali holat o'zgaruvchilarining noravshan qiymatlari to'plami asosida shakllanadi. Yuqoridagilarga asoslangan holda modifikatsiyalangan boshqarish qonuni quyidagi munosabatda yoziladi:

$$u = k_u(t) \cdot u_{\mathcal{M}}(t) + \sum_{i=1}^n k_x^{\Sigma}(t) \cdot x_i^{\Sigma}(t), \quad (7)$$

$$\begin{aligned}k_{x1}^{\Sigma}[t+1] &= k_{x1}^{\Sigma}[k](1-h\gamma_3) + h(\gamma_5-\gamma_4)\delta[t]x_1^{\Sigma}[t]-h\gamma_5\delta[t+1]x_1^{\Sigma}[t+1], \\k_{xn}^{\Sigma}[t+1] &= k_{xn}^{\Sigma}[k](1-h\gamma_3) + h(\gamma_5-\gamma_4)\delta[t]x_n^{\Sigma}[t]-h\gamma_5\delta[t+1]x_n^{\Sigma}[t+1], \\k_u[t+1] &= k_u[k](1-h\gamma_1) + h(\gamma_6-\gamma_2)\delta[t]u_m[t]-h\gamma_6\delta[t+1]u_m[t+1],\end{aligned}$$

bu yerda $\mu_{\bar{e}i}(e^i) = (e_i, a_{\bar{e}i}, b_{1\bar{e}i}, b_{2\bar{e}i}, v_{1\bar{e}i}, v_{2\bar{e}i})$ – nomutanosiblikning tegishlilik funksiyasi;
(3) formuladagi φ – tegishlilik funksiyasining analitik ko‘rinishi, $a_{\bar{e}i} = a_{\bar{x}i} - x_{im}$, $v_{1\bar{e}i} = v_{1\bar{x}i}$,
 $v_{2\bar{e}i} = v_{2\bar{x}i}$, $b_{1\bar{e}i} = b_{1\bar{x}i}$, $b_{2\bar{e}i} = b_{2\bar{x}i}$, $x_i^{\Sigma} = \int x_i dx_i$ – yigirish jarayonini

o‘zgaruvchilarining integrallash holat vektori; $\delta \cdot [t] = \sum_{i=1}^n k_i \cdot e_i^{\Sigma}, h_i$ – Lyapunov tenglamasi

bo‘yicha yechim, V_m –yigirish jarayonining etalon modeli va holat matritsasi ko‘effitsiyentlari orqali aniqlangan ko‘effitsiyentlar. Boshqarish sistemasining sifat ko‘rsatkichlari boshqarish obyektining holati noravshan shaklda berilganda noravshan-mantiqiy rostlagich parametrlari $\gamma = \{\gamma_1, \gamma_2, \gamma_3, \gamma_4, \gamma_5, \gamma_6\}$ ni topish uchun chegaraviy shartlar (6) mavjud bo‘lganda maqsad funksiyasining ekstremumini qidirishda aniq masalalarni yechishga mo‘ljallangan an’anaviy usullaridan foydalanish mumkin.

Yigirish jarayonining texnologik parametrlarini boshqarish tizimini sintezlash uchun taklif etilgan algoritm g‘alayonlar soni ko‘p va katta bo‘lganda boshqarish tizimlarini real ishlab chiqarish sharoitida qo‘llash imkoniyatini kengaytiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Siddikov I.Kh., Khalmatov D.A., Alimova G.R., Khujanazarov U.O. Synthesis of the state observers of linear objects with elastic properties//Textile journal of Uzbekistan. 2021. №1. -pp.105-112.
2. Сидди́ков И.Х., Али́мова Г.Р. Алгоритм синтеза системы оптимального управления процессом вытягивания ленты. Тенденция развития текстильной промышленности: проблемы и пути решения» Халқаро конференция 23-24 апрель 2021 йил. –С.236-238.
3. А.Д. Джураев, О.А. Мирзаев, Н.А. Ураков, Р.И. Умаров. Питающий цилиндр прядильного устройства. Патент на изобретение, № IAP05854, 07.05.2019.

EFFECTIVENESS OF DEFOLIANTS FOR COTTON FIBER

Ubaydullayev M.M.

Fergana Polytechnic Institute q.x.f.f.d.(PhD), dotsent

When using the liquid defoliant XMD at a rate of 8.0 l/ha, the weight of a piece of cotton was 0.1 g less than in the control. This can be expressed in the harsh and rapid action of the defoliant and the opening of the pods before they are fully ripe due to the drying of the cotton leaves.

Based on this point of view, the development of standards for the use of new soft-acting defoliants, taking into account the sharp differences in the properties of defoliants created in recent years, climate change and the mechanization of harvesting operations, is an urgent issue.

It was carried out in soil conditions at a depth of -1.8 meters. In the experiment, 8 variants were obtained for each variety and placed in 3 repetitions..

A relatively high result was obtained when Entodefol defoliant was applied at the rate of 0.20 l/ha, and the weight of cotton in one boll in this variant was 5.72 g on average, which is 0.3 g more than the control, and 0.4 g compared to the effect of the model SuyuqXMD was high.

In conclusion, it should be said that the effectiveness of the used defoliants is directly dependent on the biological characteristics of the cotton varieties, and in our research, in the S-8290 cotton variety (30-40%), the control option in the 1st season, the weight of one boll was 5.42 g on average over the years. , and 0.01-0.1 g of cotton variety S-6775, respectively. turned out to be in love with.

Introduction.

It is known that scientists have proven that if the defoliants used in cotton are exceeded, they will have a negative effect on the quality of the fiber and seeds, and if they are used in a small amount, they will not give the expected effect, that is, the cost will be wasted. Taking this into account, the development of acceptable standards of new defoliants is an urgent issue. In this regard, on August 21, 2017, the President of our country Sh.M. Mirziyoev issued PQ-3229 "On comprehensive organizational measures for timely and effective cotton defoliation in 2017" regarding the harvesting of the cotton crop grown this year. » decision was issued, in which the measures for quality defoliation of cotton were clearly indicated.

Based on this point of view, the development of standards for the use of new soft-acting defoliants, taking into account the sharp differences in the properties of defoliants created in recent years, climate change and the mechanization of harvesting operations, is an urgent issue.

Research methodology

Based on the above urgent tasks, during 2018-2019, our research on the topic of the scientific experimental station of the Cotton Selection, Seeding and Cultivation Scientific Research Institute of Cotton Selection, Seeding and Cultivation, located in Kuva District, Fergana Region, is heavy sand, low salinity, seepage water according to its mechanical composition. It was carried out in soil conditions at a depth of -1.8 meters. In the experiment, 8 variants were obtained for each variety and placed in 3 repetitions.

The specified standards of the above defoliants were applied to the selected variants of the S8290 and S6775 cotton varieties during the opening period of 30-40% and 50-60% respectively, and their optimal application rate and duration were determined. It was carried out on the basis of the manuals of "Methods of Conducting Field Experiments" (2007).

Research results and their discussion

In the conducted observations and analyzes, in the conditions of 2018-2020, the control variant of the S-8290 cotton variety, the weight of cotton per boll was 5.41-5.41-5.43 g, and the average was 5.42 g. When SuyuqXMD defoliant was applied at the rate of 8.0 l/ha, the weight of one bag of cotton decreased by 0.1 g compared to the control. This can be expressed by the hard and fast action of the defoliant, causing the cotton leaves to curl up and open the pods before they are fully ripe. A relatively high result was obtained when Entodefol defoliant was applied at the rate of 0.20 l/ha, and the weight of cotton in one boll in this variant was 5.72 g on average, which is 0.3 g more than the control, and 0.4 g compared to the effect of the model SuyuqXMD was high.




Figure 1. S-8290 cotton bolls at 30-40% opening period

It was found that the average weight of one bag of cotton at the rate of 7.0 l/ha of FanDEF-excellent defoliant is 0.2-0.3 g more than the control and standard (LiquidXMD 8.0 l/ha) options. (Figure 1).

The reason for the increase in the weight of one boll in these variants is that, as we mentioned above, in these variants, as a result of shedding of cotton leaves up to 90.0-96.0%, because the bolls effectively use the light and heat from the sun, there is a greater accumulation of cellulose, as well as oil and fat in the seed. we came to the conclusion that it increased due to the increase of proteins.

According to the classification of the second studied cotton variety S-6775, the weight of one boll is 5.7-6.5 g. up to, it certainly depends on how the agrotechnical event is carried out and the soil and climate conditions.

The weight of cotton in one boll was 5.24-5.45-5.55g, and the average weight was 5.41g in the control variant of S-6775 cotton variety in the background of 30-40% opening. When liquid XMD defoliant was applied at the rate of 8.0 l/ha, it was observed that the weight of one bag of cotton was 0.05 g less than the control.

Against this background, Entodefol defoliant showed a relatively high result when applied at the rate of 0.20 l/ha, and the average weight of cotton per bag was 5.77 g, which was 0.36 g more than the control, and 0.41 g compared to the effect of the model Liquid XMD. was higher. (Figure 2).

It was found that the average weight of one bag of cotton at the rate of 7.0 l/ha of FanDEF-excellent defoliant is 0.35-0.4 g more than the control and standard (LiquidXMD 8.0 l/ha) variants.




Figure 2. S-6775 cotton bolls at 30-40% opening period

CONCLUSIONS

In conclusion, it should be said that the effectiveness of the used defoliants is directly dependent on the biological characteristics of the cotton varieties, and in our research, in the S-8290 cotton variety (30-40%), the control option in the 1st season, the weight of one boll was 5.42 g on average over the years. , and 0.01-0.1 g of cotton variety S-6775, respectively. turned out to be in love with.

Used literature

- 1.Ubaydullayev Madamin Mo'minovich, & Ne'matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region .*The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>
- 2.Ubaydullayev, M. M. (2021). G 'o 'zada defoliatsiya o 'tkazishning maqbul me'yor va muddatlari. Monografiya.-Corresponding standards and terms of defoliation of cotton. Monograph.-. Соответствующие нормы и сроки дефолиации хлопка. Монография. Zenodo.
- 3.Ubaydullayev Madaminjon Mo'minjonovich, & Babayeva Malikakhon Nabijon qizi. (2022). Effectiveness Of Defoliants. *Eurasian Research Bulletin*, 8, 9–12. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/1415>
- 4.Ubaydullaev, M. M. U., Askarov, K. K., & Mirzaikromov, M. A. U. Effectiveness of new defoliants. Theoretical & applied science Учредители: Теоретическая и прикладная наука,(12), 789-792.
- 5.M.M.Ubaydullayev, Ne'matova F.J, & Marufjonov A. (2021). DETERMINATION OF EFFICIENCY OF DEFOLIATION IN MEDIUM-FIBER COTTON VARIETIES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 95–98. Retrieved from <https://www.giirj.com/index.php/giirj/article/view/453>
- 6.Ubaydullaev M.M., & Komilov J.N. (2022). EFFECT OF DEFOLIANTS FOR MEDIUM FIBER COTTON. *International Journal of Advance Scientific Research*, 2(05), 1–5. <https://doi.org/10.37547/ijasr-02-05-01>
- 7.Ubaydullaev M.M., & Mahmutaliyev I.V. (2022). EFFECTIVENESS OF FOREIGN AND LOCAL DEFOLIANTS ON THE OPENING OF CUPS. *International Journal of Advance Scientific Research*, 2(05), 6–12. <https://doi.org/10.37547/ijasr-02-05-02>
- 8.Ubaydullaev M.M., & Makhmudova G.O. (2022). MEDIUM FIBER S-8290 AND S-6775 COTTON AGROTECHNICS OF SOWING VARIETIES. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(05), 49–54. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-02-05-12>

9.Ubaydullaev M.M., & Sultonov S.T. (2022). DEFOLIATION IS AN IMPORTANT MEASURE. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(05), 44–48. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-02-05-11>

10.Ubaydullaev, M. M. (2020). The importance of sowing and handling of c-8290 and c-6775 seeds in the conditions of the meadow soils of the Fergana area. In *International conference on multidisciplinary research* (p. 11).

11. Juraev, A., and N. Urakov. "DEVELOPMENT OF DESIGNS AND JUSTIFICATION OF THE PARAMETERS OF A SCRETTING DRUM WITH A DAMPER OF A SPINNING MACHINE." *Science and innovation 1.A4* (2022): 231-239.

ТУЯҚУШ ЭКЗОТИК ЧАРМИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИННОВАТСИОН ЁҒСИЗЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Беалиев Х.Х., Улуғмуратов Ж.Ф., Исмамуллаев И.Н., Кенжаев А.С.

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти

Ҳар йили жаҳоннинг чарм sanoati ривожланган давлатларида (Жанубий Африка Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Туркия ва бошқа давлатларда) 700000 дан зиёд туяқуш чарми ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда туяқуш териларига энг кўп ишлов берувчи давлат Жанубий Африка Республикаси ҳисобланади, иккинчи ўринда Эрон Ислом Республикаси туради [1,2,3].

Туяқуш паррандасининг гўшти, тухуми, патларидан ташқари унинг териси экзотик чарм олиш имкониятини беради. Туяқуш чармидан пойабзаллар, устки кийимлар, сумкалар, автомобил ўриндиқлари, мебеллар ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Туяқуш чармлари ўзига хослиги билан бошқа чарм турларидан ажралиб туради. Унинг тана чарми қисмидаги пат ғуддалари (фолликулалари) ва оёқ чарми қисмидан илон пўстига ўхшашлиги кўриниши ушбу чарм турининг экзотик кўринишини таъминлайди [4,5].


Африка туяқушидан олинадиган тери хомашёси ўзининг кимёвий таркиби, микроструктураси, топографик қисмлари, қалинлиги, зичлиги, тери тўқимасидаги табиий ёғ миқдори ва бошқа кўрсаткичлари бўйича бошқа турдаги тери хомашёларида фарқланади. Туяқуш терилари ўзининг топографик қисмлари, қалинлиги ва тана терисининг ўзига хослигига кўра бошқа ҳайвон териларидан фарқ қилиб, махсус ишлов технологиясини талаб қилади. Унинг тана териси ўзининг ёғ миқдори кўплиги (23-26 %) билан ажралиб туради.

Ёғсизлантириш жараёнини тадқиқ қилиш ва ёғсизлантиришнинг самарали усуллари қўллаш юқори сифатли чарм олиш имкониятини беради.

Чарм ишлаб чиқаришда ёғсизлантириш жараёнининг вазифаси тери тўқимасидаги табиий ёғ миқдорини максимал камайтириб унинг оқсил табиатли микроструктурасини сақлаб қолишдир. Шунинг учун чарм ишлаб чиқаришда ёғсизлантириш асосий тайёрлов жараёнларидан ҳисобланади.

Ёғсизлантириш жараёнини ўтказишнинг турли хил услублари мавжуд. Булар адсорбцион, экстракцион, эмульсион, ферментлар иштирокида олиб бориш усуллари бўлиб, айрим ҳолларда улар биргаликда қўлланилади [6].

Олиб борилган илмий тадқиқотларимизда ёғсизлантиришнинг эмульсион усули қўлланилди. Ёғсизлантириш жараёнларини ўтказишда туяқуш тери ости ёғ қатламини мездралашга катта эътибор берилди.



1-Расм. Тайёрлов ва ошлаш жараёнлари кетма – кетлиги

Туяқуш тери хомашёсига ишлов беришдаги тайёрлов жараёнлари юқорида келтирилган кетма – кетликда олиб борилди (расм). Ёғсизлантириш-I жараёни ферментли ишлов бериш жараёнидан кейин ўтказилди. Унда анионик сирт фаол моддалари (АСАМ) СН-20С [7] билан бирга органик эритувчи модда керосин қўлланилди. Ушбу жараённи ўтказиш натижасида гўлак таркибидаги ёғ моддалари 5-8 % ни ташкил қилди. Ёғсизлантириш-II жараёни голяк пикел ҳолатидан қайтарилгандан кейин олиб борилди. Ушбу жараёнда АСАМ модда СН-20С билан натрий хлорид тузи қўлланилди. Ёғсизлантириш-II жараёнини олиб бориш натижасида ушбу кўрсаткич 0,5-1 % ни ташкил қилди.

Туяқуш териларига ишлов беришдаги тайёрлов ва ёғсизлантириш жараёнлари тадқиқотлари асосида қуйидаги жараёнларни ўтказишнинг технологик регламентини келтирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Туяқуш териларига ишлов беришда тайёрлов ва ёғсизлантириш жараёнларининг технологик регламенти

№	Жараёнлар ва операциалар номлари	Кимёвий моддалар номи ва сарф миқдори, %	Температура, °С	Вакт, мин.	Изоҳ
1	Ивитиш-I	Сув-100 СН-20С-0,5-1 Aseptante-WB-0,2-0,3	20	120	Жараёнда кимёвий моддалар СН-20С, Aseptante-WB ишчи эритмага барабаннинг айланттирилган ҳолатида, унинг тешик ўқи орқали (1:10) нисбатда сувда эритилган ҳолда берилади. Кейинги айланттиришлар ҳар 1 соатда 10 минутдан амалга оширилади.
2	Мездралаш- I	-	-	-	Мездралаш машиналарида бажарилади.
3	Ивитиш-II	Сув-150, Натрий хлорид-2-3, Натрий	20	8 соат 30	Барабанга терилар сув ва кимёвий моддалар кетма-кет солиниб, 30 минут айланттирилади. Қолган ҳар 2 соатда 5-10 минут айланттирилади.

№	Жараёнлар ва операциялар номлари	Кимёвий моддалар номи ва сарф миқдори, %	Темпе- ратура, °С	Вақт, мин.	Изоҳ
		карбонат-0,5-1, СН-20С – 0,5-1 Aseptante-0,2-0,3		30	
4	Куллаш	Сув-150, Натрий сульфид-5, Кальций гидроксид-5	20	24-36 соат	Жараёнда кимёвий моддалар (Na_2S ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$) уч бўлиб эритмага солинади. Кимёвий моддалар солинганда аппарат 30 минут ва қолган ҳар 2 соатда 5-10 минут айлантирилади.
5	Кулсизлан- тириш	Сув-100, Аммоний сульфат-3, СН-20С -1	20	120	Барабанга терилар сув ва кимёвий моддалар кетма-кет солиниб, кулсизлантириш даражаси аниқлашда фенолфталеин индикаторидан фойдаланилади. Гўлак кесими рангсиз бўлиши керак.
6	Мездралаш- II	-	-	-	Мездралаш машиналарида бажарилади.
7	Ферментли ишлов бериш	Сув-100, Протеазим-С- 0,2-0,3	38	60	Барабанга терилар, сув ва фермент препарати солиниб барабан тўхтовсиз айлантирилади.
8	Ёғсизланти- риш-I	Сув-100, СН-20С -2-3, Керосин-1-2	35	60 60	Сув ва кимёвий моддалар солиниб барабан тўхтовсиз айлантирилади.
9	Пикеллаш- I	Сув-100, Натрий хлорид-8, Чумоли кислотаси- 0,8-1,0	22	6-8 соат	Барабанга сув ва NaCl солингандан кейин 30 мин. айлантирилади. Эритма зичлиги BOMe ёрда-мида текширилади. Воле кўрсаткичи $\text{Be}=7-8$ бўлиши керак. Чумоли кислотаси (1:10) нисбатда сув билан суюлтириб берилди. Пикеллаш жараёни сўнгида эритма муҳити $\text{pH}=2,8-3,0$ ташкил қилди.
10	Тахлаб сақлаш	-	-	1-2 сутка	Паддон – супада текис ҳолатда тахланиб сақланади.
11	Пикеллашда н қайтариш	Натрий хлорид-6 Натрий бикарбонат- 0,8-1,0	30	1-2 соат	Аппаратга натрий хлорид тузи ишчи эритмаси қуйилгандан кейин пикелланган голяк аппаратга солинади ва NaHCO_3 тузи (1:10) нисбатда эритилган ҳолда аста секин берилади. Жараён сўнгида эритманинг муҳити $\text{pH}=5,5\div 6,0$.
12	Ёғсизланти- риш - II	Сув-100, СН-20С -2-3, Натрий	40	60	Сув ва кимёвий моддалар солиниб барабан тўхтовсиз айлантирилади.

№	Жараёнлар ва операциялар номлари	Кимёвий моддалар номи ва сарф миқдори, %	Темпе- ратура, °C	Вақт, мин.	Изоҳ
		хлорид-3-5			
13	Пикеллаш- II- Ошлаш	Сув-100, Натрий хлорид-8, Чумоли кислотаси- 0,8-1,0 Хром ошловчи моддаси (Cr ₂ O ₃ хисобида) асослик даражаси 33 %-1,5, Натрий бикорбанат- 1,2	20-22	12 соат 0,5 соат 2-3 соат 4-6 соат 1-2,5 соат	Пикел эритмасига NaCl солингандан кейин эритма зичлиги BOME ёрдамида текширилади. Воме кўрсаткичи Be=7-8 бўлиши керак. Пикеллаш жараёни сўнгида эритма муҳити pH=2,8-3,0. Гўлак кесими бромкрезол кўк индикатори ёрдамида текширилганда унинг кесими ранги сариқ ҳолда бўлади. “Пикел” эритмаси устига ошловчи хром тузлари икки бўлиб солинади. Хром тузлари пенатрацияси текширилгандан кейин NaHCO ₃ (1:10) нисбатда суюлтирилиб уч бўлиб солинади. Жараён сўнгида эритма муҳити pH=3,8-4 ни ташкил қилади.
14	Тахлаб сақлаш	-	-	1-2 сутка	Паддон – супада текис ҳолатда тахланиб сақланади.

Туяқуш тери тўқимасидаги табиий ёғ миқдорини максимал равишда камайтириш тайёрлов, ошлаш, бўйаш, ёглаш ва пардозлаш жараёнларини сифатли ўтказиш имкониятини яратиб, тайёрланадиган чармнинг кимёвий ва физик – механик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатди.

Ушбу олиб борилган тадқиқотларимиз илмий асосланган туяқуш тери хомашёсини қайта ишлаш технологиясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bitlisli B.O. Some physical and chemical properties of ostrich skins and leathers // B.Başaran, Ö.Sari, A.Aslan, G.Zengin. Indian Journal of Chemical Technology.-September 2004, Vol.11, pp. 654-658.
2. Cooper R.G. Ostrich (Struthio camelus var. domesticus) skin and leather: a review focused on Southern Africa // World's Poultry Science Journal.-2001, Vol. 57, Is. 2, No. 6.-P. 157-178.
3. World Ostrich Association, Ostrich Green skin and Finished Leather Grading. [http://www.world-ostrich.org/download/woa Leather grade.pdf](http://www.world-ostrich.org/download/woa%20Leather%20grade.pdf).
4. Ж.Улугмуратов, И.Исмагуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров. “Исследование первичной обработки шкурк страуса при получении экзотической кожи”. “Научный вестник. ФерГУ”. №6, 2019, с. 20-24.
5. Bitlisli B.O. Some physical and chemical properties of ostrich skins and leathers // B.Başaran, Ö.Sari, A.Aslan, G.Zengin. Indian Journal of Chemical Technology.-September 2004, Vol.11, pp. 654-658.

6. Страхов И.П. Химия и технология кожи и меха: Учебник // И.П.Страхов, И.С.Шестакова, Д.А.Куциди и др. – М.:Легпромбытиздат, 1985, - 494 с.
7. ООО «Шебекинская Индустриальная Химия» / [Электронный ресурс]. – Электрон.дан. –М., сор. 2018. – Режим доступа: <http://www.shebkoghim.ru>.
8. А.Д. Джураев, Т.Б. Муродов, С.Л. Матисмаилов, О.А. Мирзаев, Н.А. Ураков. Дискретизирующий барабанчик для пневмомеханических прядильных машин. Патент на изобретение, № IAP06301, 30.10.2020

“TECHNOLOGY DRYING FRUIT OF THE MEDICINAL PLANT CAPPARIS SPINOSA L.” AND THEIR STUDY

Inagamov S.Ya., Tajibaev G'.G'.

¹Tashkent Pharmaceutical Institute, Republic of Uzbekistan

²(Phd) Namangan Engineering and Technological Institute

Currently, the production of dried agricultural products and their supply to the population are becoming more and more popular. In a dried state, the fruit retains its condition well, does not ferment, retains its taste, vitamins, microelements and macronutrients for a long time. In addition, samples of the rich flora of our republic, recommended by our greats in ancient medical practice, scientifically grounded and confirmed by clinical research, today find their place in pharmaceuticals.

One of these medicinal plants is prickly capers - *Sapparis spinosa* l. Currently, the medicinal plant spiny capers is used not only as a medicinal raw material, but also as a wonderful spice, a fragrant food product [1,2].

In this work, as an object of research, we used a medicinal plant prickly caper - *Sapparis spinosa* l. grown in the Namangan region. A technology has been developed for drying the fruits of prickly capers. Experiments were carried out to study the drying of the fruits of prickly capers from room temperature to 120°C.

The proposed air heating installation works as follows: freshly harvested fruits of the medicinal plant "thorny capers - *Capparis spinosa* l." sorted, cleaned from various weeds, impurities, washed out dust and cleaned from other contaminants. The sorted fruits are sent to a water bath for washing. Then the sorted fruits are transferred to the cutting section. Washed fruits are cut to the required size on a special cutting machine "FAM-250": 3x3, 4x4, 5x5, 7x7 and 10x10 mm.




Fig. 1. Technological scheme for drying the fruits of the medicinal plant "prickly capers - *Capparis spinosa* l." (a) sliced specimens of the fruit "thorny capers - *Capparis spinosa* l." (b) and general view of the technological unit (c).

To preserve biologically active substances, direct sunlight is excluded. Before drying, the chopped prickly capers are evenly placed on stainless steel mesh trays (each with a usable area of 25 m²). Drying process "thorny capers - *Capparis spinosa* L." carried out by supplying a coolant (bottom-up) with a temperature of 55-60°C for 120-180 minutes. Hot air is used as a heat carrier, which is supplied from outside. The results of the experiment showed that the optimal drying temperature for the fruits of the medicinal plant, according to preliminary data, is 60-70°C. The dried product enters the final drying section, a section with a lower temperature (40°C).

The product, dried at this temperature for a certain period of time, is transferred with the help of cold air to the drying section. Dried and chilled products are sorted using a conveyor belt and sent to the packaging line. The packed goods are sent to the storage warehouse [1,2]. Technological scheme for drying the fruits of the medicinal plant "prickly capers - *Capparis spinosa* L." is shown in Figure 1.

Thus, the technology of drying the fruits of the medicinal plant "thorny capers - *Capparis spinosa* L." Has been developed. The optimum temperature for drying the medicinal plant "prickly capers - *Capparis spinosa* L." is 60-70°C.

References:

1. Ayupov R.Kh. Medicinal plants and their use. Tashkent. - 2015 – 344.
2. Sultanova Sh.A. Modification of a convection device with a water heater for drying medicinal plants. Abstract dissertation. for a job. scientific degree of Doctor of Philosophy (PhD) of technical sciences - Tashkent., Chem.-tech. Inst. 2018 - 48 p.
3. Inagamov S.Y. Tursunova Z.B. Shadmanov.K.K. The Electrochemical Society. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, Volume 723, Agriculture, field cultivation, animal husbandry, forestry and agricultural products Citation S Ya Inagamov et al 2021 IOP Conf. Ser.: Earth Environ. Sci. 723 022021.
4. Inagamov S.Ya., Tajibaev G.G., Ilhamov H.Sh, Yoqubjonov D. and Mukhamedov G.I. Determination of the drying temperature of the medicinal plant prickly capers "*Capparis spinosa* L." fruits by the method of mathematical modeling. // Earth and Environmental Science 1010 Agriculture, field cultivation, animal husbandry, forestry and agricultural products. 012094 IOP Publishing doi:10.1088/1755-1315/1010/1/012094. *World Journal of Stem cells*. Impact factor 5.247. America. 2022.

POLIMER MATERIALLAR KIMYOSI VA TEXNOLOGIYASINING EKOLOGIK MUAMMOLARI

Eminov Sherzod Olimjonovich, Jalolov Jasurbek Mahmudjon o'g'li.

Farg'ona politexnika institute

Polimer materiallar ishlab chiqarishda, engil sanoati, neft va gaz hamda qurilish sohasida vujudga kelgan ekologik muammolar va ularning yechimini topish bo'yicha ishlarni o'rganish va undan hayot davomida foydalanish yo'llarini izlashga bag'ishlangan.

Ekologik normalarga rioya qilish tabiiy boyliklardan tejab-tergab foydalanish ma'suliyatini oshirishga, bu boyliklarni saqlash va ko'paytirish ruhida tarbiyalashga undaydi. Har bir inson o'zi yashayotgan tuman, o'lka ekologiyasi bilan tanishadi. O'z joyining tabiiy kompleksi uchun ekologik normalarga amal qilishga harakat qiladi. Boshqalardan ham shu normalarga amal qilishini talab eta boshlaydi. Shu bilan birga inson o'z Vataniga mehr, uning tabiiy boyliklariga hurmat hissi bilan qarashga tarbiyalashda o'rganilgan va to'plangan ma'lumotlardan foydalanishi muhim amaliy ahamiyatga egadir.

Polimer materiallar, odatda, ko'pkomponentli sistema hisoblanib, ularni yaratish uchun turli polimer komponentlar (ingredientlar) qo'llaniladi. Polimer materiallar olish sanoat, qishloq

xo'jaligi, maishiy turli tarmoqlar uchun ekspluatatsiya talablarini qondira oladigan holatda bo'lib, polimer materiallar ishlab chiqarish - polimer materiallar ishlab chiqarish texnologiyasi asosiy vazifasi hisoblanadi. Ko'p komponentli polimerlarning ishlab chiqarishda, shuningdek, ulardan amaliy foydalanishda materiallardan qator zararli quyi molekulyar moddalarning ajralib chiqish jarayonlari sodir bo'ladi. Polimer materiallar ekspluatatsiya sharoitiga bog'liq holda ularning miqdori bir necha massa foizni tashkil qiladi. Polimer materiallar bilan kontakda bo'lganda bir necha o'nga yaqin turli kimyoviy tabiati birikmalar bilan uchratish mumkin. [1-7]

Polimerlarni ishlab chiqarish va undan foydalanishda inson organizmi, atrofni o'rab turgan ishlab chiqarish muhitiga va insonning yashash muhitiga, shuningdek, butun tabiatiga bevosita yoki bilvosita ta'siri bilan bog'liqdir. Polimerlarning va ularning mahsulotlarini ishlatib bo'lgandan so'ng polimer materiallar tuproqqa ko'miladi, so'ngra parchalanish jarayonida tuproq, oqova suvlar va tevarak – atrofga ta'siri natijasida zararlanishi kuzatiladi. Polimer materiallarni ishlab chiqarish va polimer materiallar qo'llash ekologik muammoligicha qolmoqda. [8]

Ifloslantirish qanday oqibatlariga olib keladi, masalan, er uchun? Birinchi navbatda tabiiy muhitda yashovchi tirik jonzoatlarning qirilishi; ikkinchidan, ifloslangan rayon, unga qo'shni bo'lgan rayon territoriyaga xavf soladi, masalan, er osti suvlar orqali; uchinchidan havoning issiqxona effektlar hisobidan hosil bo'lgan zaharli gazlar, ya'ni metan va karbonat angidrid tevarak – atrofni global holatda o'zgarishiga olib keladi. [9]

Polietilen, polipropilen, polivinilxlorid ishlab chiqarish o'rab turgan atrof-muhit uchun muhim ekologik muammolarni keltirib chiqaradi. Bu turli xildagi zaharli monomer va katalizatorlardan foydalangan holatda oqova suv va gaz chiqindilari hosil bo'lishi, ishlab chiqaruvchilar tomonidan amalga oshiriladigan, yuqori energiyali va qiyin sarflanishi borasida yondoshmaydi [10]. Quyida asosiy polimerlarni ishlab chiqarishda ekologik muammolar bilan bog'liq ayrim misollarni ko'rib chiqaylik.



Polietilen va poliolefinlarning ishlab chiqarishda yong'in xavfli va portlovchi kategoriyalar (A kategoriya) mansub: etilen va propilen havo bilan portlovchi aralashma hosil qiladi. Har ikki monomer narkotik tasirga ega. Etilen havodagi ruxsat etilgan konsentratsiya chegarasi (REKCH) $0,05 \cdot 10^{-3} \text{ kg / m}^3$; REKCH - propilen - $0,05 \cdot 10^{-3} \text{ kg/m}^3$. Yuqori bosimda ishlab chiqarilgan polietilen o'ta xavfli bo'lib, undan foydalanish jarayoni yuqori bosim va harorat bilan bog'liqdir. Etilenning parchalanishi portlash bilan bog'liq bo'lgani uchun polimerlanish vaqtida reaktorda maxsus xavfsizlik qurilmalar (membrana) bilan jihozlangan polimerizatsion reaktor qurilmalar bilan ta'minlanadi va bokslarda joylashtiriladi. Jarayonini boshqarish to'liq avtomatlashtirilgan. Past bosimda polietilen va polipropilen ishlab chiqarishda, dietilalyuminiyxlrorid katalizator sifatida ishlatiladi. Dietilalyuminiyxlrorid yuqori reaksiyon qobiliyati bilan farq qiladi. Suv va kislorod ta'sirida portlaydi. Metalorganik birikmalar bilan bog'liq barcha jarayonlar sof inert gaz muhitida (tozalangan argon, azot) amalga oshirilishi lozim. Dietilalyuminiyning kam miqdori mustahkam shishadan yasalgan, kavsharlangan shisha

ichida saqlanishi mumkin. Ko'p miqdordagi dietilalyuminiy germetik yopiq idishlarda, quruq azot muhitda uglevodorodli erituvchilarda (pentan, geksan, benzin - namlikni o'z ichiga olmaydi) suyultirilgan eritma ko'rinishida saqlanishi kerak. Trietilalyuminiy zaharli hisoblanadi, uning bug'lari nafas olganda o'pkaga tasir qiladi, teriga tushganda og'riq beradigan yara hosil qiladi. SHuningdek, bularning ishlab chiqarishda benzin ham qo'llaniladi. Benzin - oson alangalanadigan suyuqlik, benzinning turli sortlari uchun harorat oralig'i – 50 dan to 28° C gacha. Benzin bug'larining havo bilan aralashmasining konsentrlangan alanga chegarasi 2-12% tashkil etadi (hajmiy). Bu inson organizmida narkotik tasirga ega. Havoda benzinning REKCH si $3,10 \cdot 10^{-3}$ kg/m³. Kukunsimon poliolefinlar portlovchi aralashma hosil qiladi. Polipropilenning REKCH si 0,0126 kg/m³ni tashkil etadi. Kukunsimon poliolefinlarni tashish vaqtida aerazol hosil bo'lishi va statik elektr zaryadlar to'planib, uchqun chiqishiga olib keladi. Poliolefinlarni quvurlar orqali tashishda inert gaz atmosferasida ostida ishlab chiqariladi. Xuddi shunday, polimerlardan polivinilxlorid hisoblanadi. Vinilxlorid monomeri ishlab chiqarishda va foydalanilganda, portlovchi modda va alangaga xavfli kategoriyaga mansubdir (A kategoriya). Vinilxlorid gazsimon holatda narkotik tasirga ega bo'lib, ko'p miqdorda vinilxlorid saqlagan xona va atmosferasida bosh aylanishi sodir bo'ladi va inson hushini yo'qotadi. Ishchilar ishlaydigan xonada vinilxloridning REKCH si $3 \cdot 10^{-5}$ kg / m³ bo'lishi lozim. Konsentratsiyasi $1 \cdot 10^{-4}$ kg bo'lsa, ko'z yosh bezlariga ta'sir qiladi, konsentratsiyasi $2 \cdot 10^{-4}$ kg / m³ bo'lganda hid bilish organlarga ta'siri seziladi. Agar monomer ochiq holatda bo'lsa, uning bug'lari bilan nafas olganda, kuchli zaharlanishga olib keladi. Boshqa monomerlar, politetraforetilen, politriftoxtloretilen, polivinilxlorid ishlab chiqarishda qo'llanilganda ham zaharli ta'sir ko'rsatadi [11].

E'tiborga molik tadbirlarning yana bir yo'nalishi sanoat korxonalarida hosil bo'lgan hamda maishiy chiqindilar zararini kamaytirishga qaratilgan. Bu borada viloyat tabiatni muxofaza qilish qo'mitasi tashabbusi bilan qator loyihalar amalga oshirilib ular ijobiy natija bermoqda. Xususan, bugungi kunga qadar "Jarqo'rg'onneftni qayta ishlash" qo'shma korxonasida ishlab chiqarish jarayonida hosil bo'ladigan zararli gazlarni kuydirish maqsadida maxsus pechlar o'rnatildi. Endi yangi tozalash uskunalarini qurish natijasida iqtisodiy va ekologik samaradorlikka erishilmoqda. Qo'mita mutaxassislarining ta'kidlashicha, ushbu qurilmalar orqali atmosfera havosiga yiliga 30 tonna zararli tashlamalar chiqishining oldi olinadi. Xuddi shu kabi Termiz shahridagi "Dions - Surxon" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga polietilen chiqindilarni yig'ish va qayta ishlash faoliyatini rivojlantirish qo'llab-quvvatlash maqsadida 4 mln so'm moliyaviy ko'mak berildi. Ayni paytda mazkur korxonada shahar hududida hosil bo'lgan maishiy chiqindilar qayta ishlanib, polietilen mahsulotlari tayyorlanmoqda.

Yuqorida qayd etilgan jarayonlarni inobatga olgan holda polimerlar va polimer materiallarni ishlab chiqarishda, ularni insonlar tomonidan ekspluatatsiya qilingandan so'ng va polimer materiallarni yo'qotishda ekologik xavfsizligi nazoratini taminlash zarur.

Ma'lumotlarga qaraganda, inson sog'ligining 67 – 74% tashqi muhit, ovqatlanish va yashash sharoitiga, 16 – 18% genetik va nasliy omillarga va faqatgina 10 – 15% sog'liqni saqlash xizmatiga bog'liq. Demak, hayot kechirish uchun atrof – muhitni zaharlamaslik chora-tadbirlarini ko'rish har bir ishchi, xizmatchi, mutaxassis, muhandis va rahbarning asosiy burchi bo'lishi kerak. Sayyoramiz sog'lomligi – bizning sog'ligimiz demakdir!

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Технология пластических масс. Под ред. В.В. Коршака. М.: Химия, 1985, 560с.
2. Проблемы экологии производства и применения полимерных материалов. Лирова Б. И., Суворова А. И., Уральский государственный университет, 2007, 24 с.
3. А. Б. Зезин, Полимеры и окружающая среда. Соровский образовательный журнал, 1996, №2
4. Быстров Г.А. Оборудование и утилизиция отходов в производстве пластмасс. М., Химия, 1982 г.

5. Шефтель В.О. Полимерные материалы. Токсические свойства. Л., Химия 1982, 240с.
6. М.С. Панин. Химическая экология.: Учебник для вузов./ Под ред. Кудайбергенова С.Е. – Семипалатинский государственный университет имени Шакарима. – Семипалатинск, 2002. – 852с.
7. Bakhtiyor Karshiev, Azimjon Parpiev, Ilkhom Sabirov, Kamoliddin Yakubov, Ibrokhim Ismoilov. The effect of drum drying temperature on the moisture of cotton components//ANNALS OF FOREST RESEARCH ,Ann. For. Res. 65(1): 1935-1942, 2022 ISSN: 18448135, 20652445
8. Қаршиев Б.Э., Парпиев А.П. Пахта ва уни компонентларини қатламда қуритиш тадқиқоти. // ЎзМУ хабарлари. Илмий журнал. ISSN 2181-7324. № 3/2, 2022, 432-434 б.
9. Қаршиев Б.Э., Парпиев А.П., Сайидова М.Х. Пахтани қатламда қуритишнинг аэродинамик режимларини аниқлаш тадқиқоти. // Фан ва технологиялар тараққиёти. Илмий-техникавий ва амалий журнал. Бухоро. ISSN 2181-8193. №5, 2022, 307-311 б.
10. Каршиев Б.Э., Парпиев А.П. Равномерность сушки компонентов хлопка-сырца // Universum: технические науки. – 2022. – №. 9-2 (102). – С. 51-54.
11. Шамсиев, И. Р., Парпиев, А. П., Усманов, Х. С., & Каршиев, Б. Э. (2021). Получение хлопкового волокна высокого класса за счет модернизации сушильного барабана марки СБО. Universum: технические науки, (7-2 (88)), 20-24.

DEHQONOBOD KONI DOLOMITINI KOMPLEKS QAYTA ISHLAB MAGNIY GIDROKSID OLIISH VA BIR VAQTNING O'ZIDA CHO'KINDI AYLANMA ERITMALARNI QAYTA ISHLASH TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQUISHDAN IBORAT

Tursunov S.A., Hamidov A.P., Normurotov J.B., Orolova.M.R.

Termiz muhandilik-texnologiya instituti

Dunyoda ilm va nanotexnologiyalarning rivojlanishi bilan turli xildagi kimyoviy birikmalarga bo'lgan talab ham oshib bormoqda. Bu borada magniy birikmalari, jumladan magniy gidroksidi alohida o'rin tutadi. Shuning uchun ham sanoatni magniy gidroksidga bo'lgan talabini qondirish butun dunyo olimlarining asosiy ilmiy tadqiqotlar yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Magniy gidroksidi nafaqat magniy oksidini olish uchun xomashyo, balki undan turli xildagi magniy tuzlarini olish uchun ham xomashyo hisoblanadi.

Dehqonobod koni dolomiti, magniy gidroksidi, magniy gidroksidi ishlab chiqarishda hosil bo'lgan aylanma eritmalar asosida olingan suyuq va donodor o'g'itlar namunalari hisoblanadi.

Tadqiqot natijalarining ilmiy ahamiyati, Dehqonobod koni dolomitidan mamlakatimiz iqtisodiyotida import o'rnini bosa oladigan kimyoviy mahsulotlar - magniy oksid va magniy gidroksidlari hamda suyuq va donodor azot-kalsiyli o'g'itlar olishning ilmiy asoslari yaratildi. Magniy gidroksidini dolomitni nitrat kislotasi ishtirokida parchalab olingan eritmasidan gazsimon ammiak bilan neytrallab olishning ilmiy asosi yaratilganligi bilan izohlanadi.

GOST 4461-77 bo'yicha "Maksam-Chirchiq" AJ tomonidan ishlab chiqarilgan konsentrlanmagan nitrat kislota va GOST 6221-90 bo'yicha "Maksam-Chirchiq" AJ tomonidan ishlab chiqarilgan ammiak. Ishlatilgan nitrat kislota konsentratsiyasi 57,5% ni tashkil qiladi.

Respublikaning turli konlaridan dolomitlarning kimyoviy tarkibini aniqlash va solishtirish uchun Dehqonobod dolomitlari tanlab olindi, kimyoviy tarkibi 1-jadvalda keltirilgan.

Dehqonobod dolomit xomashyosining kimyoviy tarkibi

1-jadval

№	CaO	MgO	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	SO ₃	CO ₂	H.o.
№ 1	37,55	13,57	0,214	0,366	0,80	44,43	0,56
№ 2	38,90	12,83	0,202	0,15	0,70	43,08	1,73
№ 3	39,42	13,29	0,055	0,21	0,60	43,06	1,86

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, dolomitlarning tarkiblari mos ravishda 12,83-17,25% va 33,37-39,42% bo'lgan magniy va kalsiy oksidlari tarkibida juda katta farq qiladi.

Ammoniy-kalsiy selitrasi quyidagicha olingan: dolomit ma'lum tezlikdagi nitrat kislota bilan 40°C da 30 daqiqa davomida parchalanib, erimaydigan qoldiq ajratilgan, tindirilgan eritma gazzimon ammiak bilan neytrallangan, magniy gidroksidi ajratilgan, keyin aylanma suyuqlik bug'lanadi va ammoniy nitrat eritmasiga kiritiladi va granullanadi.

Dehqonobod konidan olingan dolomit tarkibida uglerod oksidi ko'p bo'lganligi sababli parchalanish jarayonining davomiyligi va aralashtirgich aylanish tezligining ko'piklanish jarayoniga ta'siri o'rganildi. Tadqiqotlar silindrsimon shisha reaktorda mexanik aralashtirgichli 25°C haroratda 40% nitrat kislota bilan 100% tezlikda dolomitning parchalanishi uchun o'tkazildi. Ko'pik balandligi kalibrlash shkalasi yordamida aniqlandi, ko'pikning "hayoti" sekundomer bilan aniqlandi, ko'pik nisbati formula bo'yicha ko'pik hajmining (V_k) suyuqlik hajmiga (V_s) nisbati sifatida aniqlandi.

$$K_{\Pi} = \frac{V_{\Pi}}{V_{\text{жс}}} = \frac{(V_{\Gamma} + V_{\text{ж}})}{V_{\text{ж}}}$$

bu yerda V_g - ko'pikdagi gaz hajmi.

Olingan natijalar 2-jadvalda keltirilgan.

Ko'pikning karraligiga jarayon davomiyligi va aralashtirgich tezligining ta'siri

2-jadval

№	Ko'pik karraligi											
	5 s	10 s	15 s	20 s	25 s	30 s	35 s	40 s	45 s	50 s	55 s	60 s
$n = 750$ ayl/daqiqa												
1	4,9	8,33	9,06	10,22	10,58	10,62	10,17	7,20	5,22	3,51	2,16	1,00
$n = 1000$ ayl/daqiqa												
2	2,16	5,13	7,56	8,37	8,10	3,15	1,35					

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, Dehqonobod konidan dolomitning parchalanish muddati ortishi bilan aralashtirgich tezligi 750 ayl/daqiqada ko'pik nisbati 30 sekundga ortadi, keyin esa yana 30 soniyaga kamayadi. Ko'pikning kengayishining maksimal qiymatlari 20-35 soniya ichida kuzatiladi va 10,22-10,17 ni tashkil qiladi, maksimal 10,62 dan o'tadi.

Agitatorning tezligi 750 ayl/daqiqadan 1000 ayl/daqiqagacha oshishi bilan ko'pik nisbati keskin pasayadi va maksimal qiymatlar 15-25 soniyadan keyin qayd etiladi. 20 soniyadan keyin ko'pikning maksimal karraligi 8,37 kuzatiladi. Aralashtirgich tezligini oshirish maksimal ko'pik nisbatini 1,269 martaga, vaqtni esa 10 soniyaga qisqartiradi. Shu bilan birga, ko'pikning barqarorligi 60 soniyadan oshmaydi.

Dehqonobod konidan olingan dolomitning parchalanishida ko'piklanish jarayonini o'rganish natijalari dolomitning yuqori ko'piklanish qobiliyatini ko'rsatadi, bu esa sanoat reaktorlari unumdorligining pasayishiga olib kelishi mumkin. Ko'piklanish jarayonini kamaytirish imkoniyatini topish uchun ko'proq tadqiqotlar talab etiladi.

XULOSA

1. Dolomitni nitrat kislota bilan parchalash jarayonlari o'rganilib, jarayonning optimal texnologik parametrlari aniqlandi: nitrat kislota konsentratsiyasi 40%, stexiometrik me'yori

100% dan kam emas, harorat 40°C, jarayon davomiyligi 30 daqiqadan kam emas. Bunda magniyni eritmaga o'tish darajasi 99,81-99,98% ni tashkil etadi.

2. Texnologik parametrlarga nitrat kislota kontsentratsiyasi 40% va me'yori 110% bo'lgan sharoitda qattiq faza tarkibi va eritmaga dolomit komponentlarini ajralish darajasiga ta'siri o'rganildi. Natijada, harorat 20-60°C va parchalanish jarayoni davomiyligi 10-60 daqiqa bo'lishi kalsiy va magniyni ajralib chiqishiga sezilarli ta'sir qilmasligi bilan izohlanadi.

3. Erimas qismlarni tindirish yo'li bilan ajratish bo'yicha tadqiqotlar dolomitning yirik zarrachalari yetarli darajada tez cho'kishi va 3 daqiqadan keyin cho'kish darajasi 100% ga etishi aniqlandi. Suspenziyani tinish darajasi juda sekinlik bilan boradi va 120 daqiqadan keyin 83-86% ni tashkil etadi. Filtrlash tezligi quyqa, nam cho'kma va filtrat bo'yicha haroratning 20°C dan 60°C gacha oshishi bilan 770,75 kg/m²·soatdan 1190,79 kg/m²·soatgacha oshadi.

4. Gazsimon ammiak bilan pH muhiti 8 gacha yetkazilganda magniysizlantirish darajasi 7,03% ni tashkil etishini ko'rsatdi. pH muhiti 10 gacha oshganda 85% magniy cho'kadi va pH 10,5-11 bo'lganda esa amalda 100% to'liq cho'kadi. Dolomitni nitrat kislotali parchalash eritmalaridan magniy gidroksidini ajratish jarayonlari bilan izohlanadi.

5. Ammoniyashtirish darajasining suyuq faza tarkibiga magniy gidroksidini ajratguncha va ajratilgandan keyingi tarkibiga hamda hosil bo'lgan suyuq azot-kalsiyl va azot-kalsiy-magniyli o'g'itlarni qo'llash uchun mos ko'rsatgichlari sifatiga ta'siri o'rganilgan. pH 7-8 bo'lgan o'g'it tarkibida (og'ir.%): N – 15,4; CaO – 9,53; MgO – 3,35 va pH 10,5-11 bo'lganda magniy gidroksid ajratib olingandan keyin (og'ir. %): N – 20,5% 4; CaO – 9,32; MgO – 0,13% ni tashkil etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'g'itlar, ularning xossalari va foydalanish usullari. // Ed. HA. Korenkov. -M.: Kolos
2. Mirzaqulov X.Ch., Juraeva G.X. Natriy sulfat ishlab chiqarish. Monografiya. - Toshkent:
3. Бобокулова О.С., Тожиев Р.Р., Усманов И.И., Мирзакулов Х.Ч. Разработка технологии производства гидроксида и оксида магния из рапы озер Караумбет и Барсакельмес // Химическая промышленность. – Санкт-Петербург, 2015. – т. 92. №6. - С. 272-279.
4. Дадаходжаев А.Т. Разработка и внедрение технологических процессов переработки доломита. // Узбекский химический журнал. – Ташкент, 2015. - № 3. – С. 53-57.

YAROQSIZ ELEKTROTEKNIK BUYUMLARDAN KUMUSH YODID OLISH

Normurotov J.B, Tursunov S. A, Ashurova A.A, O'ralova M.R.



Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Yaroqsiz elektrotexnikalardan kumushni eritmaga o'tkazib, kumush nitrat eritmasidan AgJ olish jarayonini o'rganish.


Kumush yodid bu uzoq vaqt davomida yorug'lik ostida qorayadigan och sariq rangli kristall, qattiq moddadir. U suvda deyarli erimaydi, ammo yodid ionining yuqori konsentratsiyasi mavjud bo'lganda eriydi. Muzga o'xshash kristalli tuzilishga ega bo'lgani uchun, u yomg'ir hosil qilish va iqlimni o'zgartirish uchun urug'sifatida ishlatilgan. XIX asrdan boshlab u fotosuratda yorug'lik bilan qorayish qobiliyati uchun ishlatilgan. Bundan tashqari, u antimikrobiyal davolashda ham qo'llaniladi. Yaqinda atom energiyasini ishlab chiqarishda ishlab chiqarilgan chiqindilardan radioaktiv yodni olib tashlashda uning ishlatilishi o'rganildi. Bu optik tolalarda foydalidir. AgJ ning kristalli tuzilishi muznikiga o'xshash bo'lib, u geterogen yadrolanish deb nomlanuvchi jarayon orqali muzlashni keltirib chiqarishga imkon beradi. Har yili bulutli ekish uchun 50000 kg sarflanadi, har bir ekish tajribasi 10-50 grammni sarflaydi. Bulutli ekish gidrometeorlarning fazasi va hajmini taqsimlashni o'zgartiradigan kumush yodidni aerosol kabi qo'llashni o'z ichiga oladi. Bulutli ekishning maqsadi yog'ingarchilikni kuchaytirish, do'lni bostirish, tumanni tarqatish yoki chaqmoqni kamaytirish uchun bulutning tabiiy rivojlanishini o'zgartirishdir.

Tajribani amalga oshirish uchun tarkibida kumush tutgan keraksiz elektrotexnik buyumlarni saralab HNO_3 eritmasida eritib olindi. Kislota erib eritmada qolgan $\text{Ni}, \text{Fe}, \text{Cu}$ va boshqa metallardan iborat aralashmalar eritmasi hosil bo'ldi. Hosil bo'lgan aralashmaga HCl kislota ishtirokida ishlov berildi. Natijada oq rangli AgCl cho'kmasi tushdi. Hosil bo'lgan AgCl cho'kmasi distillangan suv yordamida tozalab olindi.

AgCl tozalab olinganidan so'ng Fe ishtirokida sementatsiya jarayoni olib borildi. Jarayon reaksiya tenglamalari:



Jarayon natijasida kumush metalni oksidlanishini hisobga olgan holda HCOOH kislota da $90-100^\circ\text{C}$ temperaturada eritib olindi.



Hosil bo'lgan 10g miqdoridagi kumush 10 ml 60% HNO_3 kislota da 15 minut davomida eritildi.



1-rasm



2-rasm



3-rasm



4-rasm

1-rasmda kumush metalli saqlovchi keraksiz elektrotexnika buyumlari. 2-rasmda elektrotexnika buyumlarini HNO_3 ishtirokida erish jarayoni. 3-4-rasmda AgCl ning yuvilgan va quritilgan holatdagi ko'rinishlari

AgNO_3 eritmasi teng 2 ga ajratib olindi. Birinchi qismini tomchilatish, ikkinchi qismini esa kaplya usulida KJ bilan ta'siranish jarayoni olib borildi. Reaksiya temperaturasi 60°C . Tomchilab solish usulida jarayon 5 daqiqa, oqizib quyish usulida esa 1.5 daqiqa davom etdi. Natijada sariq rangli AgJ hosil bo'ldi. AgJ molekullari orasida mexanik bog'lanish hosil bo'lishini inobatga olgan holda tajriba magnitli aralashtirgichda amalga oshirildi.

AgNO_3 — rangsiz kristall modda. Suyuqlanish temperaturasi $208,5^\circ$, zichligi $4,352 \text{ g/sm}^3$, suvda (20° da) 68,3% eriydi. Qizdirilganda (300°) kumush, azot, kislorod va azot oksidlariga parchalanadi. Kumushga nitrat kislota ta'sir ettirib olinadi. Yorug' sezgir fotomateriallar tayyorlash uchun asosiy xom ashyo hisoblanadi. Kumushning boshqa birikmalarini olishda, kimyoviy analizda, organik kimyoda oksidlovchi sifatida, ko'zgu ishlab chiqarishda, galvanik kumush yugurtirishda, tibbiyotda mikrobgga qarshi va kuydiruvchi modda sifatida eritmasi, mazi, tayoqchalari yara-chaqaga surtiladi, eroziya, traxoma va kon'yunktivitda ishlatiladi. 2% li eritmasi yangi tug'ilgan bolalarni blennoreyadan saqlash uchun ko'ziga tomiziladi.



5-rasm



6-rasm

5-rasmda tomchi usulida olingan AgJ , 6-rasmda oqizib quyish usulida olingan AgJ

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Fillis A.Lyday „Yod va yod birikmalari.
2. Constantin Andronache, „Characterization of Mixed-Phase Clouds:Contribution From the Field Campaigns and Ground Based Networks” 2017.1-page.
3. Oltinning olinishi va xossalari. Xamrayeva.M.A., Noraliyeva.D.X., Normurotov.J.B. Fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasi asosida muhandislik-texnologiya sohasini rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro talabalar anjumani 2022-yil 30-noyabr 170-171-betlar.
4. Molibden ishlab chiqarish texnologiyasi .Xamrayeva.M.A., Normurotov.J. B. Fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasi asosida muhandislik-texnologiya sohasini rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro talabalar anjumani 2022-yil 30-noyabr 169-170-betlar
5. A.P.Hamidov, S.Z.Xodjamkulov, S.A.Tursunov J.B.Normurotov M.R.O'ralova Kaliyli o'g'itlarda ozuqaviy moddalar tahlili JOURNAL OF UNIVERSAL SCIENCE RESEARCH 1-tom 2-son 83-86 bet.

KALIY XLORIDAN XLORSIZ KALIYLI O'G'ITLAR OLISH TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH

Tursunov S. A, Normurotov J.B, Hamidov A.P, Ashurova A.A.


Termiz muhandislik-texnologiya institute

O'zbekistonda kaliy sulfat ishlab chiqarish uchun katta tabiiy xomashyo zaxiralari mavjud bo'lib, undan Tubegatan konining silviniti, Tumruk konining mirabiliti, natriy yoki ammoniy sulfatlaridan olinadigan "Dehqonobod kaliy zavodi" AJning kaliy xloridi sifatida foydalanish mumkin. Biroq bugungi kunga qadar Respublikada yuqoridagi mahalliy xomashyodan kaliy sulfat olishning maqbul, uzluksiz texnologiyalari ishlab chiqilmagan, ayni paytda respublikaning xlorsiz kaliyli o'g'itlarga bolgan ehtiyoji yiliga 100 ming tonnadan oshadi.

Mavzuning dolzarbligidan kelib chiqib chiqqan holda, respublika ilm-fani va ishlab chiqaruvchilari oldida dolzarb vazifa etib – O'zbekistonda mavjud xomashyo asosida xlorsiz kaliyli o'g'itlar ishlab chiqarishning uzluksiz, samarali texnologiyasini ishlab chiqish, texnologiya asosida xlorsiz kaliyli o'g'itlar ishlab chiqarish va respublika eksport salohiyatini yanada oshirish.

Kaliyning o'simlikka ta'siri. Kaliy o'simliklardagi o'sish va metabolism jarayonlarini boshqaradigan bir qator fiziologik funktsiyalarga ta'sir qiladi. U kraxmalning shakllanishi, parchalanishi va harakatlanishiga yordam beradi, aminokislotalar va oqsillar sintezida ammiak azotidan foydalanishni kuchaytiradi, mineral oziqlanishning boshqa elementlari va fermentlarning faolligini, shuningdek o'simliklarning suv rejimini tartibga soladi

Jarayonning fizik kimyoviy tavsifi. Kaliy sulfat ishlab chiqarishning konversiya usulini A.I.Zaslavskiy, A.A.Sokolov va S.S.Senalar ishlab chiqishgan. Ular K^+ , $Na^+ | Cl^-, SO_4^{2-} - H_2O$ tizimini geterojen tengligini o'rganib chiqishdi va kaliy sulfatni olish sxemasini ishlab chiqishdi. Aniqlandiki, konversiya usulini ikki bosqichda olib borish maqsadga muvofiq ekan. Oraliq mahsulot glazerit:



1 soat davomida Q:S fazalarning turli nisbatlarning turli haroratlarga ta'siri

1-jadval

Q:S	Harorat °C			
	20	40	60	80
0,6 : 1	1,403	1,364	1,320	1,274
0,8 : 1	1,316	1,277	1,238	1,194
1,0 : 1	1,233	1,194	1,162	1,124
1,2 : 1	1,160	1,122	1,087	1,056
1,4 : 1	1,094	1,056	1,024	0,998

Konversiyaning birinchi bosqichida mirabilit va kaliy xlorid glaserit hosil qilish uchun aylanma suyuqlik bilan o'zaro ta'sir qiladi. Optimal konversiya vaqti 1 soat. Birinchi bosqichning harorati 50-60 ° C. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, 50-60 ° C haroratda mirabilit tarkibidagi suv tushib ketadi va mirabilit Na^+ ionlarida eriydi // $\text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$.

Konversiyadan oldingi birinchi bosqichda glaserit suspenziyasining viskozitesi

2-jadval

Harorat, °C	Bosqich	Konvertatsiya vaqti, min.	Yopishqoqlik, haroratda (cps)
20	I	0	2,799
40	I	0	2,275
60	I	0	1,866
80	I	0	0,606

XULOSA

Ushbu ishni bajarish jarayonida olingan asosiy ilmiy va amaliy natijalar:

- Kaliy xlorid, natriy sulfat va kaliy sulfatni o'z ichiga olgan tizimlardagi fazali tarkiblar to'liq muzlash haroratidan 80° C gacha vizual-politermik usulda o'rganildi.

- Flotatsion kaliy xloridning mirabilitlar bilan konversiyalash jarayonini o'rganish glaserit - $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 3\text{K}_2\text{SO}_4$ olish imkoniyatini aniqladi.

- Glaseritning flotatsion kaliy xlorid eritmaları (10%) bilan konversiyalash jarayonini o'rganish kaliy sulfat olish imkoniyatini aniqladi.

- Mirabilit va flotatsion kaliy xlorid eritmalaridan xloris kaliy sulfat olishning texnologik sxemalari, moddiy balanslari ishlab chiqilgan, material oqimlarining sxemalari, ishlab chiqarishning moddiy balanslari tuzilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'g'itlar, ularning xossalari va foydalanish usullari. // Ed. HA. Korenkov. -M.: Kolos
2. Axmetov T.G., Porfiriev R.T., Gaisin L.G. Noorganik moddalarning kimyoviy texnologiyasi. 2
3. Mirzaqulov X.Ch., Juraeva G.X. Natriy sulfat ishlab chiqarish. - Monografiya. - Toshkent:

MELAMIN-FORMALDEGID SMOLA BILAN MODIFIKATSIYALANGAN SORBENTLARNING IQ-SPEKTROSKOPIK TAHLILI


Turaev X.X., Geldiyev Y.A., Odinaboyev D.A., Soatov E.H.

Termiz davlat universiteti, Termiz shahri

Dunyoda global isish jarayoni natijasida iqlimning o'zgarishi toboro yaqqolroq namoyon bo'lmoqda. Issiqxona effektini hosil qilayotgan asosiy gazlardan biri karbonat angidrid bo'lib, bu gaz yoqilg'ilarning yonishi natijasida hosil bo'ladi. Eng katta ulushi transport va energetika sohalariga to'g'ri keladi. Bunda barcha davlatlarning o'z hissasi mavjud bo'lib, barcha davlatlarda CO₂ ni kamaytirish bo'yicha rejalar ishlab chiqilgan va gazlar ajratilishini kamaytirish ishlariga qaramasdan atmosfera havosining isishi davom etib bormoqda. Bunga sabab chiqarilgan gazlarning qayta yutilishi uchun bir necha yuzlab yillar kerak bo'ladigan miqdorda ularning yig'ilib qolganligidir [1]. Bu muammoni bartaraf etish uchun kam CO₂ chiqaradigan texnologiyalar bilan birgalikda atmosfera gazlari tarkibidan CO₂ ni ajratib oladigan texnologiyalarni ham yaratish talab etilmoqda. Atmosfera gazlaridan CO₂ ni sorbsiyalash uchun sorbentlarga qo'yilgan bir qancha talablar mavjud bo'lib: yuqori sorbsion sig'im, kam energiya sarfi, zaharli emaslik, oson desorbsiya, siklik (foydalanish)ishlatish, past tannarx kabilardir. Ammo, bu talablarning barchasiga javob beradigan sorbentlar hozircha yaratilmagan [2]. Hozirgi kunda karbonat angidrid sorbsiyasida qo'llash uchun tadqiq qilinayotgan qattiq sorbentlarni uchta katta guruhga bo'lish mumkin: noorganik birikmalar va minerallar, polimerlar va organik birikmalar, gibrid materiallar. Noorganik birikmalardan ishqoriy va ishqoriy yer metallarining oksidlari [3,4], gidroksidlari [5] o'rganiladi.


Vodorod, azot, metan tarkibidagi karbonat angidrid gazini tanlab yutuvchi sorbentlar yaratish sohasida ham tajribalar olib borilgan. Silikagelning turli organik birikmalar bilan modifikatsiyalash natijasida uning sorbsion hossalarni yaxshilash bo'yicha ishlar olib borilgan. Har bir soha uchun selektiv birikmalar yaratish bo'yicha tadqiqotlarning asosiy yo'nalishlaridan biri ham modifikatsiyalash hisoblanadi. Ammo, ko'pchilik kremiyorganik birikmalarning tannarxi yuqoriligi, ishlab chiqarilish jarayonida ekologik muammolarning mavjudligi va katta miqdorda ishlab chiqarilmasligi katta to'siqlardan biri bo'lib keladi. Melamin-formaldegid polimeri tarkibida juda ko'p miqdorda azot saqlaydi. Ammo, bu polimerning g'ovaklilik darajasi past va sirt yuzasi kamligi sababli sorbsion sig'imi kam bo'ladi. Ushbu tadqiqotning maqsadi-sirt yuzasi katta bo'lgan silikagel sorbentining yuzasiga melamin-formaldegid polimeri zarralarini modifikatsiyalash orqali uning karbonat angidridga nisbatan sorbsion sig'imini oshirish hisoblanadi.

Sorbent sintezi. 160 ml formalin (37% formaldegid) ga 80°C da qizdirib aralashtirib turilgan holda 15 gr melamin asta-sekin qo'shiladi. Tiniq eritma hosil bo'lguncha aralashtiriladi. pH=8 atrofida bo'lishi kerak. Eritma hosil bo'lgach 10 gr silikagel kukuni qo'shiladi. So'ngra 48% li sulfat kislotasi eritmasi bilan pH=5 gacha turshiriladi. Aralshma harorati 95°C ga ko'tariladi. 30 min davomida kondensatsiya reaksiyasi boradi. Olingan cho'kmani ortiqcha formalindan ammiak eritmasi bilan neytrallab tozalanadi. So'ngra cho'kma filtrlab olinib, maydalanadi va distillangan suv bilan yuviladi. So'ngra 150°C da doimiy massaga kelguncha quritiladi.



Olingan natijalar va ularning tahlili. Melamin – formaldegid smola bilan modifikatsiyalangan silikagelning IQ-spektri 1-rasmda keltirilgan. Rasmda melamin,

formaldegid smolasi va olingan sorbentning IQ-spektrlarini solishtirish mumkin. Bunda ko'rinadiki, melaminning 3470 cm^{-1} va 3419 cm^{-1} sohadagi birlamchi amin guruhlarining valent tebranishlari metillanishi oqibatida yo'qoladi. 1655 , 1555 , 1469 va 1439 cm^{-1} sohada 1,3,5 triazin xalqasining tebranishlari kuzatiladi. Biroz siljigan bo'lsada bu tebranishlar barcha birikmalarda mavjud. Melaminning formaldegid bilan birikishida odatda monomerlar hosil bo'lmaydi. Darrov to'rlanish jarayoni sodir bo'ladi, shuning uchun amin guruhlarini yo'qolib, gidriksil guruhining $3000\text{--}3600\text{ cm}^{-1}$ sohadagi keng polosali tebranishlari paydo bo'ladi. Shuningdek, melaminda bo'lmagan C-H bog'larining valent tebranishlari 2965 cm^{-1} sohada paydo bo'ladi. Bu tebranishlar sorbent tarkibida ham saqlanib qoladi. Shuningdek, Si-O-Si bog'larining 1111 va 786 cm^{-1} sohalardagi assimetrik va 471 cm^{-1} sohada esa simmetrik tebranishlari kuzatiladi.



1-rasm. Melamin (1), melamin-formaldegid smolasi (2) va SMF (3) IQ-spektrlari.

ADABIYOTLAR.

1. Hannah R., Max R. Pablo R., CO₂ and Greenhouse Gas Emissions. Available at: <https://ourworldindata.org/co2-and-other-greenhouse-gas-emissions> (accessed: 18.08.2022).
2. Choi S., Drese J.H., Jones C.W. Adsorbent materials for carbon dioxide capture from large anthropogenic point sources. *ChemSusChem*. 2009. vol. 2, no. 9. pp. 796–854. doi:10.1002/cssc.200900036.
3. Гелдиев Ю.А., Тураев Х.Х., Умбаров И.А., Эшмуродов Х.Э., Джалилов А.Т. Синтез и исследование нового соединения на основе поликремниевой кислоты, модифицированной моноэтаноламином // *Universum: химия и биология*. 2021. №10-2 (88).
4. Geldiev Y.A., Turaev Kh.Kh., Umbarov I.A. Thermal analysis of modified polysilicic acid with amino alcohols // *Austrian Journal of Technical and Natural Sciences*. 2022. №3-4.
5. Wu Y.J., Li P., Yu J.G., Cunha A.F., Rodrigues A.E. Progress on sorption-enhanced reaction process for hydrogen production. *Reviews in Chemical Engineering*. 2016. vol. 32, no 3. pp. 271–303. doi: 10.1515/revce-2015-0043.

QISHLOQ XO'JALIGIDA INFRATUZILMA VA UNI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Hakimova Sharofat

Termiz davlat pedagogika instituti

Ushbu maqolada qishloq xo'jaligida infratuzilma, uni rivojlantirish yo'llari va o'simlikshunoslikning bamiya turi haqida ma'lumtlar berilgan.

This article provides information about infrastructure in agriculture, ways of its development, and okra type of plant science.

Infratuzilma so'zi lotincha "infrastructure" so'zidan olingan bo'lib, "infra" - quyi, asos va "structure" - tuzilish, joylashish kabi ma'nolarni anglatadi. Jahon tajribasida infratuzilma tushunchasi XX asr boshlarida birinchi bor "zarur yordamchi obyektlar va inshootlar majmuasi" sifatida muomalaga kiritilgan bo'lsa, 1940-yillarga kelib g'arb davlatlarida infratuzilma "ishlab chiqarish sohalarining faoliyatiga zaruriy shartsharoitlar yaratuvchi subyektlarning yaxlit bir tarkibi" sifatida qo'llanila boshlandi.

Infratuzilma subyektlari har qanday iqtisodiy tizimning asosiy tarkibi hisoblanib, ko'rsatayotgan turli yo'nalishdagi xizmatlari bilan barcha tarmoq va sohalarning iqtisodiy barqaror rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Infratuzilma subyektlari ishlab chiqarish, ijtimoiy va iqtisodiy jarayonlarni to'la qamrab olib, tashkiliy-iqtisodiy, ijtimoiy, huquqiy, axborot, ekologik, boshqaruv va boshqa turdagi xizmatlar ko'rsatish faoliyatini o'z ichiga oladi, eng asosiysi ishlab chiqarish jarayoniga bevosita ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Infratuzilma tizimi mamlakatimiz iqtisodiyoti tayanadigan poydevordir. Iqtisodiyot tarmoqlari ishining uyg'unligi, ularning samaradorligi, shuningdek, chet el sarmoyalarini jalb qilish va o'zlashtirish imkoniyati infratuzilma tizimi rivojining holati va darajasiga bog'liqdir.

Infratuzilma sohalari mustaqil ravishda pirovard mahsulot ishlab chiqarimasada, ishlab chiqarish jarayoniga xizmat ko'rsatish orqali yakuniy natijalarga ta'sir ko'rsatadi.

Infratuzilma sohalarini ma'lum belgilari bo'yicha guruhlash muhim ahamiyatga ega. Infratuzilma sohalarini guruhlash quyidagi imkoniyatlarni yaratadi:


- infratuzilma alohida elementlari va sohalarining ijtimoiy ishlab chiqarishdagi o'rnini aniqlash;
- tarmoqlararo aloqalarni o'rganish va shu asosida asosiy ishlab chiqarish va unga xizmat ko'rsatuvchi sohalar o'rtasida optimal mutanosiblikni o'rnatish;
- tarmoqlarning boshqaruv jarayonini takomillashtirish va shu orqali yuqori samaradorlik darajasiga erishish.

Qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotining hajmi tarmoqning ishlab chiqarish fondlari, mehnat resurslari bilan ta'minlanganlik darajasi bilan birga xizmat qiluvchi sohalarning rivojlanganlik darajasiga ham bevosita bog'liq. Infratuzilma qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini intensivlashtirish va samaradorligini oshirishning muhim omili hisoblanadi. Xomashyo, material va tayyor mahsulotning o'z vaqtida olib kelinishi xo'jalik aylanmasida bo'lgan resurs hajmini belgilaydi. Elektrlashtirish, kimyolashtirish, melioratsiya va ishlab chiqarishning boshqa asosiy omillari tez sur'atda o'sishiga nafaqat qishloq xo'jaligi uchun ishlab chiqarish mablag'larining miqdoran o'sishi hisobiga, balki mablag' resurslaridan samarali foydalanishni ta'minlaydigan xizmat tizimi tashkil etilishi hisobiga ham erishiladi. Bozor munosabatlari rivojlangan shartsharoitda infratuzilmaning tarmoq va ishlab chiqarish vazifalari ham o'zgaradi.

Qishloq xo'jaligi infratuzilmasining asosiy maqsadi tarmoq korxonalarining ishlab chiqarish faoliyatiga shartsharoit yaratish va qishloq aholisining turmush farovonligini yaxshilashga xizmat qilishdir. Infratuzilmaga kiradigan sohalar ishlab chiqarish jarayoniga bir xilda ta'sir ko'rsatmaydi va ishlab chiqarish jarayonida o'ziga xos o'rin egallaydi. Shu tufayli infratuzilma tarmoqlarini asosiy ko'rsatkichlari bo'yicha turkumlash muhim ahamiyatga ega. Infratuzilma turkumlanishi alohida elementlari bilan birga butun sohaning jamiyat ishlab

chiqarish tizimidagi o'rinlarini belgilashga yordam beradi. U tarmoqlararo aloqalarni o'rganishga va asosiy ishlab chiqarish bilan xizmat ko'rsatish tarmoqlari orasida optimal muvozanatni belgilashda ko'maklashadi.

Qishloq xo'jaligi infratuzilmasining turkumlanishi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Qishloq xo'jaligi infratuzilmasining turkumlanishi.

Qishloq xo'jaligida infratuzilma quyidagi to'rtta belgisiga ko'ra turkumlanadi:

- ishlab chiqarish jarayoniga ta'sir darajasiga ko'ra;
- hududiy xususiyatiga ko'ra; - tarmoq xususiyatiga ko'ra; - funksional yo'nalishiga ko'ra.

Ishlab chiqarish jarayoniga ta'sir darajasiga ko'ra qishloq xo'jaligi infratuzilmasi uch guruhga bo'linadi: ishlab chiqarish, ijtimoiy va bozor infratuzilmasi. Ishlab chiqarish infratuzilmasi bevosita ishlab chiqarish jarayoniga xizmat ko'rsatuvchi sohalar majmuasidan iborat bo'lib, korxonada ishlab chiqarishning muntazam va bir maromda davom etishi hamda barqaror rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratib beradi. Ijtimoiy infratuzilma korxonada xodimlar uchun munosib mehnat sharoitlari yaratib berish hamda fuqarolarning madaniy, maishiy, ma'rifiy va boshqa ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan shug'ullanuvchi sohalaridan tashkil topadi. Bozor infratuzilmasi esa jamiyatda bozor munosabatlarini shakllantiruvchi va uning rivojlanishi uchun shartsharoit yaratib beruvchi sohalar majmuidir. Butun jamiyat miqyosida, shu jumladan qishloq xo'jaligi tarmog'ida bozor munosabatlarining shakllanishi va rivojlanishi uchun bozor infratuzilmasi yaxshi faoliyat yuritishi lozim.


Hududiy xususiyatiga ko'ra qishloq xo'jaligi infratuzilmasi uch guruhga bo'linadi: xalq xo'jaligi, mintaqaviy va mahalliy infratuzilmalar. Xalq xo'jaligi infratuzilmasi butun xalq xo'jaligining samarali ishlashiga xizmat qiladigan soha va xizmatlardan iborat. Unga energetika, transport, aloqa tizimlarini misol tariqasida keltirish mumkin. Mintaqaviy infratuzilma alohida iqtisodiy hududlarning rivojlanishi va mintaqaviy ishlab chiqarishga xizmat qiluvchi sohalar

majmui shakllanishi bilan bog'liq. Mahalliy infratuzilma esa alohida korxonalarning faoliyatiga xizmat ko'rsatuvchi sohalardan iborat.

Tarmoq xususiyatiga ko'ra qishloq xo'jaligi infratuzilmasi ikki guruhga bo'linadi: tarmoqlararo va tarmoq ichidagi infratuzilma. Infratuzilmaning ko'pgina sohalari tarmoqlararo xusuiyatga ega bo'ladi. Ular xalq xo'jaligining ko'pgina tarmoqlariga xizmat ko'rsatadi. Bular – transport, aloqa, elektr ta'minoti va boshqalar. Tarmoq ichidagi infratuzilma esa u yoki bu tarmoqning faoliyat yuritishi uchun xizmat ko'rsatuvchi sohalardir. Masalan, dehqonchilikda o'simliklarni kimyoviy himoyalash xizmati, chorvachilikda veterinariya xizmati va hokazo.

Qishloq xo'jaligida bozor infratuzilmasi. Bozor infratuzilmasi mamlakatda bozor munosabatlarini barpo etish va rivojlantirishga xizmat ko'rsatuvchi sohalar majmui bo'lib, bozor xizmati tarmoqlarini shakllantirish va rivojlantirish maqsadida tijorat banklari tarmog'i, zamonaviy moliya va soliq tizimi, audit, sug'urta, birjalar faoliyati, kredit uyushmalari, konsalting firmalari, bojxona tizimi va boshqa shu kabilarni o'z ichiga oladi.

Qishloq xo'jaligida bozor infratuzilmasi subyektlari tarkibiga kiradigan tashkilotlar o'rtasidagi o'zaro hamkorlikni samarali yo'lga qo'yish asosida iqtisodiyotda bozor munosabatlarini shakllantirish va rivojlantirish mumkin. Ushbu tadbir bozor infratuzilmasi subyektlarini qishloq hududlari bo'yicha joylashtirish bilan bir qatorda ular tomonidan yangi ish o'rinlarining yaratilishiga ham asos bo'ladi.



2-rasm. Qishloq xo'jaligida bozor infratuzilmasi subyektlari.

Bozor infratuzilmasi subyektlari tarkibiga quyidagi tashkilot, idora va muassasalar kiradi: monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi; iqtisodiy nochor korxonalar ishlari qo'mitasi; birjalar va ularning tarkibida ish yuritadigan brokerlar, maklerlar va agentlar xizmatlari; savdo-tijorat markazlari, savdo uylari, savdo-sanoat palatalari, tashqi savdo firma va birlashmalari; ulgurji, chakana savdo va boshqa turdagi barcha savdo tashkilotlari; kim oshdi savdosi o'tkazuvchi idora va yarmarka; markaziy va tijorat banklari; lizing va injiniring bo'yicha muassasa va tashkilotlar; marketing maslahati va menejment markazlari; mutaxassislarni tayyorlash va qayta tayyorlash muassasalari, markazlar; mehnat bandligi bilan shug'ullanuvchi tashkilotlar; tijorat va ilmiy-texnika axborotlari markazlari; reklama byurolari; sug'urta xizmatini ko'rsatuvchi muassasalari; soliq tizimi idoralari va inspeksiyalari; bojxona tizimi idoralari; auditorlik xizmati firmalari; konsalting xizmati muassasalari; kasaba uyushma tashkilotlari; loyihalash institut va tashkilotlari; vositachilik xizmati muassasalari; notarial

idoralari; advokatura idorasi; tadbirkorlik uyushmasi; investitsiya jamg'arma kompaniyalari; lombardlar; agrofirma; kredit uyushmalari; iste'molchilar huquqlarini himoya qilish jamiyatlari va shunga o'xshash barcha xo'jalik yuritish subyektlari va jismoniy shaxslar o'rtasida sodir bo'ladigan bozor munosabatlarini tashkil etuvchi va muvofiqlashtiruvchi muassasalar hisoblanadi.

Qishloq xo'jaligida bozor infratuzilmasining ham o'rni beqiyosdir. Qishloq xo'jaligida bozor infratuzilmasining bir subyekti bo'lgan lizing kompaniyalari tarmoqni yuqori samarali zamonaviy texnika vositalari bilan ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Qishloq xo'jaligiga yetkazib berilayotgan traktorlar va o'rim-yig'im texnikasi sonini oshirish hamda ular uchun hisob-kitob qilish mexanizmini takomillashtirish maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2000-yil 2-noyabrda "Qishloqni lizing shartlarida qishloq xo'jaligi texnikasi bilan ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi 424-sonli qarori qabul qilindi. Mazkur hujjatga asosan "O'zqishloqxo'jalikmashlizing" kompaniyasi tashkil etildi va uning tuzilmasi tasdiqlandi. Bundan tashqari "O'zqishloqxo'jalikmashxolding" kompaniyasi zavodlari tomonidan ishlab chiqarilayotgan qishloq xo'jaligi mashinalarini (birinchi navbatda traktorlar va o'rim-yig'im texnikasini) mashina-traktor parklariga va fermer xo'jaliklariga lizingga berishning tashkiliy, iqtisodiy hamda texnikaviy mexanizmlari belgilab qo'yildi. Hozirgi vaqtda hukumatimiz tomonidan qishloq xo'jaligining moddiy-texnika bazasini mustahkamlashda lizing imkoniyatlaridan keng foydalanishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Bamiya, Gambo (*Hibiscus esculentus* L.) — gulxayridoshlar oilasiga mansub bir yillik o'simlik. Bo'yi 2,5 m gacha boradi. Tashqi ko'rinishi va gullashi bilan g'ozaga o'xshaydi. Vatani — Sharqiy Afrika. Navlari sabzavot va tola beradigan guruhlariga bo'linadi. Hindiston, Afrika va AQShda tola olinadigan navlari ekiladi. Yetilmagan ko'saksimon mevasi sabzavot ko'kat tarzida suyuq ovqat va salatlariga ishlatiladi. Mevasida 3% oqsil, 0,5% yog', 8% uglevodlar, pishgan urug'i tarkibida 18% moy bor. Mevasini xomligicha yeyish, pishirish, qovurish, konservalash mumkin. Poyasi oq dag'al tola beradi; qovurilgan urug'idan sun'iy kofe tayyorlanadi. Tropik, subtropik mamlakatlarda, Shim. Amerika, Jan. Yevropa, Zakavkazye, Krim, Ukrainaning janubi, qisman Markaziy Osiyoda, asosan, sabzavot ekini sifatida yetishtiriladi.

Dala ekinlari maxsulotlarini ishlab chiqarish - qishloq xo'jaligining asosiy tarmoqlaridan biridir. O'sib borayotgan axolining oziq-ovqat, yengil sanoatning tarmoqlari uchun xomashyo, chorvachilik uchun ozuqa yetishtirishda dala ekinlarining biologik xususiyatlariga mos yetishtirish texnologiyalarni qo'llagan holda ekologik toza, mo'l va sifatli xosil yetishtirish o'simlikshunoslik fanining asosiy maqsadidir.

Hozirda yer yuzasida o'simliklarning 500 mingdan ortiq turlari ma'lum bo'lib, shulardan 300 ming turi gulli o'simliklardir, ularning 20 ming turi odamlar tomonidan o'stiriladi. Madaniy o'simliklarning soni 1500 taga yetadi, ammo ishlab chiqarish ahamiyatga ega bo'lganlari 640 tani tashkil etadi va shulardan 90 tasi dala ekinlariga kiritiladi. O'simlikshunoslikning asosiy obyekti yashil o'simliklardir. Dala ekinlarini yetishtirish mavsumiy xususiyatga ega. O'simlikshunoslik fani ekinlarni guruxlarga bo'lib, ularning ekologik, biologik xususiyatlarni o'rganishda seleksiya, urug'chilik, genetika, agrokimyo, dehqonchilik, mikrobiologiya, biokimyo, o'simliklar fiziologiyasi, tuproqshunoslik, agrometeorologiya, fitopatologiya, entomologiya singari fanlarning yutuqlariga tayanadi.

Qo'ng'irboshsimonlar va dukkakli don ekinlarining - 78, moyli va tolali ekinlarning 53, ildiz va tuganak mevalar xamda boshqa ekinlarning 60 dan ortiq turlari eng ko'p tarqalgan.

Dala ekinlarining asosiy qismi (500 dan ko'prog'i) qadimgi dunyodan, 100ga yaqin turlari yangi dunyodan kelib chiqqan. Amerikadan yevropa, Osiyo, Afrikaga kartoshka, kungabokar, loviya, qovoq, tamaki, makkajo'xori, g'o'za va boshqa ekinlar keltirilgan.

Dunyoda g'alladosh ekinlar, texnika ekinlari eng ko'p tarqalgan. yer yuzasidagi ekin maydonlarining 89 foizi Osiyo, yevropa va Amerikada joylashgan.

Ekinlarning turlari, navlari, duragaylarini joylashtirishda mintaqaning tuproq iqlim sharoiti, o'simlikning biologik xususiyatlari xisobga olinadi. Ekin turlari o'zlarining shakllangan ob-xavo sharoitiga, tur, nav, genotipiga mos faol xarorat talab qiladi.

Yuqori haroratda tuproqning yuza qatlami tez quriydi, ammo o'simliklar bunga moslashgan: o'suv davrining dastlabki kunlarida ular assimilyatlarni ko'p qismini ildiz tizimiga yo'naltiradi. Bunda ildizlar tuproqning pastki nam qatlamlariga kirib borishi uchun sharoit yaratiladi.

Ekinlarni yetishtirishda ijobiy xarorat +1 °S, faol xarorat 10 °S dan boshlab xisoblanadi. Samarali xarorat xar bir ekinning turi, rivojlanish fazasi, naviga bog'liq bo'lib 5 °S dan (kuzgi bug'doy), 13-14 °S dan (ingichka tolali g'o'za) boshlab xisoblanadi. Xar bir o'simlikning ma'lum rivojlanish davri yoki o'suv davri uchun tegishli miqdordagi faol xarorat talab qilinadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Abdug'aniyev A.A., Abdug'aniyev A.A. Qishloq xojaligi iqtisodiyoti. Darslik. - T: "Adib Nashriyoti", 2011. – 400 b.
2. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. 2nd ed. Published by McMillan. University of Kentucky, USA. 2012.
3. Rustamova I.B., Sheripbayeva U.A., Dehqonova N.S., Ahmedova V. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. –T.: TDAU, 2015. 174 b.
4. Samatov G'.A, Rustamova I.B., Sheripbayeva U.A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. Darslik. –T.: "Cho'lpon" nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. -320 b.
5. Choriev, R. K., Khujakeldiev, K. N., Kucharov, S. A., Khayitova, S. D., Abdiev, N., & Amirqulov, X. Q. (2022). Pedagogical Problems Of Distance And Traditional Education. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 2895-2904.
6. Kucharovich, O. A., & Akmalovich, K. S. (2022). Innovative Teaching Methods and their Practical Application in Technological Education Classes. Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences, 1(5), 305-309.
7. Dusyarov, X. C., Odinayev, A. K., & Kucharov, S. A. (2021). Criteria for assessing student knowledge in technology classes. Academic research in educational sciences, 2(3), 1168-1173.
8. Kucharov, A. S. (2022). IMPLEMENTATION OF "SMART AGRICULTURE" TECHNOLOGIES IN AGRICULTURE COMPLEX OF UZBEKISTAN. Архив научных исследований, 2(1).
9. Choriev, R., & Kucharov, S. (2023). METHODOLOGY OF USING ELECTRONIC TEXTBOOKS IN THE FIELD OF TECHNOLOGICAL EDUCATION. Science and innovation, 2(B1), 371-373.
10. Odinayev, A., Qalandarov, R., & Xolmatov, B. (2023). PROBLEMS OF IMPROVING THE TECHNOLOGY OF REPAIRING BLOCKS AND CYLINDER LINERS. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES, 4(1), 97-99.
11. Choriev, R., & Kucharov, S. (2023). OPPORTUNITIES OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE TRAINING OF FUTURE TECHNOLOGY TEACHERS. Science and innovation, 2(B4), 152-155.
12. Chorshanbiyevich, D. X., & Ko'charovich, O. A. (2023). THE MAIN FORMS OF TEACHING SPECIALIZED SUBJECTS. International Journal of Pedagogics, 3(01), 25-37.
13. Kucharovich, O. A., & Akmalovich, K. S. (2022). SECTION: TECHNICAL SCIENCE. TRANSPORT. MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS, 128.

NANOTEKNOLOGIYALAR KELAJAK KALITI

Muminova U. T., Asatillayeva L.M.

Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti

Bugungi kunda texnologiyalar har sohada jadal rivojlanmoqda. Barcha sohalarda yangi inovatsion usullarni qo'llash orqali mahsulot sifati oshirilmoqda. O'zbekistonda ham zamonaviy texnologiyalarni sanoatga tatbiq etish bosqichma-bosqich amalga oshirish yurtboshimiz tomonidan alohida e'tiborga olingan. "Ta'limning barcha bosqichlarida yaratuvchanlik, innovatsion tadbirkorlik va ratsionalizatorlik ko'nikmalarini rivojlantirish orqali innovatsion faoliyat boshqaruvida inson kapitalini yanada rivojlantirish lozim" [1].

Zamonaviy ilm fanga nanotexnologiya atamasi kirib kelgandan boshlab unga qiziqish tobora ortib bormoqda va ushbu atama barcha sohalarni qamrab oldi. Amerikalik fizik va Nobel mukofoti laureati Richard Feynman 1959-yilda "nanotexnologiya" tushunchasini taqdim etdi. Amerika fizika jamiyatining yillik yig'ilishida Feynman Kaliforniya Texnologiya Institutida "Bottomda joy ko'p" nomli ma'ruzasini taqdim etdi. Yapon olimi Norio Taniguchi 1974-yilda birinchi bo'lib "nanotexnologiya" atamasini qo'llagan va shunday ta'rif bergan: "nanotexnologiya asosan materiallarni bir atom yoki bir molekula tomonidan ajratish, mustahkamlash va deformatsiya qilishdan iborat" [2] deb takidlagi.

Nanozarrachalar deb, o'lchamlari 100 nm dan kichik bo'lgan zarrachalarni aytiladi va ularning xossalari xuddi shu atomlardan tashkil topgan hajmiy moddaning xossalari bilan farq qiladi [3]. Bu soha 2000-yillarning boshlarida o'sib borayotgan jamoatchilik xabardorligi va bahs-munozaralariga duch keldi va o'z navbatida nanotexnologiya tiorat qo'llanilishining boshlanishi edi. Nanotexnologiyalar fanning deyarli barcha sohalari, jumladan, fizika, materialshunoslik, kimyo, biologiya, informatika va muhandislikka hissa qo'shadi. Ta'kidlash joizki, so'nggi yillarda nanotexnologiyalar inson salomatligi uchun, ayniqsa, saraton kasalligini davolash sohasida istiqbolli natijalar bilan qo'llanilmoqda. "Nano" prefiksi "mitti" yoki juda kichik narsani anglatuvchi yunoncha prefiksga ishora qilinadi va metrning ming milliondan bir qismini (10^{-9} m) tasvirlaydi. Nanotellyuloza tolalari (NF), uglerod nanotubalari (CNTs), kremniyning mikro va mezoporli nanozarralari (MSN), grafen va nanokillar kabi nanomateriallar sport materiallari va jihozlariga kiritiladi, ularning ishlashi va chidamliligi ushbu yangi texnologiya bilan yaxshilanadi.

Hozirgi vaqtda nanofunksional materiallar va nanotexnologiyalar butun dunyo bo'ylab tadqiqot markaziga aylandi. Nanotexnologiya inson hayoti va ishlab chiqarishining barcha sohalari kirib, ko'plab an'anaviy mahsulotlarni takomillashtirishga imkon berdi. Hozirgi vaqtda nanotexnologiya ultrabinafsha, magnitga qarshi nurlanish, uzoq infraqizil, antibakterial va hidni bostirish, qarishga qarshi, suv va yog'ni qaytaruvchi kabi funksional kiyim materiallarini tadqiq qilish, ishlab chiqish va ishlab chiqarishda qo'llanilmoqda.

Funksional to'qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqish uchun nanotexnologiyani qo'llash asosan quyidagi uchta usul orqali amalga oshiriladi:

1. Nozik tola- nanotexnologiyani qo'llash maxsus ilovalar ehtiyojlarini qondirish uchun tolalarni nanometr darajasiga yetkazish imkonini beradi.

2. An'anaviy materiallar nano materiallar tomonidan o'zgartiriladi- misol uchun, nam yigirishda eritmani aralashtirish polimer tegishli erituvchida eritilgandan so'ng, unga nanomaterial zarralari qo'shib, to'liq aralashtiriladi, polimerlanadi va keyin yigiriladi. Eritma yigiruvda nanozarrachalar funksional tolalarni tayyorlash uchun eritilgan polimerlarda bir xilda tarqaladi.

3. Tolalar yoki matolarni funksional qilish uchun ularni nano-pardozlash ishlarini bajarish- Nanopardozlashning asosiy usullari quyidagilardan iborat: nano zarrachalar to'g'ridan-to'g'ri mato pardozlash vositasiga qattiq modda sifatida qo'shiladi, shuning uchun nanozarrachalar matoda teng ravishda tarqaladi; Nanozarrachalarning mikroemulsiyasini mato pardozlash vositasi bilan teng ravishda aralashtirgandan so'ng, mato nanozarrachalarni o'z ichiga

olgan pardozlash eritmasidan o'tadi; Nano materiallarni o'z ichiga olgan pardozlash vositasi mato yuzasiga ma'lum bir yopishtiruvchi ishtirokida funktsional qoplama hosil qilish uchun qoplanadi, shunda matoning bardoshliligi yaxshilanadi.

Yuqoridagi usullardan qaysi biri qabul qilinmasin, asl to'qimachilik yoki kiyim-kechak materiallarining xususiyatlarini o'zgartirish va yangi funktsiyalarni qo'shish mumkin. Ba'zi yangi ishlab chiqilgan mahsulotlar kundalik iste'mol maydoniga kirdi, masalan, suv o'tkazmaydigan kashmir, ifloslanishga qarshi galstuklar va shimlar, antibakterial va yallig'lanishga qarshi ichki kiyimlar, ultrabinafsha nurlarini to'suvchi kurtkalar va boshqalar.

Bir nechta mato ishlab chiqaruvchi kompaniyalar nanotexnologiyani ishlab chiqish uchun foydalanganlar. Sport kiyimlarining keng assortimentini Shveytsariyaning "Scholler" kompaniyasi nanoga asoslangan qurilmani ishlab chiqdi. Qulaylik, havo o'tkazuvchanligi optimal muvozanatga ega kiyim ishlab chiqarish texnologiyasi; shamol va suvga chidamliligi va haddan tashqari sovuq havo uchun o'z-o'zini tozalash xususiyati.



1-rasm. Mato sirtini suvga suv o'tkazmaslik hususiyati.

Sport kiyimlari evolyutsiyasi shamoldan, yomg'irdan va tana issiqligini yo'qotishdan himoya qilish uchun mos bo'lgan suv o'tkazmaydigan (1-rasm) nafas oladigan matolardan iborat. Suv o'tkazmaydigan matolar suvning tolalarga kirishiga to'sqinlik qiladi va suv bug'ining tolalar orqali tarqalishini ta'minlash uchun nafas oladi. Bir-biriga yaqin to'qilgan mato, mikro membrana, qoplama va aqlli nafas oluvchi mato sifatida tasniflangan bir necha turdagi nafas oladigan matolar mavjud. Kiyimdagi eng keng tarqalgan nanomateriallar nanokumush va nano-titan dioksidi. Nanokumush matoga bakteriyaga qarshi xususiyatni berish uchun to'qiladi va terlagandan keyin kiyimlarni hidlantiradi bakteriyalarni yo'q qiladi. Nano-titan dioksidi quyoshdan himoya qiluvchi kiyimdagi kabi kiyimga ham quyoshdan himoya qiladi. Antibakterial va hidga qarshi xususiyatlarni, shuningdek, quyoshdan himoya qilishni ta'minlovchi samarali matolarda inson salomatligiga ta'siri deyarli tekshirilmagan nanozarrachalar bo'lishi mumkin. Aholining sog'lig'i haqida xabardorlikning muhimligini hisobga olgan holda, ko'plab sohalarda, shu jumladan sportda antibakterial materiallarga talab ortib bormoqda. Sport mashg'ulotlari paytida terlash bakteriyalarning ko'payishi va yomon hid hosil qilishi uchun qulay muhit yaratadi. *Staphylococcus aureus* – yuqumli kasalliklarni keltirib chiqaradigan sport jamoalarida keng tarqalgan bakteriya. Shunday qilib, antibakterial sport kiyimlari sportchilarni mikroorganizmlar va yoqimsiz hidlardan himoya qiladi, shu bilan birga tolalarning shikastlanishi va chirishining oldini oladi [4]. Antibakterial sport kiyimlari mumkin sportchilarni mikroorganizmlar va yoqimsiz hidlardan himoya qiladi, shu bilan birga tolalarning shikastlanishi va chirishining oldini oladi. Inson tanasining issiqligi, atrof-muhit sharoitlari va o'rtasidagi munosabatni hisobga olgan holda jismoniy faollik, issiqlik va sovuqdan izolyatsiyalovchi xususiyatga ega sport kiyimlari ayniqsa, chang'i, alpinizm va velosipedda uchish uchun talab qilinadi. So'nggi paytlarda to'qimachilikda fazani o'zgartirish materiallarining kiritilishi termoregulyatsiya qilingan aqlli to'qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarishga qiziqish ortib bormoqda. Namlikni singdirish va bug'lanish tezligi ta'sir qiladigan namlikni tashish xususiyati sport kiyimining muhim jihati bo'lib, kiygan kishining qulaylik

darajasiga ta'sir qiladi [94]. Mato orqali namlikning tezroq so'rilishi bug'lanishni yaxshilaydi sirt maydoni, foydalanuvchini quruq va qulay qoldiradi. Namlikka ega matolar xususiyatlari namlikni foydalanuvchining teri yuzasidan matoga o'tkazadi yuzasiga chiqadi va namlikni atmosferaga chiqaradi. Ushbu funktsional matolar ter va namlikni terining sirtidan tashqi yuzasiga o'tkazadi mato, bu foydalanuvchining tanasini quruq va qulay ushlab turadi va yopishib qolishining oldini oladi (2-rasm).



2-rasm. Matoning ichki va tashqi qatlamini suv shimish xususiyati [5].

Xulosa qilib aytganda tezlik biklan rivojlanib bo'layotgan tikuvchilik sanoatida istemolchi talablarni ham murakkablashib bormoqda. Oxirgi yillarda sport kiyimlari va innovatsion mahsulotlar ishlab chiqarilmoqda, unumdorlik, sifat va dizayn hal qiluvchi omillar sifatida. Iste'molchilar funktsional ishlashi va uslubi jozibadorligi bilan sport kiyimlari uchun ko'proq pul to'laydi. Ular yanada qulay va ko'p funktsiya kiyimlarga talab ham yetarli darajada, shuning uchun bu sohada yanada izlanishlar olib borgan holda nanotexnologiyani qo'llagan holda muammoni hal etish bu ajoyib yechim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "2022—2026-YILLARDA O'zbekiston respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 06.07.2022 yildagi PF-165-son.
2. "Nanofan va nanotexnologiyalar tarixi Kimyoviy-fizikaviy qo'llanmalardan nanotibbiyotgacha" <https://doi.org/10.3390/molecules25071508>.
3. "Nanofizika va nanoelektronika asoslari" R.Rasulov, H.Raximov, P.Baymatov, A.Pulatov Namangan 2016 y.
4. "Nanotexnologiyani sport kiyimlari va pol qoplamalarida sport mashg'ulotlarini yaxshilash, ishlash, samaradorlik va qulaylik uchun qo'llash" Tina Xarifi va Majid Montazer Industrial Textile jurnali 46-jild, 5-son 2017 yil yanvar.
5. <https://www.google.com>

ВЛИЯНИЕ ВОДОРАСТВОРИМЫХ ПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИЦИЙ НА ТКАНИ ИЗ СМЕСОВЫХ ВОЛОКОН

Эшдавлатова Гулрух Эшмаматовна

Каршинского инженерно-экономического института

Обычно крахмал не может быть использован как загуститель при печати активных красителей, поскольку краситель одновременно может взаимодействовать с волокнами и крахмалами. В итоге резко увеличивается его твердость, а расход краски увеличивается, поэтому для загустителей лучше использовать лишь модифицированную форму.

В качестве загустителя предлагаемые технологии на основе крахмала, модифицированного ПАА, соединениями К-4, позволяют полностью заменить традиционные загустители, такие как соли альгината, манутекс, солвитоза С-5 и другие ингредиенты, при сохранении предъявляемых к ним высоких требований. Образование устойчивой мути свидетельствует о задержании коллоидных частиц в водной фазе обрабатываемой суспензии. В результате модификации химических свойств также наблюдается изменение реологических характеристик.

Анализируя научно-техническую литературу установлено, что при набивки хлопчатобумажных тканей активными красителями имеются некоторые недостатки в связи с отсутствием широкого ассортимента загустителей, которые могли бы удовлетворять всем необходимым требованиям для получаемых на текстильном материале качественных узоров рисунка. В связи этим представляло интерес исследовать и обосновать возможность применения водорастворимых композиций на основе окисленного крахмала (ОК), полиакриламида (ПАА) и препарата К-4 в качестве загустителя при печатании с активными красителями, а также расширить ассортимент загустителей за счет использования этих перспективных типов полимеров [1].

Разработка водорастворимых полимерных композиции, обладающих специфическими свойствами: вязкостными характеристиками, текучестью, пластичностью, тиксотропными свойствами, сорбционной способностью, адгезией к волокнам, бактерицидностью, имеет большое значение в развитии химии и технологии композиционных материалов [2-3].

Специфические внутренние структуры образуют загустителей. Потому что, основным компонентом печатной краски является – загуститель. Потому что, основным компонентом печатной краски является загуститель.

Вот поэтому разработка высокоэффективных технологий производства загущающих ингредиентов на крахмальной основе, модифицированных фосфатными соединениями, при печатании на хлопковых и нитронных тканях с использованием активных красителей является одной из актуальных задач.

По результатам исследований интенсивности окраски, характера оттенка, жесткости, стойкости к мылу и сухому трению напечатанных хлопковых и нитронных тканей были разработаны оптимальные составы загусток, составы которых представлены в таблице 1.

Таблица 1.

**Состав загущающей полимерной композиции
для активных красителей**

Полимерная композиция	Состав композиции, г/кг						
	Альгинат натрия	Окисленный крахмал	Полиакриламид	К-4	Кальцинированная сода	Мочевина	Лудигол
Разработанная	-	60	1	1,5	10	100	10
Традиционная	75	-	-	-	10	100	10

Как видно в табл. 1, незначительным введением ПАА и препарата К-4 в состав композиции достигается сокращение традиционной загустки или замена его на разработанной композиции [3].

Принимая во внимание данные, представленные в таблице 1, то, что, загущающая полимерная композиция на основе ОК, ПАА и препарата К-4 выпускается в промышленном масштабе, экономическая целесообразность и использование их становится очевидной.

Таким образом, химическую активацию крахмальной суспензии целесообразно проводить в щелочной среде, так как получаемый загуститель отвечает всем требованиям реологии, имеет высокую концентрацию гидроксильных групп и сравнительно небольшую степень связывания с активными красителями [4-10].

Список использованной литературы

1. Эшдавлатова Г.Э. (2022). Оксидланган крахмал, полиакриламид ва К-4 асосида гул босилган матоларнинг реологик ва колористик хоссалари. *Композицион материаллар журнали*. Тошкент. № 4, 66-68 бетлар.
2. G.E.Eshdavlatova and A.X.Panjiyev. (2023). Study of thickening polymeric compositions for printing fabric of blended fibers // E3S Web of Conferences 402, 14032. TransSiberia 2023 . <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340214032>.
3. Эшдавлатова Г.Э., Амонов М.Р. (2021). Оценка влияния компонентов загущающих композиций на результаты печатания смесовых тканей активными красителями. *Журнал Развитие науки и технологий*. № 5. –С. 54-58.
4. Эшдавлатова Г.Э., Амонов М.Р. (2021). Изучение реологических свойств загущающих композиций для печатания ткани на основе смесовых волокон. *Universium: технические науки*. № 11 (89). Часть 2. –С.19-23.
5. Бочаров С.С., Рахимова З.О., Минаев В.Е. (1996). Загустители текстильной печати на основе бентонитов. Сб. тез.докл. II конгресса химиков-текстильщиков и колористов. Иваново. 17-19 сентября, с. 65.
6. Мажидов А.А., Амонов М.Р., Очилова Н.Р., Ибрагимова Ф.Б. (2020). Физико-химические основы загущающих систем для печатания хлопчатобумажных тканей. *Композиционные материалы: Научно-технический и производственный журнал*. -№ 2. – С.3-7.
7. Эшдавлатова Г.Э., Амонов М.Р.(2022). Реологические свойства загущающей полимерной композиции и печатных красок на их основе. *Развитие науки и технологий: Научно – технический журнал*. № 3. –С. 27-31.
8. H.Ismoilova, O.Rakhimov, N.Turabaeva, G.Eshdavlatova. Irrigation regime of fine fiber cotton in the karshin steppe. Conference Committee. Indexed in leading databases – Scopus, Web of Science, and Inspec. *Scopus & Web of Science indexed*.
9. Эшдавлатова Г.Э. // Получение печатной краски для набивки хлопковых и нитронных ткани // Scientific Journal Impact Factor (SJIF): 5.938 <http://sjifactor.com/passport.php?id=22323> Innovative Development in Educational Activities ISSN: 2181-3523 VOLUME 2 | ISSUE 17 | 2023. P-30-35.
10. Эшдавлатова Г.Э. // Аралаш толали матоларга гул босишда полимер композициялар қўлланилишининг амалий аспекти // Scientific Journal Impact Factor: 5.564. https://t.me/Erus_uz .Educational Research in Universal Sciences. ISSN: 2181-3515 VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 9 | 2023. P-403-407.

БАРБОТАЖЛИ ЭКСТРАКТОРДА ОФИР СУЮҚЛИКНИ ТОМЧИЛАРГА МАЙДАЛАНИШИГА ЕНГИЛ СУЮҚЛИК ТЕЗЛИКЛАРИНИ ТАЪСИРИ

Рахмонов А.Т., Жалолов У.Ж.

Фарғона политехника институти

Кимё саноатида “суюқлик-суюқлик” тизимида экстракция жараёнларини амалга ошириш учун юкори самарали экстракторларнинг янги конструкцияларини яратиш, суюқлик фазалари контакт юзасини ошириш ва аралаштириш жараёнини жадаллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, суюқликларга нисбатан кимёвий инерт бўлган сиқилган газ энергиясидан фойдаланиш, суюқлик фазаларининг физик-

кимёвий хоссалари бўйича томчиларни майдалаш механизмларини ва масса алмашилини моделларини тақомиллаштириш, қурилма поғоналарида экстрагент сарфини камайитириш ва барқарорлигини таъминлаш, поғоналар сонини камайитириш, юқори унумли металл ва энергиятежамкор, ихчам, турли суюқликларни экстракциялаш қобилиятига эга бўлган янги туркумдаги экстракторларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб биз томонимиздан кўп поғонали филтрли барботабли экстракторни янги конструкцияси ихтиро қилинди.

Тажрибавий тадқиқотлар “Fargonaazot” АЖ нинг сирка кислотасини регенерация қилиш цехида бутилацетат суюқлиги ва модел суюқликлариди олиб борилди. Тажрибавий тадқиқотнинг мақсади аппаратнинг аралаштириш зоналарига газ бермасдан оғир суюқликни окизувчи қувур тешикларидан оқиб чиқиши жараёнида, ўзгарувчан суюқлик тезликлариди томчиларга майдаланиш жараёнини ўрганишдир.



Тажриба қурилмасида бутилацетат суюқлигини сув билан экстракцион ювиш жараёнида сув томчиларининг ўлчамлари ва оғир суюқлик сифатида танланган модел суюқликларни томчиларининг ўлчамлари видеокамера ёрдамида кинога ва суратга олинди. Оғир суюқлик сифатида танланган модел суюқлигига тўртхлорли углерод+бензол аралашмаси олинди. Аралашма зичлиги $\rho_d = 1120 \text{ кг/м}^3$ қийматда ҳосил қилинди. Зичлик лаборатория шароитида ареометр ёрдамида аниқланди. Саноат ва модел суюқликларининг физик кимёвий хоссалари 1-жадвалда келтирилган. Танланган модел суюқликларни аралашмасига видео тасвирда ва расмларда яққол кўриниши учун ранг берувчи “Дитизон” кукуркумсин (1,5-дифенилтиокорбазон $\text{C}_{12}\text{H}_2\text{N}_4\text{S}$) кимёвий модда билан ранг берилди.

1-жадвал

Суюқликларнинг физик-кимёвий хоссалари


Суюқликлар	Енгил фаза		Оғир фаза		σ	φ
	ρ_c	μ_c	ρ_d	μ_d		
	кг /м ³	·10 ⁻³ Па·с	кг/м ³	·10 ⁻³ Па·с		
Бутилацетат-сув	880	0,685	1000	1,00	0,0248	0,25
Сув-тўртхлорли углерод+бензол	1000	1,00	1120	0,72	0,073	0,25

Тажрибалар қуйидаги тартибда олиб борилди. Тажрибанинг биринчи босқичида, қурилманинг ички ва ташқи аралаштириш зоналарига газ узатувчи тешиклари беркитилди. Қурилмага енгил фаза $Q_c = 0,23, 0,27, 0,31 \text{ м}^3/\text{соат}$ ($Q_c = 0,04 \text{ м}^3/\text{соат}$ қадамда) сарф билан узатилди. Бу суюқлик сарфларида ички аралаштириш зонасидаги суюқлик тезлиги $w_c = 0,051, 0,075, 0,11 \text{ м/с}$, ташкил этди. Аралаштириш вақти $t_{yp} = 22,18, 14$ секундни ташкил этди. Қурилмага берилаётган енгил ва оғир суюқликлар нисбати ўтказиладиган ҳар-бир тажриба учун 3:1 нисбатда, $Q = 0,07, 0,9, 0,1 \text{ м}^3/\text{соат}$ қийматларда танланди. Бу оғир суюқлик сарфлари оғир суюқликни окизувчи қувурида $d = 1,0, d = 1,5, d = 2 \text{ мм}$ ли тешиклар орқали окизилди. Ҳар бир суюқлик тезликлариди тешиклардан оқиб чиқаётган оғир суюқликни томчиларга майдаланиш жараёни ўрганилди. Оғир суюқликни томчиларга майдаланиш жараёнлари Canon EOS 700 D русумли видеокамера ёрдамида кинога ва расмга олинди. Томчи ўлчамларини таққослаб аниқлаш учун диаметри 1 мм ўлчамли сим ташқи аралаштириш зонасига масштаб сифатида ўрнатилди. Ҳар бир суюқлик тезликлариди томчи ўлчамларини аниқлаш учун беш мартадан фотосурати олинди. Тажрибаларнинг ҳар бир босқичида танланган режимлар учун томчи ўлчамлари фотосуратлар орқали интерваллари бўйича аниқланди. Олинган фотосуратлардан наъмуналар қуйидаги расмда келтирилган.

		
$w_c^H=0,051 \text{ м/с}; d=1 \text{ мм}$	$w_c^H=0,051 \text{ м/с}; d=1,5 \text{ мм}$	$w_c^H=0,05 \text{ м/с}; d=2 \text{ мм}$

Режимлар бўйича дисперс фаза томчилари ўлчамларини аниқлаш усули

Ўтказилган тажрибаларнинг ҳар бир босқичи учун олинган фотосуратлардан 225÷270 тагача томчи ўлчамлари аниқланиб, интерваллари бўйича фоизли қийматлари топилди. Компютер ёрдамида қайта ишланди ва томчиларнинг ўлчамлар бўйича тақсимланиш графиклари қурилди (4,5,6-расмлар).




Тешик ўлчами диаметри $d=1\text{мм-const}$ бўлганда.

1-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,23 \text{ м}^3/\text{с}$ ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,07 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлганда, $t=22 \text{ сек.}$

2-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,27 \text{ м}^3/\text{с}$ ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,09 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлганда, $t=18 \text{ сек.}$

3-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,31 \text{ м}^3/\text{с}$ ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,1 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлганда, $t=14 \text{ сек.}$

Майдаланган томчиларнинг ўлчамлари бўйича тақсимланиш графиги.




Тешик ўлчами диаметри $d=1,5 \text{ мм-const}$ бўлганда

1-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,23 \text{ м}^3/\text{с}$ ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,07 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлганда, $t=22 \text{ сек.}$

2-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,27 \text{ м}^3/\text{с}$ ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,09 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлганда, $t=18 \text{ сек.}$

3-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,31 \text{ м}^3/\text{с}$ ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,1 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлганда, $t=14 \text{ сек.}$

Майдаланган томчиларнинг ўлчамлари бўйича тақсимланиш графиги.



Тешик ўлчами диаметри $d=2$ мм-const бўлганда.

1-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,23$ м³/с ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,07$ м³/с бўлганда, $t=22$ сек.

2-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,27$ м³/с ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,09$ м³/с бўлганда, $t=18$ сек.

3-енгил суюқлик сарфи $Q_E=0,31$ м³/с ва оғир суюқлик сарфи $Q_{OF}=0,1$ м³/с бўлганда, $t=14$ сек.

Майдаланган томчиларнинг ўлчамлари бўйича тақсимланиш графиги.

Адабиётлар

1. Алиматов Б.А., Садуллаев Х.М., Каримов И.Т., Хурсанов Б.Ж. Методы расчета и конструирования для переработки сложных гетерогенных систем «жидкость-газ-жидкость» / Монография. – Белгород: БГТУ, 2019. – 191с.
2. Алиматов Б.А., Каримов И.Т., Тожиев Р.Ж., Садуллаев Многоступенчатый барботажный экстрактор. Патент. № ИАП 06714 (Узбекистан). 2022.
3. Алиматов Б.А., Соколов В.Н., Садуллаев Х.М., Каримов И.Т. Многоступенчатый барботажный экстрактор. А.С. №1607859 (СССР), БИ №43, 1990.

ISSUES OF CERTIFICATION OF NON-ALCOHOLIC BEVERAGES

Sattorova B.N., Tursunaliyeva F.B., G'ofurjonova S.D.

Fergana Polytechnic Institute

We know that food certification is important. This article provides information on certification of non-alcoholic beverages.

Мы знаем, что сертификация пищевых продуктов важна. В данной статье представлена информация о сертификации безалкогольных напитков.

Biz bilamizki oziq-ovqat mahsulotlarini sertifikatlashtirish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Ushbu maqolada alkagolsiz ichimliklarni sertifikatlashtirish masalalari bo'yicha ma'lumotlar berilgan.

In recent years, the use of various synthetic food additives in the production of non-alcoholic beverages is increasing day by day. Heavy metal ions (lead, mercury, cadmium, mercury and copper), radionuclides (strontium-90 and cesium-137) and mycotoxins (patulin, caffeine) are the main criteria for the certification of non-alcoholic beverages, quinine and general minerality) are checked. For example, in the certification of non-alcoholic drinks, their quality indicators are determined to comply with the standards of physico-chemical indicators, in accordance with the requirements of the Republican Standard Oz DST 991:2001 which indicate only the weight shares of carbon dioxide and alcohol (p.1.2.6.). In addition, clauses 1.2.10 indicate compliance of drinks with the requirements specified in terms of physico-chemical parameters of dry matter by weight, sourness, density, moisture by weight. In these clauses, the permissible quantitative standards of synthetic food additives used in the preparation of non-alcoholic beverages are not indicated and are not checked.

Own DST 925:2004 In paragraph 3.3.9 only ions of heavy metals: lead, mercury, cadmium, mercury, copper, zinc; radionuclides: cesium-137, strontium-90, and caffeine are determined not to exceed the specified levels, and the permissible quantitative standards of coloring synthetic dyes, which are considered the main physicochemical indicators in the content of beverages, are not indicated and are not measured.

Regulatory documents used in practice in certification and quality control of non-alcoholic beverages (State standards and it would be appropriate to include additions to the relevant clauses of technical conditions) referring to the norms of using synthetic means.

Another important document, which is important in the certification of food products, is the "Product Safety Regulation", the sanitary-epidemiological legislation of the Republic of Uzbekistan SanQM (SanPiN) 0283-18, as well as the above-mentioned heavy the possible norms of metal ions are given. In the chapter of this document, which provides information about the normative indicators of the use of food additives and coloring additives, only the role of food additives is listed. However, the quantitative norms of these additives and coloring substances in the product are not indicated.

"Uzstandart agency also has departments with the same name, which include different fields and industries. These include state control over standards and product certification, and state comparison and certification of measuring instruments.

State control over standards and product certification carries out its activities within the framework of sectoral departments: heavy industry, machine building, light industry, local industry and agro-industrial complex.

The National Certification Office carries out its activities in the following main areas:

- Development of the general policy of application and improvement of certification in the Republic, establishment of relations with relevant legislative and executive state agencies;
- to establish relations with representatives of other countries and international organizations on certification issues, on a mutually agreed basis, and if necessary, to ensure the participation of the Republic of Uzbekistan in the activities of these organizations;
- establishment of uniform rules and work procedures in certification, control of their compliance, provision of documents with information on the results of certification.

In order to implement the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, "Uzstandart Agency is providing support. From December 28, 1993, the Law "On Certification of Products and Services" came into force, and work on certification and quality assurance was carried out on the basis of this law.

It is carried out according to the document prepared by the "Uzstandart Agency" in agreement with the approval of the safety of products brought to the territory of the Republic or exported from it.

Product quality remains one of the main indicators in trade. The manufactured product must meet the requirements of international and national standardization and certification. Each product must have a certificate to confirm its quality, which means that the product must pass certification. The more products have certificates, the better the economic situation of enterprises, institutions and organizations. On the one hand, this increases the number of competitive products, and on the other hand, it leads to an increase in the well-being of the people, which means that it increases the position of our country at the international level.

As a result of many years of observations, practical activities and scientific research conducted in the Central Customs Expertise Laboratory of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan and customs expert laboratories in the regions, in 1997 Uzbek scientists, professors I.R. The new specialty "Classification and certification of goods based on chemical composition" [3] was offered to the High Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan and the State Committees of Science and Technology. After this specialty was approved by experts, it was registered by authoritative organizations and included in the system of chemical sciences and given the code 02.00.22. The fact that researchers are conducting research on this new specialty not only in Uzbekistan, but also in a number of foreign countries shows how relevant this new field is.

References:

1. Non-alcoholic beverages general technical conditions // Standard of the Republic. – Own Dst 991:2001. -Ozdavstandard.

2. Askarov I.R., Shorahmedov SH.SH., Tokhtaboev N.Kh., Namozov A.A. Classification and certification of goods based on their chemical composition and customs fees (Tutorial). – T.: FTDK “DITAF”.

3. Normamatov R., Otamurodov K., Ahmedjonova F., Maasudov T. Commodities. – T.: Labor, 2004

VITAMIN-MINERAL ARALASHMALAR BILAN BOYITILGAN UNLAR TARKIBIDAGI VITAMIN-MINERAL ARALASHMA MIQDORINI ANIQLASH

Narzullayev Fazliddin Shuhrat o'g'li

Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Ushbu maqola mamlakatimizda oziq-ovqat sifati va xavfsizligini yanada barqarorlashtirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar, ya'ni eng muhim oziq-ovqat xom-ashyosi bo'lgan un mahsulotlarini vitamin-mineral aralashmalar bilan boyitish va uning miqdorini nazorat qilish usullarini o'rganishga qaratilgan. Maqolada oliy va birinchi navli boyitilgan bug'doyning tarkibidagi temir miqdori mavjud klassik (an'anaviy) usulda hamda GOST - 26928-86 ga muvofiq aniqlanib, tajriba natijalari tahlil qilingan. Tahlil natijasida GOST - 26928-86 ga muvofiq boyitilgan un tarkibidagi temir miqdorini aniqlash samarali va ishonchli usul haqida xulosa qilingan.

This article is aimed at studying the work carried out to further stabilize the quality and safety of food in our country, that is, the methods of enriching flour products, which are the most important food raw materials, with vitamin-mineral mixtures and controlling their quantity. In the article, the iron content of high and first-grade enriched wheat was determined by the classical (traditional) method and in accordance with GOST - 26928-86, and the experimental results were analyzed. As a result of the analysis, it was concluded that there is an effective and reliable method for determining the amount of iron in enriched flour according to GOST - 26928-86.

Bugungi kunda dunyo aholisining soni qariyb 8 mlrd ga yetdi. Bu ko'rsatkich o'z navbatida oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talablarning keskin oshishiga, hamda oziq-ovqat etishmovchiligiga olib keladi. Dunyo aholisini oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojni qoindirish va samarali ta'minlashda soxa mutaxassislari hamda ishlab chiqaruvchilar oldiga sifatli va xavfsiz oziq – ovqat mahsulotlarini etkazib berishdek muhim vazifa qo'yadi.

Oziq – ovqat xavfsizligi – bu oziq-ovqat mahsulotlarini ruxsat etilgan miqdorda iste'mol qilinganda inson organizmiga toksik, kanserogen, mutagen va yoki boshqa har qanday nojo'ya ta'sirlarni vujudga keltirmasligi hamda oziq-ovqat mahsulotining odamga hamda kelgusi avlodlarga zararli ta'sir ko'rsatishi bilan bog'liq ruxsat etilmaydigan xavf-xatarning yo'qligidan dalolat beruvchi holatidir [5].

Non tarkibida 40% dan 45% gacha uglevodlar mavjud, ya'ni u tanani kuniga 1000-1100 kaloriya bilan ta'minlaydi. Inson kundalik energiyasining deyarli yarmini nondan oladi va inson hayotida hech narsa non o'rnini bosa olmaydi [7].

Non tayyorlashda asosiy xomashyo bo'lgan un - donni maydalash yoki tortish (yanchish) yo'li bilan olinadigan mahsulotdir. Tortish jarayonida dondan kepagi va murtagi ajratiladi va endospermasi kerakli darajagacha maydalanadi (yanchiladi). Davlat tomonidan tayyorlanayotgan donning asosiy qismi un olish uchun qayta ishlanadi [2].

Un qaysi dondan olinganligiga qarab, bug'doy, javdar, arpa, suli makkajo'xori, guruch uni va boshqa turlarga bo'linadi. Unning navi 100 kg dondan olingan un miqdori, ya'ni chiqishi bilan belgilanadi. Unning chiqishi qanchalik yuqori bo'lsa, uning navi shunchalik past bo'ladi. Bug'doy donidan oliy, birinchi, ikkinchi va jaydari, javdar donidan-elanma, sidirma, jaydari un navlari olinadi [2].

Un mahsulotlari oziq – ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishda eng muhim xomashyo ekanligini hisobga olib O'zbekiston respublikasi standartlashtirish agentligi tomonidan 2021-yil

11-aprelda O'z DSt 1104:2021 "Vitamin - mineral aralashma bilan boyitilgan oliy va birinchi navli novvoylik bug'doy uni. Texnikaviy shartlar" standarti qabul qilingan. Vitamin, mineral va mikroelementlar inson organizmida muhim rol o'ynaydi. Mikronutriyentlar - inson organizmining normal o'sishi va rivojlanishi uchun zarur bo'lgan, alamashtirib bo'lmaydigan ozuqaviy moddalar (vitaminlar va mineral moddalar) bo'lib, ular tarkibiga inson tanasi o'z-o'zidan hosil qila olmaydigan mikromineral va vitaminlar kiradi. Mikronutriyentlar metabolism, inson miyasi va asab tizimining ishlashi, qon ivishining oldini olish va immun tizimining rivojlanishida muhim rol o'ynaydi. Oziq-ovqat mahsulotlarining tarkibida makro va mikronutriyentlarning yetarli darajada mavjud emasligi inson salomatligiga jiddiy xavf tug'diradi, ya'ni jismoniy toliqishi, ruhiy zo'riqishi, asbiylashish, stressga tushishiga hamda organizmning turli xil kasalliklarga moyillik darajasi oshishiga olib keladi. Mikronutriyent yetishmasligi – inson organizmining oziq-ovqat bilan tushadigan mikronutriyentlar yetarli emasligi sababli kasalliklar rivojlanishiga olib keladi.

Boyitilgan oziq – ovqat mahsuloti – ishlab chiqarish jarayonida mikronutriyentlar bilan boyitilgan (fortifikatsiya qilingan) oziq – ovqat mahsuloti hisoblanadi.

Vitamin – mineral aralashma (VMA) bilan boyitilgan un – un ishlab chiqarish jarayonida vitamin-mineral aralashma bilan boyitilgan oliy va birinchi navli novvoylik bug'doy uni. [4]

Temir moddasi-oziq-ovqat mahsulotlariga kiritilishi va yetarli darajada so'rilishi eng qiyin mikronutrientdir.

Olimlar tomonidan nonni boyitish uchun temir birikmasining tanlanishi bu bir tomondan eng yuqori biologik qo'shimcha, boshqa tomondan esa boyitilgan mahsulotning organoleptik sifatini buzmasligi bilan xarakterlanadi. [3]

Ko'pincha organizmni C, B₂, B₆, B₁₂ vitaminlari va uning so'rilishi uchun zarur bo'lgan folat kislotasi bilan ta'minlashning yetarli darajada bo'lmashligi va oziq-ovqat mahsulotlari bilan temir moddasini yetarli darajada iste'mol qilmaslik bolalar va ayollarda anemiyaning yashirin (latent) va ochiq shakllarining (anemiya) tarqalishiga asosiy sabab bo'lib qolmoqda. [3]

Shuning uchun temir tanqisligi holatlarini muvaffaqiyatli bartaraf etishda zaruriy omil va yechim oziq-ovqat mahsulotlarini temir va vitaminlar bilan birgalikda boyitish eng samarali yechimdir.

«O'zstandart» agentligining 2021 yil 29 - yanvardagi "Donni qayta ishlash mahsulotlarining xavfsizligi to'g'risida"gi TR–21 sonli qarorining Maxsus texnik reglamentining 7 – ilovasiga muvofiq VMA bilan boyitilgan oliy va birinchi navli novvoylik bug'doy unida mikronutriyentlarning miqdori quyidagicha bo'lishi talab etiladi [4].

1-jadval

VMA bilan boyitilgan oliy va birinchi navli novvoylik bug'doy unidagi mikronutriyentlarning miqdori

Mikronutriyentlarning nomi	Undagi miqdorining me'yori, mg/kg, oralig'ida	Izoh
	O'z DSt 3221 bo'yicha unni VMA bilan 1 tonnaga 200 gr miqdorda boyitishda	
Mineral moddalar:		VMA bilan boyitilgan oliy va birinchi navli novvoylik bug'doy unidagi mikronutriyentlarning miqdori temir miqdori darajasi bilan aniqlanadi
Temir	16,0-40,0	
Rux	26,0-50,0	
Vitaminlar:		
B1 (tiamin)	1,3-4,1	
B2 (riboflavin)	1,8-5,2	

B3 (niatsin)	9,9-29,0	
B9 (folat)	0,6-1,9	
B12 (sianokobalamin)	0,002-0,006	

Bir tonna unni 200 g vitamin-mineral aralashmasi bilan boyitishda oliy va birinchi navli undagi mikronutrientlar miqdorining yo'l qo'yilgan darajalari O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan belgilangan, SanQvaM 0366 da o'rnatilgan va 1-jadvalda ko'rsatilgan me'yorlarga muvofiq bo'lishi kerak [1]. Tajriba orqali oliy va birinchi navli bug'doy unlarini tarkibidagi vitamin – mineral aralashma miqdorini an'anaviy usulda va "GOST - 26928-86 – Xom ashyo va oziq – ovqat mahsulotlari. Temirni aniqlash" usullari orqali aniqlash, hamda ushbu usullarning qaysi biri samarali ekanligini aniqlash ko'zda tutilgan. Tahlil uchun "Uzdonmahsulot" AKga qarashli "Toshkentdonmahsulotlari" AJda ishlab chiqarilgan oliy va birinchi navlardagi novvoylik bug'doy unlaridan 2 kg miqdorda namunalar tanlab olindi.

Namuna №1: Bug'doy donini tegirmonda valli dastgohlarda yanchish yo'li bilan olingan va polietilen qoplariga 50 kg miqdorda qadoqlangan birinchi navli boyitilgan bug'doy uni.

Namuna №2: Bug'doy donini tegirmonda valli dastgohlarda yanchish yo'li bilan olingan va polietilen idishlarga 50 kg miqdorda qadoqlangan oliy navli boyitilgan bug'doy uni.

Tahlillar O'zbekiston Respublikasi Sanitariya qoidalari va me'yorlari №0366-19 va O'zbekiston Respublikasi Texnik Reglamenti-724-023:2020 me'yoriy hujjatlariga muvofiq amalga oshirildi.

Tahlil o'tkazilgan laboratoriya xonasi psixrometr termometrga ko'ra, havo harorati – 23°C, havoning nisbiy namligi - 56 % ni tashkil etdi.

1-usul: An'anaviy usul. Olingan 2 kg umumiy namunadan 200 gr o'rtacha namuna tanlab olindi va petri idishchalariga presslanib joylandi. Ushbu namunaga 10 % konsentratsiyali kaliy radonit (KSCN) va 16.5% konsentratsiyali xlorid kislotasi (HCl) eritmaları pipetka orqali tomizildi. Tomizg'i tomizilgandan 5-6 daqiqa o'tgandan so'ng namunada kichik - kichik qizil dog'lar paydo bo'ldi.

Laboratoriya etaloniga muvofiq namunada paydo bo'lgan temir moddasi standart me'yorlarga mos keladi.

2-usul: GOST 26928-86. Davlatlararo standart. Oziq-ovqat mahsulotlari tarkibidagi temirni aniqlash usuli. Ushbu xalqaro standart oziq-ovqat mahsulotlariga nisbatan qo'llaniladi va temirni aniqlashning kolorimetrik usuli xisoblanadi.

Boyitilgan oliy va birinchi navlardagi novvoylik bug'doy uni tarkibidagi vitamin-mineral aralashma miqdori

№	Usul nomi	Me'yoriy hujjat bo'yicha temir moddasi miqdori, (mg/kg)	Namunalar	
			Oliy navli novvoylik bug'doy uni	Birinchi navli novvoylik bug'doy uni
1.	An'anaviy usul	16,0-40,0	Etalonga mos	Etalonga mos
2.	GOST 26928-86 ga ko'ra (kolorimetrik usul)	16,0-40,0	19,0 mg/kg	23,0 mg/kg

Xulosa: Eslatib o'tamiz, O'zbekistonda 2011-yil 1-yanvardan boshlab bug'doy uni va osh tuzi faqat mikronutrientlar bilan boyitilgan shaklda ishlab chiqariladi va sotiladi. Anashularning inobatga olgan holda, har bir donni qayta ishlash korxonalarida bug'doy uni tarkibidagi vitaminlar, foliy kislotasi va temir moddasi belgilangan me'yoriy xujjatlar asosida nazorat qilib boriladi.

“O'zdonmahsulot” AK va “Salomatlik-3” loyihasini amalga oshirish Markaziy byurosi huzuridagi Oziq-ovqat mahsulotlarini boyitish dasturini amalga oshirish guruhi tomonidan taqdim etilgan O'z DSt 1104:2021 davlat standarti bugungi kunda insonlarda (ko'pinch ayollar va yosh bolalarda) temir tanqisligi (anemiya) kasalligining oldini olish maqsadida joriy etilgan.

An'anaviy (klassik) usul o'zining oddiyligi bilan kolorimetrik usuldan farq qiladi, ammo ushbu usulning kamchiligi, boyitilgan un mahsuloti tarkibida vitamin-mineral aralashma miqdorini aniq raqamlarda ifodalash imkoni yo'q, faqat un tarkibida mavjudligini, qancha miqdorda ekanligi faqat rang intensivligiga ko'ra aniqlash imkonini beradi. GOST 26928-86 standartiga muvofiq kolorimetrik tahlil usuli temir miqdorini aniq qiymatlarda aniqlaganligi uchun samarali va ishonchli ekanligi aniqlandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'z DSt 1104:2021 Vitamin - mineral aralashma bilan boyitilgan oliy va birinchi navli novvoylik bug'doy uni. Texnikaviy shartlar
2. R.A.Xaitov, R.I.Zuparov, V.E.Radjabov, Z.Z.Shukurov “Don va don mahsulotlarining sifatini baholash hamda nazorat qilish”, Toshkent “Universitet” 2000-yil.
3. И.В.Суворов Витаминно-минеральные смеси «Колосок» Л.Н.Шатнюк ГУ НИИ питания РАМН, ЗАО «Валетек Продимпекс» 01.12.2004
4. «O'zstandart» agentligining 2021-yil 29- yanvardagi TR–21 sonli qarori
5. O'zbekiston Respublikasi sanitariya qoidalari, me'yorlari va gigiyenik normativlari, Oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligining gigiyenik normativlari № 0366-19-sonli SanPin
6. “GOST - 26928-86 – Xom ashyo va oziq – ovqat mahsulotlari. Temirni aniqlash” usullari
7. Филушкина, П. А. Ценность хлеба как важная составляющая жизни человека / П. А. Филушкина, И. В. Соболева. — Текст: непосредственный // Юный ученый. — 2016. — № 1.1 (4.1). — С. 72-73. — URL: <https://moluch.ru/young/archive/4/396>
8. Г.А.Егоров, Е.М.Мельников, Б.М. Максимчук “Технология муки, крупы и комбикормов”/ Москва, Колос, 1984. - 376 с.
9. P.M.Tursunxo'jayev, N.K.Ayxadjayeva “Un va yorma texnologiyasi”. Toshkent, «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2012-yil.

MARGARINNI SAQLASHDA XAVFSIZLIK TADQIQOTI

M.S.Raximov, N.D.Normamatov, H.A.Bo'riyev, F.Sh.Narzullayev, U.A.Temirbekov
Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Margarin mahsulotlarini havo kislarodidan himoya qilish, ularning hidi va ta'mini yaxshilash, shuningdek, saqlash muddatini ko'paytirish uchun quyidagi ilmiy yechimlarni asoslash kerak, xususan: iste'mol qilinadigan yog'larning sifati va ularning ish faoliyatini yaxshilash yo'llari; mahalliy xomashyodan tabiiy antioksidantlar olish; margarin mahsulotlari uchun antioksidantlarning samarali kompozitsiyalarini yaratish; margarinli mahsulotlar ishlab chiqarishda antioksidantlardan foydalanishning optimal sharoitlarini aniqlash.

В целях защиты маргариновой продукции от окисления кислородом, улучшения их запаха и вкуса, а также увеличения срока хранения должны быть обоснованы следующие научные решения, в частности: способы улучшения качества пищевых масел и их эксплуатационных свойств; получение природных антиоксидантов из местного сырья; создание эффективных композиций антиоксидантов для маргариновой продукции; определение оптимальных условий использования антиоксидантов при производстве маргариновой продукции.

XXI asrga kelib fan va texnologiya butun dunyo mamlakatlarida rivojlanishning eng yangi bosqichiga ko'tarildi. Bu kabi muhim o'zgarishlar oziq-ovqat sanoatiga ham o'z ta'siri

korsatmasdan qolmadi. Jumladan birgina don xomashyosidan yuzlab oziq-ovqat mahsulotlari assortimenti yaratish mumkinligi isbotlandi. Bundan tashqari asosiy ozuqa hisoblanmish yog'-moy mahsulotlari turlari ham anchaga o'sdi.

O'zbekiston iqtisodiyot tizimini qayta qurish bo'yicha ishlab chiqilgan chora-tadbirlardan yana biri respublika aholisini oziq-ovqat mahsulotlariga, talab katta bo'lgan tovarlarga, ayniqsa bolalar va katta yoshdagilarga mo'ljallangan eng zarur tovarlarga bo'lgan ehtiyojlarini maxalliy maxsulotlar hisobiga qondirishni ta'minlashni ko'zda tutadi. Yog' moy sanoati oldida ana shunday eng zarur maxsulotlar jumlasiga kiruvchi o'simlik moyi va uni qayta ishlash maxsulotlari bilan xalq ehtiyojini to'liq ta'minlash masalasi turadi[4]. Maxalliy xom ashyodan tannarxi arzon bo'lgan sifatli yog' mahsulotlari, jumladan, margarin mahsulotlari ishlab chiqarish, bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri bo'lib turibdi [4].

Margarin sariyog'ga o'xshash yog' sifatida 1869-yilda fransuz kimyogari Mej-Mure tomonidan ishlab chiqarilgan. U eritilgan mol yog'ining tez eriydigan qismini sigir oshqozonidagi zardob yordamida emulsiyalashni taklif etdi. Hosil bo'lgan aralashmani yaxna suvda sovutilganda yarim qattiq, och sariq rangli yaltiroq donachalar hosil bo'ldi. Mej-Mure ularni margarin deb atadi, bu (margjaret — fransuzcha — marvarid) marvarid ma'nosini bildiradi[1].

Margarin — bu mayda zarrachali emulsiya bo'lib, uning tarkibiga: yog'lar, sut, tuz, shakar, vitaminlar, fosfatidlar, emulgator va boshqalar kiradi. Sobiq ittifoqda birinchi margarin zavodlari 1930-yilda Moskva va Sankt-Peterburgda ishga tushirilgan. Moylarning ozuqa qiymati ularning energetik qiymati va fiziologik ta'siri orqali aniqlanadi. Margarin kishi organizmiga singishi jihatidan sariyog'dan past emas va energetik qiymati jihatidan esa undan yuqori turadi[1].

Margarin mahsulotlarining assortimenti. Margarin mahsulotlari quyidagilarga bo'linadi:

- 1) margarinlar (yog' va sut yoki suv em ulsiyasi) tarkibidagi yog'ning miqdori 82 % dan kam bo'lmasligi kerak (sutli margarinlar);
- 2) yog'lar (qandolat, non mahsulotlari va oshpazlik uchun) yog'ning miqdori 99,7 % gacha bo'ladi [1].

TADQIQOT OB'EKTI VA USULLARI

Yog'li xom ashyoning organoleptik xususiyatlarini (shaffoflik, hid, ta'm va rang) aniqlash quyidagi me'yoriy hujjatlarga muvofiq amalga oshirildi:

- GOST 5472 "O'simlik moylari. Hidi, rangi va shaffofligini aniqlash";
- GOST R 52969-2008 "Sariq. Texnik shartlar";
- O'zDSt 3317:2018 "Margarin. Texnik shartlar".

O'simlik moylari va sut yog'larining yog' kislotalari tarkibini aniqlash GOST R 51483-99 "O'simlik moylari va hayvon yog'lari" bo'yicha amalga oshirildi. Ayrinchi yog' kislotalarining metil efirlarining ularning yig'indisiga qadar massa ulushini gaz xromatografiyasi bilan aniqlash.

Millimollarida ifodalangan peroksid qiymatini aniqlash quyidagi me'yoriy hujjatlar talablariga muvofiq amalga oshirildi.

- GOST R 51487-99 "O'simlik moylari va hayvonlarning yog'lari. Peroksid qiymatini aniqlash usuli";
- GOST 31756-2012 "Hayvonot va o'simlik yog'lari va yog'lari. Anisidin sonini aniqlash";
- GOST R 55810-2013 "Go'sht va go'sht mahsulotlari. Tiobarbiturik sonini aniqlash usuli
- GOST R 51453-99 "Sut yog'i. Suvsiz yog'da peroksid miqdorini aniqlash usuli .

Yog' tarkibidagi erkin yog' kislotalarining tarkibini aks ettiruvchi va erkin yog' kislotalarini zararsizlantirish uchun zarur bo'lgan mg kaustik kaliy (KOH) da ifodalangan kislotalar sonini aniqlash GOST R 50457-92 talablariga muvofiq amalga oshirildi. Hayvon va o'simlik yog'lari va yog'lari. Kislotasi soni va kislotaligini aniqlash.

Xom ashyoning kislotaliligini aniqlash GOST R 52110 bo'yicha amalga oshirildi.

Namlik va uchuvchi moddalarning massa ulushi foizlarda ifodalangan GOST R 50456-92 "Hayvonot va o'simlik yog'lari va yog'lari. Namlik va uchuvchi moddalarni aniqlash".

Erishi va quyilish nuqtasi, zichligi va sinishi indeksini aniqlash GOST R 52179 bo'yicha aniqlangan.

Margarin konsistensiyasi nuqsonlari. Margarin yumshoq, qattiq, uqalanib ketadigan konsistensiyali bo'lsa, bu margarin tarkibidagi yog' retsepturasi noto'g'ri tuzilganligi yoki yog' aralashmasining qattiqligi yuqori bo'lganidan dalolat beradi. Sovutish rejimi noto'g'ri olib borilsa, margaringa ortiqcha mexanik ishlov berilsa kristallar juda maydalanib ketsa ham margarin konsistensiyasi buziladi. Loyqa tomchi hosil bo'lishi ivitilmagan yoki yaxshi ivitilmagan sut ishlatilganligini ko'rsatadi. Emulgator kam qo'shilsa yoki sifati past bo'lsa yirik sut tomchilari hosil bo'ladi [5].

Margarinlarning oksidlanish barqarorligini o'rganish O'simlik moylari va yog'larning oksidlanish darajasini aniqlash va ularning oksidlanish barqarorligini o'rganish uchun ko'plab usullar taklif qilingan. Keng qo'llaniladigan usullardan biri tezlashtirilgan oksidlanish usulidir. Oksidlanish harorat, katalizator mavjudligi, kislorodning qisman bosimi kabi fizik va kimyoviy omillar ta'sirida tezlashadi. Haroratning oshishi bilan oksidlanish tezligi oshadi va bu omil oksidlanishni tezlashtirish uchun ishlatiladi. Oziq-ovqat sanoatida to'yinmagan yog'li kislotalar va baliq yog'ini iste'mol qilish ortib borishi bilan lipidlarning oksidlanishi muammosi paydo bo'ladi. Lipidlarning oksidlanishi oziqovqat sifatiga salbiy ta'sir qiladi. Oksidlanish jarayonini sekinlashtirish yoki to'xtatish iqtisodiy va boshqa foyda olish imkoniyatini beradi[5].

1-jadval

Oksidlanish jarayoni ingibitorlarining turlari

Retarder turi	Ta'sir qilish usuli	Misol
Antioksidantlar	reaksiyaga kirishadi erkin radikallar bilan	Tokoferollar, flavonoidlar, karotenoidlar , sterollar , taninlar
Sinergistlar	Antioksidantlarni qayta Tiklaydi	Tokoferollar, peptidlar, aminokislotalar
Inaktivator yagona kislorod	Singlet kislorodni faolsizlantiradi	Karotenoidlar , askorbin kislotalari
Xelatomer moddalar	Metallarni bog'laydi faol bo'lmagan komplekslarga	Limon kislotalari, polifosfatlar

Margarin oksidlanish mahsulotlari shartli ravishda quyidagilarga bo'linadi: birinchi guruh - triatsilgliseridlarning to'yinmagan yog'li kislotalarining parchalanishi va oksidlanish mahsulotlari;

ikkinchi guruh - yangi funktsional guruhlarda va izomerizatsiya mahsulotlarida farq qiluvchi teng uglerod tarkibidagi oksidlangan yog' kislotalari;

uchinchi guruh - polimerizatsiya, kondensatsiya mahsulotlari va qo'shimcha ravishda kislorod o'z ichiga olgan funktsional guruhlar[5].

Umuman olganda, margarin triatsilgliseridlarining oksidlangan yog' kislotalari issiqlikka chidamli va issiqlikka chidamli mahsulotlarga bo'linishi mumkin. Triatsilgliseridlarning parchalanishi uchun katalizator bo'lgan fermentativ lipaza kamida 85-90°C haroratda o'z faolligini yo'qotishini hisobga olgan holda, margarin ishlab chiqarishda ishlatiladigan ko'p to'yinmagan o'simlik moylarini 95-dan yuqori haroratda issiq presslash orqali olish kerak. 100 °C.

Tayyor mahsulotdagi xavfsizlik darajasi. Margarin mikro analitik va mikrobiologik tekshiruvlar natijasida olingan oziq ovqat xavfsizlik mezonlari quyidagi 2 – jadvalda keltirilgan [5]

2-jadval

Ko'rsatkichlar	Ruxsat etilgan miqdor
Kislota soni	2,5°T
Perekis soni	10,0 mol aktiv kislorod/kg yog'li fazada
Toksik elementlar	

Simob	0,03mg/kg				
Kadmiy	0,03mg/kg				
Qo'rg'oshin	0,1 mg/kg				
Mishyak	0,1 mg/kg				
Mis	0,4 mg/kg				
Temir	1,5 mg/kg				
Nikel	0,7 mg/kg				
Mikrotoksinlar					
Aflotoksin M1			0,0005 mg/kg		
Antibiotiklar					
Levomitsitin va boshqalar			Ruxsat etilmaydi		
Pestitsidlar					
Geksaxlortsiklogeksan			1,25 mg/kg		
DDT va uni metabolitlari			1,0 yog' hisobida		
Radionukleotidlar					
Tseziy-137			100 bk/kg		
Stronsiy-90			80 bk/kg		
Mikrobiologik ko'rsatkichlari					
KMAFAAN, KOE/g dan ko'p emas	Mahsulot tarkibidagi ruhsat etilmaydiganlar, gr			Zamburug' KOE/g, dan ko'p emas	Mog'or KOE/g, dan ko'p emas
	BGKM (koliformasi)	S.areus	Patogenlar, salmonella		
1.10 ⁵	0.01	0.1	25	100	100

XULOSA

Oziq-ovqat texnologiyasi va biotexnologiyasi fanlaridan bizga ma'lumki, oziq-ovqat antioksidantlari – oziq-ovqat mahsulotlarini havo tarkibidagi kislorod (O₂) ta'sirida oksidlanishining oldini olishga xizmat qiladi.

Ushbu maqolamizda xom ashyoni tahlil qilish va ularning margarinning fizik-kimyoviy ko'rsatkichlarini statistik usullar bilan o'lchash xatolari ko'rsatilgan. Jarayondagi sifat va miqdoriy o'zgarishlarni baholash uchun zarur bo'lgan xom ashyo, margarin va antioksidantlarning yog'li asoslarini tahlil qilish uchun tanlangan usullar.

Faol kislorod dastlab suyuq o'simlik moylari bilan, keyin esa qattiq yog'lar bilan o'zaro ta'sir qilishi aniqlandi. Shuning uchun antioksidant dastlab suyuq o'simlik moylarini, keyin esa qattiq yog'ni oksidlanishdan himoya qilishi kerak. Antioksidant sifatida quercetin margarinaridan foydalanish to'yinmagan yog'li kislotalarning oksidlanish jarayonini sezilarli darajada inhiye qilishi mumkin. a-tokoferoldan foydalanish, shuningdek, margarinning oksidlanish darajasini pasaytiradi, ayniqsa ikkilamchi oksidlanish mahsulotlari hosil bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR / REFERENCES

1. Y.Q.Qodirov. Yog'-moy mahsulotlari ishlab chiqarish texnologiyasi. "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. Toshkent 2007
2. Султанович Y.A. Современные тенденции развития технологии специальных жиров и маргаринов / Y.A. Султанович, B.B. Мельников // Кондитерское и хлебопекарное производство. – 2011. – № 8. – С. 12–13.
3. J.P. Davis, D. Geller, W.H. Faircloth, T.H. Sanders Comparisons of biodiesel produced from unrefined oils of different peanut cultivars //Journal of the American Oil Chemists' Society / April 2009, Volume 86, Issue 4, pp 353361

4. Carrasco-Castilla J., Hernandez-Alvarez A. J., Jimenez-Martinez C., Gutierrez-Lopez G. F., Davila-Ortiz G. Use of proteomics and peptidomics methods in food bioactive peptide science and engineering. Food Engineering Reviews, -2012. –Vol.4. –pp.224–243.

5. Егоров С.А., Одинцова Т.И. Защитные пептиды иммунитета растений // Биоорганическая химия. -2012. -Т.38. -№1. -С.7-17.

MAHALLIY XOMASHYOLAR ASOSIDA OLINGAN SORBENTLAR YORDAMIDA OQOVA SUVLARINI OG'IR METALLARDAN TOZALASH

SH.V.G'afforova. S.S.Omandavlatov
Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Metall kationlar atmosferaning asosiy ifloslantiruvchi moddalari hisoblanadi. Tabiiy suv resurslarida seriyning to'planishi jiddiy ekologik muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Yana bir jihat - metallurgiya shlaklari chiqindilarining to'planishi. Rossiyaning Chelyabinsk shahri yaqinida joylashgan metallurgiya shlaklari seriy ionlarini (Ce^{3+}) immobilizatsiya qilishga qodir kukun va donador kalsiy alyumosilikatlarini ($\text{CaO-MgO-SiO}_2\text{-Al}_2\text{O}_3$) kompozit sorbentlar ishlab chiqarish uchun potensial xom ashyo sifatida o'rganildi. Sorbsion tajribalarda Ce^{3+} ionlarining yuqori konsentratsiyasi (1000 mg/l) bo'lgan suvli eritmalar qo'llanilgan. Migratsiya xususiyatlari kalsiy (Ca^{2+}), magniy (Mg^{2+}), kremniy (Si^{4+}) va aluminiy (Al^{3+}) ionlari uchun o'rganildi. 24 soat ichida Ce^{3+} ionlarini olib tashlash darajasi kukun holida 93,36% ga, donador sorbentlar uchun 99,98% ga yetdi. Sorbentlarning sorbat bilan o'zaro ta'siri Ca^{2+} va Mg^{2+} ionlarining sorbent matritsasiidan suvli eritmasiga teskari o'tishi bilan birga bo'lgan. Desorbsiya jarayoni distillangan suvda o'rganildi.

Boshlovchi erituvchi, faollashtiruvchisiz reaksiya muhiti, yuqori va selektiv sorbsiya xususiyatlari va yuqori qayta foydalanish imkoniyati ushbu sorbentlarni suvni zararli organik suyuqliklardan singdirish orqali tozalash uchun istiqbolli nomzodlarga aylantirishi mumkin.[1].

Sorbentlarning selektivligi turli qimmatbaxo metallarning sintezida turli tadqiqotlar olib borilgan. Bir qancha adabiyotlarda oltin va kumushga nisbatan sorbsion faollikni namoyon qiluvchi politiokarbamid olish usuli keltirilgan [2].

Tarkibida kremniy tutgan barcha minerallar va sintetik sorbsion materiallar turli xil fizik kimyoviy va texnik xususiyatlarga ega bo'lgan keng birikmalar guruhini tashkil qiladi [3].

Daslab laboratoriyada namunalarning bir litriga 1,5 - 2,5 - 3 g sorbent 30-50 daqiqa solib suv og'ir metallarni sorbsiya hususiyatlari tekshirildi va optimal sharoitlari 50 daqiqa, hamda, 2,5 g sorbent sarflanishi aniqlandi. Sorbsion qobiliyati yuqori bo'lgan tarkibida azot, kremniy, kislorod saqlagan sorbentning sorbsion xossalari o'rganildi va zarur bo'gan chiqindi suvlarni og'ir metallardan tozalash uchun sinov ishlari uchun tayyorlandi. Oqova va chiqindi suvlari bosqichma-bosqich tozalab elektr energiyasi ishlab chiqarishdagi fizik kimyoviy hususiyatlari aniqlandi.

Chiqindi suvlarni tozalash jarayonida ularning fizik-kimyoviy xossalari sinovdan avval va sinovdan keyin aniqlandi (1-jadval). Ushbu tajriba sinov ishlari "To'raqurg'on issiqlik elektr stansiyasi" UK korxonasining markaziy laboratoriyasida olib borildi.

1-jadval

№	Ko'rsatkichlar	Chiqindi suv liniyasidan olingan suv namunasi	
		Sinovdan oldin (mg/g)	Sinovdan keyin (mg/g) 50 minutdan keyin
1.	Fe^{3+}	0,34	0,02
2.	Mo^{6+}	1,9	0,5
3.	Cu^{2+}	1,6	0,02
4.	Cr	100	27

Chiqindi suvlarni mahalliy xomashyolar asosidagi tarkibida azot, kremniy, kislorod saqlagan sorbentdan foydalanib tozalash iqtisodiy nuqtai nazardan maqbul hisoblanadi.

XULOSA: Olingan natijalarga asosanib olingan sorbent yordamida chiqindi suvlarni og'ir metallardan: Fe^{3+} ionidan 94% ga, Mo^{6+} ionidan 74% ga, Cu^{2+} ionidan 98,75% ga, Cr ionidan 77% ga tozalashini ijobiy baholash mumkin. Olib borilgan ilmiy tadqiqot ishidagi sorbentning sorbsion xususiyatini yuqorilgini inobatga olib oqova va chiqindi suvlarini qushimcha ionlardan tozalashi o'rganildi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. A.G. Morozova, T.M. Lonzinger, V.A. Skotnikov, J.N. Sahu, G.G. Mikhailov, J.L. Schenk, A. Bhattacharyya, Y. Kapelyushin, // Utilization of metallurgical slag with presence of novel $\text{CaO-MgO-SiO}_2\text{-Al}_2\text{O}_3$ as a composite sorbent for wastewater treatment contaminated by cerium, // Journal of Cleaner Production, Volume, 255, 2020, 120286, <https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2020.120286>.
2. Aimaro Sanna, Ili Ramli, M. Mercedes Maroto-Valer, // Development of sodium/lithium/fly ash sorbents for high temperature post-combustion CO_2 capture, Applied Energy, Volume 56, 2015, Pages 197-206, ISSN 0306-2619, <https://doi.org/10.1016/j.apenergy.2015.07.008>.
3. Samia ben Hammouda, Zhi Chen, Chunjiang An, Kenneth Lee, // Recent advances in developing cellulosic sorbent materials for oil spill cleanup: A state-of-the-art review, // Journal of Cleaner Production, Volume 311, 2021, 127630, <https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2021.127630>.

GOST REQUIREMENTS OF NATURAL DRIED FRUITS AND VEGETABLES

Sattorova B.N. Tursunaliyeva F.B.

Fergana Polytechnic Institute

